



Нурали КОБУЛ

Суикасддан  
унгни  
УКУТ

“ёхуғ

Чингизхондан  
Черчиллагача

Роман-  
памфлет II

Нурали ҚОБУЛ

**СУИҚАСДДАН СЎНГГИ  
СУКУТ  
ёхуд ЧИНГИЗХОНДАН  
ЧЕРЧИЛЛГАЧА**

*Роман-памфлет*

*Иккинчи китоб*

*Донолар қаршисида тилингни тий,  
Авлиёлар қаршисида дилингни тий.*

**Машойихлар ҳикмати**

*Буюк тақдир – буюк қулликдир.*

**Сенека**

Тошкент  
“АДАБИЁТ УШҚУНЛАРИ”  
2019

УЎК: 371.335-53.5

КБК: 74.202.4

Қ-36

**Тақризчилар:**

**Поён РАВШАНОВ –**

Филология фанлари доктори, профессор

**Ақром ҲАБИБУЛЛАЕВ –**

Индиана университети, Блумингтон  
профессори, тарих фанлари доктори

**Баҳодир ПАСИЛОВ –**

Тарих фанлари номзоди, Ўз ФА Тарих  
институту илмий ходими.

Қобул, Нурали

Суиқасддан сўнги сукут ёхуд Чингизхондан  
Черчиллгача: роман-памфлет / Н. Қобул. – Тошкент:  
«ADABIYOT UCHQUNLARI», 2018. – 320 б.

**ISBN: 978-9943-5257-1-9**

*Нобель мукофоти лауреати Габриэль Гарсиа Маркеснинг «Ошкора қотиллик қиссаси» асарида Сантьяго Насарнинг ўлдирилишини барча билади. Бироқ ҳамма гунг, куру кардек ломлим демай сукут сақлайди. Бу сукут суиқасдидир.*

*Энг даҳшатлиси, у ўлдирилгандан сўнг ҳам одамлар қотилнинг кимлигини билсалар-да яна сукут сақлайдилар. Бу суиқасддан сўнги сукутдир. Биз бир-биримизнинг қисмату қадаримизга лоқайд қарар эканмиз, бу каби суиқасдлар давом этаверади.*

**Abdulla Qodiriy nomidagi**

**viloyat AKM**

**INV № 163744-2018**

ISBN: 978-9943-5257-1-9

УЎК: 371.335-53.5

КБК: 74.202.4

## МУНДАРИЖА

1. Белдан пастга тушган сиёсат ёхуд отангни ўлдирганга...	5
2. Беклик элга ярашар ёхуд Михаил Горбачевнинг эски костюми	15
3. Дитрих Геншер эътирофи ёхуд Аҳмад Яссавий нега ер остига кириб кетган ва Тошкентда Шекспирни инкор этган этикдўзлар	23
4. Цицерон цилиндри ёхуд устози аъзам Антон Павлович Чеховнинг ташхиси ва Азиз Несиннинг хатоси	30
5. Амал ва ажал ёхуд президентлар ҳам ўладилар	36
6. Буюкларнинг буюк хатолари ёхуд Амир Темур ва Наполеон ҳамда Чингиз Айтматову Ҳофиз Шерозий	46
7. Тошкентда жон чеккан Брежнев ёхуд Ҳайдар Алиевнинг бир соатлик қадаҳ сўзи	58
8. Сиёсатнинг сирли ўйинлари ёхуд иштони йўқнинг иштони йиртиқ устидан кулгани	66
9. Ер ҳаммани кўтаради ёхуд инсон каби инсонлик	75
10. Тож кийган бош ақлланирми ёхуд Абдулла Қодирийнинг хатоси ва ўзи Сибирда қарағай кесиб келган халқ душманининг ёш авлоддан “халқ душмани” яшаш ишига бош-қош бўлгани	84
11. Пушти паноҳ ва иккинчи одам ёхуд тўнқарилиб тушган Черненко	95
12. Давлат бошга ёки қузғун лошга ёхуд академик Арбатовнинг шамаси ва ҳикояси	102
13. Тириклик саодати ёхуд “яшашдан чарчадим, Яша!”	111

14. Президентлар ҳам пора оладиларми ёхуд бу ҳақда президент билан суҳбат .....	119
15. Қўқон хонлари — Бобур авлоди ёхуд сўнгги шахзода .....	127
16. Халифа ан-Носиру Чингизхон ва Фидель Кастро ёхуд бир Саддам Ҳусайннинг мингта бўлгани ҳамда Каъбадаги ўғирлик .....	151
17. Султон Улуғбек ва вазири аъзам Анатолий Медведев ҳамда президент Путин кимга қариндош ёхуд Султон Муҳаммад Ўзбакхоннинг тарихий фармони .....	166
18. Юбилейини ўтказмаслик учун ёлворган классик ёхуд буюк шоир ҳайкали очилишидан энсаси қотган ёзувчи .....	188
19. Суиқасддан сўнгги сукут ёхуд Рузвельт, Жон Кеннеди ва Николае Чаушеску қисматию муфтидан президент чиқиш-чиқмаслиги ҳақида президент ила фикрлашув .....	206
20. Адолатнинг сўнг манзили ёхуд саодатга сазовор этмоқ санъати .....	221
21. Президентнинг тушлик таклифини рад этган ёзувчи ёхуд бизни ким босиб олади? .....	250
22. Отарчи оғзига қараган қавм ёхуд фикрловчилар ўқув заллари ва кутубхоналарни, фанатиклар эса стадион ҳамда концерт залларини тўлдирадилар .....	265
23. Подшоҳнинг қора қанжиғи ёхуд Тошбақа тужжорлиги .....	273
24. “Америка” .....	296

## 1. БЕЛДАН ПАСТГА ТУШГАН СИЁСАТ ЁХУД ОТАНГНИ ЎЛДИРГАНГА...

*Сиёсат — маблағсиз даромаддир.  
Отасўзи*

*Сиз сиёсат билан шуғуллан-  
масангиз ҳам, сиёсат сиз билан  
шуғулланади.*

### МОНТАЛАМБЕР

*Сиёсий қобилият — эртага,  
индин, келгуси ҳафта, бир ой ва  
бир йилдан кейин нималар бўлишини  
олдидан башорат эта олишингиз,  
сўнгра эса бу ишларнинг нега амалга  
ошмаганлигини изоҳлай билишингиз  
демакдир.*

### ЧЕРЧИЛЛЬ

— “Нурли қуёш” колхозида табелчи эдим, —  
дея ҳикояларини бошлардилар раҳматли дадам  
чуқур нафас олиб, ғамгин оҳангда. — Шомга  
яқин тизза бўйи қору қаҳратонда қора терга  
тушган отини чоптириб, раис Шодмон ўрис  
ҳовлимизга кириб келди.

— Тез бўл, Холбўта! Сени биринчи секретарь  
Эргаш Холматов чақираётир! Отимга мингаш,  
ўзим олиб бораман! — деди раис голибона  
оҳангда.

— Райкомнинг менда нима иши бор?  
Коммунист бўлмасам. Оддий бир табелчи  
бўлсам, — раиснинг авзойига қараб шошиб  
қолдилар дадам.

— Мен билмайман, иним. Райком чақирти-  
рибдими, демак, муҳим бир гапи бор. Райком  
чақирганда сену мени қўявер, Ойқор тоғидаги

Оллоҳга омонатларини топширдилар. Тўрт етим билан Иқбол энанг иккимиз кўчада қолдик.

Шаҳзода энам бобомнинг биринчи завжалари бўлганлар. Фарзанд кўрмагач, бобомизга ўзлари бош-қош бўлиб, Иқбол энамизни олиб берганлар ва болаларини ўзлари тарбиялаганлар. Мана сизга ҳақиқий шарқ ва мусулмон аёлининг инсонийлиги ҳамда бағрикенглиги. Иқболой энам ҳаётдан эрта кўз юмганлари учун бизлар ҳам Шаҳзода энамнинг тарбияларидан баҳраманд бўлганмиз.

Дадамни отига бемаҳал миндириб кетган Шодмон ўрисга кўзи тушган икки энамизнинг шом туби қоронғи бўлади. Юракларини ҳовучлаганча кўзларида ёш билан худди бобомни кузатаётгандек дадамни ҳам йўлчи этиб қоладилар.

— Ғаллакндаги йилқичилик фермасига мудир бўлиб борасан, Қобулов! — дейди ғулабирдан келган қора юзли, танасига нисбатан калласи каттароқ райкомнинг биринчи секретари Эргаш Холматов.

— Бу иш қўлимдан келмайди, райком бово! Олдинги уч мудир ҳам қамалиб кетди. Икки энам бор. Энди уйландим. Менга раҳм қилинг! — зорланади дадам.

— Давлатнинг молини еб қўйгандан кейин қамалади-да. Шунинг учун емаслик керак! — овозини баландлатади биринчи котиб.

— Жон райком бово! Мени...

— Гапни кўпайтирма! Райкомнинг буйруғини бажармайдиган одам ҳали онасидан туғилмаган. Борасан дедимми, борасан! Агар айтганимни қилмай, бормайдиган бўлсанг, Ўснатнинг сувини ичмайсан! Тушундингми?

— Хўп! Майли! Тушундим, райком бово!

— дейдилар дадам раҳбарнинг қаҳрини қўз-  
гатмаслик учун рози бўлиб.

— Кўндингми? — дейди бу ишдан ха-  
бардорлигини яширмай жилмаяр экан раис  
Шодмон ўрис.

— Ҳа! — дейдилар дадам гапни узатмай.

— Бўпти! Унда эртага эрталаб идорага кел!  
Бирга фермага борамиз! Отларни қабул қилиб  
оласан! — буюради раис дадамни пойи-пиёда  
қолдириб, оти жilовини уйи томон бураркан.

“Ўсма<sup>т</sup>нинг сувини ичмайсан!”

Қалин қорда уйга аранг етиб келгунча шу  
сўзни ўзларича муҳокама этадилар дадам.  
“Ўсма<sup>т</sup>нинг сувини ичмайсан!” Демак, бу  
қамаласан, деганими?! Бошқа гап эмас.

Келиб бўлган воқеани энамларга айтадилар.  
Энам маслаҳат учун Ҳамза ва Абдусалом  
амакиларни чақирадилар.

— Ўсма<sup>т</sup>нинг сувини ичмайсан дегани,  
отангнинг орқасидан Сибирияга жўнатаман  
дегани, амаки! — дейди бу воқеадан ҳая-  
жонланган Ҳамза амаки. — Фурсатни ғанимат  
билиб, кечаси қочиш керак. Турмуш шундай  
экан. Ферма мудирини бўлсанг ҳам қамаласан,  
йўқ десанг ҳам. Қочишдан бошқа чора йўқ!  
Ўзбекистонда бўлсанг топтириши мумкин.  
Сталинободгами, Регаргами қочиш керак.  
Мен ҳам сиз билан бирга кетаман. Розини бўлса  
Абдусалом ҳам юрсин!

— Майли, мен ҳам бораман! — кўнади  
Абдусалом амаки.

Топган-тутганини бўғчага туккан уч эркак  
ва уч аёл тун қоронғисида йўлга тушадилар.  
Андижон-Душанбе поездини пойлаб, бир неча  
кун Ғаллаорол станцияси атрофида яшириниб  
яшайдилар. Ва бир амаллаб, ит азобида  
Тожикистонинг Регар районида, қирқинчи



матовнинг ноҳақ партиявий жазо олиб ишдан кетганлигини яхши билган Шароф Рашидов адолатни қарор топтириб, эски сафдошини аввалги ўрнига тиклаган эди.

Худди шу пайтдан бошлаб, болалигимдан бери оиламизда номи тилга олинганда барча бирдек сергак тортадиган одам билан гаплашиб, мулоқотга киришдим. Бахмалдан сўнг Эргаш ака Зомин районига раҳбар бўлиб бордилар ва узоқ йиллар ишладилар. У киши ва Аҳад Соибназаров раҳбарлигида Зомин сув омбори бунёд этилди.

Доимо Зоминга борганимда мени самимиятла қаршилаб, уйларида, чечамизга ош дамлатиб келардилар. Ярим кечагача суҳбатлашардик.

Бироқ нечоғли яқин ва самимий суҳбатдош бўлмайлик, отам билан ораларида бўлиб ўтган воқеани эслатмадим. Кечмиш даврларга ўша замону сиёсат кўзи ила боқиб, бўлажак қаҳрамонимни борлигича қабул қилдим ва у киши ҳақида очерк ёздим. Бадиий битикларимда фойдаландим ва ҳар замон отамнинг “У кишида айб йўқ. У бечора ҳам давлатнинг сиёсатини юргизган-да” деган кечиримли оҳангдаги сўзларини ёдда тутдим.

Бошқа битикчиларни билмадиму мен ўзгалар ҳақида доимо жўшиб ёза оламан. Бироқ бобом, Шаҳзода энам, отам ва онамга келганда юрагим тўлиб, йиғим бўғзимга тикилиб қолади.

Бунинг сабаби бор экан, дадам раҳматли кимга неки яхшилик қилсалар, ҳеч кимга, ҳаттоки онамга ҳам айтмас эканлар. Шунинг учун ҳам биз у кишининг хайрли ишларидан беҳабар қолган эканмиз.

— Жўра, эсингиздами, интернатга тўққизинчи синфга ўқишга борганимизда, мен

билан Қўчқорга иссиқ овқат беришар, сизга беришмас эди, — деди бир куни гурунглашиб ўтирганимизда синфдош дўстим Бобомурод.

— Ҳа, эсимда. Нима эди? — ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Ўшанда авом раҳматли мени ва Қўчқорни директоримиз Қўзиевга тайинлаб, “бу иккиси етим. Менинг ўғлимга овқат бермасаларинг ҳам майли. Шу икки етимга овқат беринглар”, дея кўзларига ёш олиб, рўйхатга киритиб келган эканлар, — деди-да, болалар каби елкаси силкиниб йиғлаб юборди. — Ўзлари ҳам етим ўсганлар-да!

Шу пайтгача эшитмаганим бу гапдан ҳайрату қайғуда мен ҳам дўстимга қўшилдим.

Ўша пайтда узоқ қишлоқларда ўрта мактаблар оз эди. Ўқишни давом эттирувчилар учун Жиззах районининг Оққўрғон маҳалласидаги 8-ўрта мактаб-интернатда бу имконият бор эди. Ётоқхонада отасиз ё онасиз ўқувчиларга овқат берилар, ота-онаси борлар ўз кунини кўрарди.

Мен бир ҳафталик тирикчилигим учун уйдан олтита нон, бир юмалоқ тузли қорин сарёғи, уч сўм пул олиб кетар эдим.

Синфдошларимиз кечқурун иссиқ овқат ейишганда биз нон билан чой ичардик. Тушда эса йигирма тийинга битта сомса олиб, беш тийинлик бўлка нон билан ер эдим.

Ўнинчи синфга ўтганимда шамоллаб, шифохонага тушиб қолдим.

— Бола тузук-қуруқ овқат емаган, шунинг учун касаллик уни енгган, — деди доктор мени кўргани келган дадамга.

Шундан сўнг бир ҳафталик маошим уч сўмдан беш сўмга чиқди. Кейин билсам қишлоғимиздаги доно маслаҳатчиларнинг “Болага

Хуллас, Ўзбекистондан СССР халқ депутати этиб сайланган йигирма бир киши ўша пайтдаги бош вазир Шукрулло Мирсаидов бошчилигида Москва йўлини тутдик.

Қайд учун Кремлга яқинлашишимиз билан бизни мухбирлар армияси қарши олди. Бироқ ҳеч бир ўзбекистонлик вакил юрак ютиб мухбирлар саволига жавоб бермас, ҳамма ўзини олиб қочарди. Мен ҳам ўзимни ватандошларим каби тутмоқдан уялдим ва мухбирлар қуршовида қолиб кетдим.

— Москвага нега келдингиз?

— Болтиқ бўйи республикалари вакиллари келишмади, сиз нечун ташриф буюрдингиз?

— Мақсадингиз нима?

Саволлар шу тахлит эди.

Аслида бизни қаршилаётган журналистларга ҳам, СССР парламентининг янги таркибини рўйхатга олаётган маъмурларга ҳам бизнинг ташрифимиз маъқул келмагандек эди, назаримда.

— Ҳарҳолда буюк бир империянинг тарқалиб кетишига гувоҳ бўлиш учун келдик, шекилли, — дедим тилимга бошқа калима келмай. — Яна нима дейишим мумкин? — саволларга савол билан жавоб бердим.

Мухбирлар ашқол-дашқолларини орқалаб мендан узоқлашдилар.

— Бопладингиз. Қайтиб ёнимизга йўламайдиган бўлишди, — деди савол-жавобларни эшитиб турган Шукрулло Мирсаидов.

— Бизни ҳеч ким кутмаётган экан. Келмасак ҳам бўларкан, — жавоб қилдим у кишига.

Шу тариқа Ўзбекистон вакилларининг СССР парламентидаги сўнгги фаолияти бошланди.

Қайддан сўнг, ҳар икки парламентнинг раҳбар органларига сайлов бошланди. Сайловдан олдин квота бўйича палата раислари

ўринбосарлари ҳамда қўмита раислари лавозимлари белгиланди.

Ўзбекистонга Республика Совети раиси ўринбосарлиги ва халқаро ишлар қўмитаси раислиги тегди. Совет раиси ўринбосарлигига ўша пайтда Қашқадарё вилояти ҳокими бўлиб ишлаётган Алихон Раҳматович Отахонов сайланди. Халқаро ишлар қўмитаси раислигига эса мени сайладилар.

Ўзбекистонни минг бир армон билан ташлаб кетиб, охир-оқибатда юртига кела олмай қолган Рафиқ Нишонов ўрнига ҳамкасбимиз, қозоғистонлик номдор ёзувчи Анвар Алимжанов сайланди. Квота бўйича бу лавозим энди Қозоғистонга берилган эди. Иттифоқ палатасига эса Украина вакили Лубенченкони сайладилар.


Москвада фаолият кўрсатар эканмиз, табиийки, ўша пайтдаги президент Михаил Горбачев билан учрашиб, масалаларни муҳокама қилишга тўғри келар эди. Россиялик депутатлар орқали Горбачевни ағдариш учун тайёргарлик кўрилаётгани ҳақидаги мишмишлар қулоғимизга чалинарди.

Бундай гап-сўзлар унга ҳам етиб борган шекилли, Михаил Горбачевнинг ҳам аҳволи руҳияси жойида эмас эди.

Охирги учрашувга Алихон Отахонов билан йўл олаётгандик. Мен ҳам борайин, шу Горбачевни кўрайин, дея академик Аҳмадали Асқаров ҳам бизга қўшилди.

Горбачев СССРни сақлаб қолиш ҳақида узоқ гапиргани эсимда. Одатда у бир соат гапирса ҳам нима дегани кишининг эсида қолмас эди. Хайриятки, Фидель Кастрога ўхшаб тўрт-беш соатлаб нутқ отмайди, дея ҳазиллашар эдик бир-биримизга.

Унинг эғнида тўқ кун



эди. Разм солиб қарасам енгининг учи титилиб кетган. Ҳайрон бўлдим. Мен ҳам одатда эски, ўрганиб қолган кийимларимни кийишни хуш кўраман. Бироқ кимсан СССРдек давлатнинг президенти...

Шундай улкан ва қудратли давлату мамлакатнинг тарқалиб кетишига ўзини сабабчи билиб, тузук-қуруқ кийинишга ҳам аҳволи руҳияси етишмагандир, хаёлимдан кечди.

Шунда у бизга янги СССР Конфедерацияси ташкил этилажагини, бош вазир этиб Нурсултон Назарбоев тайинланиши ҳақида гапирган эди.

Ельцин, Кравченко ва Шушкевичнинг Беловежье ўрмонида, 1921 йилда “СССР давлатини тузиш” ҳақидаги англашма қарорни бекор қилишлари СССРнинг сўнгги президенти Михаил Горбачев ниятини сувга туширди.

Зотан, бошию охири йўқ нутқларидан ҳам, даври даврон оқими туфайли сиёсат саҳнасига чиқиб қолган бу кишининг фикрлаш даражаси, зеҳну закосининг уфқи маълум эди.

Уч-тўрт соат гапирса-да, киши юрагига тегадиган, бир неча жумла оригинал фикр айта олмас, эски лаппакни айлантираверарди.

Михаил Сергеевич Горбачев кечмиш замоннинг байроқ кўтариб чопгувчи типик комсомол ёшларидан эди. Бироқ татар миллатига мансуб хотини Раиса Максимовна Титаренко ақлли, ҳисоб-китобли хоним бўлиб, ипини тортиб турмаса ўтлаб кетгувчи эрини йўналтириб, йўлга солиб юрган. Вилоят партия қўмитасининг биринчи секретарининг, кўрган оиланинг қизи бўлган Раиса Максимовна эрининг феъл-атворидаги қусурларни билар ва бундан хижолат чекарди.

Миша Горбачев ҳар йили Краснодар ўлкаси ва Сочи тарафга истироҳат учун борадиган

Леонид Ильич Брежневнинг Берияси — Юрий Андроповнинг назарига тушди.

Юрий Владимирович Фёдор Михайлович Достоевскийнинг “Всегда в истории России послушные собаки были в почёте” деган даҳшатли фикрини яхши билар эди. Силлиқ ва сипо, хотини чизиб берган йўлдан тўппа-тўғри юрадиган Горбачев Лаврентий Павлович Берия ҳалафининг кўнглидаги одам эди.

Ўша давр шарт-шароити, раҳбар қодирлар иқтидору салоҳиятининг даражаси нуқтаи назаридан бундан-да ақллироқ ва ишбилармонроқ арбобни топиб бўлмасди.

Мавжуд тузумнинг нотабиий ғоялар асосида ўқиб вояга етган, социализму коммунизм деганини унинг асосчилари саналмиш Ленину Сталин деган доҳийлари ҳам тушунмаган жамиятда фақат шундай, кенг дунёвий фалсафаларни ўқиб-ўрганмаган, оламга ана шу тор сунъий дарчадан қарайдиган инкубатор жўжалари каби бир-бирига ўхшаш ва бир хилда фикрлайдиган арбоблар етиштирилар эди.

Россия сиёсатида глобал дунёвий фикрловчи икки катта шахсият ва арбоб бор эди. Булар Анатолий Собчак билан Александр Яковлев эди. Қолганлари ўша — бўл тайёр, доим тайёр шиори остида етишган октябрят, пионер, комсомол ва коммунистлар эдилар. Булар орасида коммунистик идеологиядан бошқа илм, дин ва фалсафаларни ўқиб-ўрганувчи, бу ёруғ дунёда марксизм-ленинизм деган утопиядан бошқа мантиғу фалсафалар ҳам борлигини билиб ўрганишни истайдиган кишилар йўқ ҳисоб эди. Тор, бир ёқлама фикрловчи одам узоққа бормади. Сўзсиз ҳаётнинг биринчи ва иккинчи синовларида қоқилади. Фаросатсиз одам умр бўйи аросатда, ҳаммадан хавфсираб, раҳбар бўлса ўз халқидан қўрқиб яшайди.

Анатолий Собчакнинг узоқни кўра билиши ўз исботини топди. Борис Ельциннинг куни Собчак кашф этган қодир Владимир Путинга қолди.

Борис Ельцин Путинга қадар ҳалаф излаб, Черномирдину Примаков, Кириенкою Степашин каби бош вазирларни қўлқоп каби алмаштирди. Кудрину Немцов каби лидерлик даъвосидаги арбоблар ҳам ўйиндан чиқиб кетди.

Анатолий Собчакдан хавфсираган Ельцин уни таъқиб этиб, устидан жинойи иш очмоқ амрини берди.

Бу тазйиқу босимдан чўчиган Собчак Россияни тарк этди ва Парижда юрак хуружидан вафот этди.

Екатеринбургнинг марказий майдонини кезар эканмиз, Николай иккинчи оила аъзолари билан отиб ташланган черков ертўласига тушдик. Ертўла эски ҳолича турар, черков биноси эса янги қурилгандек эди. Йўлдошларимдан бунинг боисини сўрадим.

— Борис Ельцин Свердловск обкомининг биринчи секретарлигида черковни буздириб ташлади, — жавоб берди ҳамроҳим. — Зиёратчилар оқими кўп бўлганлиги учун президент бўлгач, гуноҳини ювиш мақсадида черковни қайта тиклашни буюрди. Сўнгра Москвада Сталин йиқитган Қутқарувчи Исо черковини ҳам тиклаттирди.

Россия Федерацияси дохил барча республикалардаги қодирлар шундай салла ўрнига калла олиш таълимини кўрган, идрок доирасига сиғмаган ва ақли етмаган нарсага душманлик кўзи билан қараш руҳида тарбияланган эдилар. Марказга фикрловчи, ташаббусчи, ўз халқи ва ватани манфаатини жони дилдан ҳимоя этиб курашгувчи комилу фозил, оқилу одил

қодирлар керак эмас эди. Даражаси юксак бўлмаган раҳбар эса ўзидан-да паст савиядаги кишиларни атрофига йиғади.

Тож кийган бош ақлланур деганларидек, шу пайтгача бирор-бир арбобнинг ўзида ақл-идрок етишмаслигидан шикоят қилганлигини туйганмисиз?

Бироқ Рашидов даврининг ғоявий секретари, техник-инженер Оқил Салимов адабиёт ва санъатни чуқур билмаслигини тан олиб, русчалаб “Болалар, бу масалаларни мен тушунмайман. Ўзларингиз ҳал қилаверинглар” дея ўз ишини билган мутахассисларга ҳалақит бермасликка ҳаракат этарди. Одамлар шунисига ҳам раҳмат дейишарди. У киши табиатан миллатнинг туб катта манфаат ва мақсадларидан узоқроқ, техник бир шахсият бўлса-да, ўзи идора этган соҳада кимсанинг ноҳақ бурни қонашига йўл қўймас эди.

Оддий халқ ўша пайтларда пахтазорга бориб колхозчиларнинг ғарибона оби-ёвғони қайнаётган каттакон қозонни “Шу ҳам овқатми?” – дея ағдарган (ваҳоланки, бутун Ўзбекистонда далада ишловчилар шундай овқат ер эдилар) бош вазир Нормуҳаммади Худойбердиев ва унинг биринчи ўринбосари, мироб Исмоил Жўрабековларни катта давлат ва жамият арбоби деб билардилар. Сиёсатнинг туб моҳиятини англаган кам сонли кишиларгина бу арбобларнинг даражасини фарқлардилар, холос. Боиси, бир-икки кишининг истагу хоҳиши билан шундай арбоблар ясаларди.

Худди Михаил Иванович Калинин СССР Олий Советининг раиси ўлароқ Сталиннинг ёнида қўр тўкиб ўтириб, жуфти ҳалоли Жемчужина чет эл разведкасининг агенти сифатида Сибир қамоқхонасида фаррошлик қилгани каби.



Бу тузум даҳолари ҳақиқий оқилу фозил, ботиру жасур шахсиятларни кўрганда шайтонлар эдилар. Ҳар қандай йўл ва восита билан бундай кишилар Ҳабиб Абдуллаев каби йўлдан олиб ташланарди.

Давр ва давронлар шундай. Замонанг тулки бўлса, този бўлиб қув, дейдилар.

Эл эса доимо бориға барақа, йўғига ҳаракат қилиб келган.

Беклик элга яраша, теклик эса белга ярашадир.

Битикда битилгани каби...

*Тентаккаким тел берсанг,  
Мақтар мудом уруғин.  
Тўқайнинг шоҳи тулки,  
Шарафлайди қуйруғин.  
Дунёда ҳар бир ишнинг  
Бордир йўнтам-йўриғи.  
Ўзин билган ҳеч қачон  
Қуритмайди чориғин.*

*Гоҳда тулпорлар қолиб,  
Ўзар отнинг ориғи.  
Битигингдан белгили  
Рангинг оқу сариғи.*

*Равон оқса умрнинг  
Ҳаёт деган ариғи.  
Ғўрадан ҳалво битар,  
Ёмби бўлар тариғинг.*

*Олам тўла оломон.  
Ким Рим, Макка йўриғи.  
Ҳасад кўзин кўр этар  
Пешонангнинг ёруғи.*

3. ДИТРИХ ГЕНШЕР ЭЪТИРОФИ  
ЁХУД АҲМАД ЯССАВИЙ НЕГА ЕР ОСТИГА  
КИРИБ КЕТГАН ВА ТОШКЕНТДА ШЕКСПИРНИ  
ИНКОР ЭТГАН ЭТИКДЎЗЛАР

*Қайсарлик эшакка ярашар.*  
Рус мақоли

*Қассобнинг тушига эчки кирар.*  
Отасўзи

Ёзувчиларнинг Дўрмон боғи ва бу ердаги ёзувчилар маҳалласи турли қизиқ воқеалар, ривоят ҳамда латифалар туғилган қадрли бир маскандир.

Минг тўққиз юзинчи йил бошида бу ерга бир рус генерали дамқисма хасталигига дучор бўлган аёли соғлигини ўйлаб, вилла қуради. Бу мухташам бино ва унинг қаршисидаги юз йигирма йиллик каштан ва чинорлар ҳамон савлат тўкиб турибди. Эътиборсизлигу қаровсизлик оқибатида икки тарихий липа — жўқа дарахти йўқ бўлиб кетди.

Ўттизинчи йиллар охирида Республика Олий Кенгашининг раиси Йўлдош Охунбобоевга шу бинодан дача сифатида фойдаланиш тавсия этилади. Бироқ республика оқсоқоли чор императори генерали яшаган уйга кўчиб киришга чўчийди.

Генерал вилласининг кун чиқиш томонида янги бино тикланади ва атрофдаги ерлар Олий Кенгаш раиси боғи ихтиёрига берилади.

— Бунча ер бизга кўплик қилади, Ҳамиджон. Ярмини олиб, ёзувчиларимиз учун ижод уйи қилсангиз бўлади. Генерал ёзлиги ортига бир неча хоналик меҳмонхона қуришга ҳам кўмак этасиз, — дейди Йўлдош ота Ҳамид Олимжонга.

Шу тариқа Қибрай туманининг Арғин қишлоғи яқинидаги хушҳаво манзилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ижод уйи ташкил этилади. Ҳамид Олимжон ўша пайтда ҳам кўпчилиги ижарада яшаб юрган ижодкорлар учун бир илҳом қайноғи бўлган гўша яратиш ишига астойдил киришади. У пайтда бу каби ишлар учун масъул ташкилот — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида Адабиёт фонди бўлиб, унинг раиси Чустий домла эканлар.

Ҳамид Олимжон Уйғун билан Дўрмондан қайтаркан, автоҳалокатда фожиали ҳалок бўлиши бутун Ўзбекистонни ларзага солади. Ўша пайтдаги Республика раҳбари кўзида ёш билан Ҳамид Олимжоннинг бошида ўтиради. Вафотидан сўнг ижод уйига Ҳамид Олимжон номи берилади.

Йўлдош Охунбобоев, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Собир Раҳимов ва Шароф Рашидовларнинг номлари районлардан, шоиру ёзувчилар оти мактаблардан олиб ташланиши кампаниясида Ҳамид Олимжон номи ҳам ижод уйидан олиб ташланди.

Ижод уйининг биқинидаги республика Олий Кенгаши раислари яшаб келган тарихий бинода Йўлдош Охунбобоев, Шароф Рашидов, Амин Ниёзов, Ёдгор Насриддинова, Назар Матжонов ва Иномжон Усмонхўжаевлар истиқомат қилганлар. Ҳозир бу бино ташландиқ ҳолда бўлиб, “Қибрай” санаторияси маъмуриятига қарашлидир.

Санаториянинг арчазорли йўлакларида кезар эканмиз кечмишда уюшмани бошқарган Жамол ака (Жамол Камол) бир воқеани айтиб қолдилар.

— Икки мингинчи йиллар эди, — деди одатига кўра Жамол ака тўхтаб қўл ҳаракати билан фикрини тушунтирар экан. — Биласиз, мен

Вильям Шекспир асарларини англиз тилидан она тилимизга таржима қилганман. Бу пайтда бизда китоб чоп этиш ҳам, ўқиш ҳам инқирозга юз тутган эди. Ҳатто мактабларда ўқийман деган ўқувчи, ўқитаман деган ўқитувчи ҳам сийрак тортиб қолганди. Бир дўстимизнинг ҳомийлигида Шекспир таржимасини оз нусахада бўлса-да чоп эттирдик. Республикада китоб савдоси тизими Рустам Шоғуломов каби шоввозлар томонидан барбод этилиб, “Ўзкитоб” бирлашмаси йўқ қилинган эди. Китобни сотиш учун машинага солиб, темир-терсак, лагтапутта тўпловчи лўли каби йўлга тушдим. Шаҳар айланиб ўша пайтдаги театр ва рассомчилик институтига бордим. Таниқли олим, институт ректори Усмон Қорабоевнинг ҳузурига кирдим. Мени илиқ қаршилаб, арзимни эшитди ва кўмак этмоқ учун олий даргоҳнинг хўжалик ишлари бўйича проректорини хоналарига чорлади. Келтирганим китобларни сотмоқ учун ёрдам беришини буюрди. Бу китобни студентлар ўқиши кераклигини таъкидлади. Мен Усмон Қорабоев билан хайр-хўшлашиб, проректор ортидан унинг хонасига йўналдим.

— Китобни сотиш учун биз таржимон билан эмас, авторнинг ўзи билан шартнома тузамиз. Домла, авторнинг ўзи келсин, — деди проректор китобни варақлаб кўрар экан.

— Мен тахтага айландим. Мана сизга театр рассомчилик олий ўқув юрти проректорининг даражаси. Энди бу институтда таълим олган талабаларнинг аҳволу савиясини мушоҳада этаверинг. Мен институт раҳбарига муаллиф бундан бир неча юз йил бурун вафот этганлигини, Тошкентга кела олмаслигини шармандаларча қора терга тушиб англатдим. У эса киприги қилт этмай, ҳеч бир хижолат чекмай эшитди.

Бутун дунё бўйлаб Германия вице-канцлери ва ташқи ишлар вазири Дитрих Геншернинг бир машҳур сўзини айтиб юрадилар.

— Мен совет раҳбарларининг ёмон гапиришларини билар эдим. Бироқ уларнинг ёмон ўқиганларини билмас эканман, — деган эди Геншер Юрий Андроповдан сўнг совет давлати ва КПСС бошига кечган Константин Устинович Черненко билан бўлган суҳбатдан сўнг.

Сергей Есенин таъбири билан айтганда, балиқ бошидан деган гап тўғри, агарда мен шоир бўлмасам, бўлар эдим безори, ўғри...

Балиқлар бошидан чириган эдилар. Мамлакатда саводсизлик тугатилган, дея эълон этилган бўлса-да, чаласаводлик икки қўлини соллаганича кезарди.

Вилоятлардаги бир педагогика институтининг тил бўйича профессори мендан “Абдулла Қаҳҳор яхши юрибдими?” дея сўраганида ҳайратдан ёқа ушлаб, тилимга калима келмаган.

Биз барча нуқсону камчиликлар, разиллигу ботилликларнинг туб илдизи саводсизлигу чаласаводликка, жоҳиллигу гумроҳликка бориб тақалишини англаб етмас эканмиз, ишимиз бароридан келиб, миллат фикри ойдинлик ва адолат сари йўналмайди.

Улуснинг улуслиги эса унинг мавжудлиги билан эмас, не мақсадлар йўлида мужодала этиб, ҳақу ҳақиқат, адлу адолатга бўлган муносабату садоқат, унга амал қила билмоқ салоҳияти билан белгиланади.

Инсон табиати, феъл-атвори ғалати. Уни тушунмоқ мушкул. Қўйиб берсангиз, одатда тоғда сурув боқиб юрган саводсиз чўпон ҳам сизга ваъз ўқиши мумкин.

Бироқ не қадар қўнишмасин, саводсизлигини биласиз ва бу инсондан кимсага зарар келмайди-ку, дея ўзингизга таскин берасиз.

Аммо энг ёмони чаласаводликдир. Чаласавод ўзини ҳаммадан ақлли ва доно санайди. Дунёга икки бора қайта келганингизда ҳам унга ҳеч нарсани англашиб бўлмайди. Буни руслар “Упорство — достоинство осла” дейдилар.

Мутахассисларнинг фикрларига кўра, тили узунларнинг фикри калтароқ, фикри узунларнинг тили қисқароқ бўлар экан. Шуларни ўзимча мушоҳада этар эканман, Писаревнинг “Рус Рафаэли бўлгандан кўра рус этикдўзи бўлган фойдалироқдир” деган фикри миямда чарх уради. У Рафаэлнинг асарларидан халққа фойда йўқ, у миллатнинг қорнини тўйғазмайди демоқчи, албатта. Некрасов ҳам “Пушкиндан кўра бир бурда пишлоқ афзал” деганда ҳам шуни назарда тутган. Бироқ у эртага Пушкинни ўқиганлар ўзининг битикларини улоқтиришини ўйлаб кўрмаган бўлиши мумкин ўша дамда. Шоирлар товадаги қушни эмас, ҳаводагини кўзлаб етти қават осмонда юрадилар-да.

Камю эътироф этганидек, Шекспир этикдўзлар жамиятни бошқаради, деган фикр нафақат адолатсизлик, балки хомхаёлдан бошқа нарса эмас, бироқ Шекспирни мутлақо инкор қилган этикдўзлар жамияти бундан ҳам даҳшатлироқ фожиадир. Этикдўзни инкор қилган Шекспир мустабидликнинг қуролига, Шекспирни инкор этган этикдўз эса қулликнинг қуролига айланади. Ҳар қандай ижодкорлик моҳият-эътиборига кўра хўжайинлик ва қулликни инкор қилади. Мустабидлик ва қуллик фақат бутун жамиятда ижодий руҳ ҳукмрон бўлгандагина мутлоқ барҳам топади.

Эътибор берган бўлсангиз шу пайтгача дунё сиёсатида оқилу донолар эмас, Гитлер, Муссолини ва Сталин каби фашистлар, Франко ва

Пиночет каби қўли қон ҳарбийлар, Пол Пот ва Иенг Сари каби ашаддий қонхўрлар, ғояси учун тириклайин машинада судратилиб парчаланган Чегевара ва Кастро каби фанатиклар, Хрушчёв ва Саакашвили мисол тасодифий доводирлар муҳим роль ўйнаганлар.

Уларга қўлланма, қонуну конституцияни ёзиб берган, хат-саводини чиқариб, кўзини очган бечора фозилу комил шахсиятлар очдан ўлмаслик, оила, бола-чақа деган мавжудотни боқиш учун ана шу шайтон малайларига бўйин эгиб, қуллуқ қилишга мажбур бўлганлар.

Пири Туркистон Аҳмад Яссавий недан ақли закоси тўлган, пайғамбар ёшида ер остига кириб кетди? Аҳмад Югнакий зориллаганидек, бирорта ҳалол, тўғри, адолатли ва садоқатли дўст-ёр, яқину шогирди уни англай олмагани боис, ер юзидан кўра тупроқ остини афзал билди.

*Бу жаҳон мулкида мен  
Тўғри ҳолат кўрмадим.  
Ҳарна кўрдим, эгри кўрдим,  
Узга бобад кўрмадим.*

*Бандаларда сийму зар,  
Бекларда адолат кўрмадим.  
Ошинолар суҳбатида  
Ҳам садоқат кўрмадим.*

*Ҳеч кишида Ҳаққа лойиқ,  
Бир ибодат кўрмадим.*

Бу битикларни битар экан Воқиф ҳам Аҳмад Яссавийни ерга киритган ҳисларни туйган бўлса ажаб эмас.

Киши мукаммалият сари одимлаб, Ҳаққа ета боргани сари ёлғизлашади, хасталашади. Таркидунё қилади.

Бироқ, мен бўлмасам осмон қулаб тушади,  
халқ бундай озод ва фаровон яшамайди дея  
заҳн этгувчилар билиб-билмайдиларки...

*Кўзинг очиқдир мудом,  
Беклар сени бозорлар.  
Мақтовингни келтирар,  
Маҳалла, кўй, гузарлар.*

*Дам етарки ҳар недан,  
Бўлажаксан безорлар.  
Ётники ёндан ўтар,  
Ўздан келар озорлар.*

*Жону дилим деганинг  
Жигарингни эзарлар.  
Тулпорлар четда қолиб,  
Яғир отлар ўзарлар.*

*Замон забтига олар,  
Бедовлар ҳам озарлар.  
Худо билан сўйлашиб,  
Турганлар ҳам тўзарлар.*

*Нотавонлар жам бўлиб,  
Мардларга чоҳ қазарлар.  
Тахту тахта ён-ёна,  
Ёғоч отни безарлар.*

*Мункар-накир қасрини  
Чўкич ила бузарлар.  
Фоний дунё молидан,  
Кўнгилларин узарлар.*

*Хайри гуноҳинг битар,  
Қай бир котиб ёзарлар.  
Авлодларга қолар тек,  
Ёлғиз, мунгли мазорлар.*



#### 4. ЦИЦЕРОН ЦИЛИНДРИ

### ЁХУД УСТОЗИ АЪЗАМ АНТОН ПАВЛОВИЧ ЧЕХОВНИНГ ТАШХИСИ ВА АЗИЗ НЕСИННИНГ ХАТОСИ

*Нодон бўлиб туюлганларнинг бариси, туюлмаганларнинг ярмиси нодон.*

**ГРАСИАН**

*Ақлли киши дунёга мослашади, нодон дунёни ўзига мослаштиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам ривожланиш нодонларга боғлиқ.*

**Бернард ШОУ**

Рональд Рейган Америка қўшма штатларининг президенти этиб сайлангач, икки катта давлат — АҚШ ва СССР орасидаги муносабатлар янада кескинлашди. Бунга актёрликдан президентлик мақомига етишган Рейганнинг “СССР — ёвузлик империяси” деган гапи сабаб бўлди.

Бироқ сиёсат ва мулоқот маданиятига амал қилиб ўрганган Рейган СССР каби ёпиқ мамлакатнинг раҳбарлари билан учрашиш, англашиш ниятини бот-бот такрорлар эди.

У Фарб учун мудом сир ва мавҳум бўлиб келган Шарқ йўлбошчилари билан гаплашиб, уларнинг асил ниятларини билмоқ, ўрганмоқ истарди. Шу ниятда у дастлаб Леонид Брежнев билан музокаралар олиб бормоққа ҳаракат этди. Бироқ игна ва дори қуввати билан юриб гапирадиган Леонид Ильич омонатини топширди.

Қўлтиғида стабилизатор буйрак билан юрадиган Юрий Андропов ҳам Рональд Рейган

билан гаплашиб музокара олиб борадиган аҳволда эмас эди. Охир-оқибатда Юрий Владимирович ҳам Кремль девори ёнидаги са-лафлари ёнига келиб қўшилди.

Сиёсий бюро Андроповдан бўшаган бош раҳбар лавозимига Леонид Ильич: “Из всех моих собак самая верная — Костя Черненко, схватывает все на лету” дея баҳо берган Константин Устинович Черненкони сайлайди.

Бу воқеани бош секретарнинг набираси Любовь Брежнева шундай ҳикоя қилади.

“Однажды мы с отцом приехали к нему на дачу. У него был Черненко. Тут же приближали собаки. Дядя держал их для охоты.

Черненко, у которого была астма (Он избегал кошек и собак), сразу ретировался, сославшись на массу дел. Когда тот ушел, ген.сек. стал загонят собак в вольер и со смехом заметил:

— Из всех моих собак самая верная — Костя Черненко: схватывает все на лету”.

Леонид Ильич вафодор кўппаги ўрнида кўрган Черненкoning ҳам бир оёғи ерда бўлса, бир оёғи гўрда эди. У ҳам бир йилга етиб-етмайди.

Кремлнинг бош раҳбарлари билан учра-шишни беклаб чарчаган АҚШ президенти Рональд Рейган ниҳоят ёрилади.

— Мен улар билан учрашишни кутиб чар-чадим. Улар эса ўлмоқдан чарчамадилар.

Ниҳоят, давлат ва ҳукумат бошига соғлом, бемалол гапириб, докладларни булбул каби ўқийдиган Михаил Горбачёв келади.

Деҳли ва Аградаги Бобурийлар саройида девони ом ва девони хос бўлган. Девони хос-да амиру вазирлар, чопару элчилар қабул қи-линганди. Девони омда эса оддий халқ, фақирлар фуқаро арзлари тингланган.

Кейинчалик биз оддий халқ дея атаганимиз

бизга ошу нон етказиб турган меҳнаткаш эл-улусдир. Шоҳдан гадойга қадар оддий деҳқон элидан эмак ейди, дейди ҳазрат Навоий.

Цицероннинг “Дунё аҳмоқларга тўла” деган фикрини ўқиганимда бир муддат ўйланиб тарадудланганман. Наҳотки, нодону абдол кишилар шу қадар кўп бўлса, дея узоқ мушоҳада этганман.

Сўнгра машҳур турк ёзувчиси Азиз Несиннинг судлангани воқеасини эшитгач, яна ёдимга Цицероннинг фикри келди.

Мамлакатимизда яшаётган кишиларнинг етмиш фоизи аҳмоқ, дея ёзади Азиз Несин бир мақоласида.

Буни ўқиган ва эшитган одамлар жунбушга келадилар ва ёзувчини маҳкамага берадилар.

— Суд ҳайъати ва одамлардан кечирим сўрайман. Мен нотўғри айтган эканман, — дейди судга чақирилган ёзувчи.

— Майли, нотўғри фикрингиз учун даъвочилардан кечирим сўранг! Жиноят ишини ёпамиз! — дейди маҳкама раиси ишнинг осон кўчганидан суюниб.

— Йўқ, мен даъвочилардан кечирим сўрамоқчи эмасман, фоизни нотўғри сўйлаганим учун кечирим сўрамоқчиман, — дейди Азиз Несин.

— Англамадим? Не демоқчисиз? — сўрайди судья.

— Мен абдолларни етмиш фоиз дея заҳн этар эканман. Шу фикримдан сўнг уларнинг муносабати ва хатти-ҳаракатларини кўриб аҳмоқлар етмиш эмас, тўқсон фоиз эканлигини англадим, — жавоб қилади ёзувчи.

Бу бўлиб ўтган реал воқеага асосланган ҳикоядир. Уни ҳар ким ўз ақли фаросати, фикрлаш даражасидан келиб чиқиб мушоҳада этади, албатта.

Азиз Несин ўзидан икки минг йил бурун

яшаган Марк Туллий Цицероннинг фикрини такрорлаган эди, холос. Бу қарашни Азиз Несин замондоши Бертран Рассел инглизларга хос киборлик билан юмшоқроқ оҳангда ифода этади. Кўпчиликнинг нодонлигини эътиборга олсак, кенг тарқалган нуқтаи назар оқилона эмас, аҳмоқона ҳисобланади. Халқ кўп, лекин инсонлар оз деганда Диоген ҳам шуни назарда тутган бўлса керак.

Суҳбатларимизнинг бирида Ислом Каримов менга “Фалончи олим биз миллат сифатида шаклланмаганмиз, дебди. Бу фикрга сиз қандай қарайсиз?” деб сўради.

— Олим тўғри сўйлаган. Бироқ унинг хатоси шундан иборатки, у бу фикрни халойиқнинг юзига айтган. Сиз, ўша олим ва мен суҳбатларимизда бу фикрни ўртага ташлаб, муҳокама этишимиз мумкин. Бироқ халққа паст назар билан қараб, сен ҳали халқ эмассан, деб бўлмайди. Бундай ҳақоратдан унинг руҳи тушиб, баттар бўлади.

Элнинг яхши сўзу иш ила кўнглини кўтариб нуқсонини ҳам одобу ахлоқ доирасида ётиқ оҳангда айтиб, суяб гапириш керак, — дея суҳбатдошим саволини жавоблантирдим.

Азиз Несиннинг хатоси ҳам шундан иборат эди. Усиз ҳам парча экмак пешида чопиб, кунини зўрға кўриб юрган бева-бечора кишиларнинг бетига қараб ерга уриб, сен ундайсану бундайсан деб бўлмайди.

Элу элат, халқни юксалтиришнинг тек йўли унинг орзу-умидларига қанот бахш этиб, дардига дармон бўлмоқдир. У сиздан ошу нон бекламайди. Бир оғиз ширин сўз, биргина меҳр-муҳаббатли нигоҳ кутади.

Ана шу инсоний ҳис-туйғудан мосуво айрим вилоят ва туман ҳокимларининг қўл остидаги маъмуру фермерларни ҳақоратлаб

калтаклаётганларини эшитиб, тепа сочимиз тик бўлмоқда.

Бундай кимсалар эрта бир куни халқ ва Ҳақнинг қаҳрига учраб, учоворага қўшила олмай қоладилар.

Бироқ бу кетишда Азиз Несиннинг ҳақу ноҳақлиги мудом муҳокамаю мунозара этиладиган кўринади. Жюль Верн таъкидлаганидек, интеллект ва дунёқараши билан бошқалардан устун бўлган ҳар қандай киши ўз истаги ёки эркидан ташқари бошқалар учун ҳам жавоб бериши керак. Зотан, давлат, мамлакат, партия ва жамоат ташкилотлари шунинг учун тузилади.

Интернет асри бутун дунёни ўзгартириб юборди. Фан ва техника оламида тушга кирмаяжак ихтиро ва янгиликлар кашф этилмоқда.

Аммо инсоният кўчиб бориб Марс ёки Юпитерда яшамаса ҳам оқилу жоҳил, доною нодон ёнма-ён эканлигини тан олмасликнинг иложи йўқ экан. Буни Станислав Лев, интернетга кирмасдан бурун мен дунёда шунча аҳмоқлар борлигини билмаган эдим, дея эътироф этади. Ва биз ҳам ҳануз Цицерон цилиндрини узоқ айлантириб, Азиз Несинни суд қилмоқда давом этаверамиз, шекилли.

Лев Толстойнинг икки жилддан иборат “Дневники” битигини биласиз, албатта. Менда ҳам йигирматадан ортиқ дафтар тўла шу тарздаги қайдларим бор. “Ёзувчининг ён дафтари” номида бу қораламаларга тартиб бериш ниятидаман.

Шу дафтарларни варақлар эканман, бундан қирқ йил бурун ёзиб қўйганим Антон Павлович Чеховнинг фикрига кўзим тушди ва Азиз Несин домла ҳам барчамизнинг устозу аъзамимиз Чеховнинг фикрини такрорлаган эканлар-да, деган хаёлга бордим. Балки Чехов

ҳам образи орқали берган бу фикрини бирор-бир файласуфдан эшитгандир. Гап пессимизмда ҳам, оптимизмда ҳам эмас, балки кишиларнинг юздан тўқсон тўққизининг фаҳму фаросати йўқлигида, дея ташхис қўйган экан буюк ёзувчи ва табиб.

Антон Павлович Чехов бу фикрини сўйлаганларига ҳам анча-мунча замонлар кечди. Жаҳон ҳикоячиларининг пири қайд этган фоиз бир неча фоизга камайгандир балки. Аммо саводсизлигу чаламуллалик дунёда ҳамон тизза бўйи, назаримда.

Мана бу битик эса ўзини улфайтириб вояга етказган одамларни оёқ учи билан кўрсатувчи нобакорлар ҳақидадир.

*Не қадар пасту баланд,  
Тобонинг маълум сенинг.  
Оёғинг аранг босган,  
Товонинг маълум сенинг.*

*Астари йўқ, аврасиз,  
Чопонинг маълум сенинг.  
Шажара-башара, соп,  
Сопонинг маълум сенинг.*

*Сас-садосиз илқисдан  
Қопонинг маълум сенинг.  
Қўлу виждон қонини  
Ёпонинг маълум сенинг.*

*Буғдой, машоқ, ҳам сари  
Сомонинг маълум сенинг.  
Қуёшни тўсар булут,  
Туманинг маълум сенинг.*

*Ўлан каби кўринмас,  
Гумонинг маълум сенинг.*

*Кўринмиш каби ўлан,  
Уммонинг маълум сенинг.*

*Етим ҳаққини ебон  
Топгонинг маълум сенинг.  
Икки дунёда тушар,  
Қопқонинг маълум сенинг.*

## 5. АМАЛ ВА АЖАЛ ЁХУД ПРЕЗИДЕНТЛАР ҲАМ ЎЛАДИЛАР

*Эъозламоқ имкони борида салтанатни ёш меросхўрга топширмай, салласига чалишиб йиқилиб тушгунча тахтга ёпишиб оладиган шоҳлар замонида одамларда эътиқод ва истак ўти сусаяди, ёшларнинг ахлоқи бузилади.*

**АЛ-ХОРАЗМИЙ**

*Кишини шунчалик кўтарурлар гоҳ,  
Пастга туширишга йўл қолмас, э воҳ.*  
**ТУСИЙ**

Кечмиш империялар, давлатлар ва сулола-лар тарихидан маълумки, мамлакатлар ва салтанатлар қисмату қадарини халқлар эмас, шахслар ҳал этиб келганлар.

Парламентар ёки республика бошқарув тизимлари, халқ ҳокимияти ва демократия эътиқодлари не қадар шаклланмасин, бир шахснинг фаолиятига боғлиқ, бир кишининг хоҳиш-иродаси ҳамон жамиятда ҳал қилувчи куч бўлиб қолмоқда.

Одамлар ҳам сайлаган раҳбарларига “От қўйиб шу манзилга етдингми? Тамом! Миллату мамлакатнинг увол-савоби сенинг бўйнингда”

дея ота-онасидан луқма кутган палапон каби оғзини очиб тураверишга ўрганиб қоладилар, шекилли.

Энг оғири ва машаққатлиси сиёсатда тоза бўлиб қолмоқдир. Бу ўйин кўнгилчанлик ва самимийликни кўтармайди. Қандай йўл билан бўлмасин, ҳар қандай шарт-шароит, макону замонда ҳадафлар йўлида собит юриб, манзилга рақиблардан кўра тезроқ етиб бормоқ керак. Акс ҳолда илгари етиб борганлар сизни жазолайдилар. Чин отасўзи билан айтганда, улар император, сиз эса ўғрига айланасиз.

Бу манзилга қўлу виждонни қон қилмай етиб бормоқ эса ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Тузум ва жамиятлардан қатъи назар, бу гирдоб қурбон талаб этаверади. Шунинг учун тупроққа айланганларидан сўнг камдан-кам ҳукмдорлар ҳақида илиқ сўзларини айтадилар.

Дейлик, қаттиққўл ҳукмдор ўн беш ёки йигирма йил мулки давлат тепасида турди. Ҳар йил биттадан хато ёки жиноят қилса йигирма йилда буларнинг сони йигирматага етади. Кўзи тириклигида оқиллигу қаҳрамонлик дея талқин этилган бу қилмишлар устига тупроқ тортилгандан сўнг жиноят эканлиги очилиб қолади ва йигирмата хато ҳамда жиноят бир кишига кўплик қилади. Натижада норози халойиқ гўрига гишт қалайди ва у ёмон отлиққа чиқади.

Характерли томони шундаки, аксар машҳур раҳбарлар ўз ажаллари билан ўлмайдилар. Қонуний Султон Сулаймондек хонни Ёқуб пошшо заҳарлаб ўлдирган бўлса, Султон Аҳмадни катта энаси заҳарлайди. Исмоил Сафавийни жияни корини қилган бўлса, Тож Маҳалдек жаҳон хариқасиниг ижодкори Шоҳжаҳон ўгли Аврангзебнинг хонабандлигида жон беради.



Мирзо Улуғбекнинг қатлига ўғли Абдуллатиф фатво чиқартирган эрса, Анвар Саодату Жон Кеннедилар рақибларининг ўқига учганлар.

Совуқ ақл ила ўйлаб қарасангиз, Леонид Брежнев ва Шароф Рашидов каби узоқ сиёсий умргузаронлик қилганлар ўз ажали ила тана тупроғини она тупроққа топширмоғи ҳам бир неъмат эканлигининг фарқига бориш мумкин. Буни буюк озар шоири Самад Вурғун жуда аниқ ва адолатли тасвирлаган:

*Ўлим! Эй воҳ! Бу неъматдир!  
Бу бир шонли саодатдур!  
Агар бевақт ўлар бўлсам,  
Рақибим бахтиёр ўлсун!*

Инсонлар асосан ҳаётдан сабоқ олиб яшайдилар. Айниқса, китоб ўқимайдиганлар. Агар ҳаётданки олмасанг таълим, сабоқ бера олмас ҳеч бир муаллим деганларидек, ҳаёт таълимини англаб етмаган киши унинг моҳиятини ҳам тушунмай ўтиб кетади.

Қуш уйқуси мисол умримизда биз саодатли онлар баробарида қайғули, айрилиқли дамларни ҳам бошдан кечирамизки, буларнинг ақли идрокимизда бурилиш ясаган энг даҳшатли, биз руҳан ҳозир бўлмаганимиз ҳолат, бу — ўлим.

Киши эсини таниганидан бери, бир умр ёнида юрган ота-онаси ўлимини ҳам ғоят оғир қаршилайди. Бу айрилиққа ҳозир бўлмайди. Тасаввурига сиғдира олмайди...

Шу ўринда “ривожланган социализм” даврининг “доҳийси” Леонид Брежнев ҳаётининг сўнгги дамлари ўқувчига ибрат ва сабоқ воситаси ўлароқ хизмат қилиши мумкин.

Бу қисмату қадар ҳақида сизга кейинги бобда ҳикоя қиламан.

Навбатдаги бобда икки жаҳонгир шахсият — Амир Темур ва Наполеонларни сўнг манзилга олиб борган хатолари ҳақида сўзламоқчиман.

Воқеа ва ҳодисалар натижасини олдиндан сеза олиш қобилиятига эга бўлган Амир Темур ўттиз беш йиллик салтанати давомида теран закоси, узоқ йиллик сиёсий ва саваш тажрибаси, ўз хатти-ҳаракатига танқидий ёндаша билмоқ феъли атвори билан шундай улкан давлат ва мамлакатни ғоят аниқ ҳисоб-китоб билан бошқармоқнинг уддасидан чиқа билди.

Бу фақат кучли, иродали, инсоний ва раҳбарлик истеъдоди юксак шахсиятларга насиб этажак давлатдорлик, тахту салтанат, давру даврон эди.

Одатда қўрқоқ, ожиз ва кучсиз, чаласавод, билимсиз киши ва раҳбарлар, ҳукмдорлар танқиддан Азроилдан қўрқандек чўчийдилар.

Уни танқид қилган одам ҳақ бўлади ва у бу танқид оқибатида бор-будидан айрилиб, шоҳликдан гадойликка тушиб қолиши, ҳатто жуда ақллию тенгсиз санаб келган бошидан ажралишни ўйлаб, ҳар қандай зулму қотилликка қўл уришдан чекинмайди.

Темур бундай ожизу нотавон ҳукмдорлар сирасига кирмас эди. Маҳмуд Шаҳоб ва Насриддин Арамир каби улус этагида намоз ўқийдиган шахсиятларни саройига олий маслаҳатчи сифатида таклиф этиб, машварату қурултойларда ўзлари ҳақ деб билган фикрларни айтиш, Амир Темурнинг ўзи дохил вазиру амирларнинг хато ва камчиликларини сўйлаб, янглиш сўзларига муносабат билдириб туришни юклаган. Ҳар қандай очиқ ва аччиқ танқиду фикрдан ҳеч ким хафа ва норози

бўлмаган. Сабаби, ақли идрокда ноқис, журъату жасоратда қусурли кишилар буюк жаҳонгирнинг яқинига йўлай олмаган.

Амир Темур олчоқ, эрта бир куни адолату ватан, улусу уммат, хоқону давлатини Кўппакхоннинг кўппакийсига сотажак кишиларнинг асил башарасини бир боқишда англаган ва яқинига йўлатмаган. Қабулига жуда кўп одам келганлиги боис сарой рассомлари арзга келувчиларнинг расмларини давомли равишда чизиб, улуғ хоқонга тақдим этиб турганлар. Бу суратларга назар ташлаган ҳукмдор аввал турқига, сўнгра уруғига боқ, ранг кўр – ҳол сўр, шажарам – башарам, туси бордан туйрилма каби отасўзларига амал қилиб, одамлар билан мулоқотга киришган. Бироқ яхшию ёмон, очу тўқ, хоину сотқин, ким бўлмасин, имкон қадар бурнини қонатмаган. Катта гуноҳ қилганларни уч маротабагача кечирган. Тўртинчи бора жиноят қилса юртдан бадарға қилган ёки қисмату қадарнинг ҳукмига топширган.

Олиму уламолар, битикчию меъморлар, шоиру наққошлар каби ноёб истеъдод эгаларини эса ҳар қандай айбу гуноҳ қилсаларда, кечирган. Бундай шахсиятларнинг ҳар куни туғилмаслигини, бир йигит қирқ йилда бунёд бўлишини ва инсон умри икки ўттиздан иборатлигини яхши билган.

Етим-есир, бева-бечора, фақирю фуқаро ҳақини еган амиру маъмур, молиячию солиқчиларни эса қаттиқ жазолаган. Бир ҳамкасбининг жинояти учун оёғи ёки бошидан осилганини кўрган мансабдор очидан ўлса ҳам шу каби жиноятга қўл урмаган. Гоҳида жазолар меъеридан ошиқроқ бўлган. Маъмурлар хулоса чиқармоқликлари, сабоқ олмоқликлари учун шундай қилинган.

Ҳозирги Европа гуманистларига ўхшаб, олтмиш-етмиш нафар бегуноҳни ўлдирган одамхўр қотиллар қамоқхонада боқиб ўтирилмаган. Териси шилинган. Сабаби, давлат, ҳукумат ва халқ бундай руҳан хасталардан жамиятни тозалаш керак деб билган. Бундай чикатилолардан насл-насаб тарқамаслиги керак деб ўйлаган. Спартак ҳам миллат наслини тоза, соф сақламоқ учун шундай тадбирларни қўллаган.

Узоқ салтанат сурганлар айрим ҳукмдорларни баъзи тепаси ўйиқ, бечора халқлар илоҳийлаштираверади. Бу бойлик ва мавқе, дуою олқиш, ширин сўзу мақтовлардан кўзини ёғ босган, худонинг ҳам ўзидан бошқани кўрмаслигига ишониб қолган ҳукмдор “Менинг отимдир Хизр, неки қилсам тўғридир” дея заҳн этиб, не тарзда содир бўлмасин, сўнги манзил томон оёғи тойиб бораётганини сезиб-сезмай қолади.

*Инсон бешикда ётар,  
Мозорда ётмоқ учун.  
Қаҳрамонлар жон берар,  
Юртни яшатмоқ учун.*

деган сўнги он, даму дақиқа келади. Охирги ҳисоб-китоб қилинади. Буюк Темур сўнг васиятида тилга келтирганидек, менгаки вафо қилмаган дунё, сизга ҳам вафо қилмас...

...Анқара тўқнашувида қаршисида бутун Европа, христиан дунёси ва папаси титраб турган Султон Йилдирим Боязидни тиз чўктириб асир олган Амир Темурнинг бу фатҳу зафари бутун дунёни ларзага келтирган эди.

Буюк Турон хоқони элчиларини ўн йилдан бери хонабанд этиб ўтирган Миср малиги

Носируддин Фаражнинг ҳам пайтавасига қурт тушган, Темур элчиларига ялтоқланганча илтифоту мурувват кўр-сатиб, жомеларда хутбалар Амир Темур номига ўқилиб, зарбхонада исми шарифи ила жилоланган тангалар қўйилаётганини билдиради.

Шомда араб амирлари ўзаро англашиб, унинг кўнглини олмоқ учун улуғ хоқонга тутун қайтариб келган Султон Аҳмад Жалойир ва оққўйинли туркманларнинг улуғ амири Қора Юсуфни зиндонга ташлайдилар.

Фаранг ва Буюк Британия, Олмон, Леону Кастилия қироллари жаҳонгирга миннатдорчилик мактубларини битмоққа киришадилар.

Бироқ Амир Темурнинг ўша пайтда Европани ҳалос этганлигини, Россия, Москвани Олтин Ўрда зулму босқинидан сақлаб қолганлигини ҳамма ҳам ҳис этиб англай олмас эди. Буни Амир Соҳибқироннинг ўзи ҳам ўйлаб кўрмагандир. Ҳозиргидек каби ахборот узатиш тармоғи йўқ эди. Чин императори ўлганлигини фаранг қироли беш йилдан сўнг эшитарди. Унда ҳам шу тарафдан бирор-бир савдогар келса ёки фаранг тужжори қайтса.

Амир Темур Александр Македонский ва Чингизхон эришган фатҳу зафарларни қозонган, чек-чегарасиз ўлка ва мамлакатларни забт этиб, ғарбий денгизларга чиққан эди. Ғарб ва шимол денгизларига чиқмоқ Чингизхоннинг ҳам орзуси эди. Унинг авлоди ва қўшини Днепр дарёсига қадар келди. Хазар (у пайтда Дарёи Кулзум) ва Қора денгизга улашдилар. Бироқ ундан нарига ўта олмадилар.

Темур шу пайтгача ҳеч бир ҳукмдор забт эта олмаган Измит қалъасини фатҳ этиб, бирйўла Оқ денгизу Ўрта ер (у вақтда Дарёи Муҳит), Эгейу Мармар денгизларига чиққанди.

Айни шу дам ва дақиқада ҳеч бир ҳукмдор унинг қаршисида тура олмас эди. Ҳатто ўзини бу ёруғ дунёнинг тек соҳиби, Чин-мочинни олам маркази, ўзини Осмон ўғли деб билган, теварак-атроф халқларини “Осмон ўғлининг ўғай инилари ва болалари” деб атаган Чин императори ҳам кўзига кўринмасди.

Ярим асрдан бери бетиним савашиб келган ва енилги нималигини билмас буюк хумоюн ўрду жанг саънати ҳамда ғолиб келмоқ санъату маҳоратининг чўққисига чиққан, ҳар қандай рақиб ишини кўз очиб-юмгунча битирмоқнинг ҳадисини олган эди.

Анқара жанги етти йиллик юришнинг сўнги эди. Усмонлилар йўқ этган Қаҳрамон ўғиллари, Ойдинўғиллари ва Ментешеўғиллари каби қатор турк бекликларини тиклаган, Султон соҳибқирон Усмонли давлати ва мамлакати увол-савобини Йилдирим Боязиднинг ўғиллари Иса, Муса, Меҳмет, Сулаймон каби шаҳзодларга топшириб, тулпори жоловини Турон сари буради.

Вафот этмаганида давлатнинг бошига султон Йилдирим Боязиднинг ўзи кечарди.

Улуғ хоқон Қорабоғда экан, юртга қайтгач, жаҳон меъморчилигининг дурдонаси, Оқсаройни очиб, атроф ҳукмдорларини бу тантанали кунга даъват этмоқни ният қилди. Қўшни давлатлар султонларига мактуб битди. Бу ҳукмдорлар орасида Чин императори ҳам бор эди. Хоқон ўзини тангрининг ердаги тек сояси санаган бу подшоҳдан жавоб мактубини кутарди.

Улуғ хоқон бошкентга етиб келишидан кўп ўтмай Чин элчилари ҳам Самарқандга ташриф буюрдилар.

Турон султони чинлик қўноқларни хуш

қаршилади. Бироқ элчи Ань Чжидаонинг мактубини тилмоч Шарофиддин Дизакий паст овозда ўқиб бергач, авзойи бузилди.

Ўзини ер юзининг ҳукмдори санаган Фағфур (мусулмон мамлакатларида Чин императорини шу номда атар эдилар)нинг мактуби дўқ-пўписа оҳангида эди.

“Тиклаганинг қандайдир саройни кўрмоқ учун мени даъват этибсан! Аввал ўзинг келиб менинг саройларимни кўриб кет ва бизга тўлаяжак ўлпонни зудлик ила жўнат!” — деган дағдағали жумлалари бор эди мактубда.

— Юртингизни кўрмоқ орзусида эрдик. Тангри насиб этса бориб қолгаймиз. Шунда ҳадяларини ўзимиз олиб боргаймиз! — деди улуғ хоқон тишини тишига қўйиб. — Унга қадар Осмон ўғлига биздан салом сўйлаб тургайсиз! — ҳукмдор қўноқпарварлик тамойилига амал қилиб, қаҳрига эрк бермай чинлик элчиларни энг пастга ўтқозишга ишорат этаркан.

Бу ҳақоратомуз мактубдан сўнг Жаҳонгининг Чин сафари қатъийлашди.

Икки юз минглик ўрдуга юриш ҳозирлигини кўриш амри берилди.

Бироқ киши ва олий ҳукмдорлар шон-шуҳратнинг юксак чўққисида эканлар, бу мулки давлат, бу тахти салтанат ҳам омонат эканлигини, мансабу унвон, рутбаю амал — амаллаб турмоқ, сўнгра бошқа бирига топширмоқ эканлигини астойдил ўйламоққа вақти замонлари бўлавермайди. Буюк Темур Чин юришига отланиб ҳисоб-китобда янглишгани каби ундан беш юз йил сўнгра Москвани фатҳ этган Наполеон Бонапарт Темур англаган буюк хатар — Россия совуғи ўрдусини хароб этажагини англамади ва ярим

миллионли қўшини тутдек тўкилди.

Ҳаёт қонуни, умрнинг оқар дарёси шундай.  
Кун ўтмоғи, тирикчиликнинг кечмоғи учун  
бозорга борилади. Бозор ёнидан ўтган йўл эса  
мозорда тугайди.

Шоҳлигу гадолик, ҳар неки илму амалдан  
сўнг одам зоти юрак ҳовучлаб кутган ажал  
элчиси азроил келади.

*Оту аврот савдоси,  
Эр умрин селимидир.  
Фалак чархи тулпорнинг  
Солланган ёлимидир.*

*Ҳаёт аталмиш сароб,  
Зўр армон кўлимидир.  
Аё бир ҳурлиқонинг  
Хипчадек белимидир.*

*Йигит кўксидаги дард  
Эл арзи ҳолимидир.  
Қуш уйқусидек умр,  
Кўпқари солимидир.*

*Тирикликда ўла бил,  
Шарафинг қолимидир.  
Яхшида ёмон ўтар  
Топажак феълимидир.*

*Ким қилмагай, топмагай,  
Итга ит ўлимидир.*



**6. БУЮКЛАРНИНГ БУЮК ХАТОЛАРИ  
ЁХУД АМИР ТЕМУР ВА НАПОЛЕОН  
ҲАМДА ЧИНГИЗ АЙТМАТОВУ ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ**

*Буюк Темур жаҳонни ўнжа  
ақли ила, сўнгра силоҳи ила фатҳ  
этди. Амир Темурнинг узангисини  
ушлаб туриб отига минишига  
кўмаклашсам, ўзимни бахтиёр  
ҳис этардим. Турк дунёсида ундан  
буюк шахсият йўқ.*

**ОТАТУРК**

*Франция! Армия! Авангард! Жозеффина!  
Наполеоннинг ўлими олдидан  
айтган сўнги сўзлари*

Чин императорининг мактуби Амир Темурнинг қалбида чўғланиб турган оташни аланга олдирган эди. Кўзини очиб унга бир сабоқ бериб қўймоқ керак, деган қарори янада қатъийлашганди. Зотан, яъжужу маъжуж ғоят ақлли бир қавм. Бироқ уларда фаросат эк-сиклиги бўлади. Ҳатто уларда бу сўзнинг таржимаси ҳам йўқ дейдилар. Фаросат соҳиби бўлган бир подшоҳ иккинчи бир ҳукмдорга бундай мазмунда битик битмайди.

Лион ва Кастилия, Рум ва Миср, Ҳинд ва Русия, Дашти Қипчоғу Чин элчилари шарафига тартиб этилган зиёфатдан сўнг Усмонли турклари беги амир Шайх Рамазон билан боғ айланишга чиққан жаҳонгирнинг ақлидан шу ўйлар кечарди.

Улуғ хоқон ҳурматли Усмонли амири Шайх Рамазон билан ёнма-ён қадам ташларди. Темур салтанати даврида Чинга беш маротаба бориб келган хос элчи ва махфий, чин тилини чин-

лар каби билувчи Шарофиддин Дизакий одоб сақлаб орқада борарди.

Шарофиддин Дизакийнинг буюк бобоси Фахруддин Дизакий Чингизхоннинг элчи ва савдогарлари билан Алоуддин Хоразмшоҳ ҳузурига келган ва Ўтрор ҳокими Хоразмшоҳнинг волидаси Туркон хотуннинг амакиси Инолчиқ Қипчоқ томонидан ўлдирилган эди.

Чингизхоннинг Турон юртига босиб келишига сабаб бўлган бу қонли воқеа миллатни сарсон, мамлакатни вайрон қилган, юрту улус мўғуллар босқину яғмосига маъруз қолган эди.

Халифа ан-Носир ҳам ўзидан кетган Хоразмшоҳнинг таъзирини бермоқ учун Чингизхонга махфий мактуб йўллаган, ғайримуслимларни мусулмонлар устига босиб келишига даъват этганди.

Шу тариқа Турон юрти мўғул истилосию истибдодининг қурбонига айланганди.

— Қавми Чин ҳақидаги билгиларингизни менга сўйлай биласизми? Фағфур ҳаддидан ошмоқда. Ҳаддидан ошган ҳалок ўлур, деган отасўзи уларда йўққа ўхшайди, амир жаноблари, — йўлка ўртасида туриб Усмонли элчисини сўроққа тутди Темур. — Қорабоғда қишлаганимизда сизнинг тарихимиз ҳақидаги мароқли ҳикояларингизни ҳали-ҳануз хотирлаймиз.

Хушёр ва зийрак амир Рамазон сергак тортди. Илгари ҳам гап орасида улуғ хоқон Чин подшолари ва мамлакати ҳақида сўраб-суриштирган эди. Авзойидан ул юртга юриш қиладиганга ўхшайди. Бу жуда хатарли ва неила сўнучланажаги номаълум бир юришдир. Бу сафар ҳақида ўзининг салбий фикрини билдирган Кўксаройнинг энг еткили беги амир Боботурк Шоҳруҳияга ҳоким этиб жўнатилди. Демак, бу хусусда хоқоннинг фикрига қарши

бориб бўлмайди. Теварак-атрофдагилардан билгилар олиб, не қадар маслаҳат сўрамасин, бу юришга қатъий қарор берган чоғи. Темур оғзига бир сўзни олиб, бир ишга аҳди қарор қилдими, тамом. Унга қарши бориб бўлмайди. Ҳис-туйғулари ва теран закоси шу пайтгача уни алдамаган. Балки бу сафар ҳам ҳар галгидек ошиғи олчи тушар.

– Зоти олийларига маълумки, улар ота-боболаримиз билан азал-азалдан жиққамушт бўлиб келганлар, улуғ хоқоним. Билга қооннинг Чин сари юрманг, улар инжулари ва хонимлари ила сизларни маҳв этадилар деган васиятига аждодларимиз доимо ҳам амал қилмаганлар. Бизнинг боболаримиз Тангри тоғу Ўтукан яйловларини минг бир ҳасрату армон, кўзда ёшу дуоларида тош билан тарк этиб, фарб сари йўлга чиққанлар. Кечмиш тарихимиздан белгилики, Чин ҳукмдорлари турли усуллар билан шарқий турк хоқонлигини тугатадилар. Хоқонлик кучқудратда экан, дўстона алоқалар ўрнатиб, ғоят илиқ қўшничилик муносабатларини йўлга қўядилар. Ақли бошда эмас кўзида бўлган турк хоқонлари сутга чайгандек оппоқ, малаксиймо чин маликаларини кўргач, уларнинг сеҳрли нигоҳлари қаршисида таслим бўладилар. Хоқонлару жабғулар, уларнинг қардошу ўғиллари Чин ҳукмдорларига куёв бўла бошлайди. Куёв ҳукмдорларга пора-шилға бериб, турли унвонлар тақдим этиб, ўзларига ағдардилар. Бу кишиларни ишга солиб, турк хоқонлари ва жабғуларини бир-бирлари билан савашга киритадилар. Шу тариқа, аста-секин Буюк турк хоқонлигининг ерларини босиб олдилар. Ҳатто Еттисув ва Фарғона водийсига қадар босиб келиб талаганлар. Ҳозир ҳам Хазар денгизига қадар бўлган ерларни бизники дея даъво қиладилар. Буни мендан кўра мухта-

рам буюк элчимиз Шарофиддинбей ҳазратлари янада яхшироқ биладилар, — дея орқароқда қимтиниб турган Дизакийга қаради амир Шайх Рамазон.

Шу гап тўғрими дегандек хоқон қўл қовуштириб турган Дизакийга тикилди.

— Шундайдир, Султон Соҳибқирон ҳазрати олийлари. Улар бу даъволаридан ҳозир ҳам воз кечганлари йўқ, — жавоб қилди Дизакий ўнг элини кўксига қўйиб.

— Биздан ўлпон талаб қилибди ул кофир фағфур. Шу пайтгача элчи ва туҳфалар алмашиб, муносабатларимиз бинойидек давом этаётган эди. Ҳайронман, — Дизакийга қараб турарди хоқон.

— Хабарингиз бор, улуғ султоним! Сиз ила мулоқотда бўлиб турган Чин подшоҳи Той Зуй вафот этди. Ота тахтига барча қардошларини ва валиаҳд акасини ҳам мавҳ этган Дай Минг деган ўғли ўтирган. Ёш валиаҳдлар энди тахтга ўтирганларида шундай, юлдузларни кўзлаб бир оз ўзларидан кетадилар. Вақти замони етиб ёки бошларига бирор тўқат (мушт) есалар, босилиб қоладилар, — сўзлари тарози босарди буюк элчининг.

— Тўғри сўйлайдурсиз, Шарофиддинбек. Ёш ва тажрибасиз фағфур шу тўқатни биздан ейди чоғи, — юришда давом этди хоқон. — У билан орани очиқ қилмоқ пайти келганга ўхшайдир.

Тарихдан сўз очиб, бугунги муносабатлар ҳақида фикр билдирмаган амир Шайх Рамазон мавзу муҳокамасидан чекингандай ҳамон сукут сақлар, улуғ хоқон хоҳиш-иродасига қарши бормоқ мумкин эмаслигини яхши билган Шарофиддин Дизакийнинг ҳам дарди ичида эди. Чин чек-чегарасиз бир улкан мамлакат. Ўғузхон, турк хоқонлари ва Чингизхоннинг мўғулларидан сўнг ҳеч ким журъат этиб ул

юртга бостириб бора олмаган. Ақл бовар қилмас узунликдаги Чин деворини ҳам турклардан ҳимояланмоқ учун қурганлар. Узоқ йиллар сўғишу савашсиз, жангу жадалсиз яшагани учун ҳам кўпайиб кетган. Ҳрдуси ҳам биздан бир неча баробар ортиқ. Қолаверса, етти йиллик урушдан қайтган Турон қўшини чарчаган. Ҳали-бери ўзига келмайди. У мамлакатнинг ички вилоятларига кириб бўлмайди. Турк ва мўғулларга қарашли ҳудудларни забт этсак-да, юртга қайтишимиз билан яна эгаллайдилар.

Шарофиддин Дизакий ақлидан кечаётган бу фикрларни юрак ютиб улуғ хоқонга сўйлай олмас эди.

Қиш киришига уч кун қолганида Турон қўшини довулу наққоралар садоси остида Самарқанддан чиқди. Мавлоно Бадриддин етакчилигидаги мунажжимлар узоқ баҳсу мунозарадан сўнг зоижа тузиб, шу кунни белгилаган эдилар.

Бостириб ёғаётган қор ва бирдан тушган совуққа қарамай қўшин Утрорда қишлаб, баҳор кириши билан Чин сафарига чиқиши керак эди.

Бироқ тақдирга такбир йўқдир.

Амир Шайх Рамазон истиҳола қилиб сўйлай олмаган, Чин бўйича хос буюк элчи Шарофиддин Дизакий тилга келтиришга чўчиган ва бу юришга очик қарши чиққани учун Шоҳруҳияга жўнатилган амир Боботуркнинг ақлига келган ва қўрққанлари фожиа юз берган эди.

Мамлакат яқин эллик йилда бундай қаҳратон қишни кўрмаганди. Тафтишчилар очлигу сафолатдан ўлган ва қочиб кетган суворийу сипоҳийлар ҳисобидан адашиб кетган, юзлаб-минглаб аскарлар совуқ урган қулоғу бурунларидан айрилган, қаҳратонда

тарракдек қотиб қолганларни қор билан кўмиб қўйишарди.

Бироқ бу даҳшатли ҳолатни бор бўй-басти билан улуғ хоқонга етказмас эдилар. Фақат оғир аҳволдан изтироб чеккан амирзода Улуғбек кўрқа-писа бобосига ўрдуда емак-ичмак етишмаётганини айта олди, холос.

Энг даҳшатлиси, совуқдан-да баттар мағлубиятга дучор этган бу қаҳратон етти иқлим хоқони саналмиш жаҳонгирнинг жонига ҳам мол бўлган эди.

Ўпкаси қаттиқ шамоллаган ва ичи тўхтовсиз кета бошлаган улуғ султон бир неча кун ўтгач, тана тупроғини она тупроққа топширди.

Юзлаб, минглаб даҳшатли жангу жадаллардан омон чиққан жон қаҳратонга таслим бўлган эди.

Улуғ хоқон Москвага етиб келганида қаршисида чексиз гўзал ўрмонлар турар, Турон ўрдуси ҳеч бир қаршиликсиз совуқ денгизларга қадар бориши мумкин эди. Бироқ бу ҳудудларга бориб қайтгунга қадар совуқ тушиб қўшиннинг аҳволи мушкуллашиши мумкин. Бу ерларнинг қаҳратони эса ўз-ўзидан маълум.

Улуғ хоқон қўшинга ортга қайтиш амрини берди.

Бироқ Амир Темурдан уч юз ўн олти йил сўнг Москвага босиб келган Наполеон Бонапарт шу оддий ҳақиқатни англаб етиб, ҳисобга олмади.

— Унга қарши қўшинни қўйиб ҳалок этмоғимизга лузум йўқ, зоти олийлари. Бу босқинчининг ишини рус қишининг ўзи ҳал этади. Армияни шаҳардан олиб чиқамиз, — деди Кутузов подшоҳ Александр Иккинчига.

Наполеон беш юз минглик қўшин билан Москвага кирди. Ёғочдан қилинган Москва Кремлига ўт қўйишни буюрди.

Бироқ Спасск минораси оташининг самолар-

га етган алангаси ҳам очу ночор, қаҳратонда тарашадек қотиб ўлаётган француз ва бошқа Европа давлатлари қўшинини қутқара олмади.

Ҳовлиқма жаҳонгир эллик минг чоғли суворийси билан аранг Парижга етиб борди.

Энди эса уни Ватерлоо мағлубияти кутарди. Бу мағлубият тамал тоши Москвада қўйилганини англамаган Наполеон ҳамон саф тортган қўшини қаршисида оғзи кўпириб нутқ отарди...

Буюклар шон-шуҳратнинг шоҳсупасига кўтарилганларида, қолаверса, ҳукмронлик даввосидаги ҳар қандай шахс ҳам гапи гап, сўзи сўз бўлганидан кейин беихтиёр ҳукмронликни суиистеъмол қила бошлайди.

Сиёсатда ақлсизлик камчилик ҳисобланавермайди, дейди Наполеон Бонапарт.

Жаҳонгир ўзича ҳақдир балки. Бироқ ҳукмдордан кўрққан халқ бу ақлсизликларни унинг кўзи очиқлигида сўйламайди. Ўлгандан кейин эса гўрига гишт қалайди.

Гўё у ўзининг буюк хатоси туфайли Аё Елена оролига сургун қилиниб, заҳарланиб, ёмон хасталик билан ўлиб кетишини олдиндан кўра билгандек: хатолардан кейин ҳам, бахтсизликлардан кейин ҳам — буюк киши доимо топилади дейди.

Наполеондан сўнг буюк ва қаҳрамон киши топилди ва унга Парижда ҳайкал қўйдилар.

Бу Россия императори Александр Иккинчи эди.

Оддий омма, ўртамиёна ва ундан ҳам паст даражада фикрловчилар иқтидору қобилияти, солиҳлигу донишмандлигидан қатъи назар кишиларни улар эгаллаган мансабу мартабаларининг даражаси билан ўлчайдилар.

СССР деган буюк империянинг собиқ бош

раҳбари Никита Сергеевич Хрушчёв кўчага улоқтирилганида бир шиша ароқ олиш учун ўзини қўриқлаб юрган милиционерни магазинга юборганида, унинг даражаси оддий бир колхоз раисидан фарқ этмаслигини биладилар ва наҳотки тепамизда шу одам турган бўлса-я, дея баҳслаша бошлайдилар. Бироқ бу мунозарачиларнинг ҳеч бири масаланинг мантиқий фалсафасини англаб етмайдилар.

“Нимага у сенинг кўзингга шунчалик буюк туюлади?” дея савол беради файласуф Сенека сизу бизга. “Сен уни эгаллаган мансаби билан ўлчаганинг учун” дея саволига ўзи жавоб беради бундан икки минг йил бурун.

Бирорта ҳам ҳақиқий буюк киши ўзини ҳеч қачон буюк ҳисобламаган, дея қайд этади Хэзлитт.

Бироқ биз буюклик билан суюкликнинг фарқига бормайдиган, воқеа, ҳодиса, кимса ва шахсларни ўзимизнинг ноқис тафаккуримиз, Тўйтепадан нарига ўтмас дунёқарашимиз билан ўлчаб, вақтинча, амаллаб туриши керак бўлган бир лавозим билан ўлчаб, ҳукм чиқарамиз.

Кўлбола, сохта буюкларимиз ўйинчоқ шартуплар каби ёрилиб, кимлиги бор бўйи баста билан фошу ошкор бўлганда эса ўзимиз яратган буюкни танимаганга олиб, шаталоқ отиб қочамиз.

Бу буюкнинг устига чизиқ тортилиши унга хизмат қилган, шотирлик шарту талабларини ўрнига қўйган бизни безовта этаверади. Боиси, ўша буюкнинг ёнида ўзимизни ҳам ундан кам санамай байтал қамчилаганимизда.

Улуғ устозимиз Чингиз Айтматов билан суҳбатлашганимизда, у киши Амир Темур ва Мирзо Улуғбек ҳақида кўп сўраб-суриштирар, турк улусининг бу тенгсиз шахсиятлари ҳақида билганларини ўртоқлашар эдилар.



Буюк хоқон Темурнинг Хўжа Ҳофиз Шерозий билан бўлган учрашуви суҳбатларининг оғиздан-оғизга, қоғоздан-қоғозга ўтган турли вариантлари бор.

Бу тарихий кўришувнинг бадиий тасвирини “Темурийлар” эпопеясида ўқувчиларга тақдим этганман.

Сизга эса Темур, Ататурк каби турк халқларининг улкан шахсияти Чингиз Айтматов таърифларида бу ҳикоятни диққатингизга ҳавола этмоқ истадим.

– Ёшлик пайтларимда буюк жаҳонгир Амир Темур тўғрисида бир ҳикоят эшитган эдим.

Бу ғоят ибратли ривоят ҳамон эсимдан чиқмайди.

Буюк ҳукмдор бошқа қутлуғ ишлар қаторида Бухоро ва Самарқандда наққошлик санъати ривожланишига алоҳида ғамхўрлик қилади. Унинг даврида кўплаб улкан маҷитлар, карвонсаройлар, мадраса ва Хўжа Аҳмад Яссавий турбаси каби иншоотлар барпо этилади. Аста-секин қўл остидаги ўлкаларни илм-фан марказига айлантиради. Амир Темур боғлари, ҳовузли оромгоҳлари тўғрисида хорижий ўлкалардан ташриф буюрган элчилар ва сайёҳлар тўлқинланиб ёзишган.

Ҳукмдор ҳақида кўпдан-кўп ҳикоят, ривоят ва афсоналар мавжуд. Шулардан бири Амир Темур ва Ҳофиз Шерозий учрашуви ҳақидадир.

Амир Темур Самарқанду Бухорони жаҳон ва диннинг пойтахтига айлантирганда шерозлик шоир Ҳофиз:

“Агар кўнглимни ром этса, ўшал шерозлик турк жонони,

Ҳинду холига бахш этгум Самарқанду

Бухорони!” деган гўзал мисраларни ажойиб бир ғазалида ифода этади.

Амир Темур сафардан қайтаётиб Шероз шимолига қўш ташлайди.

— Эшитишимга қараганда, устоз Ҳофиз Шерозий Шерозда эмишлар! Ул табаррук зотни ҳузуримизга чорланг! Бир гўзалнинг қора холига бизнинг икки буюк шаҳримизни бериб юборгувчи ҳотамтой шоир билан суҳбатлашайлик!

Мулозимлар шоирнинг оёғини ерга теккизмай улуғ хоқон ҳузурига келтирибдилар.

— Самарқанду Бухорони маъшуқасига тортиқ қилиб юборган ошиқ сенмисан? — сўроққа тутибди ҳукмдор. — Биргина хол учун шундай икки бошкент шаҳарни-я?

Шунда Хўжа Ҳофиз Шерозий:

— Эй давлатпаноҳ, улуғ хоқон ҳазрати олийлари! — дея илтижо қилади. — Туриш-турмушимни кўриб турибсиз! Камбағалнинг қўли очиқ бўлади! Сув ҳам қаттиқ ерда туради! Сахийлигим тутиб кетиб, турк гўзалини кўкларга кўтармоқчи бўлиб сиз олампаноҳ барпо этган икки жаҳон зийнати бўлмиш шаҳарни қандай тортиқ қилиб юборганимни ўзим ҳам билмай қолибман! Шу боис ҳам юпун бир аҳволда жаҳон султонининг қаршисида турибман! — дея жавоб берибди Ҳофиз Шерозий. — Бир қошиқ қонимдан кечинг!

Амир Темур абгор либосдаги шоирга бошдан-оёқ разм солибди. Эғнида жулдур чопон, бошида дарвешлар кулоҳи, оёғида ийиғи чиқиб кетган чиптаковуш.

— Ҳа, тўғри сўйлайдурсан, шоир. Камбағалнинг кети очиқ бўлади! Жуда олийжаноб инсон экансан! — дебди ҳукмдор шоирнинг самимиятидан завқланиб. — Агар мен буюк

амир бўлсам, сен буюк битикчисан! Умрингнинг сўнггига қадар саройимнинг тўри сеники! Менинг ёнимда юравер! Муҳтожлик нелигини билмай, гўзал битиклар битавергин!

Ўйга толиб бир муддат сукут сақлаган жаҳонгир мулозимларига назар ташлаб, сўз қотади:

— Ўз шоирини излаб юрган подшонинг қўл остидаги халқ бахтли бўлади. Бироқ ўз ҳукмдорини излаб юрган шоирнинг халқи бахтсиздир! Менинг ушбу сўзларим ҳаргиз ёдингизда бўлсин!

Кичикларнинг душманлари ҳам, дўстлари ҳам кичик бўлади. Жумладан, хато ва нуқсонлари ҳам. Бу хатолардан ўзи ва атрофидагилар зарар кўрадилар, холос. Кўпчилик бундан эткиланмайди. Зотан, дунё тарихи — бу буюкларнинг таржимаи ҳолидир деган фикр жуда тўғридир.

Буюкларнинг хатолари буюк бўлади ва буюк фалокатларга олиб келиши мумкин. Хато қилмоқликдан эса шоҳу гадо, доною нодон дея ҳеч ким муҳофаза этилмаган.

Бир аҳмоқ қудуққа ташлаган тошни юзта ақлли ололмайди деган гап буюклар учун эмас, ўзини доно санаган чаласавод нодонлар учун айтилгандир.

...Ҳоқони саид Шоҳрух султон ота тахтига кўз тиккан, қиблагоҳининг сўнгги бош вазири улуғ амир Шайх Нуриддин, Султон Соҳибқироннинг болалик дўсти, улуғ амир Худойдод Ҳусайний, амакиваччаси мирзо Халил Султон ва жияни Султон Ҳусайнларни ўн йил деганида минг бир машаққат, жангу жадал билан бартараф этади.

Отамерос Турон салтанати, Самарқанд

тахти, қутлуғ Кўктош юлдузлар султони шаҳзода Улуғбекка насиб этди.

Шаҳар кўчаларида дарбадар кезувчи дарвешлар устозлари Шоҳи Қаландарнинг шу пайтгача айтмай қўйган айтувини яна сўйлай бошлаган эдилар:

*Кўктошга орти теккан,  
Ҳар каски Темур ўлмас.  
Қулмижозлар зирвада,  
Энди Ватан бир ўлмас.*

*Кўктошга орти теккан,  
Ҳар каски Темур ўлмас.  
Фосиқ сўзи сўз экан,  
Улус мудом ҳур ўлмас.*

*Кўктошга орти теккан,  
Ҳар каски Темур ўлмас.  
Эл бўлмаган элатнинг,  
Хиргойиси ир ўлмас.*

*Кўктошга орти теккан,  
Ҳар каски Темур ўлмас.  
Аҳди мавҳум улуснинг,  
Иймонида нур ўлмас.*

*Кўктошга орти теккан,  
Ҳар каски Темур ўлмас.  
Ватансиз қавмларнинг,  
Саҳроси бўз қир ўлмас.*

*Кўктошга орти теккан,  
Ҳар каски Темур ўлмас.  
Юртга хоин бош экан,  
Ата Турон бир ўлмас.*

7. ТОШКЕНТДА ЖОН ЧЕККАН БРЕЖНЕВ  
ЁХУД ҲАЙДАР АЛИЕВНИНГ БИР СОАТЛИК  
ҚАДАҲ СЎЗИ

*Сиёсатда ақлсизлик кам-  
чилик ҳисобланмайди.*

**НАПОЛЕОН**

*— Брежнев нима учун уч бора (бир  
маротаба Социалистик Меҳнат  
Қаҳрамони), Совет Иттифоқи Қаҳра-  
монлиги ва маршал рутбасини олган?*

*— Кремлни забт этгани учун!*

**Кечмиш анекдоти**

Минг тўққиз юз саксонинчи йил кузлари-  
да Озарбайжонда Ўзбекистон маданияти  
кунлари ўтказилди. Оқил Умрзоқович Салимов  
бошлиқ делегация Бокуга ташриф буюрди.  
Бизга қадар Бокуга Леонид Ильич Брежнев  
келиб кетган, бутун шаҳар ва мамлакат унинг  
портретлари, сўзлари ва асарлари “Целина”,  
“Возрождение” ва “Малая земля”га қўйилган  
паннолар билан тўлган, биз шу пайтгача  
бундай манзарани кўрмаган эдик. Бош раҳбар  
китобларига қўйилган панно-ёдгорликлар  
шаҳар манзарасини тўсиб қўйгандек эди.

Ҳайдар Алиевнинг бир соатлик маърузаси-  
нинг маъноси — Леонид Брежнев шарафига  
мақтов, унинг Озарбайжонга келиб кетиши  
буюк тарихий воқеа эканлиги ва Ўзбекистон  
пахта етиштиришда Иттифоқда биринчи бўлса,  
Озарбайжоннинг узумчилик бўйича биринчи  
ўринга чиқиши ҳақида эди.

Кўп ўтмай, саксон иккинчи йилнинг ба-  
ҳорида, Наврўз байрамида Леонид Ильич  
Тошкентга ташриф буюрди. Тошкент ҳам биз

кўрган Боку тусини олган бўлса-да “Дорогой Леонид Ильич!”ни шарафлаш борасида озарий қардошларимизга ета олмасди.

Йигирма учинчи март куни бош раҳбар Тошкентдаги бир неча заводларни бориб кўрди, бош секретарни толиқтирмаслик учун авиация заводидаги учрашувни бекор қилишди.

— Тушликкача ҳали анча вақт борга ўхшайди, Шароф Рашидович! Заводга борамиз деб сўз берганмиз! Одамлар тўпланиб, учрашувга тайёрланиб, бизни кутаётган бўлишса керак. Боришимиз лозим, назаримда. Ҳар хил гап-сўзлар тарқалиши мумкин, қани кетдик, — деди Брежнев ёнида турган Шароф Рашидов ва бюро аъзоларига.

— Леонид Ильич! Заводга бориш мумкин эмас! — эътироз билдирди қўрима бошлиғи генерал Рябенко. — Қўримани бекор қилганмиз! Уни қайтариш учун вақт керак!

— Сенга ўн беш дақиқа муддат! — қўрима бошлиғи сўзини кесди бош секретар. — Қўримани қайтар!

Ўн икки тоннали, ўқ ўтмайдиган “Зил”лар кортежи Тошкент авиация завоидига етиб келганида денгиз каби тўлқинланаётган одамларга кўзи тушган Рябенко ёнида турган, Леонид Ильичнинг шахсий тан қўриқчисига деди:

— Ортга қайтайлик! Вазият чатоққа ўхшайди.

— Қўйсанг-чи! Бу гапни Ильичга айтиб бўладими? — жавоб қилди полковник Медведовнинг ҳам капалаги учиб.

Меҳмонлар учрашув тайин этилган йиғиш цехига етиб боришди. “Бурани” космик кемаси йиғиладиган цехда одам чумолидек қайнарди.

Юзларча ишчилар қурилиш нарвонлари устига чиқиб, афсонавий раҳбарни кўрмоққа интилар, ит эгасига боқмас бир ҳолат ҳукмрон эди.

Қўрима қуршовидаги Леонид Брежнев ва ҳамроҳлари самолёт қаноти остидан учрашув майдончаси томон бир аммалаб ўтиб олган, қўноқларни ўраган ҳалқа хатарли равишда торайиб борарди.

Оломон астойдил босиб келавергач, хавфсизлик хизмати ишга киришди ва босимни тўхтатиб қолмоқ учун одамларни орқага итара бошлашди.

Леонид Ильич Рашидов билан самолётнинг тагидан эндигина чиққан эди. Самолётни териш учун тикланган леса-нарвонлар устидаги ортиқча одамни кўтара олмай гурсиллаганча ағанади. Нарвоннинг узунлиги самолётнинг бўйи қадар бўлиб эни тўрт метр эди.

Брежнев ҳам, Рашидов ҳам қўримаю улар билан келган барча кишилар одамлар остида қолиб кетган, қиёмат-қойим юз берганди.

Нарвон ағдарилиб ерга тушишига одам бўйи қолганда Москва ва Тошкент қўрима хизматлари ходимлари Брежнев турган жойда ўзларини қалқон қилиб ёғочларни аранг тутиб қолишди.

Нарвон устидаги кишилар нўхат доналари каби ерга отилар, жисмонан бақувват қўрима муҳофизлари ҳамон лесаларни кўтариб туришарди.

Ўн чоғли қўрима офицерларининг жасорати туфайли Леонид Брежнев ва Шароф Рашидовнинг ҳаёти қутқариб қолинган, энди эса бир аммалаб уларни бу жаҳаннамдан олиб чиқиб кетиш керак эди.

Не фалокат юз берганлигини қўришга ошиққан оломон ҳамон босиб келар, бирор-бир тадбир қўллаб улар тўхтатилмаса, фожиа такрорланар эди.

Оғриётган елкасини ушлаганча карахт ҳол-

да турган Леонид Ильичнинг қулоғи шилиниб кетган чеккасидан шариллаб қон оқарди.

— Юра оласизми, Леонид Ильич? — сўради кутилмаганда фожиадан ранги рўйи оқариб кетган Шароф Рашидов зўрға тили айланиб. — Ёки кўтариб чиқишсинми?

— Ҳечқиси йўқ. Юра оламан. Фақат елкам қаттиқ оғриётир, — деди Брежнев шундоққина ёнида, бетонда ҳушсиз ётган ёш қўриқчига тикилиб боқаркан. — Буни тезроқ госпиталга олиб боринг!

Оломон ҳамон тўрт томондан босиб келар, ҳеч кимнинг хаёли жойида эмас эди.

— Тарқалинг! — дея қичқирди генерал Рябенко қўлига пистолетни олиб ҳаволантирар экан. — Ким яқинлашса отиб ташлайман!

Генерал тўппончасини олганча ёрдамчилари кўмагида “Зил”лар турган томон йўл очишга киришган эди.

Елкасига олти метрлар чамаси юксакликдан тушган оғирликдан бош секретарнинг ўнг ўмрови синганди.

Дока билан ўралган, атрофини оқ халатли докторлар ўраган Леонид Ильич нурсиз нигоҳини шифтга қадаганича аранг кўзини очиб-юмарди.

— Менга Москвани, Юрий Владимировични боғласинлар, генерал! — деди у хиррилаган овозда қўрима қўмондони Медведевга.

Генерал Медведев телефон гўшагини зўрға қўлини қимирлатаётган Брежневга узатди.

— Юра, қандайсан? Бу ерда заводда мен билан бир бахтсиз ҳодиса юз берди! Сендан илтимос, шу воқеа баҳонасида ҳеч кимнинг бошини олма! Жазолама, ўзим айбдорман! Қанчалик эътироз билдиришмасин, огоҳлантирмай боришга ўзим мажбур эдим. Мени чекистлар қутқариб қолишди!



— Зудлик билан Москвага қайтмасак бўлмайди! Даволанишни Кремль шифохонасида давом эттиришимиз керак! — деди хастанинг бош учида ҳақ деб ўтирган шахсий табиби.

Ўзбекистонлик докторлар ҳам жўр бўлишиб москвалик ҳамкасбларини қўллаб-қувватладилар.

— Йўқ! Шошилинич қайтишимизга лузум йўқ! Мен ўзимни яхши ҳис этмоқдаман! Бу воқеадан сўнг пойтахтга апил-тапил қайтишимиз турли миш-мишларнинг урчишига сабаб бўлади. Мен эртага “Халқлар дўстлиги” саройида нутқ сўзлаб, Ўзбекистон байроғига орден тақишим керак! Йўқ! Бўлмайди! Қоламиз! — табиблар фикрини рад этди Брежнев.

Эртаси куни биз саройнинг биринчи қаторида ўтирар эканмиз, оёқларини зўрға кўтариб босаётган, қўллари ҳаракатсиз Леонид Ильич шундоққина олдимиздан ўтди. Тўрт кўрима офицери оғиб кетса суягудек даражада унга шу қадар яқин юрар, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кўздан қочиришмас эди.

Қўлини қимирлатганда юзида оғриқ азоби сезилар, ҳаракатсиз турганда жони азобланишдан тўхтагандек туюларди. Республика байроғига орден тақиш эса бу дунёнинг азобига айланган, устозининг аҳволини сезиб турган Шароф Рашидович ҳам қора терга тушганди. Леонид Ильич Москвага қайтгач, қайта рентген қилдилар. Рентген суратини кўрган врачлар ҳайрон эди. Умровдаги ёриқ ажаралиб, суяклар айрилиб кетганди.

— Уруш кўрган одамлар шундай чайир, кучли ва иродали бўлади, Леонид Ильич! — деди СССРнинг бош врач Чазов муштарийсининг мардлигига тан бериб кўнглини кўтарар экан.

Тошкентда Леонид Ильич Брежневнинг устига ўзи эсини таниганидан бери хизмат қилиб

келган ва ўн саккиз йил бошида турган буюк ҳокимият қулаб тушган эди.

Бу бахтсизликнинг бош секретарь учун сўнги фалокатга айланишига саккиз ой, Ўзбекистоннинг бош раҳбари Шароф Рашидовга эса ўн саккиз ой қолганди.

Улар ҳам хануз бу ҳақда ўйламай салтанат тулпорини чопар, ҳар иккисининг ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнагувчи шахс Андропов Иттифоқнинг бош врачлари, СССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари, Кремлнинг тўртинчи, соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Чазов билан Москвадаги махфий квартирасида суҳбатлашарди.

Ҳозирги эски бою янги бойлар, замонавий машиналару мафия босларининг юриш-туриши, ўзимиздагию хориждаги қасру саройлари ҳақида эшитиб кўрар экансиз, Хрущёву Брежнев, Андропову Горбачёв, Усмон Юсупову Муҳиддинов, Рашидову Усмонхўжаев, Черненкою Нишоновлар анча-мунча камтар ва мутавозе ҳаёт кечирганликларини эътироф этиб, ўқувчига сўйламак, битикчи ўлароқ вазифамиздир.

Шароф Рашидович билан илк бор кўришиб суҳбатлашганимизда дастурхонда нон, печенье ва карамель конфети бор эди. Буни дўст ва ҳамкасбларимга айтганимда “Ие, пошшолар ҳам биз ейдиган нарсаларни ейишар экан-да?” дея ҳайрон бўлишгани эсимда.

Леонид Брежневнинг Тошкент сафарлари ҳам сархуш Никита Хрущёвники каби ҳангомаларга бой ва қизиқарлидир.

Никита Хрущёв Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистонни қамраган узоқ сафаридан сўнг Душанбе, ундан сўнг Тошкентга келади. Душанбедан чиққан доҳий самолётда маишатни давом эттириб, кетма-кет ароқни урар ва

қизил балиқ, оқу қора икраларни туширарди. Тошкентда эса ўша пайтдаги Республиканинг бош раҳбари Нуриддин Акрамович Муҳиддинов бошчилигида катта митингга тайёргарлик кўриларди.

Ниҳоят, Иттифоқ бошлиғини ташиган учоқ Тошкент қўналғасига инади. Олий кайфиятдаги даҳо митинг майдонига йўл олади ва оёғининг чанги билан минбарга кўтарилиб, маърузасини бошлайди:

– Ҳурматли тожиклар...

– Қадрли Никита Сергеевич, тожиклар эмас, ўзбеклар. Сиз Ўзбекистондасиз, – шипшийди Муҳиддинов.

– Муҳтарам ўзбеклар! Тожиклар сизларга алангали саломларини етказишни сўрадилар! – гапни буриб кетади Никита Хрущёв вазиятдан чиқмоқ учун.

Қозоқ қардошларимиз билан суҳбатлашсангиз сизга Брежнев билан Рашидовнинг бирга чой ичгани ҳангомасини завқ билан ҳикоя қилишади. Мен ҳам бу латифани илк бор Олмаотада эшитганман.

Брежнев Тошкентга келганида доимо Рашидов билан бирга емак еярган. Илк келганида нонушта қилишар экан, Рашидов чойни уч марта қайтаргач пиёлада ўзига қуйиб, иккинчисини қўноққа узатибди. Буни бизда лой, мой ва чой дейдилар. Мезбоннинг ҳаракатини кузатиб турган меҳмон:

– Ҳа-а, Шароф, ўзингни пиёлангни уч бора чайдинг, меникини эса бир марта ҳам чаймадинг-а, – деган экан.

Ҳар бир гоё, маданият, жамияту қавмлар сифиниб яшамоқлари учун ҳеч қандай хос фазилатлари йўқ, ўзлари каби, бироқ ҳаёт оқидамида тепаларига келиб қолган кишилардан пайғамбар ва авлиёлар, вали ва даҳолар ясашган.

Усмонли ва бошқа ҳукмдорлар фармонларини ўрганар экансиз, юз йигирма тўрт минг пайғамбар номи билан дея фармойишларини бошлайдилар. Муҳаммад алайҳиссалом сўнги пайғамбар дея эълон этилмаганида ким билади, бу рўйхатга ўзича “Руҳнома” деган китоб ёзиб, муқаддас дея эълон эттирган Туркманбошию биз билган-билмаган анча-мунча арбоблар ҳам қўшилармиди?

Русларда халқ кўрмайди, бироқ ҳис этади деган отасўзи бор. Биз ўзимизни не кўйга солиб, не шакл-шамойилда элга тақдим этишга уринмайлик, улуснинг онги очиқ ойдинлари барчасини кўриб, билиб ва сезиб турадилар.

Бор яхши хислатларимиз ва қусурларимиз билан инсонмиз. Инсон каби инсон ўла билмоқ эса ҳар кимнинг қўлидан келавермайди.

Зотан...

*Етим хаққи еганингни  
Қўл, комлигинг яхши билур.  
Хақ танимам деганингни,  
Сел, дамлигинг яхши билур.*

*Кўндаланг келса ютарсан,  
Дўл, томлигинг яхши билур.  
Елкаси офтоб кўрмаган,  
Дол, ёмлигинг яхши билур.*

*Лойинг қай бир балчиқдандир,  
Қўл, қумлигинг яхши билур.  
Фатвочи устозинг разил,  
Бел, думлигинг яхши билур.*

*Нафсинг бузуқ, аксинг қуруқ,  
Тул, камлигинг яхши билур.  
Нарху навонг неча хуруш,  
Пул, сўмлигинг яхши билур.*

*Зулм ўнгида сусган шайтон,  
Қул, шумлигинг яхши билур.  
Алайҳилағналар ичра,  
Қул, шамлигинг яхши билур.*

*Хом хаёлларни кўп сурма,  
Тил хомлигинг яхши билур.  
Адолатдан ҳеч лоф урма,  
Эл кимлигинг яхши билур.*

## **8. СИЁСАТНИНГ СИРЛИ ҲИҚНИЛАРИ ЁХУД ИШТОНИ ЙЎҚНИНГ ИШТОНИ ЙИРТИҚ УСТИДАН КУЛГАНИ**

*Сон тегмаганга сон тегди,  
Зоғора тегмаганга нон тегди.  
Отасўзи*

*Билмайдиганини биламан  
деб ўйлайдиганларнинг тақ-  
дирига сиёсатчи бўлиш  
ёзилган.*

**Бернард ШОУ**

Одатда аксар раҳбарлар барчадан ақлли бўлганим учун шу лавозимга кўтарилганман, Тангрининг мендан бошқа кўражак кишиси ва сояси йўқ дея фикр қиладилар.

Невараси кўкрагига тақилган тўрт олтин юлдуз ва сон-саноқсиз ордену медалларни ўйнаган ва бундан ўзи ҳам болалар каби завқланган Леонид Ильич ҳам шундай дея ўйларди.

Ҳамма ленинчи-сталинчи сафдошлари каби ҳеч бир алоҳида ва фавқулодда ижобий хислатлари билан ажралиб турадиган кишилик эмасди аслида.

Бор-йўғи Курск ер қурилиши техникумни бир амаллаб, темир йўл вокзалида юк ташувчи

мардикорлик қилиб битирган Лёня Брежнев ўз даврининг типик вакили эди.

У ҳам даҳоси Сталин каби ғирт оёқяланг бўлиб, қорни нонга тўймаган, эгни тузук-қуруқ усти бош кўрмаган, тўрт йил черковнинг диний мактабида ўқиган, бироқ Пушкин ва Есенин шеърларини соатлаб ёддан ўқий билажак шоиртабиат одам эди.

Брежнев Хрущёвни ағдаришда катта хизмат кўрсатган КГБнинг собиқ бошлиғи Шелепинни ВЦСПСга ўтказиб, ўрнига Андроповни олиб келганди. Юрий Андропов ана шундан бери унинг ёнида сидқу садоқат билан хизмат қиларди.

Давлатпаноҳи Брежневнинг соғлиғидан пуртур кетиб, оёғи чалкашиб қолганлигини барчадан яхши биладиган Юрий Владимирович унинг соғлиғи учун астойдил қайғурган бўлиб, ойда бир ёки икки маротаба бу ҳақда маълумот олиш учун шанба, ходимлар камроқ кунлари Лубянкадаги Феликс Держинский ўтирган кенг хонасига чақирарди. Гоҳида бундай хуфиёна суҳбатлар махсус хизмат ходимлари учун ажратилган махфий уйларда кечарди.

Бу гал ҳам Чазовни подъезда кутиб олган адъютанти камтарона безатилган квартирага олиб кирди. Чазов бу хонага илгари ҳам икки маротаба келган эди.

Феликс Держинский ва Лаврентий Бериянинг вориси Юрий Андроповдан сиёсий бюро аъзоларидан тортиб барча иттифоқ вазирлари, республикалар раҳбарлари Азроилдан кўрққандек кўрқардилар.

Боиси, унинг қўлида Брежневу партиянинг иккинчи ва учинчи одамлари Кириленкою Черненко, Кунаеву Рашидовгача, барча-барчаси ҳақида донос ва компроматлар бўлиб, истаган пайтида истаган кишисининг кўзини

ўйиши мумкин эди. Галина Брежневанинг циркач эри Игорь Кио билан қилган номаъқулчиликларини ҳам Андроповнинг йигитлари фош этиб отасига етказган, шу боис у билан Леонид Ильичнинг ўзи ҳам ҳисоблашарди.

Ҳамкасб раҳбарлар турли поку нопок йўллар билан топган маблағни Андропов қонуний равишда истаган миқдорда топар, разведка ва контрразведка учун ажратилган чексиз миқдордаги бюджет масрафи унинг ихтиёрида эди.

Қолаверса, мамлакатнинг энг биринчи назоратчисига кўп пулнинг кераги ҳам йўқ, унда бойликка интилиш хасталигининг ўзи йўқ эди.

Сиёсий бюро аъзоси ва Давлат хавфсизлик комитетининг раиси сифатида у барчадан кучли ва барча ундан ҳайиқарди. Брежнев ва партиянинг иккинчи кишиси саналмиш Андрей Кириленко ёки Суслов каби — бирикки киши унга эмин-эркин иш буюриб гап айта олар, қолганларнинг эса дуч келганда оёқлари қалтирарди.

Шунинг учун ҳам ўз кашфиёти, Михаил Горбачёвни Москвага олиб келиш унга қийин кечмади. Деярли барчаси етмишдан ошган ва тўкилиб қолган сиёсий бюро аъзоларидан ҳеч бирининг эътироз билдиражак ҳоли йўқ эди.

Андроповга қарши кучлар эса Ленинграддан ўз одамлари Романовни келтирдилар. Михаил Горбачёв қишлоқ хўжалигини бошқарса, Романов энг муҳим тармоқ, ҳарбий саноатдан космосгача бўлган соҳани назорат этарди.

Ўз келажакларини ўйлаган Кремлнинг Сталину Хрушчёвдан қолган оқсоқоллари ана шу икки арбоб атрофида иккига бўлинган, бу пинҳона рақобатда қай бир тараф ютиб чиқса, иккинчи томон эшак ўғрисига айланиши муқаррар эди.

Бундай сиёсий ўйинларнинг кўпини кўрган

ва ақл-идрок, тадбиру тажрибада ҳамкасбларидан бир неча бор устун Андропов уларнинг ҳеч бир хатти-ҳаракатини кўздан қочирмай, арқонни узун ташлаб, сўнгги ҳадаф сари илгариларди.

Ҳар тўқисда бир айб дегандек, унинг ҳам бир муаммоси бор эди. Соғлиғи кўнглидагидек эмасди. Кутилмаганда буйраги панд бериши мумкин. Қон тозаловчи стабилизатор ёрдамида яшаб юрибди. Бироқ давлат сирини сифатида буни ҳеч кимга билдирмасди. Ҳатто, Леонид Ильичга ҳам. Чазовга докторларнинг бу ҳақда кимсага оғиз очмасликларини тайинлаб қўйган. Сирини ошкор этганнинг ҳоли не кечишини улар яхши билишади. Иштони йўқ иштони йиртиққа кулибди, нақлига амал қилган, ернинг тагида илон қимирласа билладиган Юрий Владимирович давлатпаноҳи Леонид Ильичнинг бу қадар узоқ яшайди деб ўйламаганди.

Агент ва стукачларнинг гапига қараганда бош секретарда барча касалликларнинг аломатлари бор эди. Бироқ дори-дармон ва ўн беш даражага тушириб берилладиган водканинг кучи билан ҳали-ҳануз оёғининг орасидан шамол ўтиб турибди.

У аллақачон давлату партия, ҳукумату хўжалик иши билан шуғулланмай қўйган. Мамлакат ва халқнинг аҳволи қандайлигини, одамлар учун давлат нархида бир кило эт ёки колбаса топиш омад эканлигини билиб-билмасди.

Генсекнинг Бовин билан суҳбатда айтган “Бизда ҳеч ким маошга яшамайди. Биз ҳам Курск вокзалида мардикорлик қилганимизда уч яшиқни машинага ортиб бир яшиқни беркитиб қўярдиқ” деган гапи тарқалиб кетгач, ҳамма ойлик маош билан яшамай қўйгандек эди, унинг назарида.



“Партия ва давлат ишини тартибга келтириш керак” – фикр қиларди Андропов.

Бунинг учун эса биричи галда мана шу тартиб ва тизимни яратган, Сталин ва Хрушчёвнинг аравасидан тушиб қолган Брежнев бошлиқ нафақахўрлардан қутулиш лозим. Акс ҳолда вазиятни ўнглаб, мамлакатни ривожлантириб бўлмайди. Соғлиғи эл берса бу ишнинг бошида туради. Насиб этмаса, Мишага ўхшаган бир ёш шогирдига топшириб кетади.

Андропов ҳар учрашганларида чин юракдан Леонид Ильичнинг соғлиғини сўрар, дунё табиблари кашф этган ва КГБ госпиталида текширилиб назоратдан ўтказилган янги дори-дармонлар ҳақида гап очарди.

– Худога шукур! Яхшиман, Юра! Ўша дорилардан менга олиб келдингми? Бу докторлар ҳам ҳеч нарсани билишмайди. Фақат укол, укол. Жонимга тегиб кетди, – овози дўриллаганича нолирди Брежнев.

– Албатта олиб келдим-да, Леонид Ильич! Бу дориларни АҚШ президенти ҳам билмайди ҳали, – ақл бовар қилмайдиган даражада ғамхўрлик қилган бўларди КГБнинг патрони.

– Катта раҳмат сенга, Юра! Ҳеч ким менга сенчалик меҳрибончилик қилмайди. Мен сенга ишонаман. Қани, келтирган дорингдан бер-чи, – қўлини узатарди Леонид Ильич.

Юрий Владимирович спортчилар қўллайдиган бир оз героин аралаштирилиб махсус тайёрланган допинг таблеткаларидан бир пачкасини чўнтагидан чиқариб узатади.

– Буни ҳеч кимга кўрсатманг, – тайинларди сирли овозда.

– Кўрсатмайман! Сейфда сақлайман! – болалар каби кўзи жавдираб сўз берарди Леонид Ильич.

...Хонадан қаҳва ҳиди келарди.

Тунда яхши ухлай олмаган Андропов ўрни-

дан туриб Чазовни кутиб олди ва ўнг тарафдаги ўриндиққа таклиф этиб яна оғир чўкди.

— Биласиз, бош секретаримизнинг соғлиқларини жиддий кузатиб бораман. Аҳволлари қалай ва бу борада қандай чора ва тадбирларни амалга оширмоқдасиз? — сўради ҳорғин Андропов ўткир нигоҳини Чазовга тикиб. — Кофе ичасизми, чой?

— Кофе, — деди меҳмон ўтирар экан.

Қаршисидаги стол устида печенье, карамель конфети ва тешиккулчалар солинган учта ликопча турар, ўртадаги вазага солинган янги хризантема гулдастасининг ифори қаҳва хидини босиб кетгандек эди.

— Биласиз, Юрий Владимирович, Леонид Ильичнинг хасталикларини даволаб бўлмайди. Биз у кишини формада ушлаб туриш учун қўлимиздан келган ишни қиламиз, — дея ҳисоботни яқунлади бош табиб.

— Аҳволлари оғир денг? — қайта сўради совиб қолган кофени ҳўплар экан.

— Уртача! — жавоб қилди Чазов тилига бошқа сўз келмай.

Мезбон меҳмонни секин эшигига қадар кузатиб қўйди.

Бош раҳбарнинг оғир аҳволини халққа кўрсатиш керак. Одамлар уни оёғини аранг кўтариб босаётганини билиши лозим, хаёлидан ўтди Лубянка шефининг қайтиб юмшоқ диванга узанар экан.

Этаси куни эрталаб ишга келиши билан телевидения, радио ва барча матбуот ва оммавий ахборот воситларини назорат этувчи ўринбосарини ҳузурига чорлади.

— Халқ орасида Леонид Ильичнинг соғлиқлари ҳақида турли-туман миш-мишлар тарқалаётган экан. Телевидения раҳбарларига таълимот беринг. Леонид Ильични кенг план-

да тез-тез кўрсатиб туришсин. Бу тадбир бош секретаримизнинг обрўсини кўтаришга хизмат қилиши керак.

— Янги олинган ленталарда у кишинини соғлиги ёмонлашгани сезилиб қолган-ку, Юрий Владимирович? Майлими? Халқ аҳволи янада ёмонлашибди деб ўйламайдими? — фикрини сўйлади ўринбосар.

— Бу — пропаганда учун! Душман кўзи! Англадингизми? Кўзни очиб-юмгунча ўтиб кетадиган эпизодлардан одамлар ҳеч нимани англамайди. Уларнинг Брежневу менинг соғу носоғлигимизни ўйлашдан бошқа ҳам ишлари кўп! Топшириқни бажаринг! — Овозини баландлатди Андропов.

Эртаси кундан бошлаб Марказий телевиденияда Леонид Ильичнинг кейинги тадбирлардаги кўринишлари эҳтиёж туғилса туғилмаса-да кўзга ташлана бошлади.

Кадрларни кўрган кишида Брежнев икки ёнидаги қўримасининг кўмагисиз юра олмас экан-да, деган таассурот уйғотарди.

Сиёсат шахматада манаман деган гроссмейстерларни мот қилган, Хрущёвду Маленьков, Кагановичу Ильичев, Шелепену Шелест каби эски кремлчиларни қайтмайдиган қилиб ўйиндан чиқариб юборган Леонид Ильич Брежнев Андроповнинг бу “холис хизмати” остида ётган нияту мақсадини пайқамай қолмади. Партия, давлат ва ҳукумат структурасида аслида ўзидан кейин турган шахс — Андроповни тахтидан туширишга қарор қилди ва бу ишни чиройли ҳамда дипломатик тарзда ҳал қилиш режасини амалга оширишга киришди.

Уни фақат марказий комитетга секретарь қилиб келтириш мумкин эди. Лубянка қиролининг партия бош штабига келишидан эса барча бирдек чўчирди.

Лубянка шефи ўзининг бу даҳшатли бинодаги ҳокимиятнинг сўнги кунларини кечираётганини ҳис этиб тургандек эди.

Ҳар ишда бир хайр бор. Ҳатто фалокатда ҳам, дейди араблар. Сар берса-да сир бермайдиган Андроповнинг ҳар қандай вазияту ҳолатда киприги қилтэтмас, совуқ ақл ва теран тафаккур билан қарор қабул қилмоқ иқтидорига соҳиб эди.

Эндиликда сиёсатнинг рақсу лапарлари ўзгариб кетди. Катта капитал кимнинг қўлида бўлса, катта ҳокимият, иқтидор ҳам шунинг элига кечади. Капитал деган юҳонинг қудрати шу қадар кучли ва жозибалики, халойиқ рўёсида ҳам кўрмаган, ҳеч қандай эътиборга арзимайдиган бир одамни гулдурос қарсақлар ила олқишлашга, ҳурматга нолойиқ кишини иззатлашга ва инсон каби гаплашиб бўлмайдиган бири билан яқинлашиб, мурсою мадора қилишга мажбур этади.

Аслида сиёсат деб шуни айтадилар. Сиз бу ўйиндан не қадар узоқ турмоққа ҳаракат этманг, бироқ бу гирдоб сизни ўз домига тортаверади. Жамият ва халқнинг ахлоқи эса ана шу сиёсатнинг не қадар ахлоқли ва ахлоқсизлиги билан белгиланади.

Одатда сиёсатчилар ва актёрлар табиатан, феъл-атворан бир-бирларига яқин турадилар. Бири театр саҳнасидан томоша кўрсатса, иккинчиси тахту саройида туриб иқтидору истеъдодини намойиш этади. Камдан-кам ҳолатларда уларнинг сўнги томошалари муваффақиятли тугайди. Бунинг сабаби шундан иборатки, ҳар иккиси ҳам саҳнадан ўз вақтида, обрўси борида кетишни билмайди. Уларни аксар ҳолларда мажбурий ёки фожиавий равишда ўйиндан чиқарадилар.

Ёхуд...

Нодон доно устидан,  
Кулмаса қутулмассан.  
Нафс бандаси мудом,  
Юлмаса қутулмассан.  
Уликдан ҳам ришватни,  
Олмаса қутулмассан.  
Бошинга бир фалокат,  
Солмаса қутулмассан.  
Бўйнингга тавқи лаънат,  
Илмаса қутулмассан.  
Пири муттаҳамликни,  
Қилмаса қутулмассан.  
Жигар бағрингни мудом,  
Тилмаса қутулмассан.  
Бир ботир бу чипқонни,  
Силмаса қутулмассан.  
Ҳақнинг қаҳридан хуни,  
Тулмаса қутулмассан.  
Ботилу қотил, золим,  
Улмаса қутулмассан.

Инсон таназзули у ўзини ўз даражасидан юксак санаган даму дақиқадан бошланади. Бироқ шу пайтга қадар ҳеч бир инсон, шоҳу гадой, чўпону академик, яъни ҳеч кимнинг ақлу заковат, билиму кўникмасининг эксиклигидан нолиганини эшитиб, туймадик. Суҳбатлашсангиз, ўзига эн бўла олмаган киши сизга бўй бўлмоқлик даъвосида дам уради. Ва раҳбарлик, мансабу мартаба курсилари бундай саёз, саводсиз ва калтабин кимсаларнинг ўтиришидан муҳофаза этилмаган.

Шеър тили билан айтганда:

Равон йўл терс тушарса,  
Сўқмоққа қолар кунинг.  
Яхши сўз қаҳат эрса,  
Сўқмоққа қолар кунинг.

Фосиқнинг касби фужур,  
Суқмоққа қолар кунинг.  
Бошинг чиқмас ташвишдан,  
Туқмоққа қолар кунинг.

Кўнгил инсонисан, ёш  
Туқмоққа қолар кунинг.  
Номардлар ўнгида тиз  
Чўкмоққа қолар кунинг.

Фақат ўзига кўзни,  
Тикмоққа қолар кунинг.  
Аҳли зако ер элда  
Аҳмоққа қолар кунинг.

Дуолар тошни тешиб,  
Йиқмоққа қолар кунинг.  
Алал қаро тупроққа  
Тиқмоққа қолар кунинг.

## 9. ЕР ҲАММАНИ КЎТАРАДИ ЁХУД ИНСОН КАБИ ИНСОНЛИК

Яхшиликка яхшилик,  
Ҳар кишининг ишидир.  
Ёмонликка яхшилик,  
Мард кишининг ишидир.

Ёмонни кўрмай туриб,  
Яхши қадрин билмассан.  
**Отасўзлари**

“Жиззах ҳақиқати” газетасида бўлим мудир-ри бўлиб ишлар эдим. Гўзал қалбли инсон ва раҳбар Содиқ Аҳмедович Нишонов мени вилоят партия қўмитасига лектор бўлиб ишга ўтишга таклиф қилдилар. У киши обкомнинг мафкура бўйича котиби эди.

Ишга ўтдим, асосий ишим область партия комитетининг биринчи секретари, ғоят мағрур ва бурни кўтарилган Саид Мамедович Тоировга доклад тайёрлаш эканлигини англадим. Мен каби йигирма уч ёшли журналистнинг бу лавозимда ишлаши жуда катта омад саналарди.

Фарғона давлат университети тарих факультетининг кундузги бўлимига кира олмай сиртдан ўқиганлигим учун мактабда пионервожатий, ўқитувчи, Бахмал район ва вилоят газеталарида ишлаб тузуккина тажрибага эга эдим.

У пайтда лекторлар гуруҳи дея аталадиган бўлимда икки киши бўлиб, бошлиғим ғаллаороллик содда ва дўлвор киши Неъмат Абдусаидов эди.

Етмиш олтинчи йилнинг бошларида Иттифоқдаги барча республика, автоном республика ва вилоятларнинг лекторлари Москвада малака оширадиган курсга чақирилди.

Шунда илк бор Душанбе-Москва поездига ўтириб Москвага йўл олдим. Бошлиғим, улфат инсон Неъмат ака коньякни отиб, қазини газак қилиб яйрар, мен эса у кишининг ажойиб ҳангомаларини тинглаб, хизмат қилардим.

Еттинчи қават навбатчисидан ўзимга тегишли хона калитини олиб эшикни очдим. Жомадонимни ерга қўймоқни унутиб деразадан кўзим тушган манзарага лолу ҳайрон тикилиб қолдим.

Қаршимдаги меъморий ҳарика, чиройли черков ва унинг орқа томонидаги Кремль манзараси сўз ила ифодалаб бўлмас даражада гўзал, бетакрор эдики, илк кўрган киши ҳайратдан қотиб қоларди.

Китобларда кўрганим Василий Блаженный собори ва ундан наридаги Кремль миноралари манзараси оппоқ қор фонидида антиқа кўринарди.

Сизга ҳикоя қилажагим воқеа содир бўлганда биз “Россия” меҳмонхонасининг Кремлга қараган иккинчи қаватидаги ресторанда оқшом емагини еб ўтирар эдик. Ресторан икки қанотли бўлиб, ўнг томони халқ учун, сўл томонидаги зал халқ депутатлари учун эди. Биз депутатлар томонида ўтирардик.

— Мен сизга айтаётган воқеа худди мана шу залда содир бўлган, — дея латифа сўйламоқда давом этарди Неъмат ака.

Даврамазда Самарқанд вилояти партия комитетининг лектори, иқтисод фанлари номзоди, йигирманчи асрдаги дўстимиз Нурислон Тўхлиев ҳам бор эди.

— Бизнинг сариқумлик машҳур чўпон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Асқар Қўзиев биринчи Москвага, сессияга келганида тушлик учун шу залга кирибди. Кутибди, кутибди, ҳеч официантка келмас эмиш...

— Абизиянка! — дебди ниҳоят тоқати тоқ бўлиб ёнидан ўтиб кетаётган қизга.

— Ну пожалуйста, не оскорбляте! Чего хотите? — дебди официантка ҳайрон бўлиб.

Асқар Қўзиев қотиб қолибди.

— Асқар не билет! Асқар депутат! Где иззат? Где ҳурмат? — дебди анчадан сўнг ўзига келиб Қўзиев.

Неъмат ака энди латифасини тугатган эди. Нариги зал ва коридорда шовқин-сурон, тўстўполон бошланиб қолди.

— Қочинлар! Меҳмонхонага ўт кетди! — дея ҳайқирди ёнимиздаги столда ўтирганлардан бири ўрнидан туриб қочаркан. — Шимолий блокдан бошланибди!

Ур-сур, тўполон бошланганди. Одамлар бири-бирини туртиб, босқилаб ташқарига отилишар, коридорда меҳмонхона ходимлари:



— Хоналарингизга чиқиб, юкларингизни олиб тушинг, лифтлар ишламоқда! — дея бақришарди.

Биз ҳам еттинчи қаватдан юкларимизни олиб лифтни ҳам бекламай зинапоя орқали биринчи қаватга югуриб тушдик.

— Шимолий блокдан бошланибди. Бизнинг ғарбий блокка етиб келгунига қадар ўчиришади! — дейди тили бўғзига тиқилиб Неъмат ака юкларини бир четга қўяр экан. — Кетмаймиз. Ёнғинни ўчиришгач, хонамизга чиқиб ётамыз.

Ташқаридаги автобуслар истаганларни бошқа меҳмонхоналарга олиб кетарди.

Ойнадан кўриниб турган манзара даҳшатли эди. Меҳмонхонанинг энг юксак шимолий блоки ловуллаб ёнар, деразалардан чиқаётган аланга кўкка ўрларди.

Пастда турган икки кран деразалардан ёрдам сўраб чинқираётган кишиларга саватсифат ковушларини тутар, кранчилар кўрмаган одамлар юксак қатлардан ўзларини ерга отишарди. Бир неча киши ердаги машиналарнинг устига тушиб, абжағи чиқиб ҳалок бўлди.

— Қараманг! Кейин кўз олдингиздан кетмайди. Хараكتери бўшроқ одам, сахарний бўлиб қолиши ҳеч гап эмас, — деди Неъмат ака эшик томон диққат билан тикилар экан.

— Ие, Андропов билан Гришин биз томонга келяпти — дея дик этиб ўрнидан турди.

Ҳақиқатан ҳам портретларидан таниш икки киши ҳеч бир қўрима ва дабдабасиз биз томон келишарди. Сабаби, биз турган ердан қаршидаги фожианинг манзараси аниқ-тиниқ кўриниб турарди.

Йиғилганлар билан бош ирғаб саломлашган икки раҳбар бир муддат шимолий блокдаги вазиятни кузатдилар.

— Жабрланганлар йўқми? — сўради Андропов бизга қараб.

— Йўқ, Юрий Владимирович! — жавоб қилди уларга энг яқин турган Неъмат ака.

— Сизлар қайси блокдан? — яна сўради Андропов.

— Фарбий блокданмиз!

— Қаранглар бу фалокатни! Ҳозир ўчиришадди. Хоналаринга чиқиб ётасизлар! Сизларга саломатлик тилайман! — деди Андропов шериги билан залнинг ўнг томонига қараб юраркан.

Улар ёдгорликлар сотиладиган дўкон олдигаги диванда ўтирганича гурунглашарди. Шу тариқа ярим кеча, ёнгин ўчирилгунга қадар кетишмади. Биз ҳам уларга тикилганча ўтиравердик.

Қайтаркан, яна бир бор тўпланиб турган биз лекторларнинг олдимизга келиб хайрлашишди.

...Москвадан қайтганимдан кейин Георгий Александрович Крайнов мени Шароф Рашидовичнинг қабулларига етиб келишимни айтиб телефон қилди.

Қабулхонага кирганимда икки киши, ёзувчи Саъдулла Кароматов ва актёр Ўлмас Алихўжаев ўтиришарди.

Шароф Рашидович дастлаб Саъдулла акани қабул қилдилар. Сўнгра Ўлмас Алихўжаевни. Энг охирида мен кирдим.

— Юрий Владимирович Андропов Марказий телевиденияда намойиш этилаётган “Оловли йиллар” фильмини қизиқиб кўраётган эканлар. Фильм ҳақида илиқ сўзлар айтиб, режиссёр Шўҳрат Аббосов ва Ҳамза ролини ижро этган Ўлмас Алихўжаевларни табриклаб қўйишимни сўрадилар. Суҳбатлашдим. Алихўжаев яхши йигит экан, — дедилар Шароф Рашидович суҳбат давомида.

Шунда мен у кишига “Россия” меҳмонхонаси

ёнғинида Андропов ва Гришинни кўрганимизни айтдим. Бола билан бола, кекса билан кекса бўлиб суҳбатлашадиган Шароф Рашидович ҳикоямни қизиқиб тинглаган эдилар. Мана шу воқеаларга ҳам қирқ йил бўлибди. Шоҳдир, гадодир, бу дунё унга омонатдир. Бироқ бир кунлик умримиз қолса-да инсофга келиб, феъл-атворимиздаги қусурлардан халос бўлиб, инсофу инсонийликнинг олий чўққисига кўтарила олмаймиз.

Ким ҳақиқий инсон?

Инсонликдан насибини олган инсон.

Инсон каби инсон бўлиб қолган инсон.

Ўзгаларнинг ғаму ҳасратига ҳамдарду хайрихоҳ бўлиш учун инсонийлик кифоя. Бироқ ўзгаларнинг қувончига хайрихоҳлик қилиш учун эса фаришта бўлмоқ керак деганида олмон ёзувчиси Жан Поль минг карра ҳақ эди.

Мен узоқ изладим ва шайтонлар орамизда биз ўйлагандан ҳам кўплигини кўриб шом тубим қоронғу бўлди. Бироқ фаришта ва фаришталарни учратмадим...

Ҳақиқат доимо оддий ва табиий бўлади. Америкадан Андorraга қадар дунёнинг барча мамлакатларида раҳбарлар ўша юртдаги ҳамма одамлардан ақлли бўлганликлари учун иқтидорга келмаганлар ва келмайдилар.

Бироқ шу пайтгача шундай дея фикрлаган ҳеч бир раҳбарни учратмадим.

Нима учун оддий, тепаси ўйиқ одамлар авлиё ва фаришталар ҳақида оғизларини тўлдириб, улар билан боғлиқ ривоятлару афсоналарга ишониб яшайдилар? Бунинг сабаби битта.

Дашту далада тоғу чўлда улоқиб юрган чўпон-чўлиқ ҳам, қиз қариса қози бўлар, сариқ итга рози бўлар дея уйида қолиб кетган қари қиз ҳам ўзини осмон, авлиёю фариштага яқин санайди.

Бир юзу йигирма тўрт минг пайғамбарни ясаган одамлар вақт-замони келиб, Ленину Сталин, Гитлеру Франко, Муссолинию Пиночет, Маою Ким Ир Сенлардан даҳолар ясай бошладилар.

Мақсад бу даҳоларни илоҳийлаштириш баробарида ўзларининг ҳам ана шу даҳога яқин, ундан кам бўлмаган сифатларга соҳиб даҳосифат бир кишилик эканликларини таъкидламоқ, иддао этмоқ бўлган.

Даражасидан қатъи назар барча бўғинлардаги амалдорлар, вазиятдан вазифа чиқариб одамларни бошқаришдан лаззат туядиган ва бойимоқни истаган тўдаю оломонлар хоҳишу иродасининг тажаллиси ўлароқ юзага чиқиб қоладилар.

---

Шу ўринда оталаримиз айтиб келган бир халқ айтувини тингланг-а!

*Усар бўлсанг осарлар,  
Усал бўлсанг босарлар.  
Урта бўлғил, ўрта бўлсанг  
Эл оғаси ясарлар.*

Янглишмаслик, хатога йўл қўймасликдан эса шоҳу гадо, амиру маъмур, кимса муҳофаза этилмагандир. Энг муҳими бу хато ва камчиликларнинг катта, халқлар тақдирини ҳал этгувчи маънавий ҳамда жисмоний жинояту қатағонларга айланиб кетмаслигидадир.

Бундай туруму тузумда эса халқ: —

*Савобингдан-да улус заҳмат туяр,  
Хайри садақангдан ҳам нафрат туяр.  
Тундан сабоҳга қадар ваҳшат туяр,  
Эрта кундан умид йўқ, даҳшат туяр.*

*Аҳли доно сенинг ёнинингда турмас,  
Улус таянчим деб, ҳеч жавлон урмас.  
Хизр, фаришталар юзини бурмас,  
Сендек шарафсиз-ла, юрт иши юрмас.*

*Ҳар ишдаки, ақл мезон ўлолмас,  
Иймон кемтик, шоминг азон ўлолмас.  
Элдан айри қалбда тўфон ўлолмас,  
Зако эксик, одил хоқон ўлолмас.*

Сиёсат ахлоқи ва маданияти ҳақида элементар тасаввурга эга бўлмаган, парча экмак пешидида қўшиб, куни учун кул ташлаган, фикрлаш қобилиятидан маҳрум агрессив кўпчилик дея аталгувчи тўдалар ва обивателлар оломони тепаларига келган ҳар қандай раҳбарни кимлигидан қатъи назар сўзсиз қабул этадилар, бўйсундилар ва байроқ қиладилар.

Чўпга бойлаб кўтарганлари пайтавами, байроқми — уларга фарқи йўқ. Бошлари узра соллаб, орқа-олдиларига қарамай югурмоқликлари учун байроқ керак.

“Ўзбеклар иши” авжига чиққан, қама-қамалар давом этаётганда Рашидовнинг одами сифатида ёзувчилар уюшмасининг раиси Сарвар Азимов билан биргаликда ўринбосар бўлиб ишлаётган Ўктам Усмонов, Саъдулла Кароматов ҳам ноҳақ ишдан олиндилар ва “Тошкент оқшоми”дек оммавий газетани ташкил этган таниқли ёзувчи кўчада қолди.

Бу изтироб ва сиқувга ижодкорнинг ҳассос қалби дош бермади ва Саъдулла ака юрак хуружидан вафот этди.

Саъдулла аканинг уйлари “Болалар дунёси” жойлашган бинонинг Олой бозори томонидаги қисмида эди. Бу уйда Шароф Рашидовичнинг учинчи укалари Асил ака Рашидов ҳам яшарди.

(Рашид ота ва Ўйсиной опа Халиловларнинг

олти нафар ўғиллари бўлган: Камолиддин, Шарофиддин, Саҳобиддин, Исомиддин, Аслиддин ва Насриддин).

Таъзияга етиб борганимда “ўзбеклар иши”нинг бош ташаббускори Расул Фуломов ўликни қўйиб тутга югурган одамдек ҳеч кимга гап бермай нутқ сўзларди:

— Шундай одамларни ҳам ер кўтаради-да! — деди у Шароф Рашидовни назарда тутиб.

Мен сукут сақлаб тура олмадим ва оғзига келганини гапираётган, миллатининг туб манфаатларидан узоқ кишига жавоб бермоққа аҳд қилдим.

— Ер ҳаммани кўтаради, Расул Фуломович! — дедим овозим товланиб. — Ўзбекистон устидан Москвага ёзиб, “Ўзбеклар иши”ни кашф этиб, минглаб кишиларни қаматган, ўз халқини бадном қилган сизларни ҳам! Инсонлар тақдири устидан ҳукм ўқимоққа шошилманг! Сизнинг устингиздан ҳам ҳукм ўқувчилар чиқажак ва не тарзда ўқилагагини тасаввур этиш мумкин!

Майитни қабристонга элтмасдан бурун ўртага қабристон сукунати чўккан эди. Йиғилганлар юзида менинг гапимга нисбатан хайрихоҳлик ифодасини кўрган Фуломов лаблунжини йиғиштириб дафъи жавоб қайтара олмади.

Бундай одамлар ўзларини фаришта санаб ўтмасликлари учун, ҳеч бўлмаганда, умрлари сўнгида уларнинг камчиликларини юзларига айтиб қўймоқ керакдир.

*Пўртана-ю тўлқинлар,  
Чексиз уммон ишидир.  
Тангри бандасин суймоқ,  
Комил инсон ишидир.  
Киши ҳақин танимоқ,  
Бутун иймон ишидир,*

*Қўли қисқани демоқ,  
Адли имкон ишидир.*

*Хоинлигу золимлик,  
Шубҳа гумон ишидир.  
Амри фармонда шошмоқ,  
Шаккок шайтон ишидир.*

*Улус ғамини чекмоқ,  
Жони қурбон ишидир,  
Бошда бир инсон бўлмоқ  
Асил инсон ишидир.*

*Гўзал ахлоқу одоб,  
Қутлуғ Қуръон ишидир.  
Қадар ёзиғин ёзмоқ  
Ғофур, Раҳмон ишидир.*

**10. ТОЖ КИЙГАН БОШ АҚЛЛАНИРМИ  
ЁХУДА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ХАТОСИ ВА ЎЗИ  
СИБИРДА ҚАРАҒАЙ КЕСИБ КЕЛГАН ХАЛҚ ДУШ-  
МАНИНИНГ ЁШ АВЛОДДАН “ХАЛҚ ДУШМАНИ”  
ЯСАШ ИШИГА БОШ-ҚОШ БЎЛГАНИ**

*Дунёда бирорта буюк инсон  
йўқки, тубан ва пасткашлар  
ўзлари беланиб турган балчиқни  
чапламоққа уринмаган бўлсин.*

**Максим ГОРЬКИЙ**

*Билдинки тараф шоҳдир,  
Саллани ечиб тахт тур.*

**Отасўзи**

“Сукут суиқасди”да сиз доҳий Сталин-нинг ўзини Кремль тахтига келтирган кекса инқилобчини қандай уриб қулатгани ҳақида ўқигандингиз. Одатда раҳбарларнинг

қўл остидаги маъмурларни тергаши, сўкиб ҳақоратлаши ва ҳаттоки калтаклаши воқеаларни шўро даврида ҳам эшитардик. Бир бўлим бошқарувчисининг Дўстлик район партия қўмитасининг биринчи секретари Расулмат Ҳусановнинг ўзини урганлиги ҳақида “Жиззах ҳақиқати” газетасига шикоят хати ёзганлигига шоҳид бўлгандим.

Кейинги ўн йилликлар давомида энг тепадан қуйига қадар раҳбарларнинг кишиларни калтаклаши вабо каби бир юқумли касалликка айланди. Сталин замони ва ўттиз еттинчи йиллар қатағонларларини эшитиб туйган тепаси ўйиқ одамларга кечмишдаги азобуқубатлар олдида бу калтаклашлар ҳолва бўлиб кўринди чоғи.

Ёзувчи ва журналистлар орасида ҳам шунга ўхшаган ақл бовар қилмас воқеалар юз бериб турадики, мана шундай оддий бир деталь, тортишув ёки ёқалашув у ёки бу шахснинг кимлигини ва характерини кўрсатади.

Ўзи халқ душмани сифатида Сибир ўрмонларида қарағай кесиб, сургун азобини тортиб келган бир халқ ёзувчисининг мустақиллик йилларида ёш ёзувчиларни қамаш ишига ташаббус кўрсатишга уринганини эшитиб, ҳайратга тушганмиз. Бир суҳбатда мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқ душманига айланишига бир баҳя қолган ёзувчининг Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвонига эга собиқ халқ душманининг бошига қурси билан туширганига гувоҳ бўлганмиз. Ўшанда бу номақбул жасоратни даврадагиларнинг барчаси қўллаб-қувватлаган, совет замонида қатор ҳамкасбларининг айбланиб, судланиб қамалишига сабабчи бўлган сўзда ижодкор елкасини қисганча даврани тарк этганди.

Турмуш, ҳаёт ташвишларига ўралашиб,



моддий ва маиший муаммолар наҳрида оқиб, ўзингиз ва мансуб бўлган улусингиз келиб чиқиши, тарихи ва келажаги ҳақида билиму тасаввурга эга бўлмай ўтиб кетишингиз мумкин. Ана шунинг ўзи сиз учун ҳаёт ва тарихнинг энг катта жазосидир.

Бироқ сиз бу жазо билан қутулиб кетмайсиз. Етти ёки тўққиз отасини билмаган авлодларингиз ҳам бу жазо билан юзма-юз бўлиб, қарама-қарши қоладилар. Сиз англаб-англамай чеккан жазони улар ҳам бошдан кечирадилар.

Зотан, балки адабиётимизда сиз илк бор ўқиётганингиз роман-памфлет жанрининг талаблари ҳам шуни тақазо этади. Памфлет сўзи инглизча бўлиб, бирор шахсга ёки шахсларга, ижтимоий тузумга ёки ҳаётнинг айрим иллатларига қарши қаратилган ўткир сатирик, бадиий-публицистик асардир.

Миллат кечмиш тарихига очиқ кўз, теран хотира ила танқидий нигоҳ билан боқмаса юз, минг йиллик хато ва фожиалар қайта такрорланаверади. Бир золимдан энди қутулдим деганда ундан беш баттари келади. Тарих ғилдирагининг илгарилашида эса халқлардан кўра шахсларнинг аҳамияти муҳимдир. Ключевский таъкидлаганидек, тарих ҳеч нарсага ўргатмайди, фақат уни билмагани жазолайди.

Соғлом ва тўғри фикрловчи одамлар ўз хатою нуқсонларини барчадан кўра ўзлари яхши биладилар. Ва кишининг асл фожиаси ва оёғининг тойиши кўрпачасининг узунлигини билмаслигидан бошланади.

Сиз ўзингизни билмас экансиз, сизни ҳеч ким билмайди. Сиз ҳақингизда тўлиб-тошиб, тили тутилгунга қадар ижобий ва мақтов

сўзларини айтганлар кўзингизга боқароқ ёлғон гапираётган, сизни алдаётган бўладилар.

Ўз баҳосини билмаган ожиз кишиликлар эса ўзида йўқ сифату хислатларни бировлардан эшитишга ўч ва ташна бўладилар ва бу ёлғон-яшиқ мақтовларга ишониб яшайдилар.

Ўша пайтда халқнинг энг илғор ва етакчи гуруҳи саналган шоиру носирлар, олиму мутахассисларнинг билиму кўникмалари, амалиёту тажрибалари ўзига яраша бўлган.

Бир буханка нон ҳаёт-мамот масаласига айланган у даврларда сиз бу ўтмишдошларимиздан катта фикру эътиқод, буюк ишлару қаҳрамонликларни кута олмас эдингиз.

Булар ичида фикрлашу тасаввур даражаси ҳамин қадар бўлган кишилар не қадар кўп бўлса, бутун тўғри ва дунёвий фикрловчи Ҳабиб Абдуллаев каби инсонлар деярли йўқ ҳисоб эди.

У сиёсатнинг жамият ҳаётидаги ролига ортиқча баҳо беради. Ваҳоланки, иқтисод жамият ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Юқори мартаба эгалари ҳам оддий кишиларга хос ожизликлардан холи эмас. Улар ҳам хато қиладилар. Доимо ўз амалларидан ажраб қолиш хавфида яшайдилар, дейди Ҳабиб Абдуллаев узоқ йиллар Республикани бошқарган Усмон Юсупов ҳақида ўша пайтда.

Эътибор берсангиз бу ўша, сталинизм икки қўлини соллаб, чек-чегарасиз мамлакатда тўфон каби кезаётган замонда айтилаётган фикр. У ўшандай хавф-хатарли замонда ҳам адолатнинг юзига тик боқа билган, дилидагини тилига ҳақли ва асосли равишда келтира олган, оқни оқ, қорани қора демоққа ўзида идрок ва ирода топа олган тек шахсият эди, десак муболаға бўлмас.

Ваҳоланки, Ҳабиб Абдуллев мутахассис

ўлароқ геолог эди. Бироқ сиёсату фалсафа, тариху мантиқни ҳақиқий донишманд олим каби англарди. Одатда руслар ана шундай шахсиятларни “настоящий образованный человек” дейдилар. Қуёнчилик бўйича докторлик мақомига эришиб, ўз халқи тарихи ва маданиятини билмаган олим эса ҳақиқий улус зиёлиси бўла олмайди.

Абдулла Қодирий ҳам раҳбариятга нисбатан ўз танқидий фикрларини билдирган. Ҳатто Йўлдош Охунбобев ҳақида “Муштум” журналида “Эшакка папка бердилар” деган фельетон ҳам ёзган.

Бу масалада мен классик ёзувчимизнинг масалага ёндашувига қўшилмайман. Қодирий билимсизлиги, ўқимаганлиги учун Охунбобоевни танқид қилиши мумкин. Бироқ ҳайвонга тенглаб, ҳақорат этмоққа ҳақи йўқдир. Танқид меъёридан ошса у фитна, фисқу фасодга айланади ва бирор фожиа билан тугайди. Худди Мирзакалон Исмоилий Шароф Рашидовга тарсаки туширгани каби янглиш ишдир бу.

Шунингдек, биз ўз ватанимиз ва халқимизни мақташимиз, кўкка кўтаришимиз учун Рим ёки Парижни ерга урмоғимизга лузум йўқ.

Ватанпарварлик, улуссеварлик қилар эканмиз, ҳеч қачон бошқа элатлар оёғини босмаслигимиз керак.

Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Элбегу Усмон Носир, Акмал Икромову Файзулла Хўжаевларни домига тортиб кетган сталиноберия жаҳаннамнинг тегирмони қирқинчи йиллар охири ва эллигинчи йиллар бошида яна шитоб ила айлана бошлади.

Адолат, ватан ва миллат ҳис-туйғуси, имон-эътиқодидан мосуво чаласавод олиму битикчилар эса бир-бирларини сотиб, бир-

бирларига донос ёзиб, Лаврентий Бериянинг ажал тегирмонига сув қуяр эдилар.

Бу қатағон бўрони қон ва жон талаб этарди ва фожиа узоқ куттирмади. Мирзакалон Исмоилий, Мақсуд Шайхзода, Тўхтасин Жалолов, Шухрат, Шукурулло, Ёнфин Мирзо ва Саид Аҳмад каби ижодкорлар сталиноберия жаҳаннаманинг азобини тортдилар.

Хайриятки, буларнинг бахтига эллик учинчи йил мартада халқлар доҳийси нариги дунёга йўлланма олиб қолди. Акс ҳолда бу жисмоний ва маънавий террор давом этаверарди.

Киши шоҳ, вазир, ҳокиму ҳукамо бўлиши мумкин. Бироқ, энг аввало, бош шоҳона бўлиши лозим. Тож кийган бош ақлланар дейдилар. Бироқ иш фақат шоҳлик тожини киймоқ билан битганда эди!..

Ўттиз ёшида бош вазир муовини, давлат режа қўмитасининг раиси ва Ўзбекистон Фанлар Академиясини тузиб, унинг Президенти бўлган Ҳабиб Абдуллев ана шундай шоҳона бош, ҳақиқий олимона зако ва инсонийлик истеъдодига соҳиб бир кишилиқ эди.

Кўз ёмон, тирикни қабрга, туяни қозонга тикади деган гап бу бетакрор шахсиятга қолганда ҳақ бўлиб чиқди.

У советлар даври ва тузумида ҳеч бир Ўзбекистон ватандоши эришмаган илмий муваффақият ва эътирофга эришганди.

Ўзларидан анча илгарилаб кетган ёрқин шахсиятларни кўрганда қассобнинг безига айланадиган истеъдодсиз ва шарафсизлар кўз очиб-юмгунча бирлашиб, бу тоза қалбли ва бутун иймонли инсон юрагини уч бора инфаркт қилишга эришдилар. Бу маънавий ва жисмоний террорда ўша пайтда Марказқўмнинг мафкура бўйича секретари бўлиб ишлаган Зоя Раҳимбаева ҳал қилувчи роль ўйна-

ган. Қатор давлат, ҳукумат, илмий ва жамоат лавозимлари бошида турган, ўша пайтда СССР дея аталган мамлакатда жаҳоннинг энг юксак унвонларининг соҳиби бўлган, миллат фахри саналмиш шахсият бир кечада кўчада қолади.

Бу шарафсизлик, ватансизлик, миллатсизлигу динсизлик, сўғишу савашида ҳам Николло Паганини айтган гап бўлган эди. Қобилият кўзга ташланганда ҳасад қилганлар, истеъдоди тан олинганда азоб бердилар. Даҳоларга хос хислатлари намоён бўлганда эса кўзларини чирт юмиб унга қасд қилдилар.

Зотан, даҳолар ватани ва халқи учун энг керак бўлган буюк, доҳиёна ишларни қиладилар. Бундай улуғ амалларнинг уддасидан чиқа олмайдиган шифти пастлар эса уларни йўқ қилиш учун ҳар қандай пасткашлик, разиллигу қотилликдан тоймайдилар.

Одатда келмиш, кечмиш ҳукмдорлар ҳақида билганлар гапирмайдилар. Билмаганлар гапирадилар ва гапиртирадилар.

У ўлим тўшагида ётар экан, энг яқин дўстлари ва хешу ақраболаридан бошқа ҳеч ким хабар олмайди.

Умр йўлдоши Фотима Абдуллаева Ҳабиб Абдуллаев узоқ йиллар раҳбар бўлиб ишлаган вазирлар кенгаши раисининг муовини Сарвар Азимовнинг қабулига йиғлаб боради.

Бироқ ҳайит ўтган, бўлар иш бўлиб, бўёқлар синган эди.

Чаёнлар севишиб яхши кўрганидан ургочи си эркагини еб қўяр экан...

Инсон зоти табиатан шундай. Билиб-билмай ўзининг улуғлари ва севганларининг бошига етиб яшайди.

Бизнинг хатти-ҳаракатларимиз, бир-биримизга муносабату давранишларимиз рус ота

сўзида айтилганга ўхшайди. Ҳамма айбдор бўлган ерда ҳеч ким айбдор эмас.

Мен сиз азиз ўқувчига жаҳон собиқ иттифоқ ва республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги оғриқли воқеалар, қисматидан сабоқ олиши керак бўлган тарихий шахслар тақдиридан нечук сўз очиб, фикр мулоҳаза этмоққа чорламоқдаман?

Боиси, бир мусибат минг насиҳатдан афзалдир. Не чоғлик узундан-узоқ панду насиҳат айтманг, хайру яхшилик тилаб йўналтирманг хом сут эмган инсон зоти боши бирор-бир деворга астойдил урилмагунга қадар кўзи мошдек очилиб, аллақачонлар кўриб хулоса чиқариши керак бўлган ҳақу ҳақиқатни кўрмай юраверадилар.

Инсоният тарихидаги ҳал қилувчи воқеалар ва ўзини жаҳоннинг устунни санаб турган шахсларнинг кўз очиб-юмгунча эшак ўғриси ёки шарафсизларча тупроққа айланиши, каттаю кичикнинг бирдек иймону виждонини ларзага келтириб, ҳаёт ҳақиқатию умр мазмуни ҳақида дўппини олиб қўйиб ўйлаш, мушоҳада этиш ҳамда хулоса чиқаришга ундайди.

Ўқувчилардан, умуман, кечмишда почта орқали мактуб ёзиш расм бўлган замонларда олган хатларимни эътибор ила асрайман. Қашқадарёлик бир қизнинг мактуби бот-бот ёдимга тушаверади. “Нурали ака! Сизнинг мақолаларингизни ҳамма гоят қизиқиб, ҳайратга тушиб ўқишади! Қойил қолишади! Қотириб ёзибди, зўр дея гапириб юришади. Бироқ бундан ҳеч ким хулоса чиқариб, ҳеч ким ўзгариб қолмайди. Умуман, бизда ҳеч ким ва ҳеч нима ўзгармайди. Ҳаммаси бефойда! Сизга ва сиз каби инсон ва ёзувчиларга раҳмим келади!”

Ватандошимиз аламли мактубининг хулосаси сизга ҳавола. Улуснинг фикрлаш ва дунёга бо-

қиш даражасининг не қадар ўсиб ривожланганини мендан кам билмасангиз керак.

Бироқ мен ҳаммаси аллақачон айтиб бўлинган, лекин ҳеч ким эшитишни истамаганидан ҳаммасини бошқатдан такрорлашга тўғри келадиган нақлга амал қилиб яна нималарнидир ёзмоқдаман. Бир-бирмизни туншунсак керак деган умиду илинж билан яна қўлимга қалам олмоқдаман.

Одамларга яхшилик қилишнинг, табиийки, икки воситаси бор. Бири қўл билан, иккинчиси йўли билан. Йўли билан деганига тўғри йўлни кўрсатмоқ ва насиҳат қилиб, маслаҳат бермоқ киради.

Аmmo шу пайтгача маслаҳатга астойдил муҳтож бирор инсонни учратмаганингиздек, кимса сўзига қулоқ солмаса-да маслаҳат беришдек сийқа тирикчиликни касб қилиб олган саводсиз ва чаласаводларга истаганча дуч келишингиз мумкин.

Тўғри йўлдан юришга ақли заковати, фаҳми фаросати етмаган одамнинг ақл-идрокли киши берган маслаҳатга ҳам зеҳнияти етмайди.

Маслаҳат, ҳақу ҳақиқатга амал қилиб, тўғри йўлда юрмоқ ҳақида эса ким ва кимлардан сўралади, дейди файласуф ва кишиларни уч тоифага бўлади. Кўра оладиган кишилар, кўрсатса кўра оладиган кишилар ва кўрмайдиган кишилар. Бугундан эртасини кўрмайдиган, ҳатто туғилган фарзандига тузуку тўғри исм қўйишни билмайдиган кишидан маслаҳат сўрамайсиз, албатта. Бироқ бу даҳо ҳам сизга йўл кўрсатмоқлик даъвосида бўлади.

Маслаҳат эса Леонардо да Винчи таъкидлаганидек, ўз устидан ғалаба қозона билмаганлардан сўралади. Фақат шундай, ўз ичидаги даҳшатли эгоизм, манманликни енга

билган шахсларгина беминнат, беғараз, ҳалол ва тўғри маслаҳат бера олишлари мумкин.

Биз истаймизми, йўқми турли даражада фикрловчи ва фикрламоқдан маҳрум жамоналар орасида яшаймиз. Шоҳу гадо, амиру маъмур бўлсин, бу кишилар орасидаги очигу пинҳона, гоҳида қонли ва қонсиз зидлашув ва тўқнашувлар тинимсиз давом этаверади. Бироқ бу ҳаёт-мамот, ўлим-қолим савашиди голиб келганни кўрмадим. Улар англаб етмайдиларки, бу жангда ҳамма, охир-оқибатда бечора халқ ютқзади.

Мен сизга чин юракдан ишонаман. Мени илк учрашувимиздан буён битган ва ўқиган инсонлар ўзини, ўзлигини билган инсонлардир. Ўзини билганларни эса ўзимдек биламан. Уларнинг ҳар қандай янглишлик ва хатоларини кечираман.

Зотан, файласуф кишиларни биладиган оқил, ўзини биладиган — фаросатли деганда ҳам шуни назарда тутган бўлса керак.

Сидқидил, ҳақиқий кўнгил ва самимият кишисигина ҳамма нарсанинг тушуниши ва тушунишга ҳозир бўлади. Ҳамма нарсани фарқига борган, ҳаёт ҳақиқатини ва тушуниб етган ҳақиқий олижаноб инсонгина инсонийлик салтанатининг энг юксак шоҳсупаси — самимийлик тахтига кўтарилиши мумкин. Бунинг учун эса қалблар, виждонлар ва имконлар қасрининг султони бўлмоқлик ижоб этади. Бунинг учун эса ҳеч қачон адолатга қарши бормаслик, атрофингиздагиларнинг нуқсонларига сабр-тоқат қилмоқ ва бировга берган маслаҳатингизга, аввало, ўзингиз амал қилмоғингиз керак бўлади.

Биз не бўлсак бўлайлик. Бироқ, энг муҳими, ватанимиз боқий, миллатимиз боши омон бўлсин!



Улуғ аждодларимиз қони ила шарафланган, пешона тери ила яшнаган шу ватан бор экан, сизу биз бормиз, яшажакмиз!

Неники топиб, неники йўқотмайлик, барчамиз умид ила кўз тикканимиз келажак бор. Ана шу келажак, истиқболга интилиб яшаган, улусининг шонли-шарафли эртасининг мухташам биносига бирор тошу гишт қўя олган инсон бахтлидир!

Халқ деган чексиз уммон бор экан, унинг бошига даражасидан қатъи назар турли-туман кишилар келиб-кетаверади. Буни оталаримиз “Беткай кетар, бел қолар, беклар кетар, эл қолар” дея гоят доно ва ибратомуз ифода этиб кетганлар.

Энг муҳими, Ватаннинг боқий бўлмоғи ва миллатнинг омонлигидир. Бош бўлса дўппи топилганидек, эс-хушли, бошли эл бўлса, унга бошчи топилади. Шайх Саъдий ҳазратлари буни қишлоқларнинг ақлли болалари шаҳарларга ҳоким бўладилар, шаҳарларнинг нобакор йигитлари нон топмоқ учун қишлоқларга кетадилар, дея изоҳ этадилар.

Энг муҳими, эл бўлмоқ. Эл бўлганда ҳам адолатга амал қилган, ҳақу ҳақиқатнинг юзига тик боқа биладиган улус ўлмоқдир.

Зотан:

*Азим дарёларда,  
Қулоқсиз қолмас.  
Насибали битда,  
Болоқсиз қолмас.  
Аждоди ташлаган,  
Улоқсиз қолмас.  
Унгига боққан эл,  
Сўроқсиз қолмас.  
Отаси от кўрган,  
Оёқсиз қолмас.*

Бобоси қий қўрган,  
Туёқсиз қолмас.  
Шунқорли тўқайзор,  
Қиёқсиз қолмас.  
Тоғаси тоғдайлар,  
Сиёқсиз қолмас.  
Тожду тахт савдоси,  
Бўёқсиз қолмас.  
Султон таниган ит,  
Суяксиз қолмас.  
Таниб, тан олмаса,  
Таёқсиз қолмас.

## 11. ПУШТИ ПАНОҲ ВА ИККИНЧИ ОДАМ ЁХУД ТЎНКАРИЛИБ ТУШГАН ЧЕРНЕНКО

*Тангри золимлар тушажак жа-  
ҳаннам янада чуқурроқ бўлсин,  
улар яна қайтиб чиқмасин дея умр,  
бойлик ва давлат беради.*

**Ҳадиси шариф**

*Ҳақиқий инсонни фақат буюк  
маданият яратиши мумкин.*

**Анатолий ПРИСТИВКИН**

Андропов билан бошқалар каби шунчалик гаплашиб, интеллектуал даражаси, раҳбарлик ва инсонийлик қобилияту салоҳиятини ҳисобга олмай туриб муносабатда бўлмоқ мумкин эмас эди.

У бўлгани каби кўрина биладиган ва кўрингани каби бўла биладиган, ҳар қандай мулоқотда суҳбатдошидан ҳар томонлама устунлигини ҳис эттира оладиган кучли шахсият эди.

КГБнинг ҳар қандай вакили КПССнинг дуч келган ходимидан ўқимишли, чет тилларни

билган, кенг ва теранроқ фикрларди. Одамлар партия арбобларидан ҳурмат аралаш чўчисалар, чекистларни кўрганда шайтонлардилар.

Партия ходимлари порахўрлигу хотинбозлик билан ишдан ҳайдалиб қамалиб кетишса, пухта ва пишиқ чекистлар туяни ютсалар ҳам думини кўрсатмас эдилар.

Содда ва самимий Леонид Брежнев буни яхши биларди. Бироқ хавф-хатар ўзига яқинлашиши билан кулча уриб пайт пойлаб ётган кўлвар илонга айланар, нишонга тез ва аниқ ташланиб, рақибини маҳв этарди.

Қайси ирмоқ ва сойларнинг қай бир дарёга оқишини яхши биладиган Юрий Андропов пушти паноҳининг пардали режаси ва парда ортидаги ўйинини сезиб-сезмасликка оларди.

У жуда ақлли, бунинг устига фаросатли бир шахсият эди. Фаросат ақл-идрокнинг қаймоғидир. Ақлли киши сиз билан сўзлашиб суҳбатлашмасдан нияту мақсадингизни билмайди.

Фаросатли шахсият эса турқ бошқаю кўрк бошқа нақлига амал қилган ҳолда авзойи нигоҳингиздан, давранишу дўланишингиздан аҳди ниятингизни пайқайди.

Ўйлаганинг бошингга келади деганларидек, Лубянка қиролининг салтанати ниҳоясига етди. Лаврентий Берия даҳшатлардан сўнг бу ташкилотни анчагина одамшавандалаштирган шахсият қараганингизда юрагингиз орқага ториб кетадиган, номини эшитганда этлар жимирлайдиган, тош ётқизилган майдонида Лев Толстой калтакланган машҳур Лубян кўчасидаги бинони тарк этди.

Минг тўққиз юз саксон иккинчи йилнинг майида Леонид Ильич Брежневнинг тавсияси билан уни Марказий Комитет секретарлиги-

га сайлашди. Бироқ бу бинода унга ҳеч кимнинг кўзи учиб турмаган эди. Фақат бир киши. Иккови учрашганда кўзлар маъноли тўқнашадиган Михаил Сергевич Горбачевдан бошқа.

Леонид Ильич Брежнев Андроповнинг ўрнига унинг номдор ўринбосарлари ёки таниқли бир сиёсат арбоби ёки чекистни қўймади.

Ун беш республикадан бири — Украина КГБсининг бошлиғи Федорчукни келтирди. Андроповдек генералнинг олдида Федорчук Маршал Брежнев учун кичик лейтенант эди.

Одатда ҳукмдорларга генераллар эмас, солдатлар керак. Солдатни генераллика кўтардингми, тамом. Қўмондонлик истаб қолади.

Нафақат ҳарбий рутбаларда, бошқа соҳадаги амалларга ҳам не қадар номуносиброқ, саводсизроқ, мумсик ва халқ хуш кўрмайдиганроқ антипатик кишини келтирсанг, у шу қадар итдек садоқатли бўлиб, тулки қувган тозидек елиб-югуриб ишлайди.

Боиси, у ўзининг бу юксак лавозимга номуносиблигини билади. Пушти паноҳининг истаган пайтида юмшоқ жойига тегишини ва буни халойиқ олқишлашини ҳам билади.

Пушти паноҳ унинг ҳақиқий жиддий шахсият эмаслигига ишонч ҳосил қилгач, ўз ҳолига қўйиб беради. Ҳатто жиноятларига ҳам кўз юмади. Бироқ бу жиноятларни махфий равишда расмийлаштириб, пўлат сандиғига ташлаб қўяди. Керак бўлиб қолган пайтда думини ликиллатганда ишлатиш учун. Мақсадларига чин дилдан хизмат қилса, ҳатто қотиллигини ҳам кечиради. Садоқатли жаллодига буни сездириб ҳам қўяди. Ўзидан кетмаслиги учун.

Шу тариқа садоқатли саводсиз қодир кўзи очиқ экан, пушти паноҳига хиёнат эта олмай-

ди. Хиёнатнинг эса тек ягона йўли қоладики, аксар садоқатлилар пушти паноҳларига қарши шу, сўнгги, даҳшатли усулни қўллайдилар.

Юрий Владимирович Андропов пушти паноҳининг бош маслаҳатчиси, академик Арбатов билан дўстона муносабатда эди.

Лубянкада қоламанми, кетаманми дея бош қотириб, сиқилиб юрганида у билан ўрмонда бирга сайр қилишга тўғри келди. Академик билан ҳар қандай гапни гаплашиш ва фикрлашиш мумкин эди. У пушти паноҳига фақат керакли гапни айтар, майдалашмасди. Зотан, фикрлаш бобида пушти паноҳ академик Арбатовнинг тиззасига ҳам келмас эди.

— Биз томонга келиб қоласиз деган гаплар юрибди, Юрий Владимирович? — деди Арбатов самимий ва хайрихоҳ оҳангда оҳиста қадам ташларкан, бу ишдан хабардорлигини сездириб.

— Сиз мени у ерда олқишлар билан кутиб олишади деб ўйлайсизми? — академикнинг саволига савол билан жавоб берди Андропов.

— У ерга сиз каби принципиал бир кишининг келмоғи лозим деган фикрдаман. Истайсизми-йўқми партияда янгилиниш бўлиши керак.

— Бу менинг хоҳиш-иродамга боғлиқ иш эмаслигини биласиз. Бироқ бир куни менга Кириленко “агар сен ЦКга келадиган бўлсанг, барчамизни қувасан” — деди кўзимга боқиб. Демак, бу фақат унинг фикри эмас. Шундан тарадуддаман. Қолаверса, ўз ишимга ўрганганман. Ёш ҳам бир жойга бориб қолди. Менга ҳеч қандай амалнинг кераги йўқ, — гапни айлантирди Андропов.

— Гап кимларнингдир истар-истамаслигида эмас, Юрий Владимирович. Вазиятни, сиёсий бюродаги аҳвол ва у ердаги ҳамкасбларимизнинг даражаларини ҳаммадан кўра яхши била-

сиз. Буни англатмоққа ҳожат йўқ деб ўйлайман, — сўзлари тош босарди Арбатовнинг.

Андрей Павлович Кириленко олиб борарди.

Демак, у шунчаки секретарлардан бири. Шунга қараб тўнни бичмоққа тўғри келади.

— Мен ўз вазиятимни тушунмай қолдим, Леонид Ильич! — деди бир оз ҳаяжонланган Андропов ниҳоят картани очиб. — Сиздан бир нарсани билмоқчиман. Раҳбарият, шахсан сиз, Леонид Ильич, мени янги ишга тайин этганингиздан мақсад нима? КГБдан четлатишми ёки янада муҳимроқ сиёсий вазифаларни топширмоқми? Май ойида келган бўлсам, мана, бугун ўн тўққизинчи октябрь. Беш ойдан бери менга ҳеч қандай жиддий топшириқ берилиб, вазифа юкланмади. Бу аҳвол давом этаверадими? Мен нима қилишим керак? — ичидагини тўкиб солди Андропов. — Маслаҳатингизни олиб, олдингиздан ўтмоқ учун келдим, Леонид Ильич. Вақтингизни олганим учун узр сўрайман.

Леонид Ильич суҳбатдошининг италян ёки француз аристократларига хос кибор юзи ва теран кўзларига тикилиб қараб қолди.

У Андропов билан доимо очиқ, самимий ва дўстона гаплашар, ҳеч ким билан ўртоқлашмайдиган мавзуларни бемалол муҳокама этарди.

Бироқ ундан бундай, ультиматум оҳангдаги эътирозни кутмаган эди.

Официант Юрий Владимировичга ҳам лимонли чой келтирди.

— Эй-эй, Юрий Владимирович! — деди Брежнев устма-уст чой ҳўплар экан. — Сени қандай ҳурмат қилишим ва эъзозлашимни биласан. Булар орасида энг тоза, тўғри ва принципали сенсан. Буни жуда яхши биламан

ва қадрлайман. Наҳотки, мен сенинг партия ва давлат олдидаги чексиз садоқат ила қилган хизматларингни билмасам. Сен ҳақингда доимо шундай фикрда бўлиб келганман ва шу фикрда қоламан. Энди сен партиядаги иккинчи шахссан! — овози товланди котибнинг. — Ана шундан келиб чиқиб, барча ваколатлардан фойдалан! Муваффақият тилайман! — деди кўзи ёшовлаб.

— Тушундим, Леонид Ильич! Ишончингизни оқлайман! Кўнглингиз тўқ бўлсин! Сиз бошида турган улуг йўл давом этади! — деди бир оз ҳаяжонланган Андропов сўзи бўғзига тиқилиб.

— Бўпти! Соғ бўл! Эртага бўлажак секретариат мажлисини ҳам ўзинг бошқар!

Бундан ортигини кутиш мумкин эмас эди. Пуштипаноҳ аслида уни иккинчи одам дея биринчиликка тайин этган эди.

Дунёдаги уч буюк мамлакатдан бирининг жилови унинг кўлига тутқазилган эди. Бундан буён у нима деса, шу бўлади. Кекса каламушларнинг қочар жойи Барвиха, Архангелская ёки Завидовога қадар. Бу ҳам кўплик қилса, Хрушчёв каби оддий бир мужикнинг хатасига бориб яшашади ёки Молотовдек икки хонали уйда бақлажонли икра билан буханка еб кун ўтказади.

Марказий Комитет секретарлари “Йиғилиш олдидан предбанник” деб аталгувчи хонада тўпланишар, барча жам бўлгандан сўнг мажлис солинига ўтишарди.

Йиғилишга чамаси ўн дақиқача қолганда Андропов кабинетидан чиқиб, “Предбанник” томон йўналди.

Аллақачон етиб келган Черненко билан Кириленко суҳбатлашиб ўтирарди. Бирин-

кетин бошқа секретарлар ҳам кириб келишди. Энг сўнгида шошганча бир қучоқ қоғозни қўлтиқлаган Михаил Горбачев пайдо бўлди.

Горбачев нафасини ростлаб улгурмаган эди.

— Барча тўпландими? Унда бошлаймиз! — деди Андропов кутилмаганда шахт билан ўр-нидан туриб мажлис солини томон юраркан.

У кирибоқ тўппа-тўғри раислик курсисига бориб ўтирди.

Буни кўрган Черненко довдираганча ўтир-моқчи бўлган курсига чалишиб, ағдарилиб тушди.

Барчанинг кўз ўнгида худди Гоголнинг “Ревизор” пьесасидаги каби ички тўнтариш юз берган, Андроповдан бошқа ҳамма ҳангу манг эди.

Кечқурун унга садоқатли шотири Михаил Горбачев телефон қилди.

— Табриклайман, Юрий Владимирович! Назаримда, жуда муҳим воқеа юз берганга ўхшайди. Негадир йиғилиш олдидан асабий ва ташвишли эдингиз?

— Раҳмат, Михаил! Ташвишланмоқ ва ҳа-яжонланмоқ учун сабаб бор эди! — дея Леонид Ильич билан бўлиб ўтган суҳбат тафсилотини батафсил сўзлади.

— Яна бир бор табриклайман, Юрий Владимирович! — деди пуштипаноҳининг ға-лабасини ўзиники каби ҳис этиб.

Михаил Горбачев адашмаган эди. Ан-дроповнинг ҳокимиятга келиши, унинг юк-салиши деган гап эди.

— Бироқ унгача ҳали бир оз бор, бир эмас, уч нафар пўкиллаб қолган бош раҳбар сиёсий бюродан боқий бюрога путёвка олиши керак эди...



12. ДАВЛАТ БОШГА ЁКИ ҚУЗҒУН ЛОШГА  
ЁХУД АКАДЕМИК АРБАТОВНИНГ ШАМАСИ  
ВА ҲИКОЯСИ

*Боши оғриган илон, йўл ўртасида  
ўлар. Тадбирнинг энги билан тақдирни  
яшириб бўлмас.*

**Отасўзи**

Беш ойдан бери коридорлардан руҳсиз ва кайфиятсиз ўтадиган Андроповдан асар ҳам қолмаган, қадамлари шахдамлашиб, қадди ростланган, ким билан саломлашса бир-икки оғиз илиқ сўз айтиб, кўнглини кўтарган бўлар, ёқимли жилмаярди.

Бу турумни яқиндан кўра олган академик Арбатов Юрий Владимировичнинг қўлини маҳкам сиққанча, гап-сўзсиз, имо-ишора билан маъноли табриклади.

Юрий Андропов ҳам башоратчи академикка “Ҳаммаси яхши бўлади” дегандек ёқимли табассум билан боқди.

Ҳамма ўз-ўзича шивирлашиб қандайдир муҳим воқеани, ҳал қилувчи ишни кутаётгандек эди.

Сиёсий бюрода Юрий Андроповга Михаил Горабечевдан бошқа деярли ҳамма қарши эди.

Леонид Ильич Брежнев ҳам ҳалафи Иосиф Сталин каби сиёсий бюро аъзолари ва авиация вазири Бугаев ҳамда ички ишлар вазири Шчелоков каби эски дўстларини ўз дачасида йиғиб гурунглашишни, коньяк ичиб, кабоб ейишни хуш кўрарди.

Бу суҳбатларда унинг ёрдамчилари ҳам иштирок этар, барча бюро аъзолари саводлари ҳамин қадарлиги боис бюро аъзоси

бўлмаган академик Арбатовнинг оғизга қараб ўтиришарди.

Даврадошлар икки-уч нафардан бўлиб ўрмон айланишганида Юрий Андропов академик Арбатов билан суҳбатлашиб кезарди.

— Менинг фамилиямнинг келиб чиқишини биласизми, Юрий Владимирович? — сўради ер остида илон қимирласа сезадиган Арбатов кулиб.

— Ҳарҳолда ўзимизнинг Арбатдан олинган бўлса керак, — жавоб қилди Андропов тўхтаб суҳбатдошига боқаркан.

— Бизнинг фамилиямиз арабча, арба, яъни тўрт сўздан олинган, Юрий Владимирович. Мўғулларнинг Москвага босқини замонида бизнинг боболаримиз илк бор тўрт филдиракли аравани ҳайдаб келишган. Арава сўзи бизда арбага айланиб кетган. Москвадаги Арбат кўчаси шаҳарда аравалар юрган биринчи катта кўча бўлган ва уни халқ арбат дея атай бошлаган. Бобомиз ҳам князлар Юсупов ва Шереметьевлар каби христиан динини қабул қилган, руслашган татарлардир.

— Князлар Шереметьев ва Юсуповлар тарихни биламан. Режиссёр Карамуза ҳам чўқинган татарлардан экан, — гап қўшди Андропов.

— Немисларда бир отасўзи бор. Полякнинг терисини шилсанг остидан яҳудий, русникини шилсанг татар чиқади дейишади. Шу гап тўғри шекилли.

Андропов қошини чимирганича кулди.

Ишга тушга яқин келган Брежнев кабинет орқасидаги хос хонада ясатилган дастурхон томон ўтаркан, қаршисида тик турган секретариат ходими Олег Захаровга қаради.

— Константин Устинович шу ердами? — сўради садоқатли дўсти ўздан бир қадам узоқлашмаслигини билса-да.

– Ўз хоналарида, Леонид Ильич! – жавоб қилди Захаров.

– Чақир! Бирга тушлик қилишимизни айт! – деди кабинетнинг орқа эшиги томон юраркан.

– Ну, Катенка? Ишларинг қалай? – деди Леонид Ильич салатларни чиройли қилиб терганча косага борш қуяётган чиройли официант қизга.

– Раҳмат, Леонид Ильич! Яхшиман! Сиздан илтимос қилганимдан сўнг қизимни боғчага олишди, – жавоб қилди Катерина.

– Яхши. Жуда яхши. Қандай муаммоларинг бўлса тортинмай айтавер. Мен бўлмасам, мана, Константин Устинович бор. Ундан ҳам тортинмай ёрдам сўрайвер, – ийиб кетган эди бош секретарь.

– Раҳмат сизга, Леонид Ильич! Миннатдорман, – қизариб кетди официантка. – Бир оздан кейин котлетни келтираман, – деди борш солинган кострюлни олиб суфрадан узоқлашаркан.

– Қара, Костя, Москвада бир болани боғчага қабул қилиш учун юзми, уч юзми сўм олишар экан. Ўтган куни Катя билан анча суҳбатлашдим. Сен буни билармидинг? – сўради Брежнев ҳансираганча елкаси билан нафас олиб борш ичаётган Черненкодан.

– Кулоғимга чалинган эди, Леонид Ильич, – деди Черненко тушкун оҳангда.

– Эшитган бўлсанг нега менга айтмадинг?

– Айтганимдан не фойда эди, Лёня. Сенинг қўлингдан нима келарди. Ўзинг айтгандай одамлар кун санаб фақат ойлик маошга яшамайдилар-ку? Нима қиламиз турли-туман, майда-чуйда ишларга араллашиб. Не чоратадбир кўрмагин, қанчадан-қанча мажлису йиғилишлар ўтказмагин, бефойда. Одамлар

билганларидан қолмайдилар, — хиррилаганча суҳбатдоши саволини жавоблангирди Черненко.

— Тўғри айтасан. Сен билан менинг қўлимдан нима ҳам келар эди? Оч одамга ҳеч нарсани тушунтириб бўлмайди.

— Тўғри, оч одамга англаиб бўлмайди. Тўқ одам эса тушунишни истамайди. Уни жазолашнинг бирдан бир йўли бойлигини ториб олиш. Шунда у мулла минган эшакка айланади.

— Тўғри айтасан, Костя, — деди Брежнев гоҳида топиб гапирадиган дўстининг сўзларидан таъсирланиб. — Аппаратда нима гаплар? Дўстимиз ўзини қандай тутмоқда? — сўради Андроповни назарда тутиб.

— Қандай тутарди? Аҳволи шу тарзда давом этса Кириленко айтганидек, ҳаммамизнинг паттамизни қўлимизга беради! Биласан, у илоннинг ёғини ялаган! Кимсага мирламайди.

— Биладан Костя, биладан. Бир эмас, бир неча илоннинг ёғини ялаган, — деди бошини маъноли соллаб Брежнев.

— Сен унинг аҳволини Чазовдан бир сўраб кўр. Антон Павловичнинг айтишига қараганда буйраги тамом бўлган. Бироқ у соғлиғини давлат сири каби тутиб, сендан ва сиёсий бюродан ҳам яшириб юрибди. Мунофиқлик бу. Айтишларича, олти ойга ҳам бормас эмиш. Ундан ҳар балони кутиш мумкин. Мавқеи шу тариқа давом этаверса, шогирди Мишага ўхшаб ҳамма у томонга ўтиб кетади.

— Нима қилиш керак дейсан, Костя? — кўзларини суҳбатдошининг маъносиз нигоҳига қадади бош котиб.

— Чазов билан гаплашиб, унинг соғлиғи ҳақида сиёсий бюрога ахборот тайёрлаш керак. Масалани атрофлича ўрганиб чиқиб, уни

муносиб равишда нафақага кузатиб қўйиш лозим.

— Соғлиқ, соғлиқ. Нафақа. Соғлиқ масаласида ҳеч биримиз ҳам мақтана олмаймиз. У ҳам нарёқда ишлаганида Евгенийни чақириб менинг соғлигим ҳақида қайғуриб, сўраб-суриштирар экан.

— Ким билади нима мақсадда сўраб-суриштирган, Лёня? Буларнинг ҳеч бирига ишониб бўлмайди. Доимо сенга айтиб юраман. Ундан ҳеч кимга хайр келмайди. У робот. Қалбида инсон зотига меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат йўқ. У ҳатто ўз ўғли билан ҳам самимий гаплаша олмайди.

— Шундай деб ўйлайсанми, Костя? — анграйди Брежнев.

— Туйғуларим мени ҳеч қачон алдамаган. Менинг фикримни сиёсий бюро аъзоларининг кўпчилиги қўллаб-қувватлайди. Ишонч ҳосил қилмасам бу фикрларни сенга айтирмадим. Ҳеч қачон сенга бўлмаган ва бўлмайдиган иш ҳақида оғиз очганманми?

— Йўқ, Костя. Мана, қарийб эллик йилдирки, биргамиз. Ҳеч қачон менинг бир сўзимни икки қилмадинг. Мен ҳам ҳамиша садоқатингни қадрлаб келдим. Сени тушундим. Изтироб чекма. Сокин бўл. Чорасини кўрамиз. Мен бугун ёки эртага Евгений билан гаплашаман. Шунга қараб иш тутамиз, — дўстининг кўнглига таскин берган бўлди Брежнев.

Устига “Л.И.Брежнев” деган ёзувли телефон босиб жиринглаганда Евгений Чазов ўринбосар ва бошқарма бошлиқлари билан йиғилиш ўтказаетган эди.

Генсекнинг тўғридан-тўғри телефонни жиринглаганини эшитган ходимлар апил-тапил хонани тарк этишди.

— Ассалому алайкум, қадрли Леонид Ильич! Эшитаман! — деди Чазов гўшакни олиб.

— Менга қара, Евгений! — саси кескин эди Брежневнинг. У ҳеч қачон бундай қатъий ва кескин оҳангда гаплашмас эди. — Нима учун сен менга ўртоқ Андроповнинг сиҳат-саломатлиги ҳақида ҳеч нимани айтмайсан? Унинг аҳволи қандай? Менга айтишларига қараганда, у жуда оғир хаста ва саноқли кунлари қолган эмиш. Тушунасанми? Бизнинг ундан умидимиз катта ва зиммасидаги масъулият ҳам оғир. Сен буни ҳисобга олгин ва қатъий шуғуллан, у ишлаши керак.

Евгений Чазов Брежневнинг гап оҳангидаги жаҳл ва кескинликдан ҳайрон бўлган эди. У билан ишлашган йигирма йил мобайнида иккинчи мартаба шундай норози оҳангда гапирмоқда.

Бу ерда бир гап бор. Бўлганда ҳам кичик эмас, катта гапга ўхшайди.

— Юрий Владимировичнинг касаллигини даволаса бўлади, Леонид Ильич! Биз бу хусусда алоҳида гуруҳ тузиб, ўрганиб, тегишли чоратадбирларни кўрмоқдамиз, Леонид Ильич! Юрий Владимирович ишлашлари мумкин, — терлаб-пишиб жавоб қилди бош табиб.

— Мен буни биламан, Евгений. Сен ўзинг ҳам кўрдинг. Меникида меҳмон экан, бир қултум ҳам ичмади. Деярли емак емади. Фақат тузсиз овқат ейиши мумкин экан. Биласанми, унинг саломатлиги ҳақида атрофимизда турли гап-сўзлар юрибди. Биз бунга индамай қараб тура олмаймиз. Сен унинг умумий аҳволи ва келажаги ҳақида менга аниқ-тиниқ ахборот беришинг керак! Тушундингми?

— Англадим, Леонид Ильич!

— Байрамгача кўришармиз! Ўзим айтаман. Соғ бўл!

— Сизга ҳам соғлиқ тилайман, Леонид Ильич! — дейди Евгений Чазов трубкани жойига қўйишни ҳам унутгандай парижонхотир аҳволда бир муддат беҳол ўтираркан.

— Қодирлар бўйича секретарь сенсан, Костя. Андроповнинг делосини ўрган, Чазов билан гаплашдим. Соғлиғи ҳақида маълумот тайёрламоқда. Шунга кўра сўнг қарорни қабул қиламиз. Лозим топсанг Чазов билан ўзинг ҳам гаплаш, — деди Брежнев эртаси куни Черненкога.

— Менинг Чазов билан галашишимга лузум йўқ, Леонид Ильич! Сизнинг қўнишганингиз етади. Унинг исковучлари ҳар ерда бор. Эшитиб қолса ноқулай бўлади, — эътироз билдирди Черненко.

— Ўзинг биласан, Костя. У барчангнинг юрагингни олиб қўйганга ўхшайди, — голибона кулди Леонид Ильич. — У билан ўзим гаплашаман. Ишингга боравер. Чарчамасанг, кечқурун бизникига ўт. Суҳбатлашамиз. Байрамдан сўнг Чазов тегишли ҳужжатларни олиб келади. Гаплашамиз.

Евгений Чазов Андроповнинг соғлиғи ҳақидаги ахборотни тайёрлаб улгурмаган эди. Тайёрласа ҳам эски тартиб бўйича маълумотни Юрий Владимировичнинг ўзига кўрсатиши керак. Брежневнинг махсус топшириғидан сўнг бу ҳақда унга айтса қандай бўлар экан? Леонид Ильич эшитса, ноқулай аҳволга тушиб қолиш мумкин.

Икки катта оташнинг орасига тушиб қолдинг, Чазов. Иккиси ҳам бир-биридек хавфли. Брежнев айтдимиз, тамом! Андроповга бу ҳақда оғиз очиб ўтирмайди. У ҳеч қандай протокол ва мавжуд тартибни бузаётгани йўқ.

Махсус ҳукумат телефони босиб-босиб жиринглашидан хаёллари тўхтамга келган Чазов гўшакни олди.

Андропов эди. Бўрини йўқласанг қулоғи кўринади дегани шу, ўйлади беихтиёр.

— Эшитман, Юрий Владимирович! — жавоб қилди Чазов салом-аликдан сўнг.

— Кўришиб гаплашишимиз керак эди. Бироқ телефонда қўнишсак ҳам бўлаверади, — деди Андропов ташвиш акс этган оҳангда. — Кеча Леонид Ильич билан учрашиб суҳбатлашган эдим. У киши менинг ўзимни қандай ҳис этаётганим, касаллигим ҳақида узоқ сўраб-суриштирдилар. Ўзларининг қандай ёрдам беришлари мумкинлигини сўрадилар. Ноябрь байрамларидан сўнг сиз билан албатта учрашиб, менинг соғлиғим масаласини муҳокама этишларини, даволанишим учун нималар қилиш мумкинлиги ҳақида бир қарорга келишларини айтдилар. Назаримда, бириси менинг соғлиғимни баҳона қилиб, у кишининг “бошини қотирётган”га ўхшайди. Ишончим комилки, кимдир меҳрибонлик қилгандек бўлиб, мени у кишига оғир хаста, ногирон каби кўрсатишга уринмоқда. Сиздан илтимос, Леонид Ильични бу хусусда хотиржам қилсангиз ва у киши менинг келажагим ҳақида турли ўй-фикрларга бормасалар.

— Сизни тушундим, Юрий Владимирович! Безовта бўлманг, — Андроповни ишонтирган бўлди Чазов.

Вазият тамоман ойдинлашган эди. Демак, Андроповнинг сиёсий ҳаёти ниҳоясига етмоқда. Леонид Ильич унга байрамдан сўнг кўришамиз деган эди. Телефон қилиб қолса керак. Андроповнинг аҳволи эса орзу этарлик



даражада эмас. Бироқ бир-икки йил яшаши мумкин. У Брежневга тўғриси айтилади. Гиппократ қасами шуни тақазо этади.

Байрам ўтиб, барча сиёсий бюро аъзолари ишга чиқишди. Андропов одатдагидек ишга ярим соат олдин келди.

Соат ўнларда унинг хонасига секретариат ходими Олег Захаров кирди.

— Телефон қилишди, Юрий Владимирович! Леонид Ильичнинг етиб келишларига қабулхонада бўлишингиз керак экан! — деди ходим.

— Леонид Ильич қачон келар эканлар? — ҳайрон бўлиб сўради Андропов.

— Ўн иккиларга етиб келсалар керак!

— Яхши. Бораман.

Бош секретарнинг бу таклифи бир оз ғайритабиий эди. Келиб хонасига кириб, креслосига ўтиргандан сўнг чақиртирса бўларди-ку? Нега партиянинг иккинчи одами бир бўлим мудури ёки инструктор каби қабулхонада кутиб ўтириши керак? Бу таклифда бир сир бор, ўзича ўйлади Андропов. Бу қари бўрию тулкилардан ҳар нарсани кутиш мумкин.

Ўзини оғир, балки сўнгги суҳбатга руҳан ҳозирлаган Андропов бош секретар билан маслаҳатлашиши керак бўлган қоғозларни папкага солиб, қабулхона томон йўл олди.

Яхши кайфиятда кириб келган Леонид Ильич барча билан саломлашиб, ҳазиллашди. Ўтган байрам билан яна бир бор табриклади.

— Марҳамат, Юра! Қани, орқамдан юр! — деди Андроповни эргаштириб хонасига кираркан.

Биринчи ва иккинчи одамнинг мулоқоти узоқ давом этди.

Эртаси кун юз берган воқеани одамлар шу суҳбатнинг натижаси дея талқин этдилар.

### 13. ТИРИКЛИК САОДАТИ ЁХУД “ЯШАШДАН ЧАРЧАДИМ, ЯША!”

*Айиқ ўлмай туриб терисини шиладилар.  
Халқ сўзи*

*Ҳукмдорларнинг ақлига, энг аввало,  
у ўзига кимларни яқинлаштиришига  
қараб баҳо беришади.*

**МАКИАВЕЛЛИ**

Еттинчи ноябрь куни Леонид Ильич Брежнев бор кучини тўплаб, хушу хурсанд Ленин мавзолейига кўтарилди.

Уч соат тик оёқда туриб парадни қабул қилди. Толиққан қўлини алмаштириб чумоли каби пилдираб ўтаётган, совуқдан тарашадек қотган одамларни саломлади.

Кремлнинг Георгиевский залидаги байрам қабули ва банкетдан сўнг Завидового овга жўнади.

Иккита тўнғиз отган Леонид Ильич кўтаринки кайфиятда овдан қайтди. Ўрмон ва овчилик хўжалиги хизматчилари ярим челақ налим балиғи ҳадя этишди. Тўнғизларини яхшилаб сўйиб, тузлаб қўйишди, сўнгра ўзи кимга қанчадан эт тарқатишини айтажагини бош қассоб Игорга тайинлади.

Виктория Петровнага Завидоводан келтирилган налимдан қовуришни буюрди.

Одатда у кийикми, тўнғизми, нима отса ўзига бир-икки кило олиб қолиб қолганини сиёсий бюро аъзолари, дўстлари, авиация министри Бугачев ва ички ишлар вазири Шчелоковларга жўнатар эди.

Овдан қайтгач, дўсти Бугаев тайинлаган икки стюардесса қиз уни ювинтириб, уқалашди.

Сўнгра истироҳат салонига чиқиб, газеталарни кўздан кечирди.

— Менга укам Яшани боғланг! — буюрди газеталарни тўплаб бир четга суриб қўяркан тан қўриқчиси подполковник Медведевга.

— Салом, Яша! Қандайсан? Байрамларинг билан!

— Раҳмат, Лёня! Ўзинг қалайсан? Бугун кўрдим сени! Мавзолейда уч соат турдинг-а?

— Ҳа, уч соат турдим, Яша! Маркани сақлаш керак-ку. Сўнгра Завидовога бориб, иккита тўнғиз отдим! Истасанг этидан сенга ҳам юбораман.

— Раҳмат, Лёня! Овора бўлма! Ҳамма нарсам етарли! Мен ҳам кеча неварам билан ўрмонга бориб қўзиқорин териб келдим! Сен билан болалигимиздаги қўзиқорин терганимиз ўша кўл бор эди-ку! Очликдан соҳилида ўтириб чала пишган, гоҳида хом қўзиқоринларни ер эдик! Эсингдами, Лёня? Нега индамайсан? Соғлигинг яхшими?

Саси бўғилиб қолган аканинг кўзидан шашқатор ёш қуйиларди.

— Яша! Сени эшитяпман! — деди анчадан сўнг ўзига келиб. — Яша! Куним битганини ҳис этмоқдаман! Барчасини бошидан бошлайин дейману, куч-қувватим йўқ, Яша! Жуда чарчадим!

— Нимадан чарчадинг, Лёня! Кўринишинг яхши-ку?

— Яшамоқдан чарчадим, Яша! — дея гўшакни жойига қўйди.

— Ҳаёт қисқа! Яна бир оз сабр қилиш керак! — деди ўзига ўзи хаёли қочиб, гўлдираган овозда.

— Куёвингиз Юра набирангиз Люба билан келди, Леонид Ильич! — деди тан қўриқчи Медведев яқин келиб.

— Чорла! Киришсин! Бирга оқшом емагини

еймиз! — яқинлари келганидан яна кўнгли кўтарилган эди Брежневнинг.

...Тўққизинчи ноябрь куни ишга кечроқ боргани туфайли кечроқ қайтди.

Хотини Виктория Петровна билан емак столига ўтирди.

— Сен ҳам ўтир! — деди подполковник Медведевга. — Бирга овқатланамиз!

— Ютиш жуда қийин бўлаяпти! — деди Леонид Ильич ҳаётда илк бор хасталигидан нолиб.

— Балки эзилмаган творогни ютгандирсиз, Леонид Ильич? — сўради подполковник.

— ...

— Врачни чақирайми, Леонид Ильич?

— Йўқ! Керак эмас! Завидоводан келтирилган налим балиғидан қовуринглар дегандим, Виктория Петровна! Олиб келишсин! — деди бир оздан сўнг паст овозда. — Менга уч парча бўлса етади.

— Парчалар жуда кичик, Леонид Ильич! Кўпроқ олиб келдим! Ёқса бемалол еяверинг! — деди ошчи ликопчани дастурхонга қўяркан.

— Энди ётаман. Толиқдим шекилли! Менинг дориларимни беришсин! — деди подполковникка.

...Лубянкадан тайинланган полковник бошчилигидаги табиблар ухлатувчи дориларни беришди...

...Керак бўлиб қолар дея яна қолдиришди...

Чол ва кампир бир ётоқда ётишарди.

Ним қоронғи эди. Уйғонган Виктория Петровна ерга тушган адёлни олиб, эрининг устига ёпиб қўйди.

Ювиниб, нонушта тайёрланган дастурхонга ўтирди.

— Леонид Ильичнинг турадиган вақтлари

бўлди. Бориб уйғотинглар! — деди ҳузурига чақиртирган икки тан соқчисига.

Ярим ёруғ ётоқда Леонид Ильич ҳамон ухларди. Улардан бири шириллатганча пардаларни очиб уни уйғотмоқчи бўлди. Бироқ Брежнев кўзини очмас, хатти-ҳаракатсиз ётарди.

Подполковник Медведев яқинлашиб оҳиста елкасидан ушлади.

— Леонид Ильич! Турадиган вақт бўлди!

Медведев кучлироқ силкитди. Қўли тананинг қотиб қолганини сезиб аъзойи баданини совуқ тер босди.

— Володя! Леонид Ильич тайёр-ку? — деди ўзи томон келаётган иккинчи тан қўриқчи Собаченковга.

Собаченков ток ургандай хона ўртасида туриб қолди.

— Нега тайёр? Нима деяпсан?

— Ўлганга ўхшайди.

Ранг-рўйи оқарган Собаченков симёғочдек қотганича қаққайиб турарди.

— Югур! Докторларни чақир! Мен майитни тўғрилаб ётқизай! — деди Медведев. — Тезда қайт, сунъий нафас олдирамыз!

Негадир докторлар кечикарди. Икки тан қўриқчи ташқарига чиқишганда босиқ, ҳеч қачон шошмайдиган Юрий Андропов оҳиста “Зил”дан тушарди.

Докторлар қирқ дақиқадан сўнг етиб келишди. Табиблардан сўнг хонага Виктория Петровна киритишди.

Леонид Ильич полда ҳаракатсиз ётарди. Виктория Петровна ўкириб йиғлай бошлади. Қоровуллар аёлни суяб хонадан олиб чиқишди.

— Умид бор дейишяпти, тўғрими? — дуч келгандан сўрарди Виктория Петровна. — Чазовнинг айтишига қараганда, узун игна

билан укол қилишибди. Қон босими бир оз кўтарилибди. Сўнгра яна бирдан тушиб кетибди. Бошига қон қуйилибди, сўнгра қайтиб чиқибди. Шу билан тамом...

Жовдираганча ёнига келган одамга шу гапни такрорларди собиқ биринчи малика.

Паришонхотир, юзидан ҳеч бир маънони англаб бўлмас Андропов даҳлиздаги диванга оғир чўкканча Чазовни кутарди.

— Мен ҳам ҳали кўрмадим. Юринг! Бирга кирайлик! — деди Андропов ўрнидан туриб Чазов билан кўришар экан.

Улар ётоққа киришди. Хонада ҳеч ким йўқ эди. Чек-чекгарасиз мамлакатнинг ўлган лидери кўзи юмуқ ҳолда ётарди.

Брежневга нигоҳи тушган Андропов сесканиб кетди. Юзи оқариб лаблари титрай бошлади.

Улар майит ётган хонадан чиқишди.

— Сиз шу ерда бўлинг. Мен ишга борай. Сиёсий бюрони йиғишим керак! — деди Андропов Чазов билан хайрлашиб машинаси томон юраркан.

Евгений Чазов узоқлашаётган Андроповни кузатиб турди.

Қоп-қора “Зил” томон дадил одимлаб бораётган киши бундан бир неча кун бурун унга соғлиғи ҳақида Леонид Ильичга ижобий сўз сўзлашни рижо этган, бир неча дақиқа бурун мурдага кўзи тушганида юзидан қон қочиб, аъзойи баданига титроқ кирган киши эмас, аллақачон жиддий ва бир қарорга келган, аниқ мақсаду манзил сари шахдам одимлаётган, не қиларини биладиган лидер эди.

Тоталитар, демократия илдиз отмаган мамлакатларда биринчи раҳбарлар ҳеч қачон давлатни келажақда бошқариши мумкин бўлган иқтидорли қодирларнинг юзага чиқишига имкон бермайдилар.

Боиси, бундай шахсларнинг саҳнага чиқиши ўзининг тузум ва сиёсатининг барбод бўлиши ҳамда асл қиёфасининг очилишига олиб келади.

Атрофига ўзини худою пайғамбардек билган, олқишлаб кўкларга кўтарадиган, куни учун кун талашиб бир манзилга етмоқ учун ҳар қандай тубанликлардан тоймайдиган фикран ноқис агроном ёки сантехник-инженер каби технократларни тўплайди.

Ёруғ очунда не гоё ва фалсафа, не динлару маданиятлар борлиги ҳақида тузук-қуруқ тасаввурга ҳам эга бўлмаган, дунёвий фикрлаш, умуминсоний қадриятлар, ватану миллатнинг катта ва туб манфаатлардан узоқ бундай кишилар барча ҳукмдорларга лозим бўладилар.

Сарҳисоб куни келганда эса улардан бири пўкак каби сув юзасига чиқиб қолади. Пушти паноҳининг қилмишларига шерик бўлган бўлса, ўзининг орқаси очилиб қолмаслиги учун уни улуғлашда давом этади ёпиғли қозонларни ёпиғлигича сақлашга интилади. Пуштипаноҳ қилмишларидан узоқроқ тургани ҳокимият тепасига келиб қолса, ҳолат ўзгача кечиши мумкин.

Кўп ҳолларда эса теранлар кўзлари очиқлигида салафларини тайинлайдилар. Халққа, жамиятга шу арбобдан бошқа кимса тавсия этилмайди.

Сиёсатнинг асл мантиғи ва фалсафасидан, юксак сиёсий ахлоқу маданият тамойилларидан узоқроқ Брежнев ҳам атрофидаги саккиз нафар байроқ кўтариб чопувчи комсомолни йиғиб уларга ишониб, ўзига қадар шаклланган сиёсат, иш усул ва услубининг қурбони бўлган эди.

Ўз вақтида ўлгани учун Ленин бу тавқи лаънатдан қутилиб қолди.

Бироқ ўзидан кейинги барча раҳбарлар — Ри-

ков, Троцкий, Зиновьев, Бухарин, Сталин, Маленьков, Хрущёв, Брежнев, ниҳоят демократия ва ошкораликнинг байроқдори Горбачев ҳам тиригу ўлигидан қатъи назар бу қисмату қадар шаробини тотдилар.

Ўзи бош бўлиб яратган тизимнинг барбод бўлиши билан кеч бўлса-да, Ленин ҳам бу шарафсизлик тортидан қуруқ қолмади.

Кетаётган раҳбарлар одатда ортида қолаётган халқни эмас, эрта кунда орти очилиб, гўрига гишт қаланмаслигини ўйлайдилар.

Шунинг учун ҳам Леонид Ильич Брежнев “после смерти будет ковырят наском сапога” деган нақлни кўп ишлатган.

Шоҳ ёхуд гадой бўлсин, тирикликнинг буюк саодатини жуда кам тириклар англайдилар.

Ўлмоқ эса ўчмоқ демакдир.

Бир араб мамлакатига борганимизда бизни қиролнинг денгиз тубидаги саройига олиб тушдилар.

Тўрдаги тахтда подшоҳ савлат тўкиб ўтирар, унинг атрофида қумурсқа каби гимирлаётган одамларнинг барчаси унга бир оғиз ширин сўз айтиб кўнглини олишга уринар, ёруғ олам унинг атрофида айланаётган эди гўё.

Баландлиги ўн беш метрлар чамаси келадиган сув ости саройи ойнасидан денгиз остидаги бор мавжудот, ўт-ўлан, кўриниб турар, ранг-баранг балиқлару турли денгиз жониворлари сузиб юрарди.

— Жаннат дегани шу бўлса керак-да! — деди бир ҳамроҳим шивирлаб.

— Булар ҳар икки дунёда ҳам жаннатда яшасалар керак-да, — гап қўшди иккинчи йўлдошимиз.

— Соғлом фикрловчи одамга бундай сарой-у салтанат халақит беради, — фикримни айтдим мен ҳам.



Янаги борганимизда бизни меҳмон қилган қирол вафот этган эди. Зиёрат қилмоқ учун қабристонга бордик.

Қўйиндига киришдаги деворнинг тагида ёнидаги қабрлардан фарқ қилмайдиган бир гўр дўппайиб турарди.

— Ростдан ҳам бу ўша қирол ҳазрати олийларининг қабрларими? — ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Ҳа, қирол ҳазратларининг қабрлари! — жавоб қилди шаҳзода дўстим. — Биз арабларда пайғамбаримиз таълим берганларидек қабрларни безамайдилар.

Қўйиндидан чиқмоқчи бўлиб турганимизда бир тобутни кўтариб келишди. Маросимда қатнашдик.

— Қамоқхонада ўлган бир яманликнинг жанозаси экан! — деди шаҳзода майитни лаҳад томон кўтариб кетишар экан.

Қиролнинг қабридан йигирма қадам чамаси нарига маҳбусни кўмишарди.

Беихтиёр хотирамга қайси бир китобда ўқиганим фикр келди: “Инсоннинг инсондан ёрдам сўраши, маҳбуснинг маҳбусдан кўмак сўраши ила баробардир...”

Шаҳзоданинг люкс аробасида қайтар эканмиз, у янги қиролнинг ўтмиш аждодлар хотирасини улуғлаб қилаётган ишлари ҳақида сўзлади.

— Тўғри, — дўстимнинг фикрига кўшилдим. — Бироқ ҳақиқий ҳукмдор, аввало, тирикларига эга чиқади. Уликларга эга чиқмоққа эса ҳар доим улгуриш мумкин...

Қиролликдан қайтар эканман, учоқда беихтиёр ушбу сатрларни қоралаган эканман:

*Қадри қиммат хуруш юртда,  
Дилга чексиз армон келар.*

*Мустабиднинг кунни туғса,  
Ҳулу қуруқ қурбон келар.*

*Ҳар неки атворга кўра,  
Баҳр истасанг уммон келар.  
Кўксингда арслон наъраси,  
Жоним дея жонон келар.*

*Шаъну шарафга лойиқсан,  
Эртами, кеч имкон келар.  
Инсонликким ўлмас экан,  
Султон каби султон келар.*

*Золим зот ўнгида суссанг,  
Асли насли шайтон келар.  
Қирқ дарадан сув келтирма,  
Сўнг ҳисобчи — раҳмон келар.*

#### **14. ПРЕЗИДЕНТЛАР ҲАМ ПОРА ОЛАДИЛАРМИ ЁХУД БУ ҲАҚИДА ПРЕЗИДЕНТ БИЛАН СУҲБАТ**

*Бир соат ичида бойишни истаган  
бир йил ичида осилади.*

**Леонардо ДА ВИНЧИ**

*Агар киши ўзини ҳамма нарсани  
биладиган ва ҳамма нарсага қодирдай  
қилиб кўрсатса, билинги, у ҳеч нарсани  
билмайди ва ҳеч нарсага қодир эмас.*

**Лао ЦЗИ**

Бу пайтда СССР Олий Совети Миллатлар кенгаши халқаро ишлар комитетининг раиси, СССР ва Ўзбекистон халқ депутати, Республика Олий Кенгаши халқаро ишлар қўмитаси аъзоси ва “Чўлпон” нашриётининг директори вазифаларида ишлар эдим.

Москвдан учиб келиб, кечки емакни еб,

хоним билан суҳбатлашиб, беш ёшли ўғлим Нурзоднинг қалаштириб бераётган саволларига жавоб бериб ўтирдик.

Қизимиз Шаҳноза кириб, Йигиталиев деган киши сўраб келганлигини айтди. Мусофирни қопида қаршилаб, меҳмонхонага таклиф этдим. Бир пиёла чойдан сўнг қўноқ ўзини таништирди.

— Мен Ўзбекистон Олий судининг собиқ раиси Олимжон Йигиталиев бўламан. Сизнинг олдингизга бир илтимос билан келган эдим, — деди меҳмон ҳаяжонли овозда қизаринқираб.

— Буюринг. Қўлимдан келса бажонидил, — дедим самимият ила. — Сизнинг фарғоналик эканлигингизни биламан ва фарғоналикларни яхши кўраман, — сўзимда давом этдим суҳбатдошимнинг эркинроқ сўзлаши учун иқлим яратган бўлиб.

— Хабарингиз бордир. Мен Олий Суднинг раиси бўлиб ишлар эдим. Ноҳақ ишдан бўшатишди. Ҳамкасбларимиз ва фарғоналик депутатлар маслаҳатлашиб мени ишга қайта тикланишимни сўраб Олий Кенгаш ва Президентга хат қилган эдик. Кимга имзо чекишга олиб борсак рози бўлмаётир. Сизнинг номингизни тилга олиб, шу киши қўл қўйса қўямиз дейишмоқда, — мақсадини очиқлади Олимжон Йигиталиев.

— Бу мурожаат не қадар эффект беради, билмадим. Бироқ шу кунга қадар кузатганим ва бошимиздан ўтказганимиз тажриба шуни кўрсатадики, қуйидан, халқдан, одамлардан берган талаб, истак ва илтимослар тепада хуш қаршиланмаётир. Назаримда, юқоридагилар бундай мактубу мурожаатларга ижирғаниб, бу аҳмоқларнинг қиладиган бошқа иши йўқми, биз бу ерда нима қилиб ўтирган эканмиз, улар шу қадар ақлли бўлиб қолишибдими деган

маъно-ю мазмунда боқаетганга ўхшайдилар, — очик кўнгиллик ила фикримни баён этдим.

Бундай хатлар парламентга Аҳмаджон Одилов, Обид Алибоев ва Қўқоннинг собиқ ҳокими Ёқубовларни ҳимоя қилиб ҳам келган, бу мактублар ҳақида Ислом Каримов билан ҳам суҳбатлашган ва у киши рўйхушлик бермаган эди.

— Биринчи раҳбарнинг гашини келтириб, газабини қўзғамаслик учун Олий Кенгашга эмас, президентнинг номига ёзган маъқулдир, — дедим орага чўккан сукунатни бузиб.

— Майли, унда Олий Кенгашни олиб ташлаб ёзайлик, — деди дами ичига тушиб кетган мусофир.

— Мен қўл қўйиб бераман. Тепадаги мурожаат матнини тўғрилайсиз, — дедим мактуб билан танишиб, қўл қўяр эканман. — Хайрлиси бўлсин!

Орадан бир ой чамаси ўтди. У пайтда давлат маслаҳатчиси деган лавозим таъсис этилмаган, Алишер Мардиев маъмурий-ҳуқуқий бўлимни бошқарар эди.

— Бир келиб кетасизми, дўстим! — деди Мардиев “вертушка” дея аталувчи ҳукумат телефонида қўнғироқ қилиб.

— Ислом ака мана бу хатни ўқиб чиқишингизни тайинладилар, — деди сейфидан зарфга солинган бир варақни олиб узатар экан.

Ўқиганим хатнинг қисқача мазмуни шундай эди:

“СССР Прокуратурасига! Мен, Ўзбекистон Олий Судининг Раиси Олимжон Йигиталиев, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Кометитининг собиқ биринчи секретари Иномжон Бузрукович Усмонхўжаевнинг иш кабинетига икки маротаба кириб, жами юз минг сўм берганман. Имзо”.

— Бу мумкин эмас-ку! Қандай қилиб би-

ринчи раҳбарнинг хонасига кириб пора бериш мумкин? — мактубни ўқиб ҳайратга тушган эдим.

— Ҳамма гап шунда-да. Йигиталиев сизга имзо учун борганида, табиийки, бу воқеани айтмаган. Ҳеч ким билмайди деб ўйлаган. Сиз ҳам билмагансиз. Шуни Ислом ака сизга айтиб қўйишимни тайинладилар. Сиз билан яна кўришганимизда гаплашамиз дедилар, — топширган вазифани бажарган эди Алишер Мардиев.

— Ҳа, дўстим! — деди Мардиев мени кузатиб кўяркан паст овозда. — Сизга айтадиган яна бир гапим бор. Ўтган парламент сессиясида суд ва прокуратурага доир қонун муҳокама этилаётганда “Бу прокурорларнинг олмай-дигани йўқ ҳисоб бўлса, биз уларни сессияда тасдиқлаб, ваколат берамизми? деган гапни айтдингиз. Керак эмас, дўстим. Бу мелиса прокуратура ва суд деган палакатлардан узоқ юрингу ишингиз тушмасин. Авлиё бўлсангиз ҳам кўз очиб-юмгунча эшак ўғрисига айлантиришади, — деди мени огоҳлантирган бўлиб.

— Улар ўз-ўзларидан шундай бўлиб қолмайдилар, дўстим. Мамлакат полиция ва прокуратура давлатига айлантирилса, уларга шундай ҳукм ва ваколат берилса — шундай қиладилар. Қолаверса, Чеховнинг суд бор жойда ҳақиқат йўқ деган гапини биламан, — жавоб қилган бўлдим дўстим Мардиевга кулиб.

Алишер Мардиев билан дўстим дея муносабатда бўлишимизнинг тарихи бор эди. Мен Жиззах вилоят партия қўмитасида матбуот бўйича инструктор бўлиб ишлардим. Алишер Мардиев эса Жиззах район прокуратурасида терговчи. Ҳафтада бир-икки маротаба бизни “Ором” чойхонасида сомса билан сийлар эди.

Эски шаҳарда энди қурилган тўрт қаватли уйда қўшни яшардик. Алишер Мардиев кўчиб келмаган, ўша пайтдаги вилоят прокурори, бевақт ҳаётдан кўз юмган Омон Насруллаев билан бирга турарди.

— Йигиталиевнинг Гдлянга ёзган хатини ўқидим, Ислом ака. Билганимда ҳеч ҳам имзо қўймас эдим, — дедим навбатдаги кўришганимизда гуноҳимни бўйнимга олган бўлиб.

— Бундай тўхтамларнинг барчаси ўз лавозимини сақлаб қолиш учун ақлига келган гапни ёзаверишган. Ишдан кетиб, кўчада қолган кишига ҳар қандай айбни ағдариш мумкин, — деди Каримов бу ҳақда гаплашишни истаб-истамай.

— Тўхмат қилган бўлса, бу бир даҳшатли жиноят ва гуноҳ. Бериб туриб сотганлиги эса икки карра разиллик, — дедим ҳамон бу воқеадан таъсирланиб.

— Мана кўриб турибсиз. Хонамда ўтирибсиз. Ўша тўхмат хатида ёзилган ишни қилиш мумкинми? — қўлларини ёзиб жилмайди Каримов.

— Мумкин эмас! — дедим тилимга бошқа калима келмай.

Бу воқеадан кўп ўтмади. “Россия” телеканалда “Ўзбеклар иши” давомида олинган съёмкалар асосида ҳозирланган ҳужжатли фильм экранга чиқди.

Фильмда диққатимни тортган эпизодлардан бири Қорақалпоғистон Республикасининг собиқ биринчи раҳбари Қаллибек Камоловнинг сўзлари бўлди. Мен Шароф Рашидовга икки маротаба юз минг сўмдан тўрт юз минг сўм бердим. У берган пулимни олар экан, хотини Хурсанд Фафуровнага бу ҳақда айтмаслигимни тайинлади!

Бу гапнинг тўғри ёки нотўғрилиги Қаллибек Камоловнинг виждонига ҳавола. Қолаверса, улар қуда эдилар. Қудалар орасида катта-кичик олди-бердилар бўлиб туриши табиийдир балки.

Шахсан менинг Шароф Рашидовнинг ҳалоллиги, тўғрилиги ва бу каби ишларга умуман рағбати йўқлигига ишончим комил. Шароф Рашидовнинг барча социалистик мамлакатларда китоблари чоп этилар ва яхши миқдорда валютада қалам ҳақи келарди.

Бироқ бу тарихий шахснинг атрофидаги кишилар ва хешу ақраболари ҳақида бундай дея олмайман.

Аммо бугунги интернет асри нуқтаи назардан қарасангиз улар олган пора деймизми, тухфа-ю ҳадя деймизми, бугунги раҳбарлар ва уларнинг авлодлари қилаётган молиявий тирикчиликлар олдида ҳолва, денгиздан томчи экан.

Эндиликда катта капиталсиз катта ҳокимиятни эгаллаш ва уни тутиб турмоқ мумкин эмаслигини англаган сиёсатчилар, уларнинг ўғил-қизлари ва олигархлари дунёни эгаллаш васвасасига тушдилар.

Қолаверса, тарихий тажриба ва файласуфлар фикрига кўра ҳар бир асрга шу асрда баҳо бериш қийин экан. Бир асрнинг баҳоси иккинчи асрда берилар экан.

Воқеалар оқими тинмай, саралар сарага, пучаклар пучакка айрилмай туриб, оний ва охиригача ўйланмаган фикр ва қарорларда диққатли бўлмоқ ижоб этади.

Аргентинанинг собиқ президенти Фухимори порахўрлик ва ўн минг кишининг хунига зомин бўлганлиги учун қамоқхона тупроғини ялаб ётибди. Исроилнинг собиқ бош вазири ёҳуд амири ҳам турма тузини тотиб чиқди.

Авлодлари бечора қирғиз халқининг қот-

ган нонини туя қилган домла Асқар Акаев ва Қурманбек Бакиевлар ватанларидан мосуво бўлдилар. Уларга Чингиз Айтматов ётган Атабейит қўйиндисиди ётмоқ насиб этадимиди, йўқмиди, бу ҳам бир миллий муаммо ва фожиа.

Демак, қироли султон, подшоҳу президентлар ҳам, аввало, одам. Улар ҳам сизу биз каби емак еб, ҳаводан нафас оладилар.

Шундай экан, улар ҳақида қўнишмоқ, билхосса, ёзмоқда икки карра эҳтиёт бўлмоқ фойдадан холи эрмасдир. Бу ҳақда сиз билан суҳбатлашмоқда давом этамиз.

Бироқ Президент саройига кирган куниёқ тўшалган қимматбаҳо гиламларни мактабларга бериб юборган, президентлик маошини бевабечораларга кўмак этувчи вақфларга ўтказган, икки бора сайлангандан сўнг яна эски иш жойиди, университетга эски машинасида қатнайдиган, тушлик учун уйдан бир парча нон билан бир неча тишлам пишлоқ олиб кетадиган Маҳмуд Аҳмади Нажот каби президентлар ҳам йўқ эмас.

Қизи телефон қилиб, “Ота, университетга киришимга бир неча балл етмади. Кўмак этинг!” дея мурожаат этганида “Мен бир бечаранинг боласига жабр қилиб сенга ёрдам берайинми?” дейдиган Жамол Абдул Носир каби президентлар ҳам бор эди. Буларнинг миллиардер президентлар ва уларнинг миллиардер ўғил-қизларидан фарқлари нимада эди?

Фарқлари шунда эдики, улар илм бор жойда бойлик бўлмас, бойлик бор жойда илм бўлмас. Ҳалол кишилар бадавлат бўлмайдилар ва бадавлат кишилар ҳалол бўлмайдилар, деган нақлларни яхши билар эдилар. Шоҳмиди, гадоймиди, кимлигидан қатъи назар, ўз феълу атвори, ақли идроки ва фаҳми фаросатидан



келиб чиққан ҳолда ўз жаннату жаҳаннамини яратади.

Ўтиб кетгач, нариги дунёда қандай ҳисоб-китоб қилинади, ҳеч ким қайтиб келиб буни кимсага айтгани йўқ.

Локин жабру зулм, ҳақу ҳақсизлик даллоллари роҳат ила яшаб ўтсалар-да, авлодларини ўзлари ижод этган жаҳаннамга ташлаб кетадилар.

Зотан...

*Ҳақиқат ҳар дам ҳам,  
Кўзга чалинмас.  
Тилию дили бир,  
Эллар бўлинмас.*

*Оқиллар жоҳилга,  
Мудом ялинмас.  
Ғариб ғурабога,  
Жабр қилинмас.*

*Номард суфрасидан  
Экмак олинмас.  
Нокас шафқатига,  
Назар солинмас.*

*Миннатли маконда  
Тунаб қолинмас.  
Буюрмаган мол-мулк,  
Қўлга илинмас.*

*Муносиб рақибнинг  
Зарби билинмас.  
Сассиқ алаф қолиб,  
Чечак юлинмас.*

*Тобутни буроқиб,  
Ясда кулунмас.*

Қон юқи эллардан  
Соврун олинмас.  
Ҳадафга қўшдингми,  
Иўлда ўлунмас.

## 15. ҚЎҚОН ХОНЛАРИ – БОБУР АВЛОДИ ЁХУД СЎНГИ ШАҲЗОДА

*Бобурийлар “буюк сир”дан хабардор эдими?  
Нодирабегим – Амир Темур авлоди!  
Олтин бешик ўғлон ва унинг авлоди ҳақида  
нималар биламиз?  
Шоҳруххон Қўқоннинг биринчи хони!  
Исломбек Худоёрхон – сўнги Қўқон хони Ху-  
доёрхоннинг невараси!  
Оққан дарё оқмай қолмас!*

Кечмишга, бобо тарихимизнинг қабарик қирраларига теран назар ташласангиз ибратли ва ҳайратомуз воқеа ва ҳодисаларга, энг муҳими, она халқимизнинг буюк ва бетакрор ўтмишига шоҳид бўласиз. Бу шонли ва шарафли тарих кўксимизни Туркистон тизмалари қадар юксакликка кўтаради. Шу боис ҳам дунёнинг энг қизиқарли, завқли ҳамда тилсимли фани тарих биз қанча ўрганмайлик сеҳрли бир жумбоқдир. Ўз тарихини ўрганмаган ва билмаган халқ эса ўтмишидан ажралган, бугунини амалтақал ўтказаётган ва келажагини кўз олдига келтира олмайдиган қавмга айланиб қолади. Бу эса дунёдаги даҳшатли азоб – ватансизлик ва миллатсизликдек, бунинг оқибатида эътиқодсизлик, ғайриинсоний ва ғайритабиий иллат кенг ёйилишига олиб келади.

Кечмиш мустамлакачилик ва коммуколониализм сиёсати туфайли бизда бу номақбул тирикчилик бошланган эди.

Турон ери истиқлоли бу ғайримиллий одатларга барҳам берди. Тошкентнинг юрагида буюк бобомиз Амир Темурга қўйилган тарихий ёдгорлик эса халқимиз маънавиятида буюк бир тарихий инқилоб ясади. Барча даражада фикрловчи кишиларнинг тарихимизга қарашда, фикрлашда ватаний оҳангдаги миллий гурур, ифтихор ва тарихимизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат туйғуси жило бера бошлади. Ҳа, Турон, Туркистон ерининг буюк фарзанди, унинг буюклигини ҳазм қила олмаган ўткинчи оломоннинг ёлғон дунёсидан ҳақиқат юртига, адолатнинг абадий шоҳсупасига қайтган эди. У аслида қалбида ва вужудида Ватан ва миллат туйғуси мавжуд барча юртдошлар юрагида яшар эди. Мана шу ботиний меҳр-муҳаббат зоҳиран расмийлаштирилди. Бобо юртимиз, она халқимизнинг энди ҳеч ким ва ҳеч қачон тортиб ололмас маънавий, маърифий ва сиёсий бойлигига айланди.

Шеър тили билан айтганда:

*Бош устига, эй буюк руҳ,  
Шоҳижаҳон, Соҳибқирон.  
Йўлингизда тўрт бўлди кўз,  
Сизсиз ғариб мулки Турон.*

Тарихдан маълумки, ҳазрат Амир Темур туркийларнинг барлос қавмига мансуб бўлиб, бу туркий қавм айни кунда дунёнинг барча қитъаларида яшайдилар. Марказий Осиё, яъни Туркистон, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Эрону Туркия дейсизми қаерда бўлмасин, чўрткесар, ушлаган жойини узиб оладиган бу улус темурийлар салтанатидан сўнг, айниқса, она ватани Туркистонда қаттиқ таъқибга учради. Уларни бир ерда барлослар деб атасалар,

бошқа ерда турклар деб атайдилар. Айниқса, барлос сўзи жуда кўп қавмларга даҳшат солар, бу эса барлос туркларининг, ҳатто оддий кун кечиришлари, яъни тирикчилик ўтказишларига ҳам халақит берарди. Қатор Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва Бангладеш хариталарида ҳамон теурийлар давлатини барлос турклари империяси дея ёзишади. Табиатан барчага баробар маҳаллийчиликдан йироқ бўлган Амир Темур ҳеч қачон мен барлосман дея қавмини пеш қилмаган. Туркистонни бирлаштириш ғоясини тарихда илк бор амалга оширган жаҳонгир доимо ўзининг турк эканлигини, туркнинг бош бўғин қавмидан эканлигини таъкидлаган. Унинг учун энг муқаддас эътиқод — ҳақ ва ҳақиқат бўлган. Ҳақиқатдан юз ўгирган инсонни, ким бўлмасин, кечирмаган. Аввало, уни инсофга чақирган, инсофга келмаганларни эса даргоҳидан ҳайдаб юборган. Маҳаллийчилик, уруғчилик, танишбилишчилик каби иллатларни давлат ишларига аралаштирган, шахсий манфаати йўлида фойдаланган кимсаларни қаттиқ жазолаган. Буюк бобомизнинг фармонларига эътибор беринг-а!

...Барлос уруғидан тўрт кишини амир улумаро қилдим: Амир Худойдодга Бадахшон мамлакатини инъом этдим. Амир Жаку, Амир Ики-Темур ва Амир Сулаймоншоҳга ҳам биттадан сарҳад мамлакатини тортиқ қилдим. Барлос уруғидан яна юз кишини мингбоши этдим. Амир Жалолиддин Барлосга ўнинчи амир даражасини бердим. Амир Абу Саййидни тўққизинчи амир даражасига кўтардим.

Тархон улусидан амир Боязидни еттинчи амир даражасига тайинладим. Улардан йигирма кишини юзбоши қилдим. Арғин улусидан

Тошхўжани саккизинчи амир қилдим. Булардан йигирма кишини мингбоши, юзбоши ва ўнбоши қилиб тайинладим.

Жалойир улусидан Тўқ Темур ва Шер Баҳромни саккизинчи амир этиб тайинладим. Улардан йигирма кишини юз боши ва ўн бошиликка белгиладим.

Тулкичи улусидан Ўлжойту Апердига амирлик мартабасини бердим.

Дўлдай уруғидан Тобон Баҳодир ва Сон Баҳодирга амирлик мартабасини бердим.

Муғул улусидан Темурхожа ўғлонни амирлик мартабасига етказдим.

Сўлдус улусидан Элчи баҳодирга амирлик мартабасини бердим.

Тўғой улусидан Али Дарвешни амир қилдим.

Қипчоқ улусидан Сари Буғога амирликни бердим.

Орлот улусидан Амир Муайядниким, синглим унинг никоҳида эди, амир ул-умаро этиб тайинладим. Сўлойчи баҳодирни амирликка кўтардим.

Татар улусидан Қўнакхонга амирлик мартабасини бердим.

Тамғага етмаган йигирма саккиз аймақ бошлиқларига улус амирлигини бердим.

Ҳазрат соҳибқирон бу ерда асосан уруғларнинг умумий сонидан келиб чиқиб у ёки бу унвонни берган.

“Темурнома” муаллифи Салоҳиддин Тошкандий қайд этганларидек: “Барлос — булар доим қиличини яланг қилиб олиб юрарлар. Барлос маъниси қилични қинга солмаганин айтурлар. Ўз-уздан маълумки, ўрта аср империясини барпо этмоқ учун Темур, аввало, ақлни, заковат билан иш ҳал бўлмаган ерда қилични ишлатишга мажбур бўлган. Хоинлик қилган, ўз сўзида турмаган аскарый тўдалар

ёки манзил аҳолисини қаттиқ жазолаган. Ўзининг масалани тинчлик билан ҳал қилиш учун юборган кишиларини маҳв этган қавмларга эса бундан-да қаттиқ жазо тайин этган. Шу боис ҳам барлос туркларидан ҳайиқиш ва чўчиш афсонавий даражада кучли бўлган. Шунинг учун ҳам қадимий турк дея аталувчи қавмлар тоғ ичкариларида, сиёсатдан узоқ яшашни ўзларига одат қиладилар. Бу сўз нафақат темурийлардан кейинги ҳукмдорларни, балким Эрону Афғон, Чину Руснинг тепасида турган кишиларни ҳам чўчитар эди.

Бу воқеа ва ҳолатлар ўтмиш бўлиб қолди дея ўзимизга таскин бераётган, мустақиллик шарофатида оқни оқ дейиш мумкин бўлган бир фурсатда уялмай-нетмай ўзбек халқи бошқа, турк халқи бошқа дея ёзиб чиққан олимларимизга нима деб сўз айтишга тил ожизлик қилади. Темурнинг шарафли отидан ном чиқариш учун фойдаланаётган бундай миллатдошларимизнинг нақадар ҳақноҳақликлари ажрини шу улуғ бобомизнинг руҳи покига соламиз.

Бундан икки йил муқаддам қўлимизга Самарқанд вилоятининг “Зарафшон” газетаси (3 октябрь 1992 йил сони) тушиб қолди. Газетанинг тўртинчи саҳифасида таниқли археолог-олим темурийлар даври бўйича ибратли тадқиқодлар олиб бораётган Амиридин Бердимуродовнинг “Исломбекни биласизми? У темурийлар сулоласидан” сарлавҳали ажойиб, ғоят қизиқарли, айни вақтда тарихчилар учун янгилик ҳисобланган мақоласи эълон қилинган эди. Яна шу саҳифадан фаранг профессори жаноб Люсен Кэреннинг “Шаҳзода билан учрашув” сарлавҳали мақоласи, барлос турклари уруғига мансублиги шундоққина юз тузилиши, кўз

қарашларидан билиниб турган Ислombек Худоёрхоннинг сурати ҳамда профессорнинг “Ўзбекистонга саёҳат” номли мақолалари чоп этилиб, Ислombек “сўнгги темурийлар сифатида тақдим этилган экан. Бу ҳар қандай тарихчини ва тарих ихлосмандларини ҳайратга соладиган воқеа эди.

“Қўқоннинг сўнгги хони — Худоёрхон ҳам Амир Темур Кўрагон авлодидан эканлигини боболаримиз сўзлашар, бироқ бу гаплар у замонларда ҳеч кимни қизиқтирмас, биз ўз ота-боболаримизга босқинчи, феодал зулмкор сифатида қарашга болалигимиздан ўргатилган, ўргатилаётган эдик.

Профессор Л.Кэренинг мақоласида қуйидаги жумлалар бор: “Ислombек менга ўзини Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳнинг авлодидан эканлигини, аниқроғи, ота авлоди Ҳиндистон подшоси Бобуршоҳнинг отаси Умаршайх Мирзонинг акаси Султон Аҳмад Мирзога бориб тақалишини, онаси эса қора қирғиз маликаларига мансублигини айтди. Ислombекнинг ўзи боболаридан бири — Қўқоннинг сўнгги хони Худоёрхон исмини қабул қилган экан”.

Демак, Профессор Л.Кэренинг ушбу мақоласидан кўриниб турибдики, Ислombек Худоёрхон ҳам, Қўқон хони Худоёрхон ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобур, яъни ҳазрат соҳибқирон Амир Темур авлодларидан.

Мақола таҳлилида давом этамиз:

“Кейинчалик у менга (яъни Ислombек Худоёрхон) ўзининг ўтмиши ҳақида сўзлаб берди. Унинг айтишича, Ислombеклар оиласи Самарқандда дўсти Менгли Гаройларнинг маҳалласига яқин жойда яшаган. Ислombек билан Менгли Гарой дастлаб Тошкентда коллежда ўқишган. Кейин Ислombек Москва-

га бориб зобитлар тайёрловчи махсус ҳарбий мактабда ўқишни давом эттирган. Бу даврда отаси ва тўрт нафар акаси Самарқандда яшаган. Энг катта акасининг исми Темур бўлиб, дин аҳли ва маҳаллий зиёлилар орасида катта обрў-эътиборга эга бўлган. Минг тўққиз юз ўн еттинчи йили давлат тўнтариши, яъни октябрь инқилоби кунларида Исломбек оқ подшо армияси сафида жанг қилган ва ҳамма нарса бой берилганини англаган. Сўнгра Самарқандга қайтган. У Самарқандга қайтгач, даҳшатли воқеани эшитади. Отаси касал бўлиб вафот этган, тўрттала акасини ҳам большевиклар хон авлодидан бўлганликлари учун ҳибсга олишган ва қатл этишган”.

Бу фожиадан гангиб қолган Исломбек дўстлари кўмагида яшириниб, бир амаллаб Афғонистонга ўтиб кетади ва бир қанча нуфузли лавозимларда ишлайди. Сўнгра унинг ҳаёти Европада кечади. У Афғонистон давлатининг Швецария ва Фарангистондаги элчихоналарида ўта муҳим ишларни бажаради. Исломбек Худоёрхон жаноблари ўрис, француз, турк, форс ва инглиз тилларини мукаммал билган. Унинг хотини ҳам асли Самарқанддан бўлиб, профессор Л.Кэреннинг маълумотиغا кўра фарзандлари бўлмаган.

...1992 йилда Ўзбекистондан бир гуруҳ археологлар Парижда ўтказилган Юнеско ва Франция миллий академияси уюштирган “Самарқанд — Сўғдиёна — қадимда ва ўрта асрларда” мавзусидаги халқаро илмий конференцияда қатнашишган. Улар орасида археолог-олим Амриддин Бердимуродов ҳам бўлиб, шу ерда у профессор Люсэн Кэренни топиб, танишади. Шу танишув жараёнида профессор А.Бердимуродовга юқоридаги мақолаларни ва Исломбек Худоёрхоннинг су-



ратини эсдаликка ва иложи бўлса газеталарда ёритиш учун тақдим этади. Чунки Ислombек Худоёрхон бундан атиги икки йил илгари ўз ватанини кўришдек буюк бахтга эришолмасдан ҳаётдан кўз юмган экан. Худди ана шу янгилик — Ислombек Худоёрхоннинг кашф этилиши А.Бердимуродов ўзининг “Ислombекни биласизми? У Темурийлар сулоласидан” мақоласида эълон қилинган. Археолог олим мақолани ёзар экан, тарихга мурожаат қилади. “Бобурнома”дан қуйидаги парчани келтиради: Сулаймон Аҳмад Мирзонинг икки ўғли бўлиб, улар кичиклигидаёқ қолмади. У кишини Робия Султонбегим, Солиҳа Султонбегим, Ойиша Султонбегим ва Маъсума Султонбегим каби беш қизи бор эди...”

Шу тарихий битикдан келиб чиққан ҳолда А.Бердимуродов: “Шу сингари маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, Ислombек Худоёрхон аждодлари Султон Аҳмад Мирзо қизларининг биридан бошланган”.

Одатда азалдан бизга қиз фарзанддан туғилган болаларни ота уруғ шажарасига олиб бориб боғламайдилар. Шу боис бу ерда ўрганилиши, таҳлил этилиши жоиздек бир ҳолатлар бўлиши керак деган ўй бизга тинчлик бермади. Бу ерда Қўқоннинг сўнги хони Худоёрхон шажарасини ҳам Султон Аҳмад Мирзо қизларининг биридан бошланганлиги изоҳталаб бўлганда жуда муҳим аниқликлар киритилишига муҳтождек эди. Ислombекнинг борлиги, унинг 1992 йилгача яшаганлиги, Худоёрхон ҳам наслнасаби билан Амир Темурга келиб тақалиши бу тугунни ечиш мумкинлигини башорат қилгандек бўларди. Ҳурматли олимимиз А.Бердимуродов таъкидлаганларидек, Ислombек

бекнинг ҳар тўрттала акасининг қавм-қариндошларини ёш болаларигача қизиллар қириб юборишмагандур? Ўтган етмиш йиллик зулму қатағон даврида Исломбеклар авлоди, бу хонадон кишилари ўз шажараларини, энг муҳими, ўзликларини унутишмагандир?..

Биз бу жумбоқлар ечимини Олим Маҳдум Ҳожининг бир пайтлар устоз Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” асарларини ёзишга қўл келган “Тарихи Туркистон” асарида топганимизда дунё топган чолдек ўзимизни қўярга жой тополмай қолдик.

Кўп қимматли манба саналмиш бу китобда шундай жумлаларни ўқиймиз: “Вақтики, Бобурхон ўзбак хонлари ила Самарқанд музофотида муҳораба айлаб, мағлуб бўлиб, қочиб, алҳол Ҳўқанд (Қўқон) шаҳри бино бўлғон мавзедағи катта сойликка келганда фаросат ила тошибдурким, бул жой сероблик ва хушҳаво сабабликдин андоқ вақтда ободон ва катта шаҳар бўлса керак деб, алҳол, Ҳўқанд шаҳриға сув келадурғон катта сойдин ўтганда кўрибдирким, сойнинг икки тарафида кўп элатлар ижтимоъ қилиб қўнуб ўлтирубдурлар. Муни кўриб Бобурхон кимхоб ва зарли либосларға ўралиб олтин бешикка бойланган бир боласини гузаргоҳга қўйиб, бир дона ва ҳушёр одамни ул бешик ила болага дийдбон ва қоровул тайин қилиб, айтубдурларким, то ушбу бола бир одамни қўлиға тушиб олиб кетгандин сўнгра бизларни орқамиздан етиб келурсан, деб тезлик ила ўз йўлларига жўнаб кетибдурлар. Ўшал вақтларда бул вилоятлардин ҳеч асар ва ном-нишон йўқ бўлиб дашту саҳро экан. Лекин сойнинг икки тарафида уч-тўрт жамоа, чунончи, Чанканд, Сарой ва Тарғова, уч гуруҳ халқ ўлтуруб эркан”.

Шўро даврининг муаррихлари Амир Темур ҳақида гапиришдан, асил ҳақиқатни ошкора қилишдан бир умр хайиқиб яшадилар. Чала гоҳида эса ғирт ёлғондан иборат тарихий битикларда эса Амир Темурнинг авлоди Турон юртида мутлақо йўқ, Ҳиндистонда эса Бобурийларнинг сўнгги авлоди Шаҳзода Баҳодиршоҳ (1776—1837—1862) ва унинг бешикдаги фарзандигача инглизлар ўлдириб юборган деган фикр билан ўзларини ҳам, бизни ҳам овутиб, юпатиб келдилар. Она ватанимиз мустақил бўлгач, Амир Темур бобомиз яна ўз ватанига “қайтди”, ул зоти шарифнинг авлодлари ҳақидаги тарих битикларига ҳам дарз кетди. Шеър тили ила айтилганда:

*Сиз ватанга қайтмоқ учун,  
Дунёнинг ярми тебранди.  
Вужудларга оққан армон,  
Темурий қонлар эмранди.*

Ҳиндистон заминидаги темурий-бобурийлардан хабар топдик. Зиёвуддин Тусий-Уммахонимлар ҳақидаги янги маълумот катта воқеа бўлди. Улар бобо юртларига ташриф буюришди. Ҳиндистонда буюк салтанат барпо қилган улуғ бобокалонлари Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг она шаҳри — Андижонда бўлишиб, шоҳ ва шоир боболарининг беш юзу ўн йиллик таввалуд тантаналарида армонли кўз ёшлари ила иштирок этдилар. Хуллас, Бобур Мирзо ватанидан жудо бўлиб, Хуросон томон юз тутган бир чоғда, не ўй, не мақсад билан бўлса-да, олтин бешикка солинган бир боласини гузаргоҳда қолдиради. Шу ерда сой бўйида яшовчи уч гуруҳ халқ тўғон қилиб — сув боғламоқ учун

даштга чиқиб, олтин бешикда ухлаб ётган болани топиб оладилар. Сўнгра уч гуруҳ халқ ўзаро келишиб, қуръа ташлаб, топиб олинган “бу катта бойликни” бўлишишади. Ёш бола Тарғова жамоасига, жавоҳиротлар Сарой жамоасига, олтин бешик эса Чанкант жамоасига тегади. Олтин бешикда солиб қолдирилган Бобуршоҳнинг ўғлига дийдбон, яъни қоровул бўлиб турган йигит бу ҳолни кўриб, хурсанд бўлиб, воқеани Бобур мирзога етказди. Албатта, гўдак тақдирининг бундай якун топишидан отаси — Бобур мирзо ҳам хурсанд бўлади. Тарғова жамоаси элати эса ҳусн-жамолда тенгсиз, асилзода ўғлонни зўр меҳри билан парвариш қила бошлайдилар. Китобда кўрсатилишича, “Андин кейин жамоаи ўзбак тарғова мазкур боланинг тарбиятига қўшиш айлаб бир муттақий ва порсо заифага топшурибдирлар. Ул заифаи оқила боланинг тарбият ва парваришидин зарра бепарволик қилмай, хўб диққат ила тарбият қила бошлабдур, чунки боланинг насл-насаби ҳақидаги ҳақиқатни ўзбаклар хўб таҳқиқ айлаб билғон эканлар”.

Демак, Мирзо Бобур қолдирган боланинг асл насл-насабини ўзбак жамоалари — хусусан, тарғова қабиласидагилар билишган. Кейинчалик, бола улғайгач — унга насл-насаби ҳақидаги “сир” ошкор қилинган. Ўз навбатида даштнинг саҳройи халқи бу болани жуда катта умидлар билан парваришлаб, камолга етказишган. Улар “Оққан дарё оқмай қолмас”лигини билишган.

Хўш, Бобур мирзо ватанидан бош олиб кетаркан, гўдакни не мақсадда қолдирди экан? Ҳақиқатан ҳам мулла Олим Маҳдум ёзганидек: — Бул жой сероблик ва хушҳаво сабабликдан андоқ вақтда ободон ва катта шаҳар бўлса

керак, деб қолдирган бола — ана шу ерларни обод қилиб, Бобур мирзо ушалмаган орзу-армонларимни амалга оширади, дея ният қилдимикин? Ёки номаълум юртга, номаълум элга бош олиб кетаётган шоҳнинг тақдирга таваккалимикин? Ёхуд бобоси Амир Темур авлодларининг қаерда бўлса ҳам ҳоким бўлишига ўзига хос ишончмикин? Ёки — охириги йўл... ўзи билмаган юртларда қандай тақдири аъмол кутаётганлигини билмасдан — ўз юртига зурриёд қолдириб кетиш учун ўйлаб топилган сўнгги чорамикин?

Бобур мирзо ўз ўғли — жигаргўшасини олтин бешикка солиб, ота юрти тупроғида қолдириб, бола тарғова жамоаси қўлига эсон-омон текканлигини билиб, Хуросон юртига тақдирини яна бир карра синаб кўриш учун бош олиб кетгач, гарчи саҳройи бўлишса-да, тарғова жамоаси асилзода болани жуда яхши парваришлаб, унга Олтин Бешик деб ном қўйишди. Бу воқеа Бобурнинг ватандан бош олиб кетиши — ҳижрий йил ҳисобида 911, мелодий ҳисобда 1503–1504 йилларга тўғри келади.

Шундай қилиб, Бобур ва бобурийлар ватандан йироқда Буюк давлат қурадилар. Олтин Бешик ўғлон ва унинг авлодлари эса Фарғона водийсида даврон сурадилар. Олтин Бешик ўғлондан то Қўқоннинг биринчи хони Шоҳруххонгача ўн авлод, яъни ўн пушт ўтади. Бу роппа-роса икки юз йилни ўз ичига олади. Муаррихлар Олтин Бешик ўғлоннинг авлодларини жуда ҳурмат билан тилга оладилар. Ўтган икки юз йилда Султон Эдик, Султон Худоёр, Муҳаммад Амин, Абдулқосимбек, Шоҳмастбий, Шоҳрухбек, Ҳожибек, Ашурбеклар яшаб, халқ орасида

энг эйтиборли, обрўли ҳаёт кечиришган. Насл-насаби билан бек ва бекзодалар бўлиб, ана шу сайҳонликдаги халқларнинг йўлбошчиси сифатида уларга оқсоқоллик, беклик қилишган. Ниҳоят, Ашурбекнинг ўғли — иккинчи Шоҳруххон туғилиб, у вояга етгач, Қўқон давлатини тузади, Қўқоннинг биринчи хони бўлади.

Яна “Тарихи Туркистон” асарига мурожат қиламиз:

“— Ўшал вақтдаги ўзбаклар нақли иттифоқо бир подшоҳи ботариқаи шикор бул вилоятға келибдур. Ул вақтда Шоҳруххон ўн саккиз ёшда эди. Шикорнинг қизиқ вақтида бир йўлбарсни найза ила ярадор айлаб, сайд қилиб, подшоҳга манзур айлаб, марҳамат ва шафқат ва магар ҳурматға мустаҳиқ бўлубдур. Подшоҳ анинг ғайрату шижоат ва мардоналигини кўриб, лутф ва марҳамат айлаб, ўшал музофотнинг ҳукмронлигини Шоҳруххонга тортиқ айлабдур. Андин кейин машойиху уламо ва фузало ҳамда ақобири вилоятлар келишиб, Шоҳруххонни оқ наमतға кўтариб, хонлик лавозими билан муборакбод қилубдурлар”.

Олтин Бешик ўғлон авлоди Шоҳруххоннинг Қўқон тахтига ўтириб, хон бўлиш санаси — ҳижрий ҳисобида 1112 йилга, мелодий ҳисобда — 1703—1704 йилларга тўғри келади. Ўша даврда Ҳиндистонда бобурийлар салтанати барқ уриб, ривожланиш босқичига чиққан эди. Чунки, Муҳиддин Аврангзеб Оламгир (1618—1657—1707) салкам ярим асрдан буён Буюк Ҳиндистон тахти салтанатида эди. Афтидан, ўша пайтда дунёнинг истаган бурчагига қўли етадиган бобурийлар — бобокалонлари юрти — Қўқон тахтида ҳукмронлик-хонликни қўлга олган қариндошларини билишмаган

кўринишади. Акс ҳолда, икки ўртада муҳим алоқалар ўрнатилиб, Қўқон хонлигини ҳам Ҳиндистоннинг Буюк подшолари ўз ҳомийликларига олишлари мумкин эди. Чунки Қўқон хонлигининг пойдевори эндигина қўйилаётган — ўз навбатида, биринчи хон ана шундай ҳомийга муҳтож эди. Афтидан, ўз ватанидан бош олиб, “не юз қаролиф бўлди” дея минг бир истиҳола билан “Ҳинд сори юзлонгон” Бобур мирзо Олтин Бешик ўғлоннинг сайҳонликда қолдирганлигини — гўдакни тарғова жамоаси ўз қарамоғларига олганлигини яширган кўринади. Ҳатто “Бобурнома” да ҳам бу ҳақда маълумотлар учрамайди. Ҳа, бу Буюк Темур ва доно Улуғбекдан сўнгги закий Бобурнинг қалбида армон бўлиб қолган сир эди. Бобур бу сирни ошкор этса ўз авлодларининг балким хунига зомин бўлармиди?..

Бобур мирзонинг Олтин Бешик ўғлон ҳақидаги ҳақиқатни сир тутишининг ўзига хос нозик сабаблари ҳам бор. Биринчидан, ўша пайтларда темурийлар — ўз юртларида қатагонга учраган. Шайбонийхон бошлиқ мўғул саҳройилари бу ишга жон-жаҳдлари билан киришган эдилар. Улар Амир Темурнинг ҳар қандай авлодидан жуда ҳам қўрқар ва ҳайиқар эдилар. Боиси, Амир Темур авлодларининг амир ул-умаро ва амирлашкар бўлиши Чингизхон ва Темур боболарининг тошбитикка ёзилган шартномасида қайд этилган эди. Амир Темурнинг ўзи ёзган “Таржимаи ҳол” асари бу ҳақда қимматли маълумотлар беради.

Амир Темур ўз “Таржимаи ҳол” асарида ёзади:

“— Бир кун отам амир Тарағай авлиё амир Шамсиддин кулолнинг олдига борган эди, у отамга дебди:

— Аллоҳ сенга Темурдек ўғил ато қилгани учун сени муборақбод этамиз.

Кейин у отамга бир ҳовуч буғдой билан майиз берибди. Отам уларни санаса ҳаммаси уч юз етмиш дона экан. Авлиё отамга дебди:

— Ана шу сон сенинг авлодларингнинг сонини билдиради...

Онам ҳам авлиё Кулолнинг олдига борди. У онамга айтди:

— Ей, хотун! Сенинг ўглинг дунёга ҳоким бўладур, уч юз етмиш авлоди қудратли бўладур, шундан етмиши подшоҳлик қиладур. Агар у Расулиллоҳ шариати билан иш тутса ва унинг руҳини озурда қилмаса, подшоҳлик қўпроқ ҳам бўлиши мумкин”. Шундай бўлгач, Бобурнинг гўдак қолдирганлигини Шайбонийхон билиб қолса — Олтин Бешикни ҳам, уни асраб олган тарғова жамоасини ҳам маҳв этиши тайин эди. Иккинчидан, Андижон мамлакати ҳукмронлиги Бобур мирзонинг ашаддий душмани Аҳмад Танбал тасарруфида, у ҳам темурийларни йўқотиш учун ҳар қандай наслни, ҳатто чақалоқларни ҳам аяб ўтирмасди. Учинчидан, Бобур мирзонинг ҳарбий ишларидан мутлақо салоҳиятсиз мўғул тоғалари — Тошкент ва яна бир нечта кентларда ҳукмрон бўлиб, улар ҳам улуғ боболари Чингизхон ва чингизий мўғулларни Мовароуннаҳр — Туркистон еридан ҳайдаб юборган Амир Темур ва унинг ҳар қандай авлодини жинлари суймас эди. Тўртинчидан, Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда қолган авлодларининг аксарияти Бобур мирзо “кучи” билан ўзга элларга бош олиб кетаётганди. Шундай бир даврда тақдирга таваккал қилиб, темурий гўдакни бегона элат қўлига ташлаб кетаётган зийрак Мирзо — у ҳақда бирор-бир маълумот қолдиролмасди. Чунки сўнги



шайбонийзода — 1599 йилгача Мовароуннаҳр тахтида бўлиб, салкам юз йил ҳукмронликни эгаллаб туришганди. Олтин Бешик ўғлоннинг Мовароуннаҳрда қолдирилиши ҳаммадан сир тутилиб — ана шу “Буюк сир”ни Бобуршоҳ ўзи билан бирга олиб кетган чоғи... Шу боис, бобурийлар ота юртдаги қариндошларидан беҳабар ҳолда ўзга юртда подшоҳлик қиллаверишган.

Тарихдан маълумки, Қўқон хонлиги вужудга келиб, гуркираб ривожланган. Бир томони Тошкентдан Дашти Қипчоққача, иккинчи томони Хитойнинг Қошғар вилояти, Тожикистоннинг қадимий Хўжанд ва Ҳратепа кентлари, Қозоғистон, Қирғизистоннинг катта қисми — умуман бутун Туркистон ўлкаси уларнинг тахти — тасарруфида бўлиб, ҳатто, Хитой императори ҳам Қўқон хонлари билан ҳисоблашган. Ҳиндистонда бобурийлардан Шаҳзода Фаррух Сияр, Шаҳзода Муҳаммадшоҳ, Шаҳзода Аҳмадшоҳ, Муаззам Шоҳ Олам (Баҳодиршоҳ), Шаҳзода Жаҳондоршоҳ, Шаҳзода Акбар II каби ниҳоятда истеъдодли, дасти узун, ўша даврларда бутун дунёга донғи кетган подшоҳлар ҳукмрон бўлишган. Ҳатто, Хитой императори ҳам Ҳиндистондаги бобурийларга бож-хирож тўлаб турганлиги тарихдан маълум. Аммо, Ҳиндистон ва Қўқонда бир вақтда юрт сураган темурий-бобурий подшоҳлар бир-бирлари билан қариндошлик алоқаларини ўрнатиша олмаган кўринадилар. Тақдир ўйинини қарангки, Ҳиндистонда — бобурийлар салтанати инглизлар томонидан босиб олинаётган бир даврда (Ўша пайтда Шаҳзода Баҳодиршоҳ Бобурийлар салтанати тахтида бўлган), Қўқондаги бобурийлар давлатига бир ёқдан Бухоро амири, иккинчи ёқдан бало-қазодай бўлиб Ҳуссия подшолиги

кўз тикиб турганди. Қўқоннинг охири хони Худоёрхон билан Шаҳзода Баҳодиршоҳ тақдирларининг ўхшашлик жиҳатлари жуда кўп. Хуллас, нима бўлганда ҳам бобурийлар давлати 1850 йиллардан сўнг — Ҳиндистонда ҳам, Қўқонда ҳам, ўта заифлашиб қолган эди. Бундан эса инглизлар билан ўрислар жуда устакорлик билан фойдаландилар. Балки, ўша даврларда Ҳиндистон подшоҳлари билан Қўқон хонлари ўртасида давлатлараро алоқалар мавжуд бўлса, тарихнинг ҳали кашф этилмаганлиги бу чорраҳаларини очиш муаррихлар ҳукмига ҳавола. Зеро, тарихнинг ўқилмаган бу томонларини ўқувчиларга етказиш ҳам айти савобдир.

Энди Олтин Бешик ўғлоннинг насл-насаби ҳақидаги баъзи бир мулоҳазалар ҳақида ўртоқлашсак. “Тарихи Туркистон” муаллифи:

“Бобурхон кимхоб ва зарли либосларга ўралиб Олтин Бешикка бойланган бир боласини гузаргоҳга қўйиб” дея, Олтин Бешик ўғлонни: Бобур мирзонинг ўз боласи деб шаҳодат беради. Исломбек Худоёрхон эса аждодини Бобурнинг амакиси Султон Аҳмад мирзо авлодларидан келиб чиққан деган. Археолог-олим Амриддин Бердимуродов эса “Бобурнома”га таяниб Қўқон хонлари, хусусан, Исломбек Худоёрхон аждоди “Султон Аҳмад мирзо қизларининг биридан бошланган” бўлса керак деган хулосага келади.

Хўш, Олтин Бешик ўғлон кимнинг ўғли?

Тарихдан маълумки, Бобур мирзо худди шу — Исломбек Худоёрхон бобом деб атаган Султон Аҳмад мирзонинг Ойиша Султонбегим исмли қизларига уйланганлар. “Беш ёшимда Самарқандга келганда менга кулуб эдилар. Сўнгра, қозоқликларда Хўжандка келди, анда

олиб. Самарқандни иккинчи навбат олғонда биргина қиз бўлиб эди, неча кундан сўнг тангри раҳматиға борди. Тошканд бузуғлиғидин бурунроқ эгачисининг ангизи била чиқти”, деб изоҳ беради Бобур мирзо.

Демак, Бобур мирзо Султон Аҳмад мирзонинг ҳам жияни, ҳам куёви бўлган. Аммо Ойиша Султонбегим опасининг тазйиқи билан Тошкентдаёқ Бобур мирзодан ажрашган. Шундан сўнг, то Хуросон мамлакатига бориб — Ҳумоюншоҳнинг онаси — суюки Моҳимбегимга уйлангунча — Бобур мирзонинг бошқа қизга уйланганлиги, фарзанди борлиги хусусида “Бобурнома”да маълумотлар учрамайди. Аммо Бобур мирзо табиатан заифа бўлган Ойиша Султонбегим билан орани очиқ қилгач, то Хуросон юртига кетгунгача ҳам орада бирикки йил, Бобур мирзонинг ўз таъбири билан айтганда: — “қозоқликларда сарсон-саргардон” ҳолда юради.

Балки йигитликнинг гул даври — подшолик ташвишларидан бир муддат қутулган, амир ва беклар тазйиқи йўқ, баҳаво ва хушманзара тоғлар бағрида, 21-22 ёшларида Ойишабегимдан сўнг ўз “қўчи”даги ота уруғидан бўлган бирорта қизга ёхуд онасининг қистови билан канизаклардан бирортасига уйланган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Чунки мулкида қолган таниқли темурийлар Бобур билан бирга ватандан бош олиб кетишга мажбур бўладилар. Нима бўлганда ҳам “Тарихи Туркистон” тарихий қиссасида битилган фикр тўғри. Олтин Бешик ўғлон Бобур мирзонинг ўзининг зурриёди бўлиб чиқади. Бу фикрни ушбу китобга сўзбоши ёзган ҳурматли олимларимиз Нурбой Абдул Ҳаким ва Тўлқин Алимардоновлар ҳам алоҳида таъкидлайдилар. Ҳеч бўлмаганда, у темурий шаҳзодалардан

бирининг боласи бўлади. Чунки олтин бешикка фақат шаҳзодаларгина ётишганлигини ҳам унутмаслик керак. Нима бўлганда ҳам, Олтин Бешик ўғлон соҳибқирон Амир Темурнинг олтинчи ё еттинчи авлодидир”.

Хўш, Амир Темур авлодларидан кимлар хонлик қилишган.

Хонлик неча йил яшади?

Албатта, бу саволлар ҳали Туркистон тарихидан-да тузук-қуруқ билимга, маълумотга эга бўлмаган ўқувчиларни қизиқтириши табиий. Хуллас, Қўқоннинг биринчи хони Шоҳруххон ҳижрий 1112 йилда, мелодий 1703—1704 йилларда хонлик мартабасига эришди ва ўн икки йил салтанатни бошқаради. Отаси Ашурбой бежизга ҳам ўғлига улуғ бобоси Темурнинг суюкли ўғли Шоҳрухбекнинг исмини бермаган бўлса керак? Шоҳруххон бобокалони Бобур мирзонинг:

“Бул жой сероблик ва хушҳаво сабабликдин андак ободон ва катта шаҳар бўлса керак” дея улуғ ният ва орзуларни қалбига туккан, шу боис зурриёди Олтин Бешик ўғлонни қолдирган мавзеда — унинг авлодлари, бекзодалар қатор кентлар барпо қилишган эди.

Шоҳруххон Кўктўнлик ота деб аталадиган жойда ўрда ва арк барпо қилиб, Хўқанд шаҳрининг ва хонлигининг пойдеворини қўйдирди. Шу ўринда машҳур “Таърихи Шоҳрухия”нинг муаллифи Мулла Ниёз Муҳаммаднинг Шоҳруххон вафотини тасвирлаган шеърини сатрлари ҳам закий ўқувчига кўп нарсаларни англатади.

*Баён қилғил, эй Ниёзий, вафот йилини аниқ,  
Токи тарих ойнаси зангдин бўлсин тоза,  
Шул тариқа турк султони тарихин айлаб баён,  
Етиб рихлат хон Шоҳрух бўлди турклардин жудо.*

Шоҳруххондан сўнг ўғиллари — Абдурахимбек — Муҳаммад Раҳимхон ҳам дейдилар, ул зотининг номини улуғлаб, отаси каби у ҳам ўн икки йил салтанат бошқаради. Иккинчи ўғли Абдулкаримбек эса муддати ўн саккиз йил хонлик мартабасида даври-даврон сурди. Абдулкаримхон ўз ҳукмронлигининг олтинчи йилида отаси Шоҳруххон ва акаси Муҳаммад Раҳимхонлар салтанатни бошқарган ўрда торлик қилиб, пойтахтни ҳам, хонликни ҳам кўчиртирган. “Тарихи Туркистон” асарида ёзилишича: — “Аввалги ўрда тор ва танглик қилиб, алҳол Хўқанднинг Эски Ўрда номлик жойига ўрдаи рафиъ ва шаҳри васиъ бино айлаб, атроф-жовонибиға қалъаи баланд барпо айлаб, бир нечта дарвоза қўйдурубдурлар”.

Демак, ана шу тарихий битикдан келиб чиқадиган бўлсак, Қўқон хонлиги 1703—1705 йиллардаёқ тузила бошлаган, орадан йигирма-ўттиз йил ўтиб пойтахт ва хонлик тўлиқ шаклланган. Қўқонда хонлик мансабига Амир Темур авлодларидан салкам йигирма киши ноил бўлган, Шоҳруххоннинг неваравлодларидан тахтда навбатма-навбат билан Абдурахмон, Бобобек, Эрдонахон, Сулаймонхон, Норбўтахон, Олимхон, Умархон, Муҳаммад Алихон, Шералихон, Саримсоқхон, Маллахон, Саййидхон, Шоҳмуродхон ва ниҳоят Шералихоннинг ўғли Худоёрхонлар ўтиришган. Улар орасидан Норбўтахон ўттиз олти йил давлатдорлик қилган, шу даврда хонлик жуда ҳам ривож топган. Қўқон хонларининг ичида Амир Умархон ёрқин юлдуз тимсоли бўлиб қолган. Ўша даврда давлат ишлари юксак тараққий этган, шоҳ ва шоир бўлганлиги учун ҳам Умархон адабиёт, санъат, маданият ишларига катта аҳамият берган. Умархон жуда

гўзал шеърлар ёзган, девон тузган. Унинг ўғли Муҳаммад Алихон эса йигирма йил давомида отасининг ишларини давом эттирган, онаси — хуршиди даврон Моҳларойим — Нодирабегимнинг тенгсиз салоҳияти билан хонлик шону шавкатга бурканган. Аммо Қўқон хонлигининг гуркираб ривожланиши Бухоронинг очкўз амири Насруллохонга ёқмаган. У гуллаб-яшнаётган Қўқонга юриш қилиб, эл-юртни, хонликни қатағон қилган. Хонни, онасини, укасини ва ўн тўрт яшар ўғли Муҳаммад Аминхонни қатл этган. Минг афсуски, Бухоро амирлигининг ҳукмронлиги Қўқонда бор-йўғи икки ярим ой давом этган. Темурий шаҳзода Шералихон Қўқон тахтини эгаллаб, Бухоро амирининг қилган барча ҳужумларини даф этган. Тахт яна темурийлар қўлига ўтган. Демак, кўриниб турибдики, Нодирабегим ҳам соҳибқирон бобомизнинг шажараси экан... Яъни Олимхоннинг жияни, аммасининг қизи бўлган.

Шералихоннинг ўн икки яшар ўғли Худоёрхон — ҳижрий 1261 йилда, мелодий 1845 йилда хонлик мартабасига эришди. Тақдир ўйинини қарангки, худди бобокалони Бобур мирзо ёшида. Худоёрхон Қўқон салтанатини ўртадаги айрим узилишлар билан 1875 йилгача мустақил бошқаради. Қўқон хонлиги ва ундан кейин Қўқон мухториятининг 1924 йилларгача Русия давлатига тобе ҳолда яшаганлигини ҳисобга олсак — темурий — бобурийлар шажараси — Олтин Бешик ўғлоннинг авлоди — Шоҳруххон насли Қўқон хонлигини 220 йилдан ортиқроқ бошқарганлигининг гувоҳи бўламиз. Агар биз Қўқон хони Саййид Муҳаммад Алихоннинг ҳижрий 1251 йилда, мелодий — 1835 йилда бобокалони Амир Темурнинг

“Таржимаи ҳол” асарини форсийдан мутаржим Набижон Хотиф Хўжандийга айтиб, туркийга таржима қилдирганлиги эътиборга олсак, Қўқон хонлари аввалдан охиригача ўзларининг соҳибқирон авлодлари эканликларини билишган. Ислombек Худоёрхон ҳам худди шу туфайли ўз насл-насабини фаранг профессори Л.Кэрндан яширмаган, аксинча, бундан ҳамиша гурур ва ифтихор туйган. Ҳатто, фаранг олимининг Самарқандга бораётганлигини эшитиб, ундан “симтўр ичида яшаётган юртдошларига салом айтган”, ўз қариндошуруғларини суриштиришни илтимос қилган. Балки Ислombек Худоёрхонлар оиласидагилар орасида ҳали ҳаёт — яшаётганлари бордир? Ундан ташқари, “Тарихи Туркистон” битигининг гувоҳлик беришича, Қўқоннинг биринчи хони Шоҳруххоннинг ҳам шажараси жуда катта бўлган. Асримиз бошларида ҳам Қўқон хонлари авлодларининг аксарият кўпчилиги Туркистон кентларида яшаган. Шу нарсани ҳам унутмаслик керакки, “Тарихи Туркистон” бадий асар эмас, тарихий битик, иккиламчи, асарда ёзилган сўз бошида таъкидланишича, — “Афсонавий тус олиб кетган олтин бешик воқеаси ва Қўқоннинг биринчи хони Шоҳруххоннинг Олтин Бешик авлодига мансуб эканлиги тўғрисидаги тарихга олимлар ҳам жиддий эътибор қаратишган. Тарихчи олимлардан В.П.Наливкин “Қўқон хонлигининг қисқача тарихи”, Т.К.Бейсембиев “Тарихи Шоҳрух — тарихий манба сифатида”, Р.Н.Набиев “Қўқон хонлиги тарихидан” китобларида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилганлар”.

Бироқ бу хусусдаги энг қимматли маълумот-

лар ўтмиш тарихчиларимиз Ҳакимхон Тўранинг “Мунтахаб-ут таворих”, Мирзо Олим Мушриб Исфаравийнинг “Ансобус салотийн таворихи хавоҳин” ва Ибратнинг “Туркистон тарихи” китобларида ҳам етарлича берилгандир.

Бу асарларда ҳам масалага юқорида қайд этилган аспектда ёндашилган.

Ушбу битикни битишдан мақсад ҳам битта — тарихий ҳақиқат қарор топса!

Битикнинг қўлёмаси билан танишиб чиққан таниқли тарихчи олим, халқаро Маҳмуд Қошғарий мукофоти соҳиби Қозоқбой Маҳмудов халқимиз тарихидаги яна бир хиралик ёришганлигидан мамнун бўлиб, Қўқон хонлари ўз фармонларини “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳимдан”дан сўнг “Бобур сўзимиз” дея бошлар эдилар. Қўқон хонлиги босиб олинганда хон девонидаги барча ҳужжатлар Петербургга олиб кетилган. Худо ол қулим деб битта-яримтаси қолган бўлса, биз шарқшунос олимимиз Қавомиддин Муниров билан биргаликда ҳурматли ватандошларимизга тақдим этамиз” деганлар ва бу фикрларни мақолага ёзган тақризларида қайд этган эдилар.

Жонли тарихимизнинг бу оғир ва оғриқли саҳифаларини аламу армон ила варақлар экансиз, Нодираи даврондек буюк шоира ҳамда Жунайдуллоҳ Ҳозиқ каби оташнафас шоирни қатлга етказган амир Насруллоҳнинг берган амри фармону қиличи зарбидан сачраган қонлардан кечмишнинг нурли манзаралари хира тортгандек бўлади.

Шоир ва шоирасини зиндонбанду қатл этган золимлар ҳақида ўйлаб қоласан киши...

Зотан, Масти Қаландар айтувида айтилганидек:



Жавоҳирлар сандиғин  
Тўлдирган шоиралар.  
Улус дарди ҳасратин,  
Силдирган шоиралар.

Нурташна нигоҳларни  
Толдирган шоиралар.  
Элат орзу-умидин,  
Елдирган шоиралар.

Ишқ-муҳаббат тотини,  
Билдирган шоиралар.  
Сўз ила кўкдан ойни,  
Олдирган шоиралар.

Туйғуси зеҳнин ортда  
Қолдирган шоиралар.  
Узлатибу бўзлатиб,  
Кулдирган шоиралар.

Гоҳо сомондан сарой,  
Солдирган шоиралар.  
Бўлмас элни битикда,  
Бўлдирган шоиралар.

Ботилларнинг бағрини  
Тилдирган шоиралар.  
Сатрбозлар сочини  
Юлдирган шоиралар.

Нокас бўйнига нархин  
Илдирган шоиралар.  
Қотил эр гул умрини,  
Сўлдирган шоиралар.

Ул наббош Насруллоҳлар  
Улдирган шоиралар.

**16. ХАЛИФА АН-НОСИРУ ЧИНГИЗХОН  
ВА ФИДЕЛЬ КАСТРО  
ЁХУД БИР САДДАМ ҲУСАЙННИНГ МИНГТА  
БЎЛГАНИ ҲАМДА КАББАДАГИ ЎФИРЛИК**

— Бош раҳбар Абдуфалончиев сизга яхшилик қилган эди. Сиз эса у кишини танқид қилибсиз?

— Абдуадольф акангиз ҳам жуда кўп кишиларни юксак мартабаларга кўтариб, яхшилик қилган. У кишини ҳам танқид қилмаслик керакми?

**Суҳбатдан**

*Президент Саддам Ҳусайннинг Бағдод марказидаги ҳайкалини мен ағдарган эдим. Энди эса битта Саддам мингта бўлди.*

**Тракторчи Алининг сўзи**

Ишхонага келиб эрталабки зарурий юмушларимни битирдим-да, республика парламентининг ошкоралик қўмитаси раиси Эркин ака Воҳидовга ҳукумат телефонида қўнғироқ қилдим.

Бир пайтлар бизда шундай қўмита ҳам бўлган. Бу қўмитани тузиш ташаббуси билан Эркин ака чиққан бўлиб, ўзлари раис этиб сайланган эдилар.

Трубкани раиснинг ёрдамчиси кўтарди.

— Эркин Чўянбоевич бир оз шамоллаганлар шекилли, бир неча кундан бери ишга чиқмай уйда даволанмоқдалар, — жавоб қилди мулозим.

Машинага ўтириб, Эркин аканинг уйларига йўл олдим. Шеъриятимизнинг байроқдори

кўрпа-тўшак қилиб ётар, хонимлари, гўзал қалбли ва гўзал юзли Гулчеҳра опа атрофларида парвона эдилар.

— Бўлди, Эркин ака! Ўрнингиздан туринг! Шамоллашнинг ҳам обрўсини қилибсиз! Саудия Арабистонига умрага жўнаймиз. “Ўзбекистон ҳаво йўллари”нинг Саудия бўйича вакили дўстимиз Муҳаммадамин Бухорий иккимизга бориш-келиш билетларини юборибди. Сизни бир айлантириб келмасам бўлмайди! — дедим дабдурустан.

— Йўғ-е, шу аҳволда-я? Қандай бўлар экан? — кутилмаган ташриф ва таклифдан шошиб қолган эдилар Эркин ака. — Тепадан жавоб сўраш керак.

— Иккимизга жавоб сўрадим. Сизу менсиз ҳам ватану миллат сиёсати давом этаверади. Бу менинг умрага иккинчи боришим. Бирлашган Араб Амирликлари, Дубай дегани очиқ давлат — бозор бўлгани каби Саудия Арабистони дегани — сауна мамлакатидир. Неча кун юрсак, шунча кун саунада юргандек бўласиз ва қайтиб тумову шамоллаш нима эканлиги эсингиздан чиқиб кетади. Мен илгари бориб, шундай фикрга келганман. Машинанинг капоти устига тухум қўйиб еб, нонушта қилганмиз, — чин юракдан Эркин аканинг боришларини истар эдим. — Эртага учамиз. Ҳафтада битта рейс бор.

— Нуралижон тўғри айтадилар. Боринг, зиёрат қилиб, ёзилиб келасиз, — мени қувватладилар Гулчеҳра опа.

Фин ҳаммоми билан рус ҳаммомининг уйғун шаклидаги Жидда қўналғасига инишмиз билан Эркин ака ҳаммомдан чиққандек терлаган, тумовни унутгандек эдилар. Албатта фаройиб жазира ҳавосининг ёнида бизни сидқу

самимият-ла кутиб олган ватандошларимизнинг меҳри муҳаббатлари ҳам муҳим эди бунда.

Шу тариқа бизнинг йигирма кунга чўзилган умра зиёратимиз ва Саудия Арабистони сафаримиз бошланган эди.

Дўстимиз, оталари асли марғилонлик Муҳаммадамин Бухорий биз учун шаҳзодалар кияжак араб миллий либосларини ҳозирлаб қўйган эканлар. Қип-қизил араб бадавий қиёфасида Макка, сўнгра Мадина йўлига тушдик.

Оёғимиздаги қирол ва шаҳзодалар киядиган, елим ҳамда мих ишлатилмай антиқа теридан тикилган қимматбаҳо шиппак ҳамманинг эътиборини тортарди. Барча қатори оёқ кийимимизни махсус жойга ечиб, Каъба зиёратига кирдик. Умра амалларини бажариб чиққач, ечган жойимизга келсак, шиппакларимиз йўқ. Не қиларимизни билмай йўлбошловчимиз, Муҳаммадамин ака қўшиб қўйган кишига қарадик.

— Сизларга айтишни унутибман. Бу ерда доимо яхши оёқ кийимларни кийиб ўзлариникини ташлаб кетишади, — деди йўлдошимиз хижолат чекиб.

— Демак, Оллоҳнинг уйига ҳажу умрага келиб, худодан гуноҳларини сўраб, сўнгра яна бемалол ўғирлик қилишаверар экан-да. Шундайми? — сўрадим мезбондан.

— Шундай, — каловланди у. — Бирор киши ташқарида кимнидир ўлдириб Каъбага қочиб кирса-да, ушлашмайди. Бу ерда ҳожатхона йўқ. Барибир яна кўчага қайтиб чиқади. Шунда тутишади, — ўзича бизга тартиб-интизомни англатарди йўлбошловчи.

— Энди нима қиламиз? — ҳайрон бўлиб сўрадилар Эркин ака.

— Ана у, тўда бўлиб ётган оёқ кийимларидан бирортасини кийиб кетаверасизлар.

Эски резина шиппакларни оёғимизга илдириб кўчага чиқдик ва дуч келган дўкондан туфли харид қилдик.

Она ватанига юксак меҳр-муҳаббат, чексиз завқ-шавқ билан хизмат қилаётган Муҳаммадамин Бухорийнинг қувончи узоққа чўзилмади. У “Ўзбекистон ҳаво йўллари”га офис учун ўз ишхонасини бериб қўйган эди.

Орадан кўп ўтмай Ўзбекистонда иш бошлаган яна бир юртдошимиз, Америка фуқароси Абдурауф Мақсудий унинг вазифасини тартиб олиб, ўзини эса ватанига киритмай қўйди. Ноилож қолган Бухорий, Қирғизистон ҳаво йўлларига хизмат этмоққа мажбур бўлди.

— Бу ерда ҳаёт зерикарли экан-а, Нуралибек? — дедилар Эркин ака сафаримиз ярмига етганда.

— Шундайроқ, Эркин ака. Бу ерда ибодат қиласиз, емак ейсиз ва денгизга боқасиз. Дам олиб истироҳат этмак учун бошқа шарт-шароит йўқ. Спорт, санъат, адабиёт, кино, театр, замонавий туризм каби яшам эҳтиёжларини ўз мамлакатларидан ташқарида амалга оширадилар. Бу мамлакат уларга нефть ва эътиқод туризмидан бизнес қилиб, Европа ва жаҳоннинг энг гўзал ерларида виллаларга эга бўлиб яшаши учун хизмат қилади. Ўн бир миллион аҳолига ўн уч миллион одам хизматкор. Ҳаёт тарзи эса ўрта асрдаги каби. Муҳаммад пайғамбар буларга “Аёлларни сизларга омонат этдим” дея уларни азиз тутмоқликни васият этган. Бироқ на худонинг, на пайғамбарнинг сўзига амал қилмайдиган бу саҳройи эркаклар уларга ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқни бермайдилар. Ҳатто аёлларнинг араваю машина ҳайдашлари ҳам ясоқ. Ҳижобу чимматда юришга мажбурлар, — ўзимча ҳангома бериб кетардим кўча бўйлаб сайр этарканмиз.

Шу пайтда пешин намозига азон айтилди

ва биз муаззининг сасига қулоқ тутганча тўхтадик. Азон тугагач қарасак сўқоқда иккимиз қолибмиз. Шу пайт ёнимизга келган полис бизга намоз ўқимасак, бирор дўконга кириб туришимизни айтди. Беихтиёр дуч келган дўконга кирдик.

— Булар шунақа. Исроил бомба отганда ҳам жангни тўхтатиб, намоз ўқийди. Шунинг учун ҳам уч миллионли яҳудий уч юз миллионли арабнинг оғзига ип ўлчаб, итдан беҳурмат қилиб юрибди! — деди биз каби полис дўконга йўллаган туркиялик киши. Танишдик. Трабзонлик ўқитувчи Мажид Бектош исмли бир киши экан.

Бу мамлакат икки муқаддас ислом зиёратгоҳи жойлашган мамлакат, ахлоқу одоб, илму маърифат, инсон ҳақу ҳуқуқи борасида қолган мусулмон мамлакатларига ўрناк бўлиши керак. Ахир, ислом дегани ибтидоий ва қуллик жамияти тартибу интизоми асосида яшаш дегани эмас-ку! Узлари ҳатто, бугдой экиб, тугмани ҳам ишлаб чиқармайдилар. Бутун вазиру ҳокимликлар, асосий мансаблар қирол авлодлари қўлида. Минглаб шаҳзодаю маликалар ҳисобига нефтнинг пулидан маълум фоиз сувдек оқиб тушаверади. Ҳеч ким жон чекиб меҳнат қилмайди. Зоҳиран барча тақводор. Биз ҳажу умрага келиб, пул ташлаб кетамиз. Улар эса бу маблағларга маишат қилиб, хотин олади. Киши қанчалик саводсиз ва оми бўлса, шу қадар муккасидан кетган мутаассиб ва мутакаббир динчи бўлар экан. Бежизга отабоболаримиз араб бор жой харобдир демаган, — ҳаяжонли оҳангда қўнишарди муаллим. — Барча мусулмонлар зиёрат учун муқаддас зиёратгоҳларга интиладилар. Мен учун ҳам ҳаж ва умра каби муқаддас бўлган бир зиёрат бор. Билмадим, бу ниятимга етаманми, йўқми?

— деди бизга юксак эътиқод билан боқаётган, ўзбекистонлик эканлигимизни билгандан сўнг янада ҳаяжонланган суҳбатдошимиз.

— Қандай ниятингиз? — сўради Эркин ака уни диққат билан тинглар экан.

— Ота-боболарим келган Турон ва Туркистонни ўлгунга қадар бир кўриш ва кезиш орзуси, устозларим, — деди бизни ёзарлигимизни англагач.

Эркин ака дўстимизга қандай ёрдам эта оламиз дегандай менга қарадилар.

— Қисмату қадар йўл берса нафақат кезмоқ, ота юртга бориб ишламоқ ҳам сизга насиб этса ажаб эмас. Биз дўстим, Туркия жумҳуриятининг Тошкентдаги элчиси Вулқон Чотур ва халқ таълими маслаҳатчиси Умар Гуллардан рижо этамиз. Тошкентдаги турк мактабларидан бирига ўқитувчи бўлиб боришингиз мумкин, — дедим унинг ватан туйғусидан таъсирланиб.

— Сиз ўз миллий эъитим боқонлигингизга тилакчангизни бераверинг.

— Менга дунёларни бахш этган бўлардингиз, буюк қардошларим! — деди Мажид Бектош кўзи жиққа ёшга тўлиб.

Мажид Бектош янги ўқув йилидан бошлаб, Туркия буюк элчилигининг илк ўқулида муаллим бўлиб ишлай бошлади ва қисмату қадарни қарангким, ўғлимиз Нурзодга алифбени ўргатган илк мураббийи ҳам Оллоҳ раҳматига олган шу Мажид Бектош қардошимиз бўлдилар.

Биз — ўзимизни ислом динига мансуб деб билган кишиларда, афсуски, баҳсу мунозара, фикрни ифода этмоқ ва уни диққат билан тингламоқ маданияти етишмайди. Бу дунёнинг инсон закоси етмас адли адолати, мантиқу фалсафаси, умуминсоний қадриятлари, ўқиганмиз тўрт ёки саккизта диний китобга

сигмаслигини англаб яшаймиз. Диний эътиқодимиз ҳақида тушуниб-тушунмай савол берган, ақли етмаган нарсасини сўраган кишилардан кофиру осий яшашга ўрганиб қолганмиз. Оллоҳнинг ишига аралашма деймиз, ўзимиз моҳиятига англаб етмаган нарса ҳақида сўз очган кишига ғайирлик кўзи билан боқамиз. Сабаби, саводсизмиз, ёдлаганимиз бир қанча сура ва ҳадисдан бошқа нарсани билмаймиз. Энг даҳшатлиси, билишни истамаймиз. Ваҳоланки, ҳаққа етмоқнинг тек йўли илму билимдан кечишининг фарқига етмаган киши ҳақу ҳақиқатдан, адли адолатдан айро тушган кишидур. “Илмсизлар, маърифатсизлар имонсизлардир” деган ҳадисни ҳам билмаймиз.

Ўн йиллар чамаси бурун оғир қиш шароити туфайли учоқ қатновлари бекор қилингани боис Олмаотадан Чимкентга поездда қайтишга тўғри келди. Купеда уч киши эдик. Шерикларим икки киши бўлиб, биринчиси яҳудий миллатига мансуб одам, иккинчиси қориндор хатти-ҳаракатидан амалдор қозоққа ўхшарди.

Поезд жилиши билан номдор артистнинг эски қозоқ хонлари образидаги портрети шишага ёпиштирилган ва оти қўйилган коньякни очиб майдалай бошлаган қозоқ қардошимиз ҳангомани олди.

Диний қўмитанинг масъул ходими экан. Ҳамроҳини ҳам таништирди. Эронда юз мингдан ортиқ яҳудий миллатига мансуб ватандош бўлиб, уларнинг бош раҳбарига вазир мақоми берилган, миллатдошлари билан давлат ва ҳукумат орасидаги воситачи экан.

Қозоқ қардошимиз коньякни сипқорганича қўқиси купени тўлдирган қазини чайнар, қай мавзудан сўз очсангиз гапни оғзингиздан илиб кетарди.



Биз яҳудий арбоб билан динлар ва диний фалсафалар ҳақида суҳбатлашганимизда мавзуга тиши ўтмаганлиги учун бир оз сукут сақлагандай бўлди.

Устоз раввин негадир кўпроқ жаннат ва жаҳаннам ҳақида гапирар ва ўзича бизни боқий дунёнинг азоб-уқубатларидан огоҳлантириб, жаннатнинг ҳуру ғилмонларини хотирлатарди.

Суҳбатимиз ярим ҳазил, ярим чин, очиқ кўнгиллик ила самимий тарзда кечарди. Энг муҳими, бу диний арбоб билан ҳар қандай мавзуда, Муҳаммад алайҳиссаломдан бошқа барча пайғамбарларнинг яҳудий эканлигидан тортиб, бош яҳудий Хадича онамизу пайғамбаримизнинг қайин биродарлари Арқо ва Варқоғача гаплашиш мумкин эди. Ҳар ким зако уфқи ва идрок даражасидан келиб чиқиб фикрини ўртага ташларди.

— Бир юзу йигирма тўрт минг пайғамбардан тўрттаси араб бўлган, холос. Улардан ҳам биттасининг онаси яҳудий, — мирламасди суҳбатдошим.

Энг муҳими, суҳбатдошим каттакон шляпа кийиб соқоли киндигига қадар тушган, биз телевизорларда кўрадиган қора камзулли яҳудий мутаассибларга ўхшамасди. Ҳазилни ҳам нозик англар ҳамда муносиб жавоб қайтара биларди.

— Жаннат ҳақида кўп гапирдингиз. Кўри-ниб турибдики, у ердагилар билан алоқангиз яхшига ўхшайди. Ҳуру ғилмонлар ҳам тўрт кўз ила сизни беклаётган бўлсалар керак. Бу фоний дунёдаги бизга ўхшаган боши юмалоқ бути айрилар билан мулоқотда бўлиб, асабийлашиб, ҳориб-чарчашингизга не лузум бор? Ўша ёққа кетмайсизми? — деди юзлари қирмизи бўлиб ўтирган қозоқ суҳбатдошимиз.

— Йўқ, — деди диний арбоб секин ва совуққон оҳангда. — Мен сиз каби анча-бунча кишиларни инсофга эндириб, кўзини очиб, сўнгра кетишим керак, — жавоб қилди шеригига кулиб боқаркан яҳудий диндор.

— Арбоб жаноблари Жорж Соросга ўхшаб, ўзларига бу дунёда жаннат яратиб олганлар. Москваю Санкт-Петербург дейсизми, Олмаотаю Бишкек дейсизми, барча офисларида ҳуру филмонлар хизмат қилади. Бу маликалар турли миллатлардан бўлиб, ҳазратларига ўз она тилларини ўргатадилар. Тил ўрганишнинг энг яхши йўли тилни тилга теккизишлигини ҳазратдан ўргандик! — деди оғзини катта очганча кулиб учинчи суҳбатдошимиз.

— Демак, руҳоний сифатида миссионерлик фаолияти билан машғул бўлсалар керак-да? — гап ташлайман.

— Буларнинг иши ҳам Бишкекда бўлган воқеага ўхшайди, оғайни, — қўлини пахса қилиб гапирмоқда давом этади суҳбатдошим.

— Қайси воқеа? — ҳайрон бўлиб сўрадим.

Туркиянинг Бишкекдаги буюк элчиси газетадан бир овулдаги ўн хонадоннинг насроний динига ўтганини ўқиб ўша жойга бориб, одамлар билан учрашибди.

— Одам бошига икки юз доллардан беришди. Қарашиб туришибди. Ўтдик-да, — дейишибди аслида йўқ динидан қайтган мусулмон қиёфали кишилар.

— Ундай қилманглар. Ўз динларингга қайтинглар! — деди элчи ҳайрон бўлиб.

— Унда сиз кўпроқ беринг, қайтамиз! — дейишибди овулликлар.

— Бу воқеани мен ҳам эшитган эдим, — дедим қозоқ қардошимга.

Илгари, қонун-қоидалар, ясо ва йўсунлар, тўраю тузуклар бўлмаган, кодекс ва конституциялар ишлаб чиқилмаган ибтидоий, ўрта аср ва яқин замонларда ҳам бу ҳуқуқий ҳужжатлар ўрнини диний китоб ва тартиб-интизомлар бажарган ҳамда бунга эҳтиёж бўлган.

Рим папаси ва халифалар давлат усти давлат, ҳукумат усти ҳукумат қурганлар. Ва дин арбоблари ҳеч қачон ўз мавқеларини топшириб, одобу ахлоқ мезони, тарбия манбаи бўлиб қолмоқдан воз кечмаганлар. Туғилганинда қулоғинга азон айтиб, ўлганинда жанозангни ўқийманми, демак, тамом, оёғингнинг орасидан шамол ўтиб турар экан, айтганимни қиласан деган иддаодан воз кечмаганлар.

Шу туфайли ҳам узоқ ва яқин кечмишдаги буюк қирғин-баротларнинг бош сабабчилари ҳам халифа ва папалар бўлишган. Бутун салб юришларию Европадаги уч юз йиллик Андалусия ислом давлатининг йўқ қилинишига Рим папаси фотиҳа берган бўлса, Чингизхоннинг ғарбга юришига Халифа ан-Носир даъват этган. Ғайри муслимларни ўз диндошлари уммати устига босиб келишга чорлаган.

Боиси, халифларга ҳам аввало тахт, сўнгра уммат керак бўлган. Худди атеист Фидель Кастрога эллик йил тахт керак бўлганидек.

Ашаддий, радикал динчилар не чоғли хавfli бўлса, ашаддий атеистлар ҳам шу қадар хатарлидир.

Ўрта, олтин йўлни топмоқ учун эса олтин бошлар керак. Мардлар оз бўлса-да туғилиши мумкин. Бироқ олтин бошларнинг туғилиши қийиндир.

Аксар динлар, билхосса, насроний дини,

инсоният тараққиёт йўлига қадам қўйгач, хатоларини англади. Коперник кабиларни тириклай ўтда ёқиш фақат ўзларига нафрат ва шарафсизлик келтиришини англади. Сиёсатга актив аралашидан ўзларини тортдилар. Натижада Европа ақл бовар қилмас даражада ривожланиб кетди ва бу тараққиёт ҳамон давом этмоқда.

Бироқ Мансур Ҳалложни ўтда ёққанларнинг ворислари эса ҳали-бери ўзларига келадиганга ўхшамайдилар. Сиёсатдан ажратиш нари турсин, диннинг номини мамлакату давлатларига тиркайдиган бўлдилар. Мақсад — дин байроғи остида ҳокимиятни эгаллаш ва иқтидорга келиш. Диннинг ҳам, сиёсатнинг ҳам туб моҳиятини англаб етмайдиган авом халқни маълум муддат алдаб, охурига арпа солиб туриш. Шиор — тентакни қочган томонига қараб қув! Сўнгра олға, фақат менинг ортимдан!

Кўп йиллик тарихий тажрибалар, сиёсий ахлоқу маданияти шуни кўрсатадики, бу кетишда ислом ва араб мамлакатларида ҳеч қачон ҳақиқий демократия бўлмайди. Бунинг типик мисоли Миср Араб республикасидир.

Ўттиз йил ҳокимият тепасида Муҳаммад Ҳусни Муборак каби бир дунёвий раҳбар туради. Сўнгра ўзининг ўрнига “Мусулмон биродар”ларнинг номзоди Муҳаммад Мурсий сифатли бир диндор президент сайланади. Уни эса Ҳусни Муборак дунёқарашидаги Абдул Фаттоҳ ал-Сисидек генерал ағдаради.

Бу сиёсий ғавғоларнинг тек сабаби, диндор сиёсатчилардаги дунёвий тафаккур ва қарашнинг эксиклиги, ёлғон ақида ва ривоятларга ишониб қолиб, соғлому тўғри фикрлай олмаслик хасталигидир.

Қавму қабилалар, элу элатлар не қадар са-

водсиз, чаласавод ва жоҳил бўлсалар, шу қадар мутаассиблашишларини бу сиёсатчилар яхши билишади. Бироқ кўпроқ овоз олиб, ҳокимият тепасига келишлари учун эса уларга айнан шу тўда ва оломон керак. Фикрловчи, билхосса, мустақил фикрловчи одамлар уларга овоз бермайдилар.

Осиёда, хусусан, Ўрта Осиёда анча-мунча давлатлар демократияда маълум бир муваффақиятга эришган Қирғизистону Мўғулистончалик ҳам бўла олмадилар. Боиси, бу мамлакатларнинг халқлари ашаддий диндор эмас, диний тазйиқ йўқ ҳисоб.

Диний ва атеистик давлатларда бир диктатор ҳокимият тепасига келдими, тамом. Ўлмаса қутулиб бўлмайди. Ўлганлар ҳам Ким Эр Сен ёки Фидель Кастро каби ўғли ёки укасини ўз ўрнига қолдиради.

Ироқнинг ўттиз йиллик собиқ лидери, Иосиф Виссарионович Сталиннинг ислом дунёсидаги содиқ издоши Саддам Ҳусайн ҳам шу йўлдан шахдам одимлар ила кетаётган эди. Вақти замони етиб у собиқ давлатпаноҳларига керак бўлмай қолди.

Бундай турумда ўттиз йиллик дўсту диндош Муҳаммад Ҳусни Муборак қардоши Саддам Ҳусайнни унутмади. АҚШ президенти Буш билан маслаҳатлашгач, унга қўнғироқ қилди.

— Мен президент Буш билан гаплашдим! Қаршилик кўрсатишдан ҳеч бир фойда йўқ! Эратагаёқ ўз самолётимни жўнатаман! Қоҳирага учиб келинг! Ва таъсис этажагим саройда роҳат-фароғатда яшайсиз! Бу тожу тахт, мансабу мартаба барчамиздан қолади!

— Мол-мулк, маблағим нима бўлади? Билмадим! Бошим қотиб қолди! Халқ нима деб ўйлайди? — тили зўрға айланди Саддамнинг.

— Халқ бошида турган кунингиз сизни ўйлайди. Кетган кунингизоқ унутади. Керак бўлса тошбўрон қилади. Яхшилигингизни қавм-қариндошингиз билмайдию халқ билармиди? Ҳисобингизда етти миллиард доллар маблағ бор экан. Жаноб Президент билан буни ҳам қўнишдим. Ҳеч ким унга дахл қилмайди.

— Уларнинг қўлидан ҳеч бир иш келмайди. Халқим мени севади. Керак бўлса мен учун жонини қурбон қилади, — овозини баландлатди Саддам Ҳусайн.

— Янглишмоқдасиз, жаноб президент! Кейин афсус қиласиз. Поезд ўтиб кетгач, мен ҳам ёрдам эта олмайман! Хинони бошқа жойга қўйишга тўғри келади! Ўзингиз биласиз! — ҳафсаласи пир бўлган эди Ҳусни Муборакнинг.

...Олти ой ертўлама ертўла қочиб юрган дунё миқёсидаги “бомж” Саддам Ҳусайнни она шаҳри Тикрит яқинидаги бир ҳожатхона хандақи каби ертўлада ушладилар. Ёстиқ ўрнида фойдаланиб юрган халтасида етти юз эллик минг доллар бор эди...

Молбозордаги харидор олажак жониворнинг ёшини билиш учун тишини кўрганидек, табиблар унинг ҳам оғизларини текшириб соғлиқ назоратидан ўтказганлигини кўрганлар ҳайратдан ёқа ушладилар.

— Президент Саддам Ҳусайннинг Бағдоднинг марказий майдонидаги ҳайкалини тракторимга боғлаб мен ағдарган эдим. Хато қилган эканман. Битта Саддам мингта бўлди. Бундай бўлишини билганимда бу номаъқулчиликка қўл урмасдим, — деди устоз мустабиднинг ёдгорлигини ағдарган Али исмли киши.

Энди эса Ироқда бир юзу элликга яқин партия бор. Ҳар бир мазҳаб, оқим ва жамоанинг ўз Саддам Ҳусайну Фидель Кастроси

бор. Ҳар бири ҳокимият тепасига келишни истади ва ҳар бирининг парламентда вакили бор. Бу дегани Ироқда ҳали-ҳануз тинчлик ва осойишталик, миллий бирлик қарор топмайди дегани.

Сурия ҳам шахдам одимлар-ла шу йўлдан кетмоқда. Ливия ва Яман ҳам отдан қолма байталиш дея чопаётир. Бангладеш ва Покистон президентларни қатл этиш ҳамда порахўр бош вазирларни сургунга жўнатиши бобида Гиннес китобига кириб бўлган.

Туркияда ҳам турум шундай. Ўттиз олтига кўп сонли миллат бор. Партиялар ҳам шунча. Булар ҳеч қачон бир-бирлари билан англаша олмайдилар. Демак, орзу этилган буюк миллий бирликка эришилмайди. Халқ қутблашиб, бир-бири билан ёвлашаверади. Бу эса тракторчи Али айтганидек, битта Саддамни мингга қилаверади.

Қай бир элу улус бўлмасин, бошига инсон каби бир инсон, султон каби бир султоннинг келиши, шу миллат қисмату қадарининг кулганидир. Акс ҳолда халқнинг тирикчилиги, узоқ йиллар мобайнида қилган тоат-ибодати бир жиннига қирқ жинни қабилида бўлиб чиқаверади.

Руҳан, табитан юксаклар атрофига юксакларни тортадилар. Пастлар эса ўзидан пастроқ бандасини тўплаб, юксакларни маҳв этмасалар-да чиғириқдан ташқарига туттадилар.

Ҳукмдорларнинг тарихий тажрибаси яна шуни кўрсатадики, шароит тақозоси, вазиятдан вазифа чиқиши муносабати билан ҳокимият тепасига келиб қолган аксар раҳбарлар иқтидорнинг шахслар узарида эмас, система узарида қурилишини унутиб қўядилар.

Кишилар эса ўзларига тааллуқсиз, ўз

манфаатларига дахл солмаган масалаларда адолатли бўлиб қоладилар. Ўтган-кетган, бугунги ёки эртанги раҳбарларга ҳам унинг халққа қилган ижобий ёки салбий ишларига қараб эмас, бевосита ўзларига қилган яхшилигу хайри саховатларига қараб баҳо берадилар.

*Мулки давлатинг буюргай,  
Агар қалбингда султонлик.  
Шаҳаншоҳлик терса дўнар,  
Асли касбингким ултонлик.*

*Қўл-ла кўзинг қапатирсан,  
Уфқлар ўлғай туманлик.  
Киши қиймати бир хуруш,  
Меҳрким сари сомонлик.*

*Улус улусғадир яғий,  
Ҳар ишда бўлса гумонлик.  
Такаббур тўрни танг айлаб,  
Мунофиқ ўтса имомлик.*

*Ҳукм одил ўлмас мудом,  
Адли адолат ҳамонлик.  
Келмоқ борки, кетмоқ аниқ,  
Ҳаёт эмаски чаманлик.*

*Парча экмакка сабр қил,  
Жонингга берсин омонлик.  
Ноҳақ туҳмат, бевақт ўтмоқ,  
Айри тушсин-ей, ёмонлик.*

*Эрк, адолат чечак очгай,  
Элга йўлчидир имонлик.  
Очун оёқдадур абад,  
Яшар инсону инсонлик.*



**17. СУЛТОН УЛУҒБЕК ВА ВАЗИРИ АЪЗАМ  
АНАТОЛИЙ МЕДВЕДЕВ ҲАМДА ПРЕЗИДЕНТ  
ПУТИН КИМГА ҚАРИНДОШ  
ЁХУД СУЛТОН МУҲАММАД  
ЎЗБАКХОННИНГ ТАРИХИЙ ФАРМОНИ**

- Чингизхон ва Черчиллнинг таълимоти.
- Макиавелли ва Ричард Никсон.
- Доҳий Ленин ва дипломат Умар Гул.
- Император Николай Романов ва генерал Наймушин.
- Гоголнинг боши қаерда?
- Альберт Эйнштейн ва Аҳмад Ҳижрий.
- Қирол Абдулла ва полковник-шарҳловчи Жўшқин Бошбуғ.
- Премьер министр Медведев ва теледиктор Солиҳ Найман.
- Муссолини, Берия ва Жўрабеков.
- Президентлар Абдулла Гул ва Тоййиб Эрдўғон кимга ақрабо?
- Греция бош вазири Алексис Чипрас Жиззаҳда.
- Ботир Зокиров ва Рашид Таҳо
- Инъомжон Усмонхўжаев ва Тўлқин Алимов.
- Криштиано Рональдо нега шок бўлди?
- А.А Громико: Гитлерлар ва Гиммлерлар.
- Шайтоний табассум нима?

*Ўзининг ожизлигини ота-бобо-ларининг хизматлари билан ёнувчи киши нодондир.*

**Генрих ГЕЙНЕ**

Кечки соат саккизлар чамаси эди. Анҳорга айлангани чиққандим. Ўғлим Нурзод Туркия элчихонасининг халқ таълими бўйича мас-

лаҳатчиси, дўстим Умар Гулни ёнимга бошлаб келди. Туркия элчихонаси мактабининг учинчи синфида ўқиётган Нурзод барча дипломат дўстларимизни танир ва улар билан Туркия туркчасида сўзлашиши мароқли эди.

— Қардошим Нуралибек! Бир ишда кўмак этинг! Улардан ҳечам қочиб қутула олмаяпман! — деди Умарбей ташвишли оҳангда. — Уйгача, ишхонгача келиб, қўнғироқ қилиб мени роҳатсиз этмоқдалар. Русчани билмай, фикримни англата олмай овораман. Бу ҳақда кимсага оғиз очишга ҳам уяласан киши?

— Тузукроқ англатинг? Нима масала эди? Олди-берди муаммосими? — ҳушёр тортдим мен ҳам.

— Олди-берди бўлганда ҳам майли эди-я! Жуда галати тирикчилик. Москвадан келган икки синемачи (киночи демоқчи) ёқамдан бўғиб олган. Олаётган синемамизда Владимир Ленин ролини ўйнаб берасан дея ҳол-жонимга қўйишмаётир. Улар ҳаётларида доҳийларига ўхшаган мен каби кишини учратишмаган экан. Бир-бирларига қараб нуқул “Находка! Находка!” дейишади. Нима дегани бу? — ниҳоят дардини айтди дўстим.

— Топилма дегани бу! — рус тилини ҳам билишини намойиш этмоқчи бўлади Нурзод Нурали Қобул.

Беихтёр кулиб юбордим.

— Ўйнайвермайсизми? Қанча беришмоқчи экан? — сўрадим кулганча.

— Юз мингми, икки юзмингми доллар дейишмоқда. Бунинг қизиғи йўқ: мени булардан қутқаринг, қардошим! Худо хайрингизни берсин!

— Ўйнайверинг! Ҳайкалдек у ёқ-бу ёққа юрасиз! Нутқ отасиз. Сўзларни рус актёрлари

гапиришади! Сиздан нима кетди? — аксига дўстимни иқно этмоққа киришдим. — Ленинда ҳам турк-мўғул қони бор. Қариндошингиз.

— Бошқа роль бўлса ўйнар эдим. Бироқ бу ролни ўйнай олмайман-да. Туркияда эканлигимда ҳам чет эл киностудиялардан шундай таклифлар бўлган. Унда таълим вазирлигида ишлар эдим. Ўйлаб кўришга муҳлат сўрадим. Таниш-билишлар орқали бу гап қишлоғимизга етиб борди. Биласиз, кўйимизнинг оти Ўзбек. У ерда кўпчилик менга ўхшайди. Амаки-тамаки бўлгандан кейин ўхшайди-да. Таътил куни қишлоққа борсам тўполон. Қиёмат-қойим. Ҳеч ким мен билан гаплашмайди. Саломлашмайди ҳам. Онам тиззасини қучоқлаганча йиғлаб ўтирибди, бобом (отам демоқчи) масжидга чиқолмай қолибдилар. Нима гаплигини сўраб-суриштирдим.

— Сен Ленинми, Сталинми деган даж-жолнинг ролини синемада ўйнаётган эмишсан. Жомеда, бутун қишлоқда дув-дув гап. Ҳамма ҳайрон. “Тирикчилиги учун шундан бошқа иш қуриб қолибдими? Айтинг ўғлингиз бизни иснодга қолдирмасин” дебди масжиднинг имоми отамга.

Бундай гап бўлмаганлиги ва бу ишга икки дунёда ҳам рози бўлмаслигимга уларни ишонтиришга бир ҳафта уриндим. Она сутим оғзимга келди. Энди эса ёмғирдан қочиб қорга тутилиб ўтирибман. Қўрқилгани бошга тушар дегани тўғри экан. Тошкентга илк учаётганимда ҳам шу фикр ақлимга келганди. Яна оёғимнинг остидан чиқиб турибди-я! — оҳидан оташ уфурарди дўстимнинг.

— Гап бу ёқда денг, — шаштимдан тушдим мен ҳам. — Масала жиддий экан. Ленин

имератор Романов 1770 йилларда босиб олган Усмонли ҳудудларини 1818 йил Брест сулҳидан сўнг сизларга қайтариб берган. Шунинг ҳурматига ўйнасангиз бўларди. Ота-бобоси қонини унутмаган-да, — ҳамон ҳазиллашардим.

— Сизнинг ҳам Ленинда Ўзбек, Чингизхоннинг қони бор деганингиздан чўчиб юрардим ўзи. Энди москвалик синемачилардан мени қутқаринг. Элчихонада ҳали бу гапни ҳеч кимса билмайди. Эшитишса гап-сўз яна урчиб кетади ва тўхтатиб бўлмайди, — кўзлари жавдирарди Умар Гулнинг.

Хуллас, эртаси куни Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчиси, танишим Сидорский орқали россиялик режиссёрларни топиб, вазиятни англатдик. Улар дўстимизнинг аҳволини тушунишди. Энди эса масаланинг моҳиятига келсак. Москва, Париж ёки Лондон каби катта шаҳарларда кун бўйи юрган киши ўн тўққиз-йигирма минг нафар қондошқариндошига дуч келар экан. Бу ўша одамнинг дуч келган ақраболари. Дуч келмаган қариндошу қондошлари ҳам ўн ёки юз мингларча бўлиши табиий, албатта.

Демак, ер юзидаги барча кишилар бир-бирларига қон-қариндош, хешу ақрабо. Уларнинг бир-биридан ажралиб кетиши бошида эса мавқе ва мансаб, тожу тахт талашган қабила бошлиқлари, ҳукмдору сиёсатчилар турганлар. Обид Асомовнинг Адольф Гитлернинг мўйловини тақиб Евгений Петросян билан саҳнага чиққанини кўргандурсиз. Ана ўхшашлик ва ҳақиқий актёрлик!

Собиқ Ўзбекистон ССР КГБсининг тўққизинчи бошқармаси бошлиғи, Шароф Рашидовнинг бош танқўриқчиси полковник Аҳмаджон Азизов билан биз доимо ҳеч ким

билмайдиган, оммага ошкор этилмайдиган факт ва воқеаларни муҳокама этардик. У киши менга Александр Солженициннинг собиқ рафиқаси Решетовскаянинг “Со спором времени” каби ноёб китобларни келтириб бердилар. Аҳмаджон ака ҳақида “Биз ўзлигимизча қоламиз” деган воқеавий қисса ҳам ёзганман.

У киши менга эллагинчи йиллар охирида Ўзбекистон КГБсининг раиси Георгий Фёдорович Наймушин деган генерал-лейтенант бўлганлигини, генералнинг ота-боболари найман бекларидан бўлиб, православ динини қабул қилиб, руслашиб кетганлигини ҳикоя қилиб берган эдилар. Аҳмаджон Азизовнинг айтишларига кўра, уч юз йил Россия империясини бошқарган Романовларда ҳам найман қони борақан.

Шу гапдан сўнг мен тарихчи сифатида бу масалани ўрганиб, ўзимча тадқиқ қилиб юрдим. Ва у кишининг ҳақлигига ишондим. Полковникнинг сўзига кўра Наймушин Николай иккинчига ўхшар экан. Туркия телевидениясининг диктори Солиҳ Найман император Николай Романов ва Россия бош вазири Анатолий Медведевнинг қуйиб қўйгандек ўзи. Бу ҳолатнинг тасодифий ва асоссиз эмаслиги кўру карга ҳам маълум, албатта. Бекорга кишилар бир-бирларига тарвузнинг икки палласи каби ўхшамайдилар.

Тарихдан маълумки, найманлар мўғулларга отадушман халқ бўлиб Чингизхон уларнинг юзда саксонини қириб юборишга амр берган. Чингизийлар қолган найманларга ҳам яғийлик руҳу кайфиятида бўлганликлари учун имконини топган найман қавмига мансуб жамоалар улардан безиб ва қочиб Россияда насронийликни қабул қилиб, руслашганлар.

Бир қисм найманлар эса усмонли турклари давлатидан бошпана топган. Буюк олим ва султон Улуғбекнинг волидалари Гавҳаршодбегим Фиёсиддин Тархон найман қизи ҳам ана шу тарихий улусдандир.

Яқинда Жазоир асилли француз қўшиқчиси Рашид Таҳо вафот этди. У Ботир Зокировнинг қуйиб қўйгандек ўзи.

Демак, бундан шундай хулоса чиқадики, миллати паспортида (бу атама бош-бут деган сўздан келиб чиққан) рус, олмон, ўзбеги тожик, уйғуру турк дея ёзилиши нисбийдур. Ким билади кишиларнинг қонида неча ўнлаб қавмларнинг қони бор?

Шу тариқа энг муҳим тил ўнгга чиқади. Киши қайси тилда фикрлаб, сўзлашса, у ўша миллатга мансубдир.

Мана сизга Шотландияда неча юз йиллардан бери энг юқори сифатли вискиларни ишлаб чақарувчи компания президенти Россия телевидениясига берган интервьюси.

— Биз ўргандик. Владимир Путин келиб чиқиши нуқтаи назаридан биздан экан. Сизлар бизни Шотланд дейсиз. Биз шкоч деймиз. Бу сўз скиф дегани. Бизнинг ота-боболаримиз бир неча минг йиллар бурун сизлар тарафдаги скиф даштларидан бу ўлкаларга келиб қолганлар. Президент Путиннинг боболари ана шу скифлардандир.

Биз Михаил Юрьевич Лермонтовда шотланд қони борлигини билар эдик. Ўзи шундай бўлади. Буюк шахслар ва ҳақиқий гўзаллар барча элу элатларга мансубдирлар. Ҳамма халқлар ўз орасидан Исою Муҳаммад, Чингизхону Темур, Наполеону Отатурк, Боливару Нельсон Мандела каби йўлбошчилар, Сервантесу Бальзак, Л.Н.Толстойу Жек

Лондон, Чехову Мопассан, Достоевскийу Айтматов каби ёзувчилар, Берунийу Улуғбек, Ньютону Менделеев каби олимлар етишиб чиқишини орзу этадилар.

Миллат тушунчасининг ўзи ҳам мавҳум ва нисбийдир. Мисол учун биз билган Туркияда ахсика турклари, бизда мџхети турклари номи билан аталган қардошларимизнинг тарихини таҳлил этиб кўрайлик.

Улар ҳозирги Грузиянинг Мџхети райони яшовчилари бўлиб, бундан етти-саккиз юз йил бурун христиан динидан исломга кечган, кейинчалик тили ҳам турклашиб кетган грузин асилли бир улусдир. Ген ва насл ўлароқ гуржи, турк эмасдир. Бироқ тил турк, фикрлаш туркча дини ислом, яъни турклашган гуржилардир. Амир Темур Гуржистонни фатҳ этганида ҳам улар ислом динида бўлганлар ва насронийлардан Темурга арз қилганлар.

Бироқ Грузия давлати ва халқи уларни ўз ватандошу миллатдошлари сифатида қабул қилмайди. Натижада бутун бир эл дунё бўйлаб пароканда бўлиб кетди.

Туркияда тўрт миллионга яқин турклашмиш ва исломлашмиш гуржи бор. Айни дамда Туркия республикасида учта етакчи сиёсий партия бўлиб, буларнинг биринчиси ва иқтидордагиси Ражаб Тойиб Эрдўғон йўлбошчилигида Адолат ва юксалиш партиясидир.

Бу партияга миллий руҳ ва ғоя нуқтаи назаридан яқин бўлган иккинчи партия миллиятчи ҳаракат партиясини Алпарслон Туркаш тузган бўлиб, айни дамдаги раҳбари туркман аслили Давлат Боғчалидир. Давлат Боғчалига Сафармурод Туркманбоши Туркманистон паспортини ҳам берган эди.

Мамлакатдаги иккинчи партия ҳисобланган

жумҳурият халқ партияси социал демократик ғояларни илгари суради ва бош секретари Камол Қиличдорўғлидир.

Туркия республикасининг Эрдўғондан илгариги президенти Абдулла Гулнинг онаси ислом динини қабул қилган арман қизи бўлган дея ёзишди.

Бу ўринда энг диққат тортар тарихий ҳолат — мўғулларнинг Туронзаминни босиб олишлари билан турклашиб, исломланишидир. Афғонистон ва Эронда форслашган минг уруғига мансуб мўғулларни эса ҳазора деб атайдилар.

Ёки бизнинг яқин тарихимиздаги тарихий шахсларни олиб кўринг. Таниқли таржимон ва муҳаррир Тўлқин ака Алимовни биз ҳазиллашиб, Иномжон Бузрукович дея чақирардик. Боиси, у киши Ўзбекистонинг Шароф Рашидовдан кейин сайланган раҳбари Усмонхўжаевнинг қуйиб қўйган нусхаси эди.

Бу бежиз ўхшашлик эмас, бу икки кишининг боболари ҳам ислом динининг ёйилиши йилларида юртимизга Бағдоддан келиб қолган араблардир, яъни оталари бирдир.

Ёки яқин кечмишнинг сиёсий арбобларидан Исмоил Жўрабековни кўрган бир итальян журналист орқасидан эргашиб юради. Бунинг сабабини сўрасак: “Бенито Муссолинига айнан ўхшайди-я! — деди у ҳаяжонланиб. — Кинода ўйнашга рози бўлармикан?”

Биз итальян газетачига у кишида актёрлик истеъдоди йўқлигини, бўйи ҳам пастроқлигини, агар бу ролга рози бўлсалар москвалик режиссёрлар бошларини қотириб, Лаврент Павлович Бериянинг ролини ўйнашни таклиф қилишлари мумкинлигини айтдик.

Итальян қўноқ яна бир арбоб Темур



Алимовнинг Эҳуд Ольмертга ўхшашлигини сўйлади.

Ҳаёт шундай. Кўча тўла минг киши, ким билан кимнинг иши деганларидек, одамлар бир-бирларига турли даражада ўхшайдилар. Бу биз билган ва таниган номдор кишиларнинг ўхшашликлари. Биз танимаган, бироқ бир-бирларига юзда-юз ўхшаган кишилар қанчадан-қанча...

“Бешиктош” футбол клубининг президенти Фикрат Ўрмоннинг даъватчиси ўлароқ португалиялик машҳур футболчи Криштиано Рональдо севгилиси билан денгиз ва Истанбул сайри учун Туркияга келди.

Меҳмонхонадан чиқиб автомашина томон юраркан, мезбонлар унга бир сюрпиз қилишди. Қаршисида аданалик копияси тиржайиб турарди. Рональдо бир муддат ақли шошиб, не қиларини билмай, ҳайкал каби қотиб қолди. Сўнгра ҳаяжонланганча беихтиёр уни бағрига босди.

Жиззахдаги Туркистон қасабасидаги Эски-турк қишлоғида Греция бош вазири Алексис Ципраснинг том нусхасини кўриб ҳайратга тушмадим. Сабаби, бу ҳолатнинг тарихини биламан. Билмаган киши, одам ҳам бир-бирига шу қадар ўхшайдими? Ё тавбангдан кетай худо деб юраверарди.

Тарихдан маълумки, Чингизхоннинг набираси Ҳалокухон 1230 йилларда эски ота ва бобо душманлари қора татарлар, яъни қора турклардан астойдил халос бўлмоқ учун уларни Сивосга, Эрон билан Усмонли турклари давлати чегарасига кўчиради. Қора турклардан Усмонли туркларга қарши қалқон сифатида фойдаланишга қарор қилади.

Бироқ дастлаб салжук турклари, сўнгра

Усмонли турклари билан англашган қора татарлар ўз қондош ва диндошлари билан тил топишиб бирлашиб кетадилар.

1402 йил Анқара савашини, яъни Амир Темур ва султон Йилдирим Боязид тўқнашувига қадар бўлган юз эллик йил мобайнида қора турклар салжўқли ва Усмонли қўшинлари сафларида юнонлар, яъни Византия империясига қарши савашадилар.

У замонлар қирғин-барот урушларнинг таомили шундай бўлган. Енгилган томоннинг мол-мулки ғолибга ўлжа тушган. Асир эркаклар қул, асиралар тани маҳрам сифатида тарқатилган. Шу пайтда асирга олинган юнон аёллари ҳам ислом динини қабул қилиб, қора турклар ўтовларида яшамоқ мажбуриятида қолганлар.

Бундан кўринадики, ушбу асиралар орасида Грециянинг ҳозирги бош вазири Алексис Ципраснинг энг катта момоси ҳам бўлган.

Худди Қаҳрамонўғиллари беклигининг бекзодалари юртларини тарк этиб, исломдан воз кечиб, насронийликни қабул этиб, юнонлашганлари ва орадан олти юз йил ўтгач, Грециянинг бош вазири этиб сайланган Костас Караманлис каби.

Амир Темур ва султон Йилдирим Боязид муҳорабасида қора татарларнинг эллик минглик қўшини қарши савашмаса-да, Йилдирим Боязид лашкари сафини тарк этиб, Турон ўрдуси томонга ўтади. Усмонли қўшини парокандаликка юз тутиб, султон Боязид асирга тушгач, Амир Темурнинг қаршисида қондошлари — қора татарлар муаммоси пайдо бўлади. Уларни душманларига айланган Усмонли тупроқларида қолдириб кетиб бўлмас эди.

Буюк Турон хоқонининг ўттиз минг уйлик қора туркларни Туркистонга кўчириш ҳақидаги фармони эълон қилинади. Ҳар бир хонадонда ўн нафардан аъзо бўлса, бу уч юз минг киши дегани эди. Бу улус улуғ хоқон амри билан икки дарё оралиғи ва Ҳирот атрофи ҳудудларига тарқатилди.

Темур вафотидан сўнг бобо тахтига келган Халил Султон билан англаша олмаган қора туркларнинг тахминан учдан бир қисми Сивосга қайтади. Қолганлари эса ота юртларини тарк этмайдилар.

Амир Темурдан кейинги юз йигирма йиллик теурийлар салтанати ҳукмдорлари бу ота улус аждодга муносиб муносабатда бўладилар.

Бироқ уларни Утукен ва эски ота юртларидан бадарға этган Ҳалокухоннинг авлодлари, шайбонийлар келгач, муносабат ўзгаради.

Бу эса энг сўнгги, ўн иккинчи февраль, 2018 йилги хабар. Олмон киночилари Измир шаҳрида айланиб юриб, ҳадялар дўконига бош суқадилар. Қаршиларидаги сотувчини кўриб қотиб қолишади.

Киночилар рўпарасида ердан чиққанми, осмондан тушганми ўша Сталину Гитлер, Рузвельту Черчилл орқасидан қувғин қилган Альберт Эйнштейн турарди. Пешонасининг чизигидан сочининг тукигача айнан бир хил, ақл бовар қилмас даражада ўхшаш эди.

Текшириб кўрсалар Адҳам Ҳижрий Альберт Эйнштейнга 97,5 фоиз ўхшаш экан. Ҳатто қон группасию юз чизиқларига қадар. Фақат бўйи атом бомбаси даҳосидан уч сантиметр кам экан. Исми фамилиясидан Адҳам Ҳижрий. Араб асилли турк. Альберт Эйнштейн эса яҳудий миллатига мансуб. Араблар билан яҳудийлар эса ака-уканинг болалари. Аммо бугунги кунда

бир-бирларининг этларини емасалар уйқулар-ри келмайдиган даражада ашаддий қардош душманлар.

Энди биз Адҳам Ҳижрийни олмон киночилари олаётган фильмда Альберт Эйнштейн ролида кўрамиз. Ленин бўлолмайд қолган дўстим Умар Гул эса армонда ўтиб кетди.

Туркия телевидениясида ҳарбий шарҳловчи Жушқин Бошбуғни кўрган киши қирол Абдулланинг қардоши бўлса керак деб ўйлайди. Қирол Ҳусайннинг турк маликасида туғилган қирол Абдулланинг ҳам у жуғрофияларда сонсаноксиз хешу ақраболари бўлса керак. Одатда қироллар қариндошларини қидирмайдилар. Қариндошлар қиролларни қидиришади.

Чор Россиясида октябрь инқилобини амалга оширган бош ақл ҳам аслида немис маркаси ва яҳудий закоси эканлиги сизга кундай равшандир.

Александр Керенскийнинг муваққат ҳукуматидан сўнг Кремлни забт этган совет ҳукумати раҳбарларининг тўқсон икки фоизи яҳудий қавмига мансуб раҳбарлар Ленину Сталин, Кирову Оржоникидзе каби гуржию қоришиқ қонли инқилоб доҳийлари бармоқ ила санарли даражада эди.

Рус подшоларига азалий рақиб ва яғий бўлган Пруссия империяси давлату ҳукумат бошига яна ерли халқ вакилларининг келишини истамас, бунинг чора-тадбирини кўрган эди.

Мўғул истилоси даврида Чигатойхон бир мусулмоннинг бошини келтирган кишига ўлдирган кишининг мавқеига қараб беш юз тангадан минг тангага қадар мукофот берган бўлса, Чигатой хони Тармаширинхон, сўнгра Дашти Қипчоқ, яъни Жўчи улуси хони

Султон Муҳаммад Ўзбакхонлар исломни қабул қилишгач, исломлашиш жараёни тезлашди.

Жўчи улусининг олтинчи хони, буюк қоон Чингизхоннинг олтинчи авлоди султон Муҳаммад Ўзбакхон маълумки, 1310 йилдан 1342 йилга қадар Дашти Қипчоқ, Олтин ўрда тахтида ўтирган.

У ўз салтанатининг ўрталарига келиб, Жўчи давлати ва улуси номини Ўзбак давлати ва улуси дея ўзгартириш ҳақида олий фармон жорий этади. Шу тариқа Ўзбак, Ўзбек сўзи истемолга кириб, бугунги шаклига эга бўлди.

1924 йили Туркистон республикаси номини ўзгартиришга қарор қилинганда Чифатой, Сартистон ва Ўзбекистон атамалари орасидан шу ном танланади.

Олтин Ўрданинг инқирозга юз тутиши, очарчилик ва қаҳатчилик, қаттиқ қиш шайроитлари, чорва молларининг қирилиб кетиши Ўзбак улусини кишиларнинг деҳқончилигу ва боғдорчилик, ўтроқ ҳаёт тарзи мавжуд Туркистон, икки дарё оралиғи ва атрофига кўчмоққа мажбур этади.

Ҳозирги Туркияни кезар экансиз Ўзбак, Хурзумли деган кўй ва қасабаларга дуч келасиз. Бу ўша — ўзбак улуси ва хоразмликларнинг усмонли тупроқларига кўчиб борган аждодларидир. Эндиликда улар Турону Туркистоннинг юрагида яшовчи, туркнинг ўзаги бўлган биз турклардан-да туркроқдирлар.

Айланиб-ўргилиб яна ўша умуминсоний адолат ва қадриятларда қайд этган олий ҳақиқатга юз бурамиз. Миллат эмас, инсонлик муҳимдир. Кимки миллати билан фахрланиб кўкларга сапчиса, шовинистлик қилса, у доно киши эмас. У бу нодонларча хатти-ҳаракати билан ўзга элу элатлар оёғини босган бўлади.

Бизда киши ҳаётдан кўз юмганидан сўнг унинг фақат яхши томони ҳақида гапирилади. Салбий сифатлари хусусида оғиз очилмайди деган ақида одамлар онгига ўрнашиб қолган.

Бу ақидани ҳам ўзлари истаганлари қадар гуноҳу жиноят қилган, буни билган ҳамда боқий дунёга йўл олганларидан сўнг қолганлар уларнинг бу жиноятларини ошкор этамасликларини истаган кишилар ўйлаб топган бўлсалар керак.

Ваҳоланки, бу мантиққа зид тирикчилик ва тушунчадир. Ким бўлмасин, кишининг ҳақиқий баҳоси устига тупроқ тортилгандан сўнг берилади.

Новодевичье қўйиндиси машҳур шахсларнинг аксари Россияда қўним топган сўнгги манзилдир. Адабиёт аталмиш эътиқоднинг сеҳрига мафтун бўлган кўзи очиқ ойдин борки, Гоголь ва Чехов, Горький ҳамда Булгаковларнинг порлоқ хотираси олдида бош эгади!

Музей-қўйиндига бир борганимизда кекса ёшдаги бир бечора аёл бўйни букик ва елкаси қисик аҳволда дарвозасидан йиғлаб чиқиб кетарди.

— Бу аёлни танидингизми, Андрей Андреевич? — сўради экскурсовод Вознесенскийдан.

— Йўқ! — деди Андрей Андреевич қошларини чимирганча бошини эгиб кетаётган кампирнинг орқасидан кузатар экан.

— Бу ўша, сиз ва Евгений Евтушенкога ёзғирган Никита Сергеевич Хрущёвнинг беваси Нина Петровна Хрущёва. Деярли ҳар куни келади, бояқиш.

— Нега ҳар куни келади? — ҳайрон бўлиб сўради Вознесенский.

— Айрим тарбиясиз ва маданиятсизлар Никита Сергеевичнинг қабрини булғаб ке-

тишади. Майдон катта. Қоровулларнинг оёғи барча бурчакларга етмайди. Келиб эри қабри атрофини тозалаб кетади. Лазар Каганович қабрини ҳам шундай қиладилар.

— Уят! Шарафсизлик! Мана шу ҳаракат ҳам одамларимизнинг кимлигини кўрсатади! — деди Вознесенский ҳаяжон-ла асабийлашиб.

— Шукшиннинг Новодевичьёга кўмилиши тарихини ҳам эшитгандирсиз. Биласиз, у ўша, Михаил Шолоховнинг “Они сражились за родину”си съёмкасида вафот этган. Москвада бир хонали уйда яшаган. Қаерга кўмиш масаласи ҳал бўлмагач, Шолоховга телефон қилишган. Шолохов эса Леонид Ильич Брежневга кўнғироқ этган. Леонид Ильич майитни Новодевичьёга дафн этишни айтган, — ҳикоя қиларди экскурсовод.

— Биз ёзувчилар ва шоирларнинг ҳукмдорларга ҳаётимизда бир маротаба бўлсин ишимиз тушади. Ҳеч бўлмаганда умримизнинг сўнгги дақиқасида... — дедим мен Шукшининг қабридан узоқлашар эканмиз.

— Гоголни бошсиз кўмишганини биласизлар. Бир химик табиб унинг калласини ўғирлаб кетиб, ҳеч кимсага бермаган дейишади, — ўзича гапириб кетарди экскурсовод. — Сталиндан нафратланганлар келиб доҳийнинг ўзи отиб ўлдирган хотини Надежда Аллилуеванинг қабрини ҳам анча вақтгача таҳқирлашган. Агар Сталиннинг қабрини Кремль девори ёнида кўримасалар портлатиб кетишарди.

Туғилиш бор экан, тана тупроғининг она тупроққа қовушмоғи муаққакдир. Валийу авлиёлар, шоҳу султонлар, тужжору темирчими ким бўлмасин, эрта бир куни боражак сўнгги манзил ва у ерда тинч, сўнгаклари топталмай

ётиши ҳақида ўйлайди. Кўпчилик эса кўзи тириклигида бунинг чорасини кўриб қўяди.

Бу ҳақда ўйлаган Амир Темурдек жаҳонгир ҳам наъшини пири, Муҳаммад алайҳиссалом авлоди Мир Саид Барака ҳазратларининг оёқлари узра тупроққа беришларини васият этган. Сон-саноқсиз душманлари ўлимидан сўнг руҳини роҳатсиз этмаслигини истаган Чингизхон кўмилгандан сўнг қабр билинмай кетиши учун бир неча кун кенг майдонда кўпкари чопишни ва уни тупроққа топширган кишиларни қатл этишни буюрган.

Энг муҳими, гап тананинг тупроққа айланиб, қай бир қўйиндига қўйилганида эмас, тупроқ тортилгандан сўнг халқ хотирасида қолажак фикр ва у чиқаражак маънавий ҳукмдадир.

Инсон табиати, феъл-атвори шундай. Кишилар бировларнинг ўзларига қилган яхшиликларини унутишлари мумкин. Бироқ этдан ўтиб суякка қадалган жабр, зулм, қону жон чекишга бориб етган разиллигу ваҳшийликларни ҳеч қачон унутиб, кечирмайди. Бу азоб-уқубатлар алами унинг авлодлари қону имонида ҳам яшайди.

Халойиқ, одамлар бундайларни кўзларида ёш, дуоларида тош ила қарғайдилар.

*Золим холим хароб этди,  
Тонг отарда қарғадим.  
Ризқу рўзим ғўроб этди,  
Туз тотарда қарғадим.*

*Қисматларни шўроб этди,  
Тун ётарда қарғадим.  
Умидларни сароб этди,  
Кун ботарда қарғадим.*



*Эл айириб тараф тутди,  
Сўз қотарда қарғадим.  
Кўзлар ортда қараб кетди,  
Сўнг кетарда қарғадим.*

*Танлар хоки туроб этди,  
Донг қотарда қарғадим.  
Улус қонин шароб этди,  
Ҳақ топарда қарғадим.*

Ленин мавзолейи киришида ўнг томонда биринчи бўлиб турган Сталин бюсти ва қабри олдидан ўтаётганда ҳам одамларнинг унга нисбатан нафрат-ла сўзлаганларини туйиш мумкин эди.

Бироқ олий тахт тепасида турганларнинг барчаси ҳам охириги кун ва берилажак сўнгги ҳукм ҳақида ўйлайвермайдилар.

Боиси, бу пайтда товадаги қушни эмас, ҳаводаги қушни кўзлаётган бўладилар. Оёқ ердан узилган, қалб одамлардан узоқлашган бўлади.

Ҳаётдан кўз юмганларидан сўнг эса шу улуснинг хотирасидан батамом узоқлашадилар ва замонлар кечгач, ўчиб кетадилар.

Олий ҳокимиятда юксакликка кўтарилган жаҳонгирлар, яқин кечмишининг президенту бош вазирлари энг катта хато ва жиноятларга қўл урганларида ҳам миллатнинг манфаати учун тўғри иш қилаётирман дея заҳн этганлар.

Худди совет қўшинлари Афғонистонга бос-тириб киргани ва бу ўрду чиқиб кетгач, АҚШ армияси киргани каби.

Ваҳоланки, бу ўлканинг халқи билан коммунизм ҳам, капитализм ҳам қуриб бўлмас, уларни ўз ҳолига қўймоқ жоиз эди.

Худди Чингизхон ўғилларига бошини кў-

тарганнинг бошини уз, тили узуннинг тилини суғур дея таълимот берганидек.

Ёки собиқ иттифоқдоши, гўёки дўст шаклидаги ашаддий душмани Сталинга “У Россияни омоч билан олиб, атом бомба билан қолдириб кетди” дея баҳо бериб ақллилик қилган, Усмонли давлатини барбод этишнинг ташаббускори бўлган, ҳатто Иккинчи жаҳон урушида оламшумул ғалабага эришиб, обрўси ошиб кетган СССРга тўғаноқ бўлишни истаган Уинстон Черчилл каби.

Урушдан сўнг СССР янада байроқ бўлиб, машҳурлашишини истамаган Черчилл инглиз разведкасига шахмат бўйича янги жаҳон чемпиони бўлиши кутилаётган Алексей Алёхинни Париждаги меҳмонхонада заҳарлаб ўлдириш таълимотини беради. Бу хусусда Александр Солженицин ҳақ: золимлик қилмай туриб кишилар ўз кучларига ишонмайдилар.

Одатда шундай бўлади. Тарихнинг, тарихий шахсларнинг хато ва жиноятлари замонлар кечиши билан борган сари унутилиб, уларнинг фақат яхши ишлари ва томонлари байроқ қилинади.

Сиёсатчи ҳеч қачон шахсий фикрини айтмайди, дейди Ричард Никсон. Сенинг қандайлигингни ҳамма кўради, лекин ҳамма ҳам сени ҳақиқатда қандайлигингни билмайди, дейди сиёсатчиларга жавобан Макиавелли. Ва сиёсатчилар ҳеч қачон халққа асл қиёфаларини кўрсатмайдилар.

Бироқ нодон ўзига ўзи хушомад қилади, ақлли киши эса нодонга хушомад қилади деганларидек, халойиқ деб аталган жамоа бошимизга бундан ҳам баттари келмасин дея, ким бўлмасин, унинг кўнглигаю оғзига қарамоққа мажбур. Зотан, нодонлик ҳаммага

кўриниш учун олдинда юради, ақл эса ҳаммани кўрмоқ учун кейинда юради, дейдилар-ку!

Сизу бизга унда нима қолади? Бунга Сальвадор Дали жуда мантиқли жавоб берган: мукаммалликдан кўрқманг, сиз унга эриша олмайсиз!

Халқлар ва ҳукумдорларнинг тарихий тажрибаси шуни кўрсатадики, адли адолат, эрк ва демократияга эришган, миллат манфаатини кўз ўнгида тутган улусларда давлату ҳокимият тепасига табиий равишда оқил, доно ҳамда тўғри шахсиятлар келадилар.

Қароқчилик, ришват ва ўғирлик айб саналмаган, одатий таомилга айланган қабила давлатларида эса ўз-ўзидан ўғрибошилар тепага чиқиб қоладилар.

Бундай ҳолатларда давлат миқёсидаги юлғичлар сўқоқдаги, халқ мафия дея атайдиган ўғридан-да баттар жиноятчи тўдалар билан тил топишади.

Бу ҳам ҳар бир давлату мамлакатда мавжуд тирикчилик шекилли. Қай бир халқу ҳукумат бўлмасин, унинг тўғрию ўғриси, махфияю лўлиси бўлади чоғи...

Александр Македонский ва Чингизхон, Амир Темур ва Наполеон бўлсин, биз бугуннинг кишилари улар фаолияти ва қисмати ҳақида ҳукм чиқармоққа шошилмаслигимиз керак. Ҳар бир даврга ўша замону маконнинг нигоҳи, фалсафаси ва мантиғи ила боқмоққа ҳаракат этсак тўғри бўлади деган фикрдаман.

Бугунги сиёсий маданиятнинг энг муҳим, ҳал қилувчи вазифа ва муаммоси шундан иборатким, Гитлер, Муссолини, Сталин ҳамда Нагасаки ва Хиросимага атом бомбаси ташлаш амрини берган Трумен каби руҳан носоғлом

кишиларнинг ҳокимият тепасига келишининг олдини олишдир.

Акс ҳолда учинчи жаҳон уруши деган хавотиру тўртинчиси ўқ-ёй билан бўлади деган башорат амалга ошиши ҳеч гап эмас.

Маълум ва машҳур шахсиятларнинг қонқариндошлиги, хешу ақраболиги ҳақида сизни мушоҳадага чорловчи фикрларни ўртага ташладик.

Яхши ва тарафли инсонлар ҳамда оддий ўлим бандалари бир-бирларига ўхшаганларидек, қонхўр ёвузларнинг ҳам лойи бир жойдан олинар экан.

Мен сизга советлар давлатининг машҳур сиёсатчиси ва биринчи номерли дипломати Андрей Андреевичнинг қаламидан чиққан “Бизнинг Гиммлер” мақоласидан парча келтираман:

“Бир воқеа ҳечам эсимдан чиқмайди. Сталин, Рузвельт ва Черчилль учлиги учрашган Ялта конференцияси пайтида юз берган эди бу воқеа.

Бизнинг доҳий Сталинда шундай одат бор эди. Суҳбатдошларини ҳайратга солиб, уларни шошириб қўйиш учун турли воситаларни ишга соларди. Рузвельт билан Черчилл, учрашувида ҳам у суҳбатдошларини қойил қолдириш учун ва ўзининг ҳақиқий доҳийлигини исботлаш учун шу синалган усулни қўллайди.

Бу усуллардан бири юзингда кўзинг бор демай оғзига келганини айтиб юбориш, яъни гўёки рўйи ростлик эди.

Ялтада раҳбарлар ҳар куни бир-бирлари ва делегация шарафига тушлик емак тартиб этишарди. Навбат Сталинга келди. Рузвельт ва Черчилль бизнинг қароргоҳга етиб келиб, емак столига ўтиришди. Сталин ҳам жойини олди. Дастурхонда ўтирганларни кузатган Рузвельт Сталиндан сўраб қолди:

— Элчи Громиконинг қаршисида ўтирган жаноб ким?

Суфрага ўтириш олдидан Лаврентий Павлович Берия унга таништирилмаганлиги маълум бўлиб қолди.

— Ҳа-а, уми? Бизнинг Гиммлер-ку! У — Берия!

Сталиннинг аниқ нишонга урганидан ҳайратга тушган эдим. Нафақат бу икки ёвуз кимса ишининг моҳият-эътибори, ташқи кўриниш, феъл-атвор нуқтаи назаридан ҳам эгизак каби эдилар, энг қизиғи, Гитлернинг атрофида фақат Гиммлер пенсне тақса, Сталиннинг теварагида Берияни пенснесиз тасаввур этиб бўлмас эди.

Бу қутилмаган жавоб ва ўхшатишдан Рузвельтнинг тили калимага келмай, не деярини билмай, ўнғайсиз бир ҳолатга тушиб қолган, бунинг устига Сталиннинг сўзини Бериянинг ўзи ҳам эшитиб турарди.

Ноқулай вазиятга тушиб қолган президентнинг қизаринқираган юзида табассумга ўхшаш бир ифода зоҳир бўлди.

Сарғайиб кетган тишларини кўрсатганча тиржайган Берия ҳеч нима демади. Бу ўхшатиш уни Рузвельтдан-да кўпроқ ташвишга солгандек эди, назаримда.

Шу куни кечқурун у ҳеч ким билан гаплашмай, ўзини четроққа олиб юрди. Хорижий меҳмонлар ҳам уни кўрмаганликка олишар, кимса унга ёндашмасди.

Гўёки табиатнинг ўзи бу сирли феъл-атворли жонзодни фисқу фасод, ҳалол инсонларни йўқ қилиш, ифвою тухмат ва қонли қасосу хунрезлик учун яратгандек эди. У ана шу жаҳаннамнинг ичидагина ўзини роҳат-фароғатда ҳис этарди.

У Грузиядаги чек-чегарасиз қотиллигу қатлиомлари учун Сталиннинг эътиборини қозонган эди.

Агар Сталин яна бир муддат яшаганида эди, Берия ва ўзи яратган қудратли мясорубканинг қурбонига айланарди”.

Яхши топиб сўйлар, ёмон қопиб сўйлар, деганларидек доҳий ҳам топиб, ҳам қопиб сўйлаган эди.

Табиатан Сталин ва Берия типдаги ёвуз кимсалар ҳалол, тоза, билимли ва шарафли шахсиятларни ҳазм эта олмайдилар.

У Берияни Гиммлер дея атаб, ўша пайтда вақтинчалик дўст бўлиб турган тарихий душманлари олдида ўзини ақлли кўрсатиб, бизда юз берган қонли қатағонларга мен эмас, бизнинг Гиммлер айбдор демоқчи эди.

Рузвельт ва Черчилль Гиммлернинг кимлигини Сталиндан кам билишмасди.

Шунинг баробарида гитлерлар бўлмаса гиммлерлар ҳам бўлмаслигини-да жуда яхши билишарди...

Буюклар ҳаммага ўхшайди, бироқ ҳамма буюкларга ўхшашмайди, деганларидек, яхшилик ҳам қўша-қўша ёмонлик ҳам ўша-ўшадир.

Гуллар бир-бирларига менгзаганлари каби тикану тиканаклар ҳам айнан ўхшашдирлар. Уларнинг дини, миллати ва ватани бўлмайди.

Сиз уларнинг кулишга ҳаракат қилишига бир эътибор беринг-а? Боиси ичида шайтон болалаган бундай кимсалар кула олмайдилар. Уларнинг кулгиси билан йиғисини фарқлай олмайсиз. Бироқ улар одамларга яхши кўриниш учун жилмаймоқчи бўладилар. Бу уринишни эса психологлар шайтоний табассум деб атайдилар.

18. ЮБИЛЕЙИНИ ЎТКАЗМАСЛИК УЧУН  
ЁЛВОРГАН КЛАССИК  
ЁХУД БУЮК ШОИР ҲАЙКАЛИ ОЧИЛИШИДАН  
ЭНСАСИ ҚОТГАН ЁЗУВЧИ

*Тарих ғолибларнинг мағлублар  
орқасига ёзган ёзиқдир.*

**Уйгур отасўзи**

*Фақат кучли одам ўз айбига  
иқрор бўлади. Фақат кучли одам  
камтар. Фақат кучли одам  
кечиради... Ҳатто ёзилиб кулган  
ҳам кучли одам, аксарият унинг  
кулгиси кўз ёшларидир.*

**ГЕРЦЕН**

Қаранг, ғалати ҳолат... Одатда адабиётшунос олимлар шоиру носирлар ҳақида мақолалар ёзадилар. Замоннинг тескарилигини боқингки, мен бир битикчи аёвсиз танқидчи, туппа-тузук ижодкорларни ҳам юзингда кўзинг бор демай ёқасидан оладиган Жовли муаллим ҳақида терлаб-пишиб ёзиб ўтирибман. Пешона ёзиғи, қисматидан қочиб қутулиб бўлмас экан. Битигимда камчилигу нуқсонлар бўлса қусурга боқманг. Бул каби “номаъқулчилик”ка илк бор қўл уришим. Боиси, қарийб ўттиз кам юзга кираётган инсон ва дўст, халқимизнинг фидокор бир ойдини, тўрт киши тўпланиб гувоҳлик берса анча-бунча ёлғонга ҳам ишониб кетаверадиغان содда, у қадар хавфли ва катта ёлғонлар сўйламайдиган ижодкор дўстимиз ҳақида ақлимга келганларни қораламоққа қарор қилдим.

Бироқ Жовли муаллим ҳаётида ҳечам

туғилган кунини нишонламаган, адабиётшунос, толстойшунос ўлароқ улуғ адибнинг “Ақли ҳуши жойида инсонлар учун туғилган куннинг бошқа кунлардан ҳеч қандай фарқи йўқ” деган гапини жуда яхши билади. Табиийки, бу фикрни уққан ижодкор Гюгонинг “Тириклигимиздаги унвону мукофотлар, мақтову юбилейлар кўзимиз очиқлигида қабримиз устига қўйилган тошдир” деган қарашидан ҳам хабардор, албатта.

Ҳар неки бўлмасин, бир қаламкаш ҳамкасб баҳонасида барчамизнинг умумий ташвишу бахтимиз адабиётимиз ҳақида фикр юритмоқ, ўйларингиз ила ўртоқлаша билмоқнинг ўзи бир илоҳий неъматдир. Инсон ўз атрофидаги, айниқса, қалбига яқин олган кишиларга муҳом ўз меҳр-муҳаббати, ҳурмат-эҳтиромини билдириб турмоғи жоиздир.

Қолаверса, Толстой ўзининг саксон йиллик юбилеи ўтказилишига боғлиқ тадбирлар тўхтатилишини сўраб хат ёзмаган нуфузли ташкилот ва шахслар қолмаганини Жовли Хушбоқ муаллимнинг ўзи ёзган. Тургенев Пушкинга ҳайкал қўйилиши маросимига таклиф этилганида, шоирнинг “Мен ўзимга қўл етмас ҳайкал яратдим!” деган гаплариданми энсаси қотиб бормагани, бундай дабдабалар ўзига нотабиий туюлганини, бу каби ҳайкалбозликлардан оддий халқ кўзига бало-қазодай кўриниб, хижолат чекканини кундаликларида қайд этган.

Бундан ўттиз беш йиллар бурун “Совет Ўзбекистони санъати” аталмиш журналда бош муҳаррир ўлароқ хизмат этардим. Замон, вазият, турум шундай эди. Ҳеч ким юрак ютиб катта бирор гапни айтиб ёки ёзиб чиқа олмас, кўп минг сонли цензура республикасининг орқа-



сида ҳам кўзи бор ходимлари сўзу битигингиз нари турсин, ҳатто нафас олишингизни ҳам диққат ила кузатар, таъқиб этарди.

Бироқ не шароиту иқлим бўлмасин, газета ва журнал чиқариш, ўқувчини жалб этиш керак эди. Бунинг устига бевосита еб турган нонингиз билан боғлиқ “тираж” деган муаммо ҳам бор. Кенг қатламдаги ўқувчи ва муаллифларни журналимизга тортиш, улардан фикр олиш мақсадида “Ижодкорга ўн савол” рубрикасини ташкил этиб, юртимизнинг маълум ва машҳур кишиларига тарқатдик. Илк муаллифларимиз орасида эл севган шоир Абдулла Орипов ва Ботир Зокиров, Тамарахоним, Жўрабек Муродов каби улуғ санъаткорлар бор эди.

Саволларга жавоблар бир-биридан қизиқарли ва жозибали эди. “Ҳаётингизда ёлгон гапирганмисиз?” деган саволимизга қадрли Абдулла ака Ориповнинг жавобини эшитинг. “Дунёда шундай катта ёлгонлар борки, унинг олдида бизнинг ёлгонларни ёлгон демасаям бўлади”. Ёки улуғ носиримиз Неъмат Аминовнинг адабиёт ва санъатимизда сиз севган шахсиятлар деган саволимизга жавоби: Уч Абдулла: Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Орипов...

Фавқуллода закий ва доно, теран ва тўғри, соғлом фикрловчи Ботир Зокировнинг жавоблари ҳам бомба каби эди. Боиси, ҳар тарафлама юксак интеллектуал саналмиш бу бутун шахсият ўзгача фикрлай олмас эди.

Савол: Жамиятимизда, маданиятимизда қандай жиддий ўзгаришларни амалга ошириш лозим деб ўйлайсиз?

Жавоб: — Бу жамиятда бирор-бир жиддий ўзгаришни амалга оширишни ўйламоқнинг ўзи абсурддир!

Бу ўша пайтдаги саволга жавобдир.

Жавоблар баҳор ёмғиридек қуйилиб келётган, каттаю кичикнинг эътиборини жалб этган баҳсу мунозаралар силсиласи давом этаркан, телефоним трубкасида бир кишининг болаларники каби беозор, хижолатомуз овози эшитилади:

— Мен Жовли Хушбоқовман, Шерободдан. Журнал саволларига жавоб ёзиб юборган эдим. Шунга...

— Жавобларингизни олдик. Навбатдаги сонда чиқади. Бошкентга келсангиз редакцияга кириш.

Бу ўлгудек тортинчоқ, камтар ва камсуқум одам редакцияга ҳам келмади, қорасини ҳам кўрсатмади. Келса бирга ишлашиб кетармидик. Кейин билсак, у Матёқуб Қўшжоновнинг шогирди экан. Телефондаги бу тасодифий танишувдан ўттиз уч йил ўтиб яна тасодифан Дўрмонда учрашдик. Кун ўтмай қўлимга унинг Ғ.Ғулом нашриётининг “Авторнинг биринчи китоби” сериясида чоп этиладиган “Ички туғён” номли мўъжазгина китоби тушди. Бир нафасда ўқиб чиқиладиган китоб. Фикрлар жойида, тўғри ва самимий. Одатда ёлғон гапира олмайдиган одамлар шундай ёзадилар. Тошкентдаги шуҳратпарастлик ва мен сендан камми қабалидаги ғавғою машмашалар, унвону мукофотбозлик кўпкарисидан узоқдаги соф ва тоза ўқувчи ҳамда адабиётчининг беғубор адабий ўйлари эди бу.

Одатда ёзувчилар билан адабиётшунослар азал-азалдан апоқ-чапоқ бўлмаганлар. Бу ҳолатга совуққонлик билан табиий қараш керак. Французларда “Жуда ақлли одамлар буюк асарлар ярата олмайдилар” деган нақл бор. Аксар адабиётчи, билъакс бошқа соҳаларнинг

билимдонлари ҳам ўзларини шу тоифалар сирасида санайдилар. Боиси, кўп ўқиган кишилар масаланинг туб моҳиятига яқинлашиб, ўз-ўзидан ҳаддан ташқари эҳтиёткор нозик ва журъатсиз бўлиб қолади. Қўл урмоқчи бўлган ишининг муваффақиятсиз чиқишидан чўчиб, каттароқ бирор ишга киришмай юраверади. Бунинг биздаги энг типик мисоли, ҳақиқий инсон ва шахсият Мурод Хидир акадир. Бирга ишлаганимизда бир неча роману қиссаларни қоралаб юрганларини биламан. Демак, бу битиклар ўз ҳолича қолиб кетган. Бироқ ҳаёт тажрибаларидан келиб чиқиб ёзган ҳикматли фикрлардан иборат китоблари мукамалдир.

Хуллас, ашаддий адабиётчи Жовли муаллим ҳам ҳаётга, одамларга адабиёт ва санъатга шундай теран ва соғлом нигоҳ ила боққувчи бир ойдиндир. Унинг Лев Толстой, Фёдор Достоевский, Сергей Есенин, Александр Солженицин, Василий Шукшин, Андрей Вознесенский ва Валентин Распутин ҳақидаги изланишлари ғоят мароқлидир.

Бу ижодкорлар ҳақидаги мақолаларда ўқувчи ғоят қимматли бўлган воқеа, факт ва тафсилотлар ҳақида билимларга эга бўлади. Ҳаётини ижод адабиёт билан боғламоққа ният этган ёшларимиз учун бу битиклар ғоят сабоқ бергувчидир.

Адабиёт тарихидан маълумки, ҳатто Лев Толстой ва Фёдор Достоевский каби даҳолар орасида ҳам бир-бирини инкор этиш, тан олмаслик ва син тақиш каби ҳолатлар бўлган. Ҳатто Достоевский ва Толстой тарафдорлари тўп-тўп бўлиб муштлашишган. Эндиликда бундай фанатик ёқалашишлар футбол ишқибозлари орасида учраб туради. Боиси,

спорт билан шуғулланган ва ашаддий ишқибозларда бош мияга нисбатан вужуд тараққий топганроқ бўлади. Шу боис улар бу танавий устунликни намоиш этмоқдан ўзларини тия олмай қоладилар.

Лев Толстой Достоевскийни руҳан но-соғломликда, тутқаноқ хасталиги туфайли хаста одамлар образларини яратганликда айблаиди.

Бироқ тасаввур этинг. Ўлимга ҳукм қилинган, йилларча эрта ёки индин бўйнига дор ҳалқаси тушишини ёки боши жаллод кундасига етишини кутиб яшаган одам қай аҳволга тушиши мумкин? Ахир, асаблари бўш руҳан ва иймонан ожиз одам жинни бўлиб қолиши ҳеч гап эмас-ку бу аҳволда!

Буюк Достоевскийнинг дунё ойдинлари қалбини ларзага келтирган асарларини ўқинг. Шунинг баробарида унинг шахсиятини ўрганмоқ сизга сўз ила ифодалаб бўлмас бир завқу шавқ, армону ҳасрат бахш этади. Ёзувчи ижодининг шу пайтгача пайқамеганингиз қирраларини кашф эта бошлайсиз.

Ҳақиқий ёзувчи ҳеч қачон ўзлигидан тонмайди ва чекинмайди. Ҳеч тап тортмай ўзлигини фош эта биледи. Бунга ўзида мардлик ва жасорат топа олади. Шундай қила олмаса у шахс ва ижодкор сифатида ожизлигича қолади ҳамда адабиёт кўпкарисида улоқни ташлай олмайди. Жалоллидин Румий ҳазратлари аслинг каби кўрин ёки кўринганинг каби бўл деганларида ҳам шуни назарда тутган бўласалар ажаб эрмас.

Ижодкор ўзлигидан чекиндими, ўз қисмати қадаридан сабоқ олиб олдинга боқа олмадими, билингки, у бичиб-тўқиб ёза бошлайди. Ҳаёт ҳақиқати, тирикчилик деган турмуш

тахликалари даҳшатлидир. Бу даҳшатга қарши тик бормоқ керак. Ундан чекиниб, ўзингизни йўл четига олсангиз вақт ва замон шамолида тўзиб кетасиз.

Достоевский шундай қилди. Ҳаёт ҳақиқатини не қадар даҳшатли қиёфада кўрган, ҳис этган бўлса, айнан шу тарзда тасвирлайди. Бошқача ифода этмоғи мумкин эмас эди. Ҳаёт ҳақиқати ва фалсафасини ўз кўзи, ақли ва виждони билан имонини ўртага қўйиб битди.

Шахсларнинг бир-бирларидан фарқ қилишлари инсониятнинг буюк, такрорланмас бойлигидир. Кишилар инкубатордан чиққан жўжалардек бир хил кўриниб, бир тил ва хилда сайраб, фикрласалар дунё аллақачон бенаво ва ғариб бўлиб қолур эди. Дунёга бир хил эътиқод, фалсафа ва ғоя ойнасидан боққан, дунёга дунёвий эътиқодлар эшикларидан боқа билмаган улуслардан улуғ одамлар етишиб чиқмайди. Дунё халқларининг турли элу элатлардан, қавму қабилалардан ташкил топганлиги буюк бир зангинликдир.

Одамлар ҳам шундай. Инсон зоти шундай яратилган. Кузатган бўлсангиз квазилион-квазилион санокдаги қор шакллари не қадар кўп бўлмасин, бир-бирини такрорламайди. Киши боласи ҳам шундай. Ҳеч бир банда иккинчисини такрорламайди.

Адабиёт дея аталмиш буюк адолатнинг вазифаси эса ана шу такрорланмас мавжудоднинг ақл бовар килмас яхши-ёмон фаолиятини келгуси авлодларга тажриба, сабоқ ўлароқ тақдим этиб қолдирмоқдир. Адабиёт инсониятни нурли йўлга олиб чиқмоқнинг бош қомусидир. Алиф, адаб ва адабиётни ўрганмай туриб Ал-Хоразмий, Алишер Навоий

ҳам, Альберт Эйнштейну Ньютон ҳам бўлмоқ мумкин эрмас.

Адабиёт фидойиси Жовли муаллим ҳикоя, бадиа ва тадқиқотларида ана шу буюк инсоний эътиқодларни жону дилдан тарғиб ва ҳимоя қилади. Оламни очиқ кўз, соғлом фикр ва теран тасаввур билан идрок эмоққа даъват этади.

Мен маълум бир муддат Пушкин ва унинг рафиқаси Наталья Николаевна Пушкина орасидаги муносабатлар тарихини қизиқиб ўрганганман. Санкт-Петербургдаги Петровское қабристонини дўстларим Андрей Вознесенский, Андрей Дементьев ва Владимир Рецептер билан зиёрат этарканман, қаршимдаги қабртош ёзувини кўриб, ҳайкал каби қотиб қолганман.

“Наталья Николаевна Ланская”. “Ёнига Пушкина деган сўзни ҳам қўшиб қўйиш керак экан” деганман тилимга бошқа калима келмай. Сўнгра Торжок шаҳри орқали қайтиб Евгений Онегин ва Анна Петровна Керн қабрини зиёрат этганимиз, қабр устидаги маъбуда ҳайкалчаси юлиб олиб кетилганидан афсусланганимиз эндиликда бир тарих.

Бунинг барчаси адабиёт аталмиш маъбаднинг қалбимизга солган меҳр-муҳаббат, эзгулик нурунинг акс жилоларидир. Модомики кичик нарсаларда ўзгариш бўлмас экан, уни катта нарсалардан излашимиз бефойдадир деганида буюк Чехов минг карра ҳақ эди. Ижодкор, айниқса, носирлар ҳаётнинг барча икир-чикирларига ўч, уни синчиклаб ўрганувчи бўлагидир. Ақлингизнинг учига келмаган бир майда-чуйда воқеа ва ҳолат, нарса ва жойларда киши идрокини шоширадиган ҳақиқатлар яширинган бўлиши мумкин. Ҳақиқий проза эса мароқли воқеа ва шу воқеани қизиқарли ва

жозибали қилиб ёза билмоқ санъатидир. Ҳар қандай гаройиб ҳодисани зерикарли қилиб ҳикоя этдингизми, уни ҳеч ким эшитмайди. Битмоқ ҳам шундайдир. Воқеалар тизгини ўқувчини тортиб кетмаса, бутун қилган тоат-ибодатингиз бир пулдир. Шу боис ҳам Эрнест Хемингуэй икки маротаба ўқишга арзимаيدиган китоб бир марта ўқишга ҳам арзимаиди деган.

Албатта, бу менинг шахсий фикрларим. Унга қўшилиб-қўшилмаслик ҳар кимнинг ўз иши. Уша Вольтер домланинг гапи гап. “Сизнинг фикрингизга қўшилмаслиги мумкин. Бироқ ўз фикрингизни ифода этмоғингиз учун жонимни беришга ҳам ҳозирман”. Буни фаластинлик машҳур шоир дўстим Муин Бсису шоирона тарзда шундай баён этади: “Гапир! Гапирсанг ҳам ўласан, гапирмасанг ҳам ўласан. Шунинг учун гапириб ўл!”

“Бекорга Наталья Николаевна билан Александр Сергеевич ораларидаги афсонаю ривоятларга айланган муносабатларга тўхталмадим. Лев Николаевич Толстой хоними Софья Андреевна билан муносабатларини ҳам мана юз эллик йилдирки, бутун дунё мунозараю мувоҳаса этади. Толстой даҳоси олдида ҳайратга тушган, адабиёт аталмиш Каъбанинг сеҳру синоатидан қалби нурланиб, ҳақиқий инсоний юксаклик сари юра бошлаган ойдин бу нарсаларга бефарқ қарамайди, албатта. Ҳар бир воқеа ва ҳодиса, шахс ва тарихий манзилдан ўзини ўйлатган, тўлқинлантирган ҳақиқатларга жавоб излайди.

Жовли муаллимнинг “Таассуротларим” китоби Лев Толстой ҳақидаги салмоқли мақола билан бошланади. “Чукчи не читатель, чукчи — писатель” деган анекдотидагидек бизда манаман

деган номи улуғ шоиру ёзарлар аллақачон китоб мутолаа этмай қўйганлар. Бир-биримизни эса умуман ўқимаймиз. (Илгари ҳам қойиллатиб ўқимиган аслида.) Шу боисдан улар битган битикларидан муаллифнинг саводхонлик даражаси сезилиб туради.

Мана шу манзаранинг қаршисида Лев Толстойдек шахсият муттасил ўқиган. Ўқимоқ, бош миянинг машқи. Китоб ўқимаган одам фикрлашдан тўхтади. Фикрлашдан тўхтаган одам билан эса суҳбатлашиб бўлмайди. Салом сўзидан сўнгра хайрлашмоққа тўғри келади. Мана буюк ёзувчининг буюк қайдлари:

“9 июль. Гёте, Лермонтов ва Пушкинни ўқидим. 10 июль. Лафонтен ва Гётени ўқияпман. Ўқиганим сари уларни яхши идрок этмоқдаман. 11 июль. Бальзакнинг бемаза асарини ўқидим. 7 июнь. Пушкиннинг 2- ва 3-қисмини ўқидим. “Лўлилар” жуда гўзал. Бошқа дostonлари “Онегин”ни ҳисобга олмаганда бўлмағур нарсалар. 25 июль. “Ўлик жонлар”ни роҳатланиб ўқидим. Мустақил фикрга тўла. 29 сентябрь. “Вертер”ни ўқидим. Жозибали. Жуда гўзал. 10 ноябрь. Китоблар сотиб олдим. Тургеневнинг барча қиссаларини ўқидим. Ёмон. 11 декабрь. “Лир”ни ўқидим. Таъсири кам”.

Эътибор берсангиз буюк классик олий адолат ва адабиётнинг асл профессионал ҳаками ўлароқ табиблар тили билан айтганда диагнозни аниқ қўяди. Диду даражага қойил қолмай иложингиз йўқ. У ёки бу асарга аниқ-тиниқ баҳо бермоқ сарасини сарага, пучагини пучакка чиқармоқ санъати борасида мен устоз Абдулла акага тан берганман. Шоиру носирлар нари турсин, Абдулла ака бисмилло деб оғзини



очган қўшиқчини ҳам неча кун ёки йил саҳнада тура олишини айта олардилар.

Бундан бир неча аср бурун яратилган инглиз адабиёти намуналари шу тил ҳукмронлик мавқеида бўлганлиги учун мажбурий равишда чоп этилиб, ўқитилиб ва тарғибот қилиб келинган. Чунки саҳналаштириладиган, ўқилладиган бошқа китоблар бўлмаган. Масалан, Вальтер Скотт (1771–1832) илк тарихий романини ёзганида умуман тарихий роман деган нарсанинг ўзи йўқ эди. Сўнгра Англияда Бульвар, Францияда Дюма ва Виктор Гюголар бу жанрга асос солдилар. Россияда бу ишни Пушкин бошлади ва Гоголь ҳамда Л. Толстой давом эттирди. Бизда бу ишга илк қўл урган Абдулла Қодирийдир. 1922 йилда унинг “Ўткан кунлар” романи “Инқилоб” журналида чоп этила бошланди. 1920 йилда эса Садриддин Айнийнинг “Дохунда”, 1934 йилда “Қуллар”, 1944 йилда Ойбекнинг “Навоий” романлари ўқувчи қўлига тегди.

Адабиёт тарихида шундай бўлган маълум бир улуслар ўз ёзувчиларини тарғиб этиб, уларга мукофотлар беришни уюштирганлар. Адабиётдан кўра сиёсат тарозининг посангисини босиб кетган. Бу анъана ҳозир ҳам давом этаётир десак, кимса эътироз билдирмаса керак. Нобель ўз заводларида порох ишлаб чиқарган. “Адабиёт бу каби уруш қуроллари ва урушнинг ўзига қарши эътиқод. Ёзувчи шу порохлар эвазига тўпланган пулни мукофот тарзида олиши керакми?” деганида Лев Толстой ҳам шуни назарда тутган бўлиши мумкин.

Лев Толстойнинг “Шекспир ва драма тўғрисида” мақоласидаги қуйидаги фикрларга диққатингизни тортмоқчиман. “Эсимда,

Шекспирни биринчи маротаба ўқиб чиққанымда жуда қаттиқ таажжубда қолган эдим. Мен уни ўқиб жуда катта эстетик завқ оламан деб ўйлагандим. Бироқ унинг энг яхши деб ҳисобланадиган: “Қирол Лир”, “Ромео ва Жульетта”, “Ҳамлет”, “Макбет”ларини биринкетин ўқиб чиқиб завқ олиш у ёқда турсин, қутулиб бўлмайдиган бир ижирғаниш ҳис этдим: ўқиб чиққунча сиқилиб кетдим ва ҳангу манг бўлиб қолдим: бутун маърифатли дунё бенуқсон, мукамал деб ҳисобласа-ю, мен бу асарларни тўғридан-тўғри бемаза ва арзимас деб ўтирсам? Нима бало, мен ақлдан озганманми? Ёхуд шу маърифатли дунё Шекспир асарларига хос деб ҳисоблайдиган тасниф маънисизми-кан? Нега энди бутун дунё томонидан доҳиёна бадий асарлар деб тан олинган Шекспир асарлари менга маъқул бўлиш у ёқда турсин, нафратимни қўзғатиб ўтирибди?”

Мен ҳам шундай бир воқеанинг шоҳиди бўлганман. Ессентукидаги санаториянинг ёзги клуби томошабинга лиқ тўла. Биз — ўзбекистонликлар ҳаяжонда. Боиси, классик ёзувчимиз романи асосида суратга олинган “Ўзбекфильм” маҳсулоти “Ўткан кунлар” номойиш этилмоқда. Хуллас, шундай ҳолат юз бердики, фильм бошланишидан ўн беш дақиқа сўнгра залда саккизта ўзбек қолдик...

Масаланинг моҳияти сизга маълумдир. Фильм — кино санъатининг олий талаблари даражасида ишланмаган. Томошабинни ушлаб турган драматизм, конфликт йўқ, зерикарли. Ҳар қандай зерикарли битик ёки саҳна асарининг санъатга алоқаси йўқдир. Биз бу каби хатоларимиздан хулоса чиқариб, уни тuzатмоқ йўлидан боришимиз керак.

Ундан ташқари инсоният маданиятининг

мулкига айланган эпик асарларни кино лентасига кўчириш юзда тўқсон фоиз муваффақиятсиз чиққан. Китобдаги сирли, сеҳрли олам ва руҳни саҳнага кўчиришнинг иложи йўқ. Буни амалга ошираман деган киночи китобнинг ўқувчи кўз ўнгида жонланган жозибали оламини чилпарчин қилиб юборади. Мана буни ўша “Ёлғизликнинг юз йили”ни кинолаштириш ҳақида гап кетганда эътироз билдирган Габриэль Гарсиа Маркес қандай изоҳлайди: “Ҳақиқатан ҳам пул учун ҳар нарсага тайёр бўлган, асарни қўшимчалар билан “бойитади”ган режиссёрлар, мутахассисларга доимо рад жавоб бериб келганман. Улар мени кўндириш учун бир, икки, ҳозирда уч миллион таклиф этишмоқда. Бироқ пуллар фикримни ўзгартира олмайди. Мен ўқувчилар китобдаги қаҳрамонларни қандай ҳавас қилса, шундайлигича мутолаа этишини истайман”.

Қолаверса, илгари кино санъат эди. Эндиликда у ҳам спортга ўхшаб бизнес ва рекламага айланиб кетди. Одамлар нотабиий бир спектакль ёки ур-сурдан иборат фильмдан кўра энг табиий спектакль — Эскижўва бозорини бирор соат айланишни маъқул кўриб қолдилар.

Бу лирик чекинишдан сўнг яна Лев Николаевич ва Софья Андреевна муносабатлари масаласига қайтсак. Мана, даҳо санъаткор умрининг эговига айланган рафиқасига ёзган сўнгги мактуби. “1910 йил 28 октябрь. Уйимни тарк этиб кетишим сени, албатта хафа қилади. Бундан афсусдаман. Аммо мени тушунгин, бошқа иложим йўқ. Уйқудаги ҳаётим чидаб бўлмас даражага етди.

Талай сабаблардан (Бу сен туфайли демоқчи. Н.Қ.) ташқари, гап шундаки, атрофимда очлик, қашшоқлик ҳукм суриб турган бир пайтда менинг тўқис ҳаёт кечиришим мумкин эмас. Шунинг учун мен бу ҳаётдан кечиб, бир хилват гўшада қолган умримни ўтказишга аҳд қилдим. Қаерда яшаётганимни билсанг ҳам сўроқлаб борма”.

Ниҳоят, кўзи очиқ ҳар бир инсон тасаввур этиб-этмаган он келади. Авлиёсифат Лев Николаевич 1910 йилнинг қаҳратон кунларининг бирида уйдан қочиб кетаётиб шамоллайди ва бир ғарибона темирйўл бекатида ҳақнинг раҳматига қовушади. Унинг сўнги васияти эса шундай эди: “Хотинимни ёнимга киритманглар!”

Бу хусусда фикр юритар эканман, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўзбек ёзувчиларининг юзда тўқсонини хотинлари еб тугатади” деган сўзи ёдга тушади. Буни Толстой кеч англаб етди. Унга Лев Толстойни мен Толстой қилдим деган, ўлими олдидан қизларига “Отангининг бошига мен етдим” дея қилмишини тан олган такаббур Софья Андреевна каби хоним эмас, буюк бир даҳога ўзини фидо ва бахшида эта биладиган мунис, меҳрибон, феъл-атворида хонимларга хос назокатга уйғунлашиб кетган ожизлик мужассам бўлган ўқимишли ва тарбия кўрган, қисқаси, Ойбек домланинг завжаси Зарифа Саидносирова каби аёл керак эди.

“Уйланишга ҳам худди ўлимга кўниккандай кўникиш керак, яъни бошқа ҳеч иложи қолмагач, уйланасан. Севганинга эмас, ҳисобкитобингга тўғри келадиган қизга уйланиш керак. Яъни... бўлажак хотиним яшашимга халақит бермайдими, менга ёрдамчи бўла

оладими, деган ҳисоб-китобларга кўра уйла-ниш керак”, дея изоҳ беради бу хусусда боши тошга тақиллаб теккач.

Бироқ Лев Толстойни этагига намоз ўқий-диган Толстой қилган асосий нарса – унинг доимо адолат ва халқ ёнида матонату жасорат билан турганлигидир. У халқнинг, оддий кишиларнинг оғир аҳволи ҳақида болалигида бирга униб-ўсган подшоҳ Александр Иккинчига тинмай хатлар ёзади.

Шу ўринда буюк мутафаккир Н.Г.Чернишевский, рус халқи ва Толстойга боғлиқ бир воқеани тарихчи сифатида сиз ила ўртоқлашмоқни лозим топдим.

Чоризим сиёсатига бўлган танқидий фикрлари учун Чернишевский сазойи қилинади. Сазойи қилинди дегани ўша пайт қонунга кўра осишга ҳукм қилинган одам ўн минглаб кишилар орасидан қўли орқага боғлиқ ҳолда дор остига олиб борилади. Бошига дор ҳалқаси солиниб, қандай олиб келинган бўлса яна шундай қилиб таҳқирланганча қайтариб олиб кетилади. Чернишевский Сенат майдонидаги дор остига уриб, турткиланиб келтирилади. Майдонни йигирма минг чоғли одам тўлдирган. “Айбдор” теварак-атрофга кўзлари жавдираб боқади. Бирор кишининг бу бедодликка нисбатан эътироз билдириб, бир оғиз сўзда бўлса-да ўзини ҳимоя этишини кутади. Кимсадан садо чиқмайди. Кимса миқ этмайди. Қайтишда ҳам шу аҳвол. “Эҳ, афсус, шу халқ учун бошимни кундага қўйган эканман-да!” деган экан мутафаккир Сенат майдонини тарк этаркан.

Бироқ бутун миллат этагига намоз ўқий-диган, бошига қилич келса-да адолатдан юз ўгирмайдиган бир буюк инсон ва санъаткор

бор эдики, у барча баробар сусмаганди. Бу ҳам бўлса инсоният виждонининг тимсоли — Лев Николаевич Толстой эди. “Чернишевскийга ноҳақ жазо берилгани учун халқ аза тутмоқда!” дея мурожаат этади Александр Иккинчига.

Муҳтарам дўстимиз Жовли муаллимнинг сўнги чоп этилган уч китобини мутолаа этар экансиз, мана шу каби фикрлар ақлу идрокинғизни банд этади. Ва охирги, “Шарқ” нашриётида чоп этилган “Фаройиб тақдирлар” китобида улусимизнинг Одил Ёқубов, Шукур Холмирзаев, Иброҳим Ғофуров, Сирожиддин Саййид, Салим Ашур ва Қўчқор Норқобил каби таниқли ойдинларининг ижодкор ҳамкасбимиз ҳақидаги илиқ сўзларини ўқийсиз.

Зотан, бу беш кунлик, қуш уйқуси каби фоний дунёда жигаримиз Жовли муаллимга хуш боқиб, кўнглини кўтарувчи икки оғиз дил сўзи айтмоқдан биз узанги йўлдош-қурдошлар шараф туюдирмиз.

Муаллим сўзи ҳақида. Бизда мактабларда, ўқитувчи, устозларга нисбатан ишлатиладиган мурожаат шаклидир бу. “Жиззах ҳақиқати” газетасида ишлаганимизда бу сўз оммалашиб кетганди. Кейин билсам қардош Озарбайжонда бу зиёлилар ўртасидаги худди Туркиядаги Эфендим сўзининг муқобили каби экан. Ўша бизга маълум бўлган Афанди сўзи грекча “Эфендос” сўзидан олинган бўлиб, зиёли киши маъносини англатар экан.

Озарбайжон телевидениясини томоша қилар эканман, бир тилчи академикнинг ўз президентлари Илҳом Алиевга “Илҳом муаллим” дея мурожаат этгани менга хуш ёқди. Шу оддий, самимий, қадрдон сўз шоҳ ва ватандош орасидаги чексиз инсоний яқинликнинг рамзи каби туюлди менга.

Билхосса, бош қаҳрамонимиз Жовли муаллимнинг қатор камчиликлари қаторида анча-бунча ижобий хислатлари бор. Мажлису йиғилишлардан қочиб, аллақачон узлатга чекинган, улоқни ололмаса-да ўзини чортоққа ураверадиган, кўпкаридан қолган тулпордек ўзини дуч келган чортоққа уравермайди. Адабиёт ва санъатнинг туб манфаатларидан узоқ, фитначи, маҳаллийчи гуруҳбозларга қўшилиб, таниш-билишчилик қилиб бирор нарса ёзмайди. Тўғрими, нотўғрими ўз фикрини айтади. Бирорта амалдор янглиш бир ишни қилинг деса, йўқ дейди. Ялтоқланиш, лаганбардорлик, сохтакорлик ва такаббурлик бор жойда ҳақиқий адабиёт ва санъат бўлмайди деб ўйлайди.

Унинг ўрта ва кейинги авлод шоиру носирлари ижодини таҳлил этиб ёзган мақолаларини ўқир эканман, ҳамкасб дўстларимизга нисбатан ишлатган “севимли” “истеъдодли”, “атоқли”, “таниқли”, “машҳур” каби анча-бунча ижодкор кўтариши қийин бўлган эпитетларни сахийларча улашиб юборгани эришдек туюлди. Камтарга камол, манманга завол деган нақлнинг тескари маънода ишлаётганини аллақачон англаб етган кўринади, ҳурматли муаллим. Албатта бу нарса ул кишининг самимий ва бағрикенглигидандир.

Хуллас, муаллимни аёвсиз танқид қилишда давом этсак... Иложи бўлмади. Танқидчилардан аламимни олиш учун Жовли муаллимни бир боплаб саваламоқчи эдим, чиқмади. Бир адабиётшуносимиз айтганидек, танқид қилсам ҳам, севиб танқид қилдим. Яна бошқа нима қилиш мумкин? Сиз ҳам бу болафеъл, дўлвор, содда ва самимий дўстимизга хуш боқинг!

Унинг энг катта хислати ёлғон гапирмайди ва бировга жабру зуғум қилмайди. (Боиси, ҳеч қачон раҳбар бўлиб ишламаган.) Танқиди ҳам ўзига ўхшаган беозор ва беғубор. Зотан, танқиддан ожизу қўрқоқлар чўчийди. Табиийки, сиз ожиз инсон ва ижодкор эмассиз. Ҳатто мардлигингиз тутиб кетиб ўзгаларнинг хато ва камчиликларини ҳам бўйнингизга оладиган жўмардсиз ва шу жўмардлигингизча қолинг.

Алалхусус, мана кўрдингиз. Тупканнинг тубида ўқиб-ёзиб, ҳеч кимнинг бошини қотирмай умргузаронлик қилаётган Жовли муаллимни роса мақтадим. Яхши одам эканлигининг биринчи белгиси — у мутлақо яроғсиз одам. Унда кишиларга озор берадиган, фисқу фужур, иғво гулханини ўт олдирадиган сўз яроғи йўқ. Ёмони эса доимо яроғланиб, ҳужуму ҳимояга шайланиб юради. Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбаримиз таъкидлаганларидек, бировни иғво қилмоқ ўз қардоши этини емоқ ила баробардир. Қолаверса, олтмиш ёшдан сўнг нуқсонлу камчиликлар, феъл-атвордаги қусурлар ҳам хислату фазилатга айланиб кетади, чамаси.

Ушбу ғарибона битикни ижозатингиз-ла яна бир самимий укамиз Сирожиддин Саййид муаллимнинг сатрлари ила тугатиб, яшасин Жовли Хушбоқ муаллим деб қоламиз.

*Жовдирар Жовли Хушбоқ,  
Дўстим, дунёга хуш боқ.  
Хуш боққину қалам сур,  
Қиличдан ҳам қалам зўр.*



19. СУИҚАСДАН СЎНГГИ СУКУТ  
ЁХУД РУЗВЕЛЪТ, ЖОН КЕННЕДИ ВА НИКОЛАС  
ЧАУШЕСКУ ҚИСМАТИЮ МУФТИДАН ПРЕЗИДЕНТ  
ЧИҚИШ-ЧИҚМАСЛИГИ ҲАҚИДА ПРЕЗИДЕНТ  
ИЛА ФИКРЛАШУВ

*Уларга хонлик керак, бизга эса Ватан!*  
Амир ТЕМУР

*Одамнинг улуғлиги бўйи  
билан ўлчанмаганидек, халқ-  
нинг улуғворлиги ҳам унинг  
сони билан ўлчанмайди. Ягона  
ўлчов, унинг ақлий камолоти ва  
ахлоқий баркамоллигидир.*

Виктор ГЮГО

*Ҳамиша қаҳрамонликча қолиш  
мумкин эмасдир, лекин ҳамиша  
инсон бўлиб қолиш мумкин.*

ГЁТЕ

Суҳбатларимиздан бирида Ислом ака муфти, СССР халқ депутаты Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳақида сўраб қолдилар.

— Сессияларда ёнма-ён қуюқ қангомалашиб ўтирибсизлар? — деди президент менга зимдан боқиб.

— У киши қавм ўлароқ бизга жамоат бўладилар. Қуръон таржимаси жараёнида бирга ишлашга тўғри келди. Иккитами, учта китобларини чоп этдик. Шундан буён салом-аликмиз, — бош раҳбарнинг саволини жавоблантирдим. — Диний ва дунёвий масалаларда фикрлашиб тураимиз.

— У киши яхши одамми? Ишонса бўладими? — деди Ислом Абдуғаниевич саволни такрорлаб.

— Менинг ўз шахсий эътиқодимга кўра бу дунёда ҳеч кимга юз фоиз ишониб бўлмайди. Ҳатто ўз ака-уқангизга ҳам. Бегоналарни қўя туринг. Дунёвий фикрловчи кишилар хусусида бирор-бир фикр айтишим мумкин. Бироқ дин кишилари, билхосса диний арбоблар ҳақида тугал фикр айтиш қийин. Қолаверса, улар Оллоҳ билан пайғамбардан бошқа ҳеч кимнинг айтганини қилмайдилар. Бироқ уларга тўғри муносабатда бўлинса, улар ишончини қозонилса, сидқу садоқатда қусур этмайдилар, — қийналганча ўз фикримни изоҳ этдим. — Менимча, у киши яхши инсон.

— Сиз доимо очиқ ва тўғри гапирасиз. Қани, айтинг-чи, шу яхши одамнинг камчилиги ҳам борми? — сўровда давом этди суҳбатдошим.

Мулоқот оҳангидан Президентнинг муфтий фаолиятидан норозилиги сезилиб турарди.

— Камчилик ҳаммада бор. У киши Ислом оламида тан олинган етук олимлардан биридир. Табиатан илмга берилган кишилар ташкилотчиликда бир оз оқсайдилар. Менимча, нуқсонлари шундан иборат бўлса керак. Муфтийликдан кўра у кишига диний ўқув юртининг раҳбарлиги маъқулроқдир. Барча динлар вакилларининг хатолари бир тарафламалик, воқеа ва ҳодисаларни фақат ўзларига мансуб эътиқод нуқтаи назаридан баҳолайдилар.

Муфти мақомидаги шахс маҳалланинг мулла ва имомидан фарқли ўлароқ фақат ўзи эътиқод қиладиган дин фалсафасини эмас, барча диний оқимларни, ҳатто атеизмни ҳам англаган, уни совуққонлик ила ҳазм эта олган ғоят кенг қамровли дунёқарашга соҳиб олим ва сиёсатчи бўлмоғи керак деган фикрдаман. Бир диннинг байроғини кўтариб чопиш — динсизликнинг туғини тутиб чопган кабидир.

— У кишининг бу лавозимга қандай келганини биласизми? — яна сўради Ислом ака.

— Эшитганим тўғри бўлса биламан.

— Айтинг-чи?

— Сиздан одинги бош раҳбар Рафиқ Нишонунинг Шароф Рашидов давридаги муфтий Зиёвуддин Бобохон билан ўзаро ҳисоб-китоби бўлган дейдилар. У республикага биринчи раҳбар этиб сайлангач, отасининг қасосини ўғли Шамсиддинхондан олиб, уни ҳозирги муфтий бошлиқ бир гуруҳ диндорлар митинг уюштириб ҳайдашган дейдилар.

— Тўғри, — деди Каримов ўйга толиб.

— Собиқ муфтий Шамсиддинхонни ишдан бўшатиш мумкин дир. Бироқ бу тарзда кетказиш янглиш д ир.

— Диний идорани Бухорога кўчиришни таклиф этаётганлар ҳам бўлмоқда. Бу масалага сиз қандай қарайсиз?

— Уларни Бухорога жўнатсангиз бориб, Бухоро республикасини тузишади, — жавоб қилдим кулиб.

Мендан бундай жавобни кутмаган Ислом ака бошда бир жиддий тортди-да, сўнгра кулди.

— Унда сизга бир топшириқ. Офайнингиз билан гаплашинг. Ўзини ҳар томонга урмасин. Жойларга бориб минг-мингаб халойиқни тўплаб митинглар ўтказишини бас қилсин. Бу одамларнинг орасидан чиқажак провакаторлар республикадаги вазиятни лойқалатиши мумкин. Яқинда у киши яна водий бўйлаб чиқиб, Марғилон ва Наманганда одамларни тўпламоқчи экан. Жўрабеков ёки Умрзоқов билан бирга бориб, кўз-қулоқ бўлиб турасизлар. У кишини телевизорга олиб чиқиб, суҳбатлар уюштиринг, — таъкидлади Ислом Абдуғаниевич.

Президент сўйлаганлари каби муфтий ҳаз-

ратларини кулбамизга даъват этиб, бир неча бор суҳбатлашдик. Бир даъватимизга қиблагоҳларини ҳам олиб келдилар. Яна бир ташрифларида мен ҳам падари бузрукворимизни чорладим. Муфтий ҳазратлари ўз ҳисобларидан отамизни ҳаж зиёратига даъват этдилар.

— Сиз Нуралижон билан ака-ука, дўст экансизлар. Телевизордаги суҳбатларингизни бутун халқ кўрди. Мен ҳажга борсам, бутун бахмалликлар янглиш англашади. Сиздан узр сўраб, ўз навбатим келганда борсам, — дедилар кутилмаганда бечора отам елкаларини қисиб.

Бундай жавобни бекламаган муфтий ҳазратлари ўрниларидан туриб, отамни бағриларига босдилар. Шунда отамни мажбурлаб бўлса-да ҳажга юбормаганимга ҳамон афсусармондаман. Қиблагоҳимга муқаддас тупроқлар зиёрати насиб этмади, омонатларини топширдилар. Каъбага бошимни қўйиб ёш тўкар эканман, кўз ўнгимда ўша суҳбат жонланар, бобом мулла Қобул ва Шаҳзода энам қаршимда тургандек эди.

Президент амирларига биноан водийга, Наманганга ҳам бордик. Муфтий ҳазрат вазиятнинг қалтислигини англаб режаланган учрашув ва йиғилишлардан воз кечди.

Вазият изга тушиб, Президент ва муфтий орасидаги муносабат илиқлашгандек эди. Эрталаб энди ишга келгандим. Ҳукумат телефонидан ёрдамчи мени Ислом Абдуганиевич ҳозироқ етиб келишимни тайинлаганини айтди.

Эшикни очишим билан хонада асабий равишда наридан бери юриб турган президентга кўзим тушди.

Саломлашдик. Ислом ака узун столнинг бошидаги курсига ўтирганча мени ҳам ўтиришга ишорат этди.

— Мана, ўқинг! Ўша, сиз айтган яхши одамнинг қилаётган иши! — деди стол устидаги “Независимая газета”ни олдимга суриб қўяркан.

Газетада муфтийнинг ўринбосари Зоҳид қори билан суҳбат эълон қилинганди.

— Муҳтарам муфтий жанобларини президентликка номзодликка қачон кўрсатасизлар? — сўрайди мухбир.

— Иншооллоҳ, яқинда, — жавоб беради муфтийнинг ўринбосари.

— Буни рақиблари, маҳаллийчи кучлар уюштиргандир, — дедим бу суҳбатдан ҳайратга тушиб.

— Сиз шундай деб ўйлашингиз мумкин. Бироқ мен бундай деб ўйламайман, — деди Ислом ака астойдил хафа бўлган оҳангда.

— Агар хабари бўлса жуда катта хатога йўл қўйган. У киши билан кўп суҳбатлашганмиз. Бундай фикр ақлимнинг учида ҳам йўқ эди. Ҳайронман, ҳозироқ бориб вазиятни ўрганишим мумкин.

— Майли. Билинг. Билиб менга қўнғироқ қилинг! — деди Президент ташвишли оҳангда, газетани олишга ишорат этиб.

Президент хонасидан чиқибоқ, ёрдамчининг телефонида диний бошқармага қўнғироқ қилдим.

— Муфтий ҳазратлари “Қибрай” санаториясидалар! — жавоб қилди гўшакни олган мулозим.

Машинага ўтириб “Қибрай” санаториясига йўл олдим.

Ёрдамчилари боришимни айтиб қўйган экан, мени ташвишли қиёфада қаршиладилар.

Саломлашгач, газетанинг суҳбат эълон қилинган саҳифасини очиб кўрсатдим.

— Бу суҳбатдан хабарим йўқ, — дедилар

жиддий оҳангда мақолани диққат билан ўқиб чиққач.

— Мен ҳам Ислом акага шундай дедим. Бироқ у киши бундай фикрда эмас. Бунга раҳбарга англантиб ҳам бўлмайди. Англашни ҳам истамайди, — дедим тушкун оҳангда.

— Ислом акага тушунтиринг. Мени бундай ниятим йўқ! Чақирсалар ўзларига ҳам бориб айтаман. Бу англашилмовчиликни тўғрилаймиз, гласность деб ҳар ким оғзига келганини гапирибу ёзиб ётганда Зоҳид қори ҳам ўзича бичиб-тўқиган. Мен у киши билан гаплашаман, — деди муфтий хайрлашар эканмиз.

Турумни юмшатиш, икки раҳбар орасидаги муносабатни илиқлаштириш учун яна бир неча бор телесуҳбат уюштирдик. Муфтий ҳазратлари Президент ва давлатимиз ҳақида чин дилдан дуолар қилди.

Бироқ муфтийлик лавозимида кўз тиккан бир неча маҳаллийчи қассобнусха кимсалар сувни лойқалатиш ва Президентни чалғитишни тўхтатмадилар.

Куз кунларининг кечки пайти эди. Уйимиз тўла меҳмон. Ўғлим Нурзод ташқарида муфтий бобо мени чақираётганини қулоғимга шипшиди. Ҳовлида ҳазратнинг машинаси турар, ўзлари орқа ўриндиқда ўтирар эдилар. “Булар мени тинч қўймайдиганга ўхшайдилар. Ишдан бўшаш ҳақида аризани ёзиб келдим ва сиздан бошқа кишига топширишни истамадим. Ўзингиз кимга лозим топсангиз элтиб беринг”, дедилар кабинада ўтириб гаплашар эканмиз.

Аризани керакли манзилга етказдим.

Бу орада яна кутилмаган воқеа юз берди. Муфтий ҳазратнинг уйига бомба ташлашибди. Президентнинг таълимоти билан Исмоил

Жўрабеков иккимиз тақсирнинг “Собир Раҳимов” кинотеатри ортидаги уйига етиб бордик.

Бомба ҳовлиниг ўртасига тушган, одам бўйидаги чуқурлик ҳосил бўлган эди. Уй айвонидаги ойналарнинг барчаси чил-парчин, ҳовлида хонадан соҳиби ва соҳибасидан бошқа кимса йўқ эди. Ҳазратдан кўнгил сўрадик.

— Бу провокацияни ким қилиши мумкин? — деди Жўрабеков.

— Буни бирор-бир провокатор қилган бўлса ҳам, одамлар бундай деб ўйламайди, — жавоб қилдим тўрт тарафга боқаётган ҳамроҳимнинг юзига қарамай.

— Одамлар нима деб ўйлайди?

— Давлат қилган деб ўйлайди!

— Давлат бунақа ишларни қилмайди, — деди Жўрабеков кескин ва мушоҳадасиз оҳангда сўзимга эътироз билдириб.

— Сиз шундай деб ўйлайсиз. Бу хусусда ҳар кишининг ўз фикри бор. Бироқ ҳозир бу ҳақда нима десак ҳам халқ бизга ишонмайди.

Мен билан баҳслашиш бефойдалигини англаган Жўрабеков асабийлашганча наридан-бери юра бошлади. Унинг узоқлашганидан фойдаланиб, Муҳаммад Содиқ билан четроққа чиқдик.

— Мени ички ишлар вазирлигига терговга чақириб, эрталабдан кечгача куттиришмоқда. Тинч қўйишмайди шекилли, — деди собиқ муфтий тушкун ва ғамгин оҳангда.

— Сўнг кўрганингиз шу бўлсин. Ҳаммаси изга тушиб кетар, — дедим тилимга бошқа калима келмай. — Мен бу воқеа ва Алматовнинг сўроғи ҳақидаги фикримни тепага етказаман. Бардам бўлинг. Сиз тергов қилиниб, жазоланадиган шунчаки бир киши эмассиз. Бунга кимса журъат эта олмайди. Сўнгги чора балки ҳижрат йўлидир. Булар сизни шунга мажбур қилмоқ

учун ҳам ушбу усулни қўллаётган бўлишлари мумкин. Уларнинг сўзларига ишониб орага тушганлигим ва сизга кўмак эта олмаганим учун мени кечиринг!

— Астаффируллоҳ! Нега узр сўрайсиз! Сиз ҳеч қачон холислик деворини бузмадингиз! Шунинг учун ҳам аризани сизга элтиб берган эдим. Бироқ эҳтиёт бўлинг! Менга кўз тикканлар сизга ҳам ҳужум бошлаганлар. Сайлов округингиз Бувайдадаги жоме масжиди қурилиши бошландими? — сўради суҳбатдошим мавзуни бошқа томонга буриб.

— Битай деб қолди!

— Мен Чилонзорда бошлаган масжид қурилиши чала қоладиган бўлди-да. Оллоҳдан умид кесилмас!..

— Суҳбатимиздан хавотирланган Жўрабеков хатарни сезиб, сергак тортганича қошларини чимириб ёнимизга келди ва хонадон соҳиби билан хайрлашди.

— Воқеа тафсилотини ва бўлиб ўтган гапларни Ислом акага етказинг. Терговчилар у кишини тинч қўйиши керак. Ҳар куни сўроққа чақирилиб, таҳқир ва сазойи этилаётган кишининг уйига ким бомба ташлайди? Мен борсам Ислом акага шу гапларни айтишим мумкин ва бу фикр у кишига маъқул келмаслиги аниқ. Раҳбарга қандай фикр маъқул келишини сиз яхши биласиз. Бу ишларга аралашганимдан жуда афсусдаман, — дея йўлдошимнинг машинасидан тушиб қолдим.

Шайх ҳазратларининг айтганлари келди. Ўзлари ҳижрат этмоқ мажбуриятида қолдилар. Ул зотнинг ҳимоячиси сифатида мен ҳам ватанда ярим ҳижрат кўйига тушдим.

Мен сизга бугунги кунда шоҳу гадой, кимлигидан қатъий назар ўқувчи ҳазм қила



олиши мумкин, шоҳиди бўлганим воқеалар тафсилотини сўйладим.

Вақти замони етса, имкон туғилса ва Яратган жонга омон берса, миллат билиши керак бўлган бошқа ҳақиқатларни ҳам қаламга оларман. Турмушу вазият тақозо этмаса, қолган гаплар мен билан бирга кетади. Бироқ русларда “Народ не видит, но чувствует” деган отасўзи бор. Мен айтмасам-да, халқимиз орасидаги асил инсонлар қайси ирмоқларнинг қай бир дарёларга қўшилишини яхши биладилар. Қолаверса, жавоби аниқ саволларга жавобу изоҳ берилмайди.

Шундай воқеа ва ҳодисалар бўладики, вақту замон тасарруфи, нобоп сиёсий иқлим, сиёсий ва инсоний назокат, эл-юртнинг шаъни шарафини ўйлаб ошкор этмайдилар. Ёки фурсати кечгач маълум қиладилар.

Америка кўшма штатларининг барча президентлари марҳум ва машҳур президент Франклин Делано Рузвельтнинг қизини қабул қилмай, ундан ўзларини олиб қочадилар.

Демократлигига борган ва виждони қийналган Жон Кеннеди бундай қила олмайди ва Женевада Рузвельт хонимни қабул қилади.

– Барча президентларга маълум, отамни ўлдиришган. Буни сиз ҳам биласиз. Нега бу воқеани халққа билдирмай яширасизлар? – дея ўз дардини айтади марҳум президентнинг қизи. – Ҳамма бу суиқасд ҳақида сукут сақлайди.

– Тўғри, ҳамма президентлар билар эдилар, мен ҳам биламан. Халқ ҳам шундай фикрда бўлса керак. Хўш, шундай экан, бу номуссизларча қилинган қотилликни бутун дунёга эълон этиб, Америка халқини яна бир бор шарманда этмоқдан не фойда? Агар даъвогар сифатида сиз буни жуда истасангиз, мен розиман, – жавоб қилди президент Кеннеди.

— Унда ўзингиз биласиз... — деди Рузвельт хоним тарвузи қўлтиғидан тушиб.

Қисмату қадарни қарангки, салафи Рузвельтнинг суиқасди билан шуғулланган Жон Кеннедининг ўзи ҳам хоинона суиқасдга қурбон кетди ва унинг ҳам ҳақиқий қотиллари ҳамон ошкор этилмади.

Ҳали-ҳануз бу даҳшатли қотиллик ҳақида сукут сақлайдилар.

Габриел Гарсиа Маркес “Ошкора қотиллик қиссаси”да қайд этганидек Сантьяго Насарга суиқасд уюштирилажагини деярли кўпчилик билар эди. Бироқ попу полициячи, қассобу дўкончидан тортиб барча бирдек сукут сақларди.

Бу сукут суиқасди Сантьяго Насарнинг жонига мол бўлишини ҳамма билар, барча лоқайд томошабинга айланганча, унинг қон қақшашини беклар эди.

Ниҳоят, лоқайд суиқасдчилар кутган фожиали фалокат содир бўлди. Уни ўлдирган ака-укаларни полиция олиб кетди.

Бироқ бу фожиа юз беришини билган ва бу ҳақида полицияга хабар бермаган сукут суиқасдчилари эса ҳамон сукут сақлашар, гўёки ҳеч нима бўлмагандек, ички ичиб, воқеа тафсилотини муҳокама этишарди.

Бу энди суиқасддан сўнгги сукут эди...

“Буюк Турон амири” романида бош қаҳрамон Амир Темур юрт эрки ва озодлиги йўлида ўзига эргашиб қўриқлаётган сафдошларига мурожаат этароқ, шундай дейди:

— Уларга хонлик керак! Бизга эса Ватан! Ватанга эга бўлсак, ҳамма нарсага эга чиқамиз!

Ватанга эга чиқмоқ учун эса, энг аввало, ватаний ахлоққа соҳиб бўлмоқ керакдир. Ватаний ахлоққа соҳиб бўлмоқлик йўли эса адли-адолат, ҳақу ҳақиқат дарасидан кечади.

Куч бирликда, қудрат адолатдадир, деган сўзни тўраю тузугига айлантирганда Буюк Темур ҳам шуни назарда тутган. Адолатсиз кишининг эса халқпарвар ва миллатсевар бўлиши тегирмонга челак билан сув ташигандек тирикчиликдир.

Ватанни севмоқ иймондандир, деган Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ҳам бизга шу эътиқоддан сабоқ беради. Боиси, имонсиз кимса ватан нари турсин, одамлар, ҳатто ўз авлодини ҳам сева олмайди.

Асрлар, балки эралар давомида динлар қонун-қоидалари асосида яшаб келган давлатлар ва мамлакатлар охир-оқибатда дунёвий, лойиқ (светское) тузум асосида яшалмаса ўсишу ривожланишга эришиб бўлмаслигини англайдилар. Лойиқ давлатчилик сиёсатига ўтган ва уни муваффақиятли ривожлантира билган мамлакатлар тараққиётнинг катта йўлига тушиб олганликларига анча бўлди.

Қўшнилари атом бомбасини яратиш устида ишлаётган бўлсалар бизнинг ислом мамлакатларида идданинг неча кунлиги ёки таяммум ҳақида баҳслашадилар. Ёки омин қилиб юзга фотиҳа тортганда эл ва панжаларнинг қандай туришини таллашиб-тортишадилар.

Саводлилик, саводсизлик ҳар қандай руҳоний президент ёки бошқа раҳбарларга ақл ўргатмоқ жаддида бўлади. Қўйиб берсангиз президентлик эмас, халифаликни даъво қилади.

Шундай экан, ҳар қандай давлатда дин сиёсатдан айри туриши мақсадга мувофиқдир. Диний қонун-қоидалар, тартиб-интизом ўнгга чиқдими, тамом. Конституция, давлат тўра ва тузугини қабул қилмоқ ҳамда унга амал этмоққа эҳтиёж қолмайди.

Истайсизми, истамайсизми бундай давлат

тузумига амал қилиш ўрта аср ҳаёт тарзига қайтиш демакдир.

Бундай олиб қарасангиз яҳудийлардан-да диндор ва анъаналарига содиқ халқ йўқ. Бироқ бу муҳофазакорлик ҳеч қачон халқнинг ривожига ва тараққиётига халақит бериб, тўсқинлик қилмаган. Шунинг учун ҳам очигу пинҳона бўлсин, мудом дунёни ана шу улус вакиллари бошқарадилар.

Дунёвий, лойиқ фикрлагувчи раҳбар ва сиёсий кучлар ашаддий радикал ҳамда мўтадил диндорларни тўғри тушуниб, улар билан лозим бўлган оҳангда қўнишмоқни билладилар. Бироқ руҳонийларнинг авлиёси ҳам масалага кенг дунёқараш, дунёвий фалсафалар мантиғини ҳисобга олган ва тушунган ҳолда ёндаша билмайдилар.

Шундай экан, ҳаққа хизмат қилишга бел боғлаган патриарху раввин, будда роҳибую имомнинг давлат ва ҳукуматни бошқариш даъвоси янглиш ишдир. Буни англаб етган руҳонийлар борлигини инкор этмаслигимиз кераклигини ҳам алоҳида таъкидламоқ лозим. Бироқ ундайлар, айниқса, мусулмонлар орасида жуда озчиликни ташкил этади. Бизнинг диний арбобларимиз сиз билан куни кеча Худо ёки пайғамбарнинг қабулидан чиқиб келгандек гаплашадилар.

Эйнштейннинг закоси Хиросимага қадар олиб келди деганларидек, техника ёки иқтисод бўйича академик, қуёнчилик бобида укадемик ёхуд илоҳиёт бобида шайх бўлиш билан киши асл ва катта сиёсатчи ва донишманд бўлиб қолмайди.

Сиёсат фалсафасини англаган, унинг буюк бир санъат эканлигининг фарқига етган шайхларгина бу борада олий натижага эри-

шишиб, адолатли ҳукмдорлик васфига соҳиб бўлишлари мумкин.

Бироқ сиз сиёсатни танлайсизми ёки сиёсат, вазият, давру даврон сизни танлайдими, буни катта қонуният эмас, тасодиф, мавжуд туруму иқлим ҳал этади. Башар Асад ёки Қурбонқули Бердимухамедов каби кўз ёки тиш табиби бўлсангиз ҳам давлату ҳокимият омуракиннинг бўйинтуруғи бўйнингизга тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

Ҳамма гап, бу кўпкарининг охири хайрли тугашида.

Санъат асари куйми, қўшиқми, у ҳақиқий бўлса қай миллатга мансублигидан қатъи назар маънавиятни англаган кишига ёқади. Мен илк бор Переделкинодаги Бутунроссия патриархининг черковида хор бўлиб айтиладиган қўшиқни тингладим ва ғоят таъсирландим.

Бу мусиқали учрашув патриарх Пимен билан бўлган мулоқотга уланиб кетди. Бизнинг бош кийимимизни олганча черковга кириб мусиқа тинглаётганимизни кўрган патриарх ғоят ҳурмат ва эҳтиром билдириб олдимизга келди ҳамда суҳбатлашмоқ учун хонасига таклиф этди.

Биз черковни томоша қилиб, севимли ёзувчимиз Константин Паустовскийнинг қабрини зиёрат этгани келганимизни айтдик. Патриарх ҳазратлари ғоят мамнун бўлиб биз билан Паустовский, Толстой, Достоевский ва Чехов асарлари ҳақида фикримизни сўраб, ўз қарашларини баён этди. Ғарбнинг кечмиш буюк рассомлари ҳақида гурунглашдик. Патриархнинг Яссавий, Навоий ва Жомийни билишини эшитиб ҳайратландик. Шунда у кишининг “Биз бир мамлакатнинг фидоийларимиз. Мен рус маданиятини билиб

туриб қардош халқларникини билмасам, бу ҳурматсизлик ва маданиятсизликдир” деганини ёзиб қўйган эканман.

Аммо мен шу пайтгача Толстой ва Достоевский, Чехов ва Солженицинни ўқиган мусулмон дин арбобини учратмадим. Мободо бундай кишилар бўлсаю, мен билмасам, узр тилайман. Бу фикримдан яхши адабиётчи дўстимиз ва қардошимиз марҳум Анваржон Турсунов мустаснодирлар.

Бу воқеа яна бошқа бир дўстимизнинг ҳикоясини эсимга солди.

— Биз тўрт нафар туркиялик талаба Лондонда ўқир эдик, — дея ҳикоя қилган эди Абдулла Гул. — Тўртовимиз ҳам ибодат қилишимиз керак. Бироқ ётоқхонада бунга имкон йўқ. Хонамиз ёки бошқа бирор жойда намоз ўқишга чўчиймиз. Охири ўйлаб-ўйлаб Буюк Британиянинг бош руҳонийси қабулига кирдик. У киши бизни ғоят илиқ қаршилаб, арзимизни тинглади ва ибодат қилишимиз учун ўзининг хос хонасини ажратиб берди. Қачон истасак намозимизни шу ерда ўқишимиз мумкинлигини тайинлади.

Демак, масала дин ва динларда эмас, уларга қай тарзда ёндашгану талқин этган инсонлар ҳамда уларнинг инсонийлигию бағрикенглигида.

Сиёсий ақл-идрокка соҳиб бўлмоқ, сиёсий ахлоққа амал қилган ҳолда сиёсий маданият талаблари даражасида фаолият юритмоқ ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун, энг аввало, киши шахсиятида мукамалликка яқин ватаний ахлоқ ва инсонийлик истеъдоди камол топган бўлиши керак. Бу эса кишидан чуқур билим, теран тафаккур, инсоний ва шоҳона бағрикенглик, юксак одамшавандаликни талаб этади.

Биз қай бир динга мансуб бўлмайлик ёки бошқа бир эътиқодни таржиҳ этмайлик, барчамиз учун адолат, ватан ва миллат тушунчаси, ҳис-туйғуси муқаддасу илоҳийдир. Ана шу эътиқодларсиз биз ҳеч ким эмасмиз. Тирик, кўзи очиқ тупроқмиз. Қандай яратиклигидан қатъи назар, даму дақиқа етгач, тана тупроғи она тупроққа қўшилиб кетажакдир.

Шоҳугадой, ким бўлмасин, охират остонасига қадам қўяди. Бироқ бу қайтиш Руминияни узоқ йиллар бошқариб ашаддий диктаторга айланиб, хотини билан бирга судсиз, сўроқсиз отиб ташланган Николае Чаушескуники каби бўлмаслиги керак. Бу фожиа уларни отганларга эмас, аввало отилганларнинг ўзларига боғлиқдир.

Бироқ...

*Миллат кўзини мудом,  
Хурриятдан тўсганлар.  
Етим ҳақини ебон,  
Арпа бўйи ўсганлар.*

*Ҳақ-ҳақиқат деганда,  
Удағайлаб қусганлар.  
Сохта шараф отида,  
Қуюн каби эсганлар.*

*Золим зулми ўнгида,  
Мисли шайтон сусганлар.  
Нодира, Машраб, Ҳозиқ,  
Қодирийни осганлар.*

*Сўнг интиқом онида,  
Еганини қусганлар.  
Ота мавҳум, энасин,  
Кўкрагини кесганлар.*

*Тупроқни Ватан этар,  
Бағрин тошга босганлар.  
Байроқни мангу тутар,  
Юртим деб қон қусганлар.*

## 20. АДОЛАТНИНГ СЎНГ МАНЗИЛИ ЁХУД САОДАТГА САЗОВОР ЭТМОҚ САНЪАТИ

*Тил кесмоқ йўқ, бош кесмоқ бор.  
Отасўзи*

*Вазият кишиларни бошқаради,  
кишилар вазиятни эмас.*

**ГЕРОДОТ**

---

*Одамларни бахт-саодатга са-  
зovor эta билмоқ салоҳиятига  
соҳиб кишиларгина раҳбар бўл-  
моқликлари керак.*

**ФАРОВИЙ**

*Халқлар шахсларни бошқара  
олмайдилар. Бироқ шахслар  
халқларни бошқара биладилар.*

**ШЕКСПИР**

...Мисрни фатҳ этган Усмонли Ёвуз султон Салим Шом орқали бошкент Истанбулга қайтаётган эди. Султон мулозимларга амр берди.

— Улуғ олим, муҳтарам қози аскаримиз Камолиддин пошшони ҳамон ҳузуримга чорлангиз! Истанбулга қадар суҳбатларидан баҳраманд бўлиб кетайлик!

Камолиддин пошшо етиб келиб, йўловчилар сафига қўшилди. Йўлда кетаркан, олим отининг оёғи бир чуқур кўлмакка тушиб кетди.



Султоннинг шоҳона тўни балчиқдан сачраган лойқа бўтанадан булғанади.

Мулозимлар мулзам. Олимнинг ўзи ҳам хижолатда. Барча қўрқув ва хавотирда бош эгиб, султоннинг бўғзидан чиқажак сўзни беклайди.

— Бир олим отининг туёғидан уст-бошимга сачраган балчиқдан шараф туядурман! Ушбу чопонни олиб қўйинг ва қазо қадарим етганда тобутим устига ёпинг! — дея тўнини ечиб, мулозимга узатди подшоҳ.

...Вақти соати етиб, Ёвуз султон Салим ҳақнинг раҳматига қовушганида ушбу чопонни тобути устига ёпадилар...

Қутлуғ ва шарафли ватанимиз азизу мукаррам халқимиз буюк тарихий воқеаларни бошдан кечириб, янада улуғ, шавкатли, порлоқ бир келажак қаршисида турибди.

Зотан, миллат, дунё аталмиш бул рўйи заминда мавжудлиги билан эмас, нималарга қодирлиги, интилаётган ҳадафи ва бу йўлда қандай курашаётганлиги билан эл-улус, халқдир.

Миллат ўлароқ шаклланган улусларда ушбу жараён нисбатан осон кечса, бу йўлда заҳмат чекаётган, асрлар давомида шаъни шарафи, гурур ва ифтихори топталиб, миллий менлиги синдирилган элларда секинроқ, оғриқли кечади.

Айниқса, бу менликнинг юзага чиқиши, шу халқ орасида пайдо бўлган, ўз юрти ва халқининг туб, катта, асл манфаатларидан айри тушган ноқобилу ноқодирлар томонидан амалга оширилса, икки карра янглиш ва фожиалидир.

Ўтмишсиз бугун, бугунсиз келажакни тасаввур этмоқ қийин. Кечмишнинг хайрли ишларию хатоларини тафтиш этмасдан, сабоқ

олмасдан, бугуннинг масъулиятли ишларига ёндашиб, келажакнинг улуғвор режаларини тузиб, белгилаб бўлмайди. Кечмиш, бирор-бир шахс ва тузумни оқлаш ёки қорлаш, бўрттириб сохталаштириш ёхуд лой чаплаш учун эмас, сабоқ олмоқ, сиёсату иқтисодда тўғри йўлни топмоқ, улус дардига ташхис қўйиб, ярасига малҳам бўлмоқ учун ўрганилади. Халқ тили билан айтганда, ҳар бир ишнинг ниҳояси, интиҳосида ҳақиқат сўйланади.

Ёруғ очуннинг ҳеч бир миллат, қавм ва қабиласи ҳаёти не тарзда кечмасин, ўз тарихидан юз ўгирмайди, воз кечмайди. Биз, дунёнинг санокли халқ ва мамлакатлари бошдан кечирган социализм, ривожланган социализм ва коммунизмнинг илк босқичи дея таъриф берилган даврларни бошдан кечирдик. Биз кўрган бу тузум ва тартибларни ўзга элу элатлар тасаввур ҳам эта олмаслар балки.

Боиси, минг эшитгандан бир кўрган, бир мусибат, минг насиҳатдан афзалдир. Шу боис бекорга, чинлилар худо сени реформалар замонида яшамоқдан сақласин, демайдилар. Буни халқимиз “орзуйинг ҳачир, тақиминг от кўрмас” дейди.

Бироқ бу ҳам жуда катта тажриба, таҳлил этилиши, диққат-ла ўрганилиши, дарс олиниши керак бўлган тарихий бир даврдир. Кечмиш сабоқларидан аниқ дарс олган, тўғри хулоса чиқара билган элларгина келажакнинг ойдин йўлига туша олишлари ҳамда бу қутлуғ йўлчиликда адашмасликлари мумкин.

Улуғ, буюк ишларни амалга оширмоқ, ҳеч қачон осон, санчиқсиз ва оғриқсиз кечмаган. Ҳар доим миллати ва мамлакати келажакнинг ёрқин уфқини кўрмаган, кўра олмаган ки-

шилару гуруҳлар, ғайримиллий кучлар, ша-  
рафсизу ҳасадчиларнинг қаршилигига учраган.

Бу нарса, энг аввало, улуғ бобомиз Фаро-  
бий таъкидлаганидек, шу халқ бошида турган,  
унинг умиду армонларига қаноту равог бўла  
оладиган раҳбарга боғлиқ. Қаранг, бу ҳолатга  
чин файласуфи Лао Цзи қандай изоҳ бера-  
ди. “Буюк тўғрилиқ буюк эгриликка, буюк  
заковат, буюк аҳмоқликка ўхшайди. Буюк  
донишмандлар ҳукмронлик қилган юртда фу-  
қаролар уларнинг борлигини сезишмайди.  
Қаердаки ўртамиёна донишмандлар ҳоким  
бўлса, омма уларга қаттиқ боғланади ва уларни  
шарафлайди. Қайдаки пастроқ донишманд-  
лар ҳукмронлик қилишса, халқ улардан  
қўрқади. Нодонлар ҳоким бўлган жойда эса  
халқ улардан ҳазар қилади”.

Республикамиздаги бугунги ижтимоий-  
сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий ва ҳу-  
қуқий иқлим ана шу энг юксак умуминсоний  
тамойилларга амал қилиниши мумкинлиги-  
дан дарак бермоқда. Советлар бирлиги парчала-  
ниб, жумҳуриятлар ўз мустақиллик йўлларига  
кирган тўқсонинчи йиллар бошида шу ҳис-  
туйғуларни ҳис этган эдик.

Сиёсатда сўз айтмоқ ва бу сўзда собит  
туриб уни амалга ошира билмоқ ҳар қандай  
раҳбарнинг қўлидан келадиган, ҳаётининг асл  
мазмунига айланажак осон иш эмас. Уйдаги  
гап кўчага тўғри келмайди, деганларидек,  
гоҳида тўрт нафар болаю саккиз нафар ўзини  
билмас хешу ақрабони йўлга солмоқ ҳам  
муаммога айланган интернет асрида ўттиз  
икки миллионли бир давлату мамлакатни  
бошқариш, шу заҳматкаш халқимиз ватандо-  
ши ҳисобланган академикдан тортиб чўпонгача  
ризо этмоқнинг ўзи бўлмайди.

Зеро, давлат ва ҳукумат бошида турган шахсинг меҳр-мурувватини, ҳиммату марҳаматини қайд этганимиз ўша чўпону академиккача ҳис этмоғи керакдир. Шундагина, олий даражадаги раҳбар, ҳақиқий улус ўтоғоси, миллат йўлбошчисига айланади.

Шарафли кечмишимизда юртимизни бошқарган кишиларни хоқон, қоон, хон, султон, подшоҳ каби атамалари-ла атаганмиз. Дунёвий, лойиқ (светское) давлатчилик сиёсатини амалга оширар эканмиз, отабоболаримиздан қолган “подшоҳлар узоқдан меҳри ила илитадилар, яқиндан эса ёндириб юборадилар”, “хон ургандан худо ургани маъқул” деган гаплар ҳам ўз кучини йўқотгандай.

Ўзгарувчи замон талаблари нуқтаи назаридан боққанда ҳукмдорнинг энг биринчи, энг олижаноб фазилати жазолаш эмас, бағрикенглик, афву кечирим дарвозасини доимо очиқ тутмоқлик, ҳатто ўзига хайрихоҳ бўлмаган одамларга ҳам кин, кек сақламасликдир. Боиси, кин ортидан кибр ва нафрат эргашади.

Қай бир киши ёки улус бошқа бир кишига, улусга нисбатан қалбида кек ва нафрат сақладими, сўзсиз бу ғазабу нафрат охиروқибат ўзига уриб, уни харобу разил этади.

Шундай экан, бир-биримиздан фариштаю авлиё ясамоқнинг ҳожати йўқдир. Бир кишини кўкка кўтариб байроқ қилиб бўлмаганидек, бошқа ватандошни айириб, ёмонотлиққа чиқариш ҳам инсофдан эмас. Боиси, ер айирган нон ер, эл айирган лой ер дейдилар. Ер майдонини айириб, экин-тикин қилган одамнинг бири икки бўлади. Эл орасига усумат солиб, уни бўлганлар сўнгида ер чизиб ёки ер тишлаб қоладилар, демакдир. Ўтган асрнинг

тўқсонинчи йиллар бошида бир гуруҳ туппатузук ижодкор ҳамкасбларимиз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасини бўлишга интиланлари каби.

Подшонинг подшолиги ҳам ана шунда. Ҳар қандай таъқибу тазйиқ, жазою чора, хоҳ маънавий, хоҳ моддий, хоҳ жисмоний бўлсин, улус кўнглида худди яра каби қора доғи қолади.

Меҳр-мурувват, ҳиммату марҳамат, самимияту садоқат нури эса ўқик дилларни ёритиб, қалбларни эритади. Бундай асил инсонлар одамлар кўнглида тахт қурадилар. Зотан, Каъба инсон қалбидадир. Бир ўқик қалбни, синиқ дилли киши кўнглини олмоқ — Каъбани обод этмоқдан-да савоблидир.

Бундан етти аср бурун қалб қасрининг султони бўлмоқ, кўнгилларни фатҳ этиб, умаролари дилига тахт қурмоқ буюк жаҳонгир Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларига насиб этган эди. Бу юксак шараф, шавкатли тақдир, бу шонли қисмат катта-кичик барчамизга ўрнак ва сабоқ ўлмоғи жоиздир.

Кейинги бир неча ўн йилликлар мобайнида элимиз бошида турган Усмон Юсупов, Амин Ниёзов, Собир Камолов, Нуриддин Муҳиддинов, Шароф Рашидов, Иномжон Усмонхўжаев, Рафиқ Нишонов ва Ислоҳ Каримовларнинг қисмату қадарлари ўзини билган, халқини таниган кишилар учун тадқиқ этилиши лозим бўлган буюк бир мактабдир.

Кечмиш тарихий шахсларнинг улус учун қилган хайрли ижобий ишлари баробарида хато ва нуқсонлари айтилганда хешу ақраболари, улар ортидан бири икки бўлиб, матлабу мартабага эришган гуруҳлар шовқин кўтариб, қиёматни қўпормасликлари керак. Беайб парвардигор.

Бу камчиликлар уларни қоралаб ерга урмоқ учун эмас, балки бугунги ва келажакдаги раҳбарлар шу хатоларни такрорламасликлари, авлодларга сабоқ бўлмоғи учун айтилади.

Қолаверса, биздаги янглиш диний таълимот ва шўро давридан қолган даҳо яшаш анъанаси бўйича раҳбарларнинг кўзи очиқ экан, нуқсонларини айтиб бўлмас эди.

Кишининг ҳаётлигидаги баҳо нисбийдир. Шоҳми, гадоми — ким бўлмасин, асл баҳо устига тупроқ тортилганидан сўнг берилиши ҳақида сўйлаб ўтдик.

Мутафаккир Абдурауф Фитратнинг битиги бор. Бир қурултойда юзга яқин ёш-ялангнинг товоқ кўтариб, дошқозондан сузилаётган ошга навбатда турганини кўрган олим: “Қани эди миллатимиз ёшлари ватанга хизмат этмоқ учун ҳам шундай навбатга тизилсалар эди”, дея орзу этган экан.

Фитрат домла нима демоқчи бўлганлигини англадингиз, албатта. У чойхона ва ошхона миллати эмас, аввал ватанимизни, сўнгра дунёни кашф этайлик, деган орзу-умидда ушбу сўзларни сўйлагандир.

Бугунги кунда Туркистон туркчаси, яъни турк тилининг ўзбек лаҳжасида қўнишувчи миллатдошларимизнинг жаҳондаги ягона давлати — Ўзбекистондир. Шундай экан, ота юртдан ўзга ўлкаларда яшовчи ватандошларимизнинг тарих, она тили ва адабиётининг ўқиб ўрганишлари бу борада олий таълим олишларига (жумладан, бошқа соҳаларда ҳам) кўмак этмоқ, бизнинг миллий, маънавий бурчимиз деб ўйлайман. Шуни ҳисобга олган ҳолда тегишли олий ўқув юртларида хорижий ватандош талабалар

учун ҳисса (квота) айрилса мақсадга мувофиқ бўлармиди?

Табиийки, бундан иқтисодимизга ҳам фойда келади.

Шу ўринда яна бир фикр. Ҳар йили Қозоғистонга 2,5 миллион, бизга эса 1,2 миллион нафар хорижий саёҳатчи келар экан. Бу – саёҳларга яратилажак шарт-шароит, масрафлар билан боғлиқ ишда қулайликлар келтириш билан боғлиқдир. Кўксаройу Бўстонсарой, (Кўксаройда Амир Темур ҳарами ва маъмурлар яшаган. Бўстонсаройда эса салтанат вазирлари яшаган) Оқсаройу Бибихоним масжид-мадрасалари тикланса. Ҳозирги Бибихоним мадрасаси дея аталадигани Темур мадрасасидир. Бибихоним масжид-мадрасаси унинг қаршисида, ҳозирги Сароймулкхоним мақбараси устида бўлган ва Бухоро хони Убайдуллохоннинг хос фармони билан бузилган. Худди Самарқанд ҳокими Ҳожибек Дўрмон оталиқнинг амри билан Улуғбек расадхонаси бузилиб, гишталари Қорадарёдаги Шод Мулк кўпригига ишлатилгани каби. Киевда минг йиллик княгиня Ольга монастри ва Москвада Қутқарувчи Исо ибодатхоналарининг қайта тикланганини яхши биласиз. Шунингдек, Қўқондаги хон ўрдасининг бузиб ташланган ҳарам бўлимини қайта тиклаш ҳам миллий ва маънавий бурчимиздир.

Олам олимлари ўқиб, ўрганиб, ядрони кашф этиб, атомни парчаламоқдалар. Биздаги айрим ватан ва миллатнинг асл буюк мақсадларидан йироқ “ақллилар” эса орамизда туриб, халқимизни парчаламоқчи бўладилар.

Ҳажга бориш учун рўйхатларни тўлдирган ҳожи ва ҳожиликка номзод ватандошларимизнинг ўз маҳалла ҳамда қиш-

лоқларидаги шудгорга айланган кўчаларни обод қилишга, тоза ичимлик суви олиб келиш ёки эскириб кетган электр тармоқларини янгилаш ишига бош қўшишларини орзу этардим. Бухоролик бир фидойи ватандошимиз кўприк қургани, Самарқанд туманида яна бир юртдошимизнинг бир километрлик йўлни асфальт қилиб берганининг савобини ўлчайдиган ҳакам борми?

Бойлик бор жойда илм бўлмас, илм бор жойда бойлик бўлмас, деган гап бор. Ўшал миллионлару миллардер ватандошларимизнинг илм-фан, адабиёту санъат, маънавияту маърифатга қиё боқмаётганларини кўриб, космосу интернет асрида ҳам бу гап ўз кучини йўқотмас экан-да, дея ўйлайсиз.

Амир Темуру Улуғбек, Навоюю Бойқаро замонларида ҳам дасти узун кишилар Қуръони карим, Бухорий ҳадислари, Замахшарийнинг “Ал кашшоф”, “Нотиқлик асослари”, “Яхшилар баҳори”, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”си ва бошқа дунёвий илмларга оид китобларни кўчиртириб, мадраса ва дорилфунунларга етказиб турганлар. Бизнинг жаҳонда таниқли номдор ватандошларимиз Темуру Бобур, ибн Синою Мирзо Улуғбек ҳақида “Муҳташам юз йил” каби кўп серияли тарихий бадиий фильмларни яратмоқ ишига бош қўшсалар, ҳаётларидаги энг буюк ва савобли ишни қилган бўлар эдилар. Зангинларимиздан бирортасининг адабиётимизнинг жаҳон бадиияти мезонига мос бирон-бир асарни хорижий тилга таржима қилдириб, чоп эттирганини эшитмадик.

Ҳар бир кишининг ўз халқи ва ватанига бўлган чексиз меҳр-муҳаббати, кўрсатган садоқату оқибати уни ишончининг, шаъну



шарафнинг, эл ҳурмат-эътиборининг энг юксак чўққисига кўтаради.

Адолатнинг қарор топиши, оқнинг оқ, қоранинг қора дейилиши, туянинг кўзидек кулча еса тўядиган, қорни эмас, қадри учун йиғлаганларнинг олий орзусидир!

Дунёда энг буюк ҳақорат — инсон қадрининг ерга урилиши, эътиборли шахсиятларни суъний равишда маънавий террор воситасида эътиборсизлаштирилишидир.

Инсоният тарихи, элу элатлар кечмишдан маълумки, шоҳу гадо, ким бўлмасин, эътиборлиларни эътиборсизлаштириб, обрў-эътибор қозонмаган.

Зотан, кечиктирилган ҳақиқат ҳақиқат эмас, кеч қолган адолат эса адолат эмасдир.

Устоз Чингиз оға, турк улусининг бу чўнг шахсияти, ўз халқи ҳақ-ҳуқуқи, адли адолатни тегишли манзилларда топа олмаганда йиғлаб-сиқтаб борадиган энг сўнг манзил, эли этагига намоз ўқийдиган буюк ва бетакрор инсон, “Ўзбек иши” дея аталган ғайримиллий, жисмоний ва маънавий террор авжига минганда бизни ҳам ҳимоя этиб чиққан, журъату жасоратга эга, адолатнинг асл моҳиятини англаб етган кишилик эдилар.

Одамлар у кишига дардини айтиб уйига, ишхонасига бораверишар, кўча-кўйда ҳам арзини айтаверар эди. Ҳар бир миллатда бундай шахсиятларнинг бўлиши — илоҳий бир неъматдир.

Бизда узоқ ва яқин кечмишда шундай шахсиятлар бор эдими? Бундай кишилар етишиб чиқмоғи учун ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳамда ахлоқий иқлим мавжуд эдими, деган ҳақли ва асосли савол туғилади. Ёки ишимиз бир шоиримиз ёзгани-

дек “ўзим ўзим дейди ўзбек, ўз-ўзини ейди ўзбек” бўлиб қолмадими? “Олға! Фақат менинг ортимдан!” дея шахсларни синдириш йўлидан бормадикми? Ахир, бир йигит қирқ йилда бино бўлади, дейдилар. Бутун шахсиятлар эса эллик-олтмиш йилда миллий сарватга айланади.

Суянмоқчи бўлган деворларимиз, паноҳ истаб бормоқчи бўлган қалъаларимизнинг лойдан ясалганини англаб-англамай ўтавердик.

Агар бир давлату мамлакатда дардингизни айта биладиган сўнг манзил, адли адолатнинг рамзи саналмиш инсон бўлмас экан, бу юртда додлар фақат Худога айтилади. Халқнинг ҳақу ҳақиқат, адлу адолатга бўлган ишончу эътиқоди саробга айланади.

Бутун турк халқларининг бош миллий қаҳрамони Амир Темурнинг Ҳофиз Шерозий билан бўлган суҳбатдаги гапларига эътибор беринг-а! “Амири ёзарини излаган халқ бахтлидир. Битикчиси амирини излаб юрган халқ эса бахтсиздир” дея машҳур ҳадисни такрорлайди жаҳонгир.

Улуғ аждодимиз адлу адолат, ҳақу ҳақиқат адабиётда эканлигини билган ва Низомиддин Шомийга, менинг барча хатти-ҳаракатларимни айнан ёзинг, айрим ёзарлар каби бежаб бўрттирманг, дея таълимот берган.

Ҳақиқатни ҳар ким турли ўзан ва ирмоққа солиб, ўз ҳақиқати каби тақдим этади. Уни вақт ва замонга мослаштиради. Бироқ адолатнинг тўра ва тузуги барча манзилу маконлар, элу элатларда бирдир. Адолатнинг туб моҳиятини англаб етган кишигина инсон қиммати, эл шарафини тушуниб, қадрига ета билади. Инсон қадри қиммати ўз ўрнини топмаган жамиятнинг келажаги барбоддир.

Адолатнинг моҳиятини англаб етган инсон

қалбидагина ватан ва миллат туйғуси тўла шаклланади. Адолатсиз ватанпарварлик ва миллатсеварлик ҳовончада сув туймоқ кабидир.

Зеро, инсонни соз, жаҳонда оз.

Раҳбарликда инсонлик, инсонийлик, яхшилик, одамларга яхшилик тиламоқ ва қилмоқ ўннга чиқмас экан, сўзу аъмолингиз билан улус кўнглини фатҳ этмас экансиз, не қадар узоқ ҳукм сурманг, унинг қалбидан жой ололмайсиз. Яхши кетиб ёмон келмас, ёмон кетиб яхши келмас деганларидек, ҳақиқий яхши кишилар одам айирмай, катта-кичик демай, барчага бирдай яхшилик қиладилар ва яхшилик тилайдилар, ана шу хайри саодатли ишларидан лаззат, қониқиш туйиб яшайдилар. Хайри саховат улар ҳаётининг мазмунига айланиб қолади. Такаббур, худбин ва шарафсиз киши эса ҳар бир инсон, воқеа ва ҳодисага шубҳаю гумон, паст ва нафрат назари билан боқади. Таъқибу тазйиқ этади. Ана шу қабиҳ, ғайриинсоний тирикчилигидан роҳатланиб яшайди.

Қодирлар сиёсати рус халқ сўзи билан айтганда “из грязи — в князи” қабилида кетдими, ишни худо урди деяверинг. Халқ ҳамма нарсани кўрмаслиги мумкин. Бироқ у барчасини сезиб, ҳис этиб туради. Жумладан, муносибу номуносиб, қобилиятлию қобилиятсиз, саводлию саводсизни ҳам. Оқиллар қадрсизланиб, чаласаводлар ўннга чиқдими, иқтисоду сиёсатнинг тиниқ денгизи лойқаланади. Салла ўрнига калла кетади. Миллий ва умуминсоний қадриятларга амал қилмоқнинг тўраю тузуги, одобу ахлоқ мезонлари бузилади. Улуснинг раҳбар ва раҳбариятга бўлган ишончига айна шу дақиқадан бошлаб путур кетади.

Бердяев қайд этганидек, давлатлар ер юзини жаннатга айлантирмоқ учун эмас, дўзахга айланмаслиги учун қурилади.

Фикримнинг далили ўлароқ бир мисол келтирмоқни лозим топдим. Кейинги икки ўн йилликда республика давлат матбуот қўмитасида учта раҳбар алмашди.

Бугунга келиб зиёлилармиз ўтмишдаги уч собиқ матбуот раҳбарининг иншо нари турсин, ҳатто диктант ҳам ёза олмаслигини муҳокамаю мунозара этмоқдалар. “Агентлик” дея аталадиган бу ташкилотда нашриёт, газета ва журнал очмоқ учун лицензия олмоқнинг нархи не қадарлигини ўша замонларда бу иш бошига тушганлардан бир сўраб кўринг.

Матбуот вазири чаласавод бўлган ўлкада нашру ноширлик, китобат санъатию савдосининг аҳволу даражасини тасаввур этмоқ учун олим бўлиш шарт эмас, албатта. Бу “арбоб”лардан биринчисининг даврида бутун бошли мамлакатда “реформа баҳонаси” билан китоб савдоси тизими йўқ қилинди. Бу ғайримаънавий, ғайримиллий ҳаракатга қарши фикр билдирган ва диктант ёза олмаслигини юзига айтганлар эса моддий, маънавий ва жисмоний тазйиқу таъқибга маъруз қолдилар. Энг ғалатиси, ана шу “арбоб”лардан бири бир ой ичида аъзоликка қабул қилиниб, ҳеч ким, ўзи ҳам кутмаган ҳолда ёзувчилар уюшмасига раис этиб “сайланди”. Бу “ишонч”нинг охири оқибат қандай тугаганлиги барчангизга маълум. Бундан кейинги “бошлиқ” ҳам томдан тараша тушгандек шу тахлит “сайланди”. Бироқ қўш аравали бошлиқнинг бир ижобий томони бор эди. Ўзидан олдинги ва кейинги ҳалафу салафи каби газетаю журнал, радио ва телевиденияга, ижодкорларнинг номларини

матбуотда чиқишини, мақола ва асарларининг чоп этишни тақиқловчи рўйхатлар тақдим этмади. Ўттиз еттинчи йиллардаги каби ўнлаб ёзувчиларни уюшма аъзолигидан ўчиришга бош-қош бўлмади. Яъни итдан суякни қизганмади. Имонсизга эрк берсанг элни талар дегандек, уюшма ва вақфга тегишли еру мулкларга кўз олайтирмади (Биласиз, вақф мулки — етим ҳақи ила баробадир.) Ижодий иқлиму муҳитни бузиб, ташкилотни “ўз одамлари” ва бир гуруҳ адабиётга алоқаси йўқ кимсалар манфаатига бўйсундирмади. Ҳатто, уюшма аъзолигига қабул этмоқдек шафарли ишни “тижорат”га айлантирмади. Бироқ рус халқ сўзи билан айтганда “хороший человек — это не профессия”.

Зотан, олий давлат ва ҳукумат идоралари, жумладан, республиканинг барча ижодий, маънавий-маърифий даргоҳлари эшигидан тирикчилик, бир парча нон, ошқозон учун эмас, Ватан учун кириб чиқилади.

Ватан ва миллат эса ҳеч қачон тепасида турганларни оч қолдирмаган. Давлат дегани буюк бир асалари уясидир. Болга яқинлашган эса бармоғини ялайди. Ва бол бор жойда, табиийки, ўз-ўзидан пашша ҳам бўлади.

Демократик, ҳақ-ҳуқуқ устуворлигига амал қилинган давлату мамлакатда яшамоқ, барча дунё ватандошларининг орзу-ниятидир. Боиси, қонун устуворлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқлари таъмин этилмаган мамлакатда ўз-ўзидан шахс устуворлиги бошланиб кетади.

Қонун устуворлигини ёқлаб чиққанлар ақл-заковат, тафаккурга таянган бошқарувни, шахс ҳокимияти тарафдорлари эса сиёсий фаолиятига ҳайвоний унсурни олиб кирган бўладилар, дейди бунга изоҳ берган Аристотель.

Демократия деганимиз, табиийки, иқтидору муҳолифат ахлоқи ва маданиятига амал қилмоқ, сиёсат санъатидаги умуминсоний шарту талабаларни ўрнига қўймоқ, рус отасўзи билан айтганда “какая власт — такая оппозиция”, матбуот эркинлиги деган гаплардир.

Инсоният шу пайтгача ўз-ўзини бошқармоқ учун бундан тузукроқ бошқариш усул ва услубини яратолмади. Уинстон Черчилль ҳам не қадар қусурли бўлмасин, давлат ва ҳукумат бошқарувининг демократиядан бошқа йўли йўқлигидан нолиган. Очлик нима едирмас, тўқлик нима дедирмас, дегандек, демократия ҳам унинг фарқига борган, моҳиятини англаб етган ва қонун-қоидалар доирасида унга амал қила оладиган жамоа ва кишилар учундир. У тўрт тарафи очиқ бульвар эмас, албатта. Айниқса, ашаддий диндор, дин босқиси кучли ўлкаларда у ҳақда сўз бўлиши қийин. Диний хурофот қон-қонига сингиб кетган мамлакатларнинг дунёвий давлатчилик йўлига тушмоқликлари ҳовончада сув туймоқ кабидир.

Конфуций бундан икки ярим минг йил бунун, ўзини англаб етган кишилар халқнинг юздан уч фоизини ташкил этади, дея таъкидлаган. Бу рақам фикрлаш ва шаклланиш даражасига қараб, турли ўлкаларда турлича бўлиши мумкин. Демократия дегани, табиийки, мақташ, танқид қилиш ёки эътироз билдириш демакдир. Соғлом ва тўғри фикрлай оладиган кишигина мустақил фикрлай олади. Мустақил фикрлаган шахс эса у ёки бу масалага ижобий ёки салбий муносабат билдира билади.

...Мақтов — чорасиз кулфат, дейдилар ҳазрат Навоий. Одамларга ўзини мақташга мажбур этганлар — дўзахнинг энг тўридан ўзларига

жой ҳозирлайдилар, дея сабоқ беради Муҳаммад алайҳиссалом. Мустақил фикрлаш салоҳиятига эга бўлмаган қавму қабилалар эса ўз-ўзини овутиб, қўлтиғини совитиб, отарчиниг оғзига, сотарчининг бўғзига қараб яшайверади.

Эътирозу танқид, муҳолифатчилик қилмоқ меъёрида, одобу ахлоқ доирасида бўлсагина у адолатли танқиддир. Меъёр, меъёрдан ошгани мурдор дейдилар. Ахлоқу одоб мезонидан ошгач, у фисқу фасод, фитнаю фужурга айланади.

Эркинликлар меъёридан, чегарасидан ошса, бошбошдоқлик, анархия бошланади. Шу ўринда ибратли бир мисол.

– Нега демократияга йўл бермайсиз? – дея Отатуркнинг сафдоши, Туркия Жумҳурият партияси раиси Исмаи Иненюнинг ёқасидан олади ёш сиёсатчи Денгиз Байкал.

– Агар демократия бўлмаганида қандай қилиб менинг ёқамдан олардингиз, авлодим! – сокин жавоб беради тажрибали сиёсатчи сўнгра ўз ўрнига сайланган Денгиз Байкалга.

Ҳамма гап юқорида қайд этилган, демократиянинг савиясини белгилайдиган улуснинг фикрлаш даражаси, сиёсат ахлоқи, тарбияси ва маданиятининг шаклланишидадир. Зотан, ҳамма нарсани тушунадиган шахслар ҳамма нарсани кечирадидлар, дунёга бир дин ёки фалсафа дарчасидан эмас, барча дунёвий фалсафалар ва маданиятлар ойнасидан боқадилар.

Бироқ не қадар аччиқ ва ҳақ бўлмасин, танқиддан чўчимаслик, қўрқмаслик керак. Ожиз, кучсиз ва чаласаводлар танқиддан қўрқадилар. Бунинг асосий сабаби – бу танқидий фикрларнинг ҳақлигидир. Саводли, билимли ва ҳақ одам ҳар қандай шароит-

да ўзининг ҳақлигини исботлаб бера олади. Кучли ва мард, иддаосида ҳақли киши атрофидагилардан камчилигу нуқсонларини айтиб туришни сўрайди. У нафақат ўз айбига иқрор бўлади, ҳатто, ўзгалар хатоларини ҳам ўз бўйнига олишга ўзида куч ва ирода топа билади.

Буюк Темур ҳам шундай қилган. Эл эътиборини қозонган Носуриддин Арамир ва Маҳмуд Шаҳобни олий маслаҳатчи ўлароқ, барча мажлису машварат, кенгашу қурултойларда иштирок этиб, ўздан бошлаб барча амиру маъмур, вазиру нозирларнинг хато ва нуқсонларини айтиб туришни нафақат сўраган, ҳатто, буюрган.

Орангиздан бир киши чиқиб, ўзини тенгсиз ва ягона ҳис эта бошладими, билингким, аҳволингиз ёмондир, дейди Мустафо Камол Отатурк.

Мана шу сўз ила ифодалаб бўлмас мардлигу жасорат, оқиллигу адолатпарварлик амир Соҳибқирон ҳазратларини етти иқлим хоқоню фотиҳи, дунёда тенгсиз жаҳонгир даражасига кўтарган.

Феъл-атворан инсон шундай. Тош отганга гул тутмайди. Ёки гул тутганга тош отмайди. Халқимизнинг минг йиллардан бери айтиб келадиган бир айтувига эътибор беринг-а!

*Суйгин сани суйганни,  
Ер билан яксон бўлсанг ҳам,  
Суйма сани суймаганни  
Мисрға султон бўлса ҳам.*

Уйига ўғри кирса ҳам, чой-пой ичиб кет, болам, дейдиган бу азиз, мунису меҳрибон, кўнгли дастурхони қадар очиқ халқимизга



ана шу бир оғиз ширин сўз, биргина меҳрли нигоҳ, кўнглини тоғ каби кўтаргувчи бир илиқ табассум керак. У ҳеч қачон ва ҳеч кимдан бундан ортиғини сўрамаган, талаб қилмаган. Боиси, у ўз ақл-идроки, ҳалол меҳнати билан бир парча нонини топиб ея олади. Тўю тўёна қилади. Оғиру енгил кунларда бир-бирига тиргак, қаноту равот бўлади. Энг муҳими, улар кўнглига озор бериб, уриб-сўкиб, ҳақоратлаб қалб жавоҳирини синдириб, дилларидаги умиду ишонч қасрини бузмаслик керак. Қалб жавоҳири парчаландими, у қайта ўзига келмайди.

Бир неча йил аввал туман, вилоят ва республика даражасидаги кўпгина раҳбарлар одамлар арз-додини тинглаб, бирор-бир масъулиятни бўйинга олишдан қочишдек дардга чалинганини ҳаммамиз биламиз. Арзу шикоят билан борганларга худди ғаламислик қилаётган одамлардек ғайриахлоқий ва ғайриинсоний муносабатда бўлишдек ҳаракатлар содир этилдик, бу янгилишдир. Ўзини билганни ўзингдек бил, дейдилар. Ўзим-ўзим деган ўзаксиз кетади дейдилар. Ўзники жондан, ўзганики ёндан, деган ота сўзимиз ҳам бор...

Асил ижодкор, миллат имонию виждонига айланган ҳақиқий ёзувчи ҳеч қачон ўзини ўйламайди. Мен не бўлсам бўлайин элим, юртим, ватану миллатим эсон-омон, бағри бутун, тўрт кўз тугал яшасин, дейди.

Умр бўйи давлат ва жамият устига ўз юкини ортиб, унинг ҳисобига яшаб келган сўзда ватанпарварларнинг ҳаёт тарзи барчага бўлмасида, кўпчиликка маълумдир. Ватан адабиёти-ни қорин адабиётига айлантирганларнинг ҳам хатоларини англаб, инсофга келишларини беклаймиз.

Шу ўринда саккизта шеър ёзиб даҳолик, ўн иккита ашула айтиб, овозни ақл дея заҳн этган авлиёлик даъвосида бўлган биродарларимиз учун сабоқ бўларлик бир мисол.

Туркия жумҳурияти мадҳияси матнини ёзган ва конкурсда ғолиб чиққан Меҳмет Акиф Эрсўйни мукофотни олиш учун Буюк Миллат мажлисига даъват этадилар.

Дўстининг уйида яшаётган Эрсўйнинг кун совуқ бўлганлиги учун кийиб борадиган пальтоси йўқ экан. Дўстининг пальтосини кийиб кетибди. Қайтиб келгач, ўртоғи олган мукофот пулини сўрабди. Ишсиз аёлларга тикувчиликни ўргатадиган курсга бағишладим, дейди Эрсўй. Ҳеч бўлмаганда ўша пулга эғнингга пальто олсанг бўларди, дея танбеҳ беради дўсти. Мен мадҳияни пальто учун эмас, ватан учун ёзгандим, дейди Эрсўй ва уч ой дўсти билан гаплашмайди...

Германия империясининг собиқ бош вазири Бисмарк билан Чор Россияси бош вазири Горчаков орасида бўлиб ўтган бир айтишувни тарихчилар ҳануз муҳокама этадилар. Бу — одамларни худо номи билан қўрқитиб тирикчилик қиладиган, инсон ақл-закоси, имкониятларини ҳисобга олмайдиган хурофотчи мутаассиблар ва бир юмалаб ашаддий атеистдан “тақводор” диндорга айланганлар учун мушоҳада этилажак бир сабоқдир.

Худо — олий адолатдир, дейди Абу Али ибн Сино. Уни англаб етмоқ фақат ҳаққа етган шахсиятларгагина насиб этади. Бироқ, инсоният амал қилиб келаётган оддий ҳақиқатларнинг фарқига бормаган, у ҳақда шунчаки тасаввури ҳам бўлмаган, халқларнинг ахлоқий компаси бўлмиш самовий дину маданиятларни сиёсату

тижорат, жангу жадал, элу элатларни парчаш, ватанларидан маҳрум этмоқ воситасига айлантирган жоҳил, илм-маърифатдан айри тушган разилу қотил галаларнинг худолари ҳам ўзларига ўхшаган бўлса керак.

– Биз Худодан бошқа ҳеч кимдан қўрқмаймиз! – дея хитоб этади Бисмарк Россия бош вазири Горчаковга.

– Сен Худодан бошқа ҳаммадан қўрқасан! – дея жавоб беради Горчаков.

Баҳшашувга муносабат билдирмоқни сизнинг эътиборингизга ҳавола этароқ, Бисмаркнинг мавзумизга бевосита алоқадор бир фикри хусусида тўхталмоқчиман. “Кишилар уч ҳолатда астойдил ёлғон гапирадилар, дейди у. – Овдан сўнг, уруш пайтида ва сайлов олдидан”.

Бугунги космосу интернет, фейсбуку твиттер замонасида ҳеч кимни, ҳеч қачон алдаб бўлмайди. Ким бўлманг, кишилар юзингда кўзинг бор демай айбингизни айтиб соладилар. Тўғри сўзни сўйласангиз ҳам, янглиш фикрни айтсангиз ҳам даражангизни кўрсатасиз, ўзингизни фош этасиз. Бир зумда рейтингингиз симоб устуни каби қуйига энадиким, қайтиб кўтарилмайди. Эски даврлардаги баландпарвоз, ярим ёлғон, бетайин ваъдаларга ҳеч ким ишонмайди. Ўзини билган сиёсатчи эса бу йўлдан бормайди.

Бунга фақат етакчи шахс ва олий раҳбариятнинг хоҳиш-истаги, қатъияту жасорати, бошлаган тўғри, эзгу ишларга сидқидил йўналтира билмоқ иқтидору салоҳияти керак, холос.

Сиз улусни улуғ ишларга йўллаб, қадрқийматини жойига қўйиб, дилига адолатдан бир қадам ҳам ортга чекинмаслик, ҳақу ҳақиқат тантанасига ишончу эътиқод туйғуси,

ғайрату шижоатни солинг! У ҳар замону маконда, даври давронда ўзининг бунёдкор, эл ва ватанини юксакликка элтажак кучқудратини намоён этади!

Абдулхамид Чўлпоннинг халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир ҳайқириғининг мантиғи ҳам шундадир. Бунинг учун биз бу илоҳий тўлқин йўлига сунъий тўсиғу тўғонлар тикламоқ каби ғайриинсоний ва ғайримиллий одату хасталикларимиздан воз кечишимиз керак.

Буни Усмонийлар императорлигининг асосчиси Эртўғрул Усмон ғозининг қайнотаси, мутафаккир Шайх Эдиболи бундан олти юз йил бурун шундай изоҳ этади. Инсонни яшатки, давлат яшасин!

Аввал Қуръон, сўнгра нон, деганларидек, китобсиз, маънавиятсиз миллат, ўнгини кўра олмайдиган қабилага айланади.

Шунингдек, қоғоз мустақиллигига эришмоқ ғалла мустақиллигидан кам бўлмаган ватаний ва миллий вазифа эканлиги ҳам барчага маълум. Бусиз китоб нархи ошиб кетаверади.

Гап китоб ҳақида кетар экан, бир ҳолатни айтмасам бўлмас. Буни сиз ҳам биласиз. Москвада қоровул, гўлаҳ, ўқувчию талаба бекатдан тортиб, метро вағонида-да кетакетгунча китоб ўқийди. Бизда-чи? Филология фанлари доктори ўқиши керак бўлган китобни ўқимайди. Тарих фанлари докторининг эса бадиий тарихий адабиёт ҳақида тасавури ғарибона. Энди бу олимларимиз етиштирган шогирдлари даражасини ўзингиз белгилайверинг?

Давлат ақли ва ахлоқи, иқтидор закосию салоҳияти, инсонийлик истеъдоди шахсиятида мужассамлашган кишилар мудом улуснинг

олдида юра олади ва тўғри йўлни кўрсата билади. Зотан, ақлнинг йўли бирдир.

Зеро, бизнинг она юртимиз мана шу, бизни кўтариб турган, ота-боболаримизнинг табаррук қони ила шарафланиб, ватанга айланган азизу муўтабар тупроқдир.

Она ер, ота тупроқ, — унинг учун жонини фидо эта билгувчи фарзандлари бўлгандагина муқаддас ватанга айланади.

Бу илоҳий туйғу, ана шу заминнинг, мулки давлатнинг тимсоли бўлган, халқ ҳақ-ҳуқуқи, тинчлигу осойишталигининг кафолати саналмиш бош раҳбарга боғлиқ ва айнан шу шахсиятдан бошланади.

Шу ўринда тарихчи мутахассис, бу муносабатлардан хабардор киши сифатида қайта тикланган Ўзбекистон-Туркия муносабатлари ила илгили ватандошларимиз дилидаги гапларни қаламга олмоқни ҳам лозим топдим.

Маълумингизким, 1923 йил 29 октябрда Туркия жумҳурияти эълон қилинди. 1918 йил эса Туркистон республикаси эълон этилган эди. Дунё харитасида Туркистон ва Туркия сўзларининг туриши ҳамда бу халқларнинг қардош эканликларини ҳис этиши сталиноберия шовинистларига маъқул келмади. Бир зумда томдан тараша тушган каби Туркистон республикасини парчаладилар. Барча турк элу элатларининг дарди ичида қолди. Сас чиқарган минглаб Чўлпону Қодирий каби миллатнинг шарафли фарзандлари юқорида қайд этганимиз сталиноберия мясорубкасига тушиб кетди. Бу қатлиом ўттизинчи йиллар охири ва Иккинчи жаҳон уруши даврига келиб, устоз Чингиз Айтматов ибораси билан айтганда, сталиногитлеризм — гитлеросталинизм жаҳаннамига айланди.

Мана шу ғайриинсоний, ғайриватаний, ғайримиллий “изм”ларнинг издошлари мудом бу икки юрт орасига нифоқ солиб, қардошларни бир-биридан ажратишга жидду жаҳд кўрсатиб келдилар.

Бугунги кунда путур кетаётган Европанинг бирлашмоғи ҳеч кимни роҳатсиз этмайди. Осиё мамлакатлари ёки турк жумҳуриятлари орасида илиқ муносабатлар бошланиши билан абадий дўстликдан лоф ургувчи азалий рақиблар ҳаракатга кечадилар.

Яқинда турк дунёсининг таниқли ва ша-рафли арбоби, Туркия Миллиятчи ҳаракат партиясининг раҳбари Давлат Боғчали Буюк Миллат мажлисида бир гапни айтди. Европа ва Шанхай бирликлари ўз йўлига, бироқ биз уч юз миллионлик турк давлат ва халқлари бирлашмоғимиз, улуғ оталаримиз юрти Турону Туркистонни гуллашиб-яшнатмоғимиз керак!

Туркиянинг кўй ва қасабаларига боринг-а? Сизни ота юртдан, пири Туркистон ҳазрат Яссавий ҳузурларидан келдингиз, устингизда ота юртнинг гарди бор дея, ҳатто, кексалари тавоф этади, ёшлари қўлингизни ўпади.

Кечмишда хону хоқонлар, қиролу султонларга феъл-атвори, халқига бўлган муносабатидан келиб чиқиб, уларга унвону лақаблар берилган. Иван Грозний, Қардеспот, Қонуний Султон Сулаймон ёки Анушервони Одил каби.

Анушервони Одилнинг нафақат инсонлар, мамлакатадаги жониворларга ҳам эътиборли даврангани ҳақидаги ривоятни эшитган чиқарсиз.

“Подшоҳнинг амри билан саройнинг кириш дарвозаси эшигига арқон тортилган бўлиб, унга қўнғироқлар осиб қўйилар эди. Арзу шикоят ила келгувчилар шу қўнғироқни чалар ва

мулозимлар югуриб чиқиб уни султон ҳузурига олиб кирарди.

Уйқуси қочган султон ётоғи даричасидан дарвоза ва қўнғироқни кузатиб ўтирарди. Бир эшак келиб, арқонга суйкала бошлади. Бу ҳолатга кўзи тушган султон мулозимга таълимот берди:

– Дарвоза олдидаги эшакни сайисхонага боғлаб емиш бергин-да, соҳибини топдир! Бу жонивор бежизга келмаганга ўхшайди!

– Эгасини топиб келдик, султоним! У бир козур (кир ювувчи) экан! – дея ҳисобот беради эрталаб мулозим.

Султон тафтиши натижасида шу нарса маълум бўладики, кир ювувчи қариб ҳолдан тойган жониворни ҳайдаб юборган экан. Подшоҳ амри билан қишлоқ кадхудоси ва маҳалла оқсоқоллари иштирокида сўроқ қилинган козур зиммасига жониворни ўлғунига қадар боқмоқ вазифаси юклатилади. “Сенинг шу даражага етишингга мана шу, меҳнати ҳалолу ўзи ҳаром жониворнинг ҳам хизмати бор. Шундай экан, ишга яроқсиз бўлиб қолганида уни ҳайдаб юборишинг адолатдан эмас”, дея таъкидлайди Анушервони Одил.

Адабиёт ва санъатдаги аксар шахсларнинг халққа алоқаси йўқдек ёки хизмат кўрсатмагандек хизмат кўрсатган ва халқ фалончиси деган рутбалар ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керакдир балки. Бу нарса бир неча кишини халқдан айирмоқ бўлиб, жаҳон тажрибасида йўқдир.

Шўро даврида ташвиқот учун шиширилиб қаҳрамонлар ясалган, сўнгра дами чиқиб кетган оддий ва меҳнаткаш чўпон, деҳқону чўчқабоқарлар қисмату қадари бизга нималарнидир англаймоғи керак.

Жамиятда қаҳрамон, (аслида бу сўз қаҳрига омон бермоқ, меҳр-муҳаббатли бўлмоқ маъносини англатади), қаҳрамонлик қонунлаштирилган бир эътиқод шакллантирилар экан, иқтидору ҳукуматлар менинг замонамда қаҳрамонона ишлар қилинди деган гоё ва тушунчани омма онгига сингдирмоқ учун ўзларича байроқдору ура-урачилар, илғору қаҳрамонлар ясамоқ жидду жаҳдида бўладилар. Ва ўз-ўзидан ҳақиқий ақли зако, журъату жасорат кишилари четда қолиб, Турсуной Охунова, Стаханову Валентин Тютко каби, тракторчи, ишчи ва маккажўхорикордан замона қаҳрамонлари ясайдилар.

Ҳар қандай иқтидор, шу жумладан, улус ҳам ўртоқ ва тўғри ақл, юксак ақли салимлик, фавқулодда ёрқин фикр ҳамда журъату жасоратни қабулу ҳазм этмоққа ҳар доим ҳам тайёр бўлмайди. Сиз улар англаган тил ва услубда қўнишмоқ мажбуриятдасиз. Акс ҳолда сунъий равишда от ўғриси ёки гуноҳ эчкиси сиёсатининг қурбонига айланасиз. Табиийки, бу нарса халқнинг қалбида, ақли ва фикрлашида юз беражак зеҳният инқилоби билан боғлиқ узоқ муддатни талаб этажак бир давр ва воқеликдир.

\* \* \*

Ёзувчилар, журналистлар, театр ёки киночилар каби қай бир ижодий уюшма бўлмасин, бу жамоат ташкилотлари ва улар раҳбариятининг асосий вазифаси таъқибу тазйиққа дучор бўлган ижодкорлар, ўз ҳамкасбларини қўллаб-қувватлаш, имкон қадар ёнида турмоқликдир. Ёв ёқадан олганда ит этакдан тортибди дегандек, ўлганнинг устига чиқиб тепмоқ эмас. Фикрлаши, дунёқараши,



нуқтаи назарига кўра маънавийу моддий сиқув-га дучор бўлган ижодкорлардан халқ душмани ясамоқдек ғайриахлоқий, ғайриқонуний, ғайриватаний ва ғайримиллий тирикчиликка ташаббусқору ижрочи бўлмасликлари лозим.

Бундай шахсларнинг истеъдоду иқтидорларини намойиш этиб кун кўражак, болачақасини боқажак бошқа сиёсий, адабий ва матбуот майдони йўқлиги учун ҳам бир-биримизга нисбатан бағрикенг бўлмоқ мажбуриятидамиз.

Акс ҳолда эртабиркунни, мустақилликдан сўнг Чўлпону Қодирий, Шайхзодаю Шукруллони ёзиб бериб, Сибирга жўнатганликлари очилиб қолган энг юксак унвонли классикларимиз каби оғир ва шарафсиз турумга тушиб, улусу авлодлари кўз ўнгида юзлари қора бўлиши муқаррардир.

Яна шуни унутмаслик жоизки, ҳақиқий бир ўзлик, бир сўзлик ва бир юзлик ижодкор ҳеч қачон ҳамкасби, ватану миллатини сотмайди. Ҳатто шахс ва ижодкор сифатида шаклланмаган маҳаллийчи, торфикрли битикчилар ҳам бир-бирини сотиб, гўштарини есалар-да, улусу юртга хиёнат этмайдилар.

\* \* \*

Ёруғ очуннинг барча элу элатлари, ҳукумату мамлакатлари амал қилгувчи оддий инсоний муносабатлару ҳақиқатлар, сиёсий маданияту давлат ахлоқи қарор топган жамиятлардагина унинг илдизи саналмиш меҳри мурувват, шафқату ҳиммат, самимияту марҳамат оғочи кўкариб япроқ ёзади. “Сен кўчадаги бир чумолининг дардини тинглай билсанггина ҳазрати Сулаймон, қолаверса, мен каби Қо-

нуний Султон Сулаймонсан”, дейди қарийб олтмиш йил Усмонли турклар салтанати тепасида турган Султон Сулаймон.

Буюк аждодимиз, боболари бобурийлар билан ҳинд сари юзланган Хусрав Деҳлавийнинг ушбу сатрлари эса киши онгу қалбини ларзага келтиради:

*Ақал бир мушукка бўлсанг меҳрибон,  
Демак, саломатдир сендаги иймон.*

Файласуф қайд этганидек, ўз қадр-қимматини билган одам бошқаларнинг ўзидан кўра ақллироқ, илмлироқ ва гўзалроқ бўлишидан чўчимаydi. У аслида ўзгалардан устунроқ бўлса ҳам ҳеч қачон ўзини юқори тутмайди. Биз яқин кечмишдаги каби теран фикрловчи ташаббускор ва фавқулодда закий кишилардан чўчимаслигимиз ҳамда улардан салбий образлар ясамоққа уринмаслигимиз керак.

Сабаби, тўғрилиқ ва ҳақиқат билан олишиб, унга қарши курашиб бўлмайди. Бу ҳолатга Гёте шундай изоҳ беради: “Кўплар ҳақиқат билан шу боисдан олишадиларки, мабодо улар ҳақиқатни тан олсалар, ўша заҳотиёқ изсиз йўқолиб кетадилар”.

Ҳақиқий истеъдодлар ва ёрқин шахсиятлар устидан ҳукм юритиб бўлмайди. Аксинча, сизнинг мақбулу номақбул фаолиятингиз ҳақидаги сўнг ҳукмни айнан ана шу шахслар чиқарадилар ва келажак авлодлар шу шахсиятларнинг фикрларига ишонадилар.

Тўғри деб билинган янглишликлардан хулоса чиқариб дўна билмоқ ҳам буюк мардлигу эрдмлик, солиҳлигу ақли салимликдир.

Зотан, сиёсат маданияти ҳақида илк бор

битик битган буюк аждодимиз Абу Наср Фаробий фикр-мулоҳаза юритган олижаноб жамият, адолатли тузум ва одил ҳукмдорлар ҳақидаги орзу-умидларнинг олис ва ойдин йўли, маъною мақсади ҳам ана шу — киши қадр-қийматининг ўзи яшаган жамиятда не қадар азизу муқаррамлигидан бошланади.

Кишиликка инсонийлик истеъдоди ва инсонийлик ахлоқидан сабоқ берган, одамийликнинг ўн икки шартини бизга мерос ўлароқ қолдириб кетган илми ҳикмат отаси Фаробий қайд этган омиллардан сўнгги, ўн иккинчисини ёдга олмоқда фойда бордир! Ўзида ўн икки хислатни бирлаштирган киши ахлоқли одам бўла олади: ўн иккинчидан, адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдида қайсарлик қилиб, ўзибилармонликка берилмасин, лекин ҳар қандай адолатсизлик, пасткашлик олдида лафзли бўлсин, ўзи зарур деб билган нарсасини амалга оширишда қатъийлик кўрсатсин, қўрқмас, жасур бўлсин, қўрқиш ва ожизликни билмасин!

Назаримда, шарқнинг Аристотели асрлар қаъридан қайғули Сурия ва нотинч Дамашқ тупроғи узра ётароқ авлодларига мурожаат этаётгандек...

Бахт деган иборага буюк Чехов шундай таъриф беради: “Бахт деган нарсанинг ўзи йўқ ва бўлиши ҳам керак эмас. Агар ҳаётимизда маъно ва мақсад бўлса, у бизнинг бахтимизда эмас, балки бошқа, маъқулроқ ва буюк ишлардадир. Яхшилиқ қилинг!”

Миллат шаън-шавкати, ватаннинг шарафли келажаги, қисмату қадарини белгиловчи, ҳал этувчи юксак мавқеларга — шу мақомларни эгалламоққа том маънавий ҳақ-ҳуқуқи бўлган

ёрқин, эл-юрт имтиҳонидан ўтган шахсиятлар келмоқликлари керакдир.

Энг юксак мақомдаги раҳбардан тортиб, тоғу тошдаги чўпон-чўлиққа қадар инсон ва ҳаёт қадри қийматини фақат адли адолат белгилаши, халқнинг халқлиги, ҳақу ҳақиқатга не қадар амал қила олмоқ закоси, иқтидори билан белгиланишини англаб етмас экан, улуснинг бу ёруғ очундаги маъносиз кўпкариси давом этаверади.

Сабаби, республикадаги сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий, ахлоқий ва ҳуқуқий иқлим шуни тақозо этмоқда.

Ҳар бир раҳбар келажакка не қадар тўғри боқа олиши, ўз ижобий хислатлари баробарида, кечмиш янглишликларидан тўғри хулоса чиқара билмоқ салоҳиятига ҳам эга бўлмоғи керак.

Ҳақиқий раҳбар шундай бўлади. Бола билан бола, ўсмир билан ўсмир, оқсоқол билан оқсоқол тилида, инсоний оҳангда гаплаша, тиллаша олади ва меҳру муҳаббатини қозонади. Ана шу эътиқод ва ишончга дарз кетган дамдан бошлаб ҳар қандай самимияту садоқат девори бузилади.

Сўзимни ота-боболаримиз минг йиллар бурун қўллаган тилак ила мухтасар этаман:

*Кўзингиздан ёш, дуонгиздан тош тушмасин!  
Ватан боқий, миллат боши омон бўлсин!  
Бошлар омон бўлса, бўрklar топилгай!  
Ярасун!*

## 21. ПРЕЗИДЕНТНИНГ ТУШЛИК ТАКЛИФИНИ РАД ЭТГАН ЁЗУВЧИ ЁХУД БИЗНИ КИМ БОСИБ ОЛАДИ?

*Ҳаммадан кўра бахтлироқ  
инсон фақат ўзига тобе бўлган  
инсондир.*

**ЦИЦЕРОН**

*Хато қилмоқ бордир — тузатмоқ ордир.*  
**Отасўзи**

Оддий, раҳбар бўлмаган депутатлар ташаббуси билан Мустақиллик декларацияси қабул қилинган кунлар эди. Ташкилотчи ҳамкасбларимиз солин бўйлаб имзо тўплардилар.

У пайтда парламентнинг беш юз чоғли депутати бўлиб, уч юз эллик олти киши декларация матнига қўл қўйди. Булар бригадир, ишчи, раис, директор ва зиёлилар бўлиб, вазир, вилоят ҳамда район раҳбари каби юксак мартабали кишилар аллақачон мажлис залини тарк этган, солинда фақат декларацияга имзо чекканлар қолган эди.

Бу ҳолатдан ҳаяжонга тушган ҳамкасбларимиз ёнимизга келиб ташвишли оҳангда бошларига бирор бало келмасликларини сўрашар, биз эса улар кўнглини олиб, руҳларини кўтаришга ҳаракат этардик.

Ниҳоят, сессия бошланди.

Олий мажлиснинг ғоят ғайритабиий, қалдираган сасли раиси Шавкат Йўлдошев солинга олазарақ боққанча президент Ислом Каримов Фарғона воқеаларида ҳалок бўлган шаҳидлар хотирасига ўрнатилган ёдгорликка жой танлаш

учун Қўқонга кетганлигини айтиб, матнни ўқувчига сўз берди.

Мажлис залининг учдан бири бўш, бош вазир Шукрулло Мирсаидов ҳам йўқ эди.

Мустақиллик декларацияси гулдурос қарсақлар остида қабул қилинди. Ҳамма ўзича буюк бир ишни амалга оширгандай шод, худди шу воқеадан сўнг ҳаётларида қандайдир ўзгариш, янгилик ва енгиллик бўладигандек хурсанду умидвор эдилар.

Сайлов округларимиз қўшни бўлганлиги учун биз Эркин ака Воҳидов билан курсида ҳам ёнма-ён ўтирардик.

— Энди нима бўлади, Нуралибек? — дедилар табиатан эҳтиёткор Эркин ака президент ва бош вазирнинг сессияда қатнашмаганлигидан ҳайрон бўлган оҳангда қошларини ним чимириб.

— Ҳеч нима бўлмайди, Эркин ака. Сиёсатни тушунмаганлар илгариги тузум байроғини қандай кўтариб югурган бўлсалар, бундан сўнг ҳам қўлларига тутқазилган байроқни худди шундай бошлари узра соллаб чопаверадилар. Бироқ мана бундай, Мустақиллик декларацияси матнини ёзиб, ташаббусни олий раҳбарият қўлидан олиб қўйганларга қийин бўлади, чамамда.

Эркин ака ўйга толганича маъноли бош ирғади.

Сессия кун тартибидаги бошқа масалалар муҳокамасида давом этди.

Кечга яқин эса бош вазир Шукрулло Мирсаидов пайдо бўлди ва қўлидаги декларация матнини соллаб, айтар сўзини айтди:

— Фойдали иш билан шуғуллансаларинг бўлмайдими? Икки чақалик бир қоғознинг кимга кераги бор?..

Навбатдаги сессиялардан бири эди. Биз,

ўттиз нафар чоғли Фарғона депутатлари бир гуруҳ бўлиб ўтирардик. Бир қучоқ “Марғилон ҳақиқати” газетасини кўтариб Фарғона вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Авазхон ака Мухторов келиб қолди. Бизга газетадан бир донадан узатди. Нашрда кўтарилиб чиққан ташаббусдан ҳайрон бўлганча Эркин ака билан бир-биримизга қараб қолдик.

Газетада худди Мустафо Камол Отатурк каби Ислом Каримовга тахаллус деймизми, лақаб деймизми, шу масала ёзилиб, кўтарилиб чиқилган эди. “Ислом Карим ўзбек отаси”. Ташаббусчилар шу фикрни ўртага ташлаган эдилар.

Авазхон Мухторов Эркин ака билан менинг оғзимга қараб турар эдилар.

— Мана, Нуралибек — тарихчи. Бундай масалаларни яхши биладилар. Нима дейсиз? — бир менга ва бир Авазхон Мухторовга қаради Эркин ака.

— Лузумсиз ва кулгили бир ташаббус. Менимча, бу нарса Ислом аканинг ўзига ҳам маъқул келмаса керак, — дедим тараддудимни яширмай. — Яхшиси, у кишига газетани кўрсатманг. Аччиғи чиқиши мумкин.

Авазхон Мухторов ҳайрон бўлганча Эркин акага қаради.

— Нуралибек тўғри айтяптилар. Бундай нозик масалаларда эҳтиёт бўлган маъқул. Қош қўяман деб кўз чиқариб қўйиш мумкин, — фикримга қўшилди Эркин ака. — Яна ўзингиз биласиз, — қўшиб қўйдилар суҳбатдошимизнинг норози юзига боқароқ.

Газеталарни қайта тўплаган Авазхон ака ёрдамчисига уни машинасига элтиб қўйишни тайинлади.

Мустақиллик декларацияси эълон қилинган сессиядан бир неча кун ўтган эди. Олий Мажлис

Халқаро ишлар қўмитаси секретари қўнғироқ қилиб, раиснинг хонасида мажлис бўлағини маълум қилди.

Қўмита раиси академик Пўлат Қирғизбоевич Ҳабибуллаев эди. Ҳабибуллаев Марказий Комитетда бўлим мудир, фанлар академиясида вице-президент ва президент, Оқил Умрзоқович Салимов қамоққа олингандан сўнг Олий Кенгаш Раиси этиб сайланган эди. Академикнинг ўз ўрнини олиб қўйишидан чўчиган Рафиқ Нишонов Марат Зоҳидов деган бир математикка устидан ёздириб, домланинг ковушини тўғрилаган эди.

Қайта тикланиб депутат этиб сайланган Пўлат Ҳабибуллаев Раъно Абдуллаеванинг маънавий қатағони пайтида жаноза ўқилиши жараёнида отасининг мотам маросимига қатнашмай ҳам бир тилга тушганди.

Ниҳоят, қўмита аъзолари тўпланишди.

Сўзини бир оз қизиқроқ иборалар билан бошлаган Ҳабибуллаев борган сари ҳаяжонлар ва негадир асабийлашарди.

— Ҳурматли ўртоқлар! Ахир, тушунсаларинг-чи, бизга мустақилликнинг нима кераги бор? Халқ референдумда СССРда қолиш учун тўқсон неччи фоиз овоз берган. Раҳбаримиз айтганларидек, мустақил бўлсак, ўзимизни боқа олмаймиз-ку! Биз жуда кўп нарсани Россия ва қардош республикалардан оламиз! Ҳатто бизда тугма ҳам ишлаб чиқарилмайди! Хўп, мустақил ҳам бўлдик дейлик! Ахир, бизни Хитой босиб олади-ку!

Барчамиз ўтирган жойимизда ҳайкалга айланган эдик.

— Хитой бизни босиб олиши учун аввал Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонни эгаллаши керак. Шундан сўнг бизга навбат келади! — дедим мен шундай олим одамнинг



болаларча гапидан ҳайратланиб, кулгига бурарканман. — Хитой раҳбарияти сиз ўйлаганчалик нодон ва қисқа ўй бўлмаса керак. Бизни ким босиб олса увол-савобимизни бўйнига олиб, боқиши керак! Хитойнинг қилажак бошқа иши йўқми? Ўзининг району колхозларини эпласа ҳам — катта гап! Уларнинг “Ўзбекистон” деган колхозга эҳтиёжлари йўқ!

Кутилмаганда ғалати оҳангда бошланган мажлис ғоят ҳайратомуз тарзда тугади. Йиғилганлар эшик томон йўналдилар. Ҳабибуллаев менинг хонада қолишимни сўради.

— Менинг гапим нотўғрими? Одамларга ёқмадими? — самимий оҳангда қизаринқираб сўради суҳбатдошим қўлрўмолчаси билан терлаган қорамтир юзи ва бўйнини артар экан.

— Бундай гапни бошқа биридан кутган бўлсак-да, сиздан бекламаган эдик, Пўлат Қирғизбоевич. Ҳамма шунинг учун ҳам сўзингизга ҳайрон бўлди. Сиздек одамдан бу каби фикрнинг чиқиши, эшитган қулоққа ҳам яхши эмас, менимча, — суяброқ гапирдим.

— Менинг Хитой ҳақидаги фикрим нотўғрими? — астойдил кўзларимга тикилди академик.

— Нотўғри, Пўлат ака. Бу фикр буюк Хитой халқи ва давлати учун ҳам ҳақорат. Яхшиямки, бизда уларнинг элчихонаси йўқ. Акс ҳолда нота беришлари мумкин эди. Сиз москвалик бирор дўстимизнинг қулоғингизга қуйган сўзини такрорладингиз, назаримда. Ўзингиз ҳам бундай фикрда бўлмасангиз керак.

Академикнинг тили курмовга келмай, нафас олиши тезлашиб, қора терга тушди.

— Хўш, сизнингча, энди нима бўлади? Шунча йиллик алоқаларни узиб, ажралиб кетаверамизми? — кутилмаган фикрлардан шошиб қолган эди суҳбатдошим.

— Сиз ёзувчи Александр Солженициннинг Россия халқига мурожаатини ўқиганмидингиз?

— Ўқиган эдим.

— Шунда Ўрта Осиё ва Қозоғистон каби ортиқча “подбрюшник”ларни кесиб ташлаш керак, қачонгача уларни боқамиз деган фикрини ҳам ўқиган чиқарсиз?

— Ҳа, шундай фикр бор эди.

— Шундай экан, юмшоқ жойимизга тепишларини кутиб ўтирмай ўз йўлимиздан кетганимиз маъқул эмасми? Ўрта-индин Москвадан “Мустақиллигингизни эълон қилишингиз мумкин” деган телеграмма ҳам келиб қолиши ҳеч гапмас.

— СССРдек давлат тарқаб кетади деб ўйлайсизми?

— Ирмоқлару сойлар, ариқлару дарёларнинг қай бир денгизу океан томон оқаётганини кўрмаяпсизми? Мен Москва, Кремль муҳитини бир оз ўргандим. Масаланинг айнан шу тарзда ҳал бўлишини Россия Федерацияси олий раҳбарияти истамоқда. Москвани босиб кетган, республикалардан келганлардан безган халқ ҳам шу фикрда. Борис Ельцин ана шу кайфиятдан фойдаланиб, Михаил Горбачевнинг ковушини тўғриламоқчи. Нима, кўчада қолиб кетсак ҳам мустақиллигимизни эълон этмай оғзимизни очиб қараб ўтираверамизми?

Гапларимга ишониб-ишонқирамаган Ҳабибуллаев ўйга толганча бир менга, бир деразадан собиқ Ленин, ҳозирги мустақиллик майдони-га қарар эди.

— Солженицин билан Рональд Рейган орасида ҳам бир гап-сўз бўлиб ўтганини эшитган эдим. Шунини тафсилотини биласизми? — сўради суҳбатдошим кутилмаган мажлисдан ва сўнгги суҳбатдан олган нокауту нокдаунидан

ҳамон ўзига келмай, ўзини чалғитиш учун Солженицин ҳақида гап кетаркан.

— АҚШ президенти Рональд Рейган Александр Солженицинни тушлик емакка даъват этади. Солженицин “Тушликда ҳар ким билан емак ейиш мумкин. Агар мен билан суҳбатлашмоқчи бўлса, бу алоҳида бир масала. Суҳбат — бу емаксиз, бафуржа бир замонда уюштирилиши керак”, дея президент таклифини рад этади, — дедим мен у кишининг саволини жавоблантириб.

— Йўғ-е, президентларнинг таклифини рад этадиган ёзувчилар ҳам бор экан-да? — ҳайрон бўлди суҳбатдошим.

— Бундай воқеалар кечмиш тарихда ҳам бўлган. Имом Бухорий Балх амирининг болаларини ўқитиш ҳақидаги таклифига “мен фақат ҳукмдорлар фарзандларини эмас, халқнинг болаларини ҳам қўшиб ўқитаман” дея рад этган. Бир вазир ибн Сино ҳузурига келиб, сизни султон Маҳмуд ҳазратлари мақтадилар деганда “бошимда шу бадбахтлик ҳам бормиди?” дея йиғлаб юборган экан. Шунинг учун бу каби воқеаларга ҳайрон бўлмоқликка лузум йўқ, — академикнинг сўровини жавоблантирган бўлдим.

— Солженицин президентнинг даъватини қабул этмай тўғри қилганми? — яна сўради Пулат ака.

— Тўғри қилмаган. Бу ерда назокат ва зарифлик нуқтаи назаридан ҳар икки томондан да хатолик ўтган. Президент Рейган ёзувчини суҳбатга чорлаяроқ сўнгра тушлик ёки оқшом емагига таклиф этиши мумкин эди. Бу фикр президентнинг ақлига келмаса-да, ёрдамчилари айтишлари керак эди. Улар одоб ва ахлоқнинг мавжуд протоколларга сиғмайдиган томонларини кўздан қочирганлар. Оқ уй

томонидан шундай, жузъий бир нуқсонга йўл қўйилибди дейлик. Ёзувчи бунга бу қадар жиддий ва қатъий муносабат билдирмасдан, бағрикенглик билан қабул қилиб, боравериш керак эди. Бу қадар обрўталаблик, менимча, ўжарлик ва аксликнинг оқибати бўлса керак. Эътибор берган бўлсангиз, барча динлардаги руҳонийлар ҳар доим қаршиларидан чиққан ўғрими, каллакесарми, одам айирмай суҳбатлашиб кетаверадилар. Энг муҳими, президент Рональд Рейган ёзувчи учун жуда ажойиб, такрорланмас бир образ эди. Солженицин тажанглигига бориб ўзини ана шундай суҳбатдошдан маҳрум этган. Эрнест Хемингуэй ва Габриэль Гарсиа Маркеслар Фидель Кастро каби Лотин Америкаси раҳбарлари билан давомли учрашиб, суҳбатлашиб турганлар. Бундай кўришув ва мулоқотлар ижодкорга анча-бунча масаллиқ беради.

— Юринг. Тушлик ҳам бўлиб қолибди. Сўнгра майдон айланамиз, — деди Пўлат Қирғизбоевич бўйинбоғини тўғрилаб ўрнидан турар экан.

Олий Мажлис ва Вазирлар кенгашининг олд қатдаги емакхонасида венигрэд, боршч ва котлет тановул қилиб, ташқарига чиқдик.

— Хўш, мустақил ҳам бўлдик, дейлик. Сизнингча, шундан сўнг ишлар қандай давом этади? Ҳозирги раҳбарият ишни олиб кета оладими? Негадир мен шундан ташвишдаман. Илгари республикада бирор-бир ноҳақлик бўлса, Москвага бориб ҳақимизни талаб қилардик ва сўзимизга қулоқ солишарди. Бундан сўнг доду дардимизни кимга айтамыз? Додимизни эшитажак додхоҳ топилармикан, ишқилиб? — ниҳоят очилиб қўниша бошлади Пўлат ака.

— Сиз тилга олганингизга ўхшаган фикрни

мен “Халқ сўзи” газетасида ёзган эдим.  
Ўқиганмидингиз?

— Ҳа, ўқигандим.

— Мен ҳам шундан ташвишдаман. Халқ нари турсин, ҳатто депутатлардан борган талаб, таклиф ва истакларга ҳам гайирлигу нафрат нигоҳи билан боқиш истеъмолга кириб бормоқдаки, бу хайрли аломат эмас. Бу кетишда биз учун Москванинг зуғуми ҳолва бўлиб қолиши мумкин. Зулму адолатсизлик Москвадан келадими, Тошкентдан келадими, у зулм ва адолатсизликдир. Уни бошқа сўзу ибора билан изоҳ этиб бўлмайди. Бироқ ўз-ўзингдан, ўзим деганингдан ҳақсизлигу адолатсизлик кўрсанг алам қилади. Бежизга ётники ёндан, ўзники жондан демайдилар. Башоратчиликдан узоқману, бироқ бизни енгил кунлар кутмаётир. Ўзимизча мустақил бир давлат бўлсак, бутун дунё юриб келган иқтисодий ва сиёсий, маънавий ва ахлоқий, демократия ва умуминсоний қадриятлар йўлидан борамиз дея ўйлаган эдик. Бироқ сиёсий сувларнинг оқиши, шаклланаётган сиёсат, ахлоқ ва маданият буни кўрсатмаётир. Адолат ва қонун устуворлиги бўлмаган жойда ўз-ўзидан шахс ҳокимияти қарор топиши мумкин. Бу туришда кечмишдаги тоталитар бошқарув, жисмоний ҳамда маънавий босқилар ҳолва бўлиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бюрократия — имкони бор нарсани имкони йўққа айлантириш санъати деганларидек, мустақиллик тўғри йўлдан кетсагина халқ ҳақиқий озодлик ва эркинликка эришиши мумкин. Акс ҳолда миллат маънан, маърифатан ва фикран орқага кетиши ҳеч гап эмас. Демократия — нимани истасанг гапирасан, нимани буюришса бажарасан дегани, дейди Жон Берри. Бу кетишда биз шунчаки ўз

фикримизни айтмоқдан ҳам маҳрум этиламинг чоғи. Демократиянинг катта, умумжаҳон ва умуминсоний шарт ва талаблари ҳақида оғиз очмасак ҳам бўлаверади. Охир-оқибат ишлар ўзагингни ўзингники узади қабилида бўлиб чиқадиганга ўхшайди. Энг даҳшатлиси эса сиёсат очиқ-ойдин бизнесу тижоратга айланиб кетади.

— Бу нима деганингиз? — таққа тўхтаб кўзимга боқди домла.

— Мерфи қонунини эшитган чиқарсиз, албатта. Унда билимга интилган илм билан шуғулланади. Билимга интилмаган бизнес билан шуғулланади. Билимни ҳам истамаган, бизнесни ҳам эплей олмаган сиёсат билан шуғулланади, дейилади. Сиёсат билан шуғулланувчилар қодирлар тижоратини йўлга қўядилар. Барча катта-кичик амалу мансаблар, нефть маҳсулотлари раҳбарлигидан банк қоровулига қадар бўлган барча лавозимлар давлат махфияси билан бирлашиб кетган кўча махфияси воситасида сотилади. Лавозимни сотиш тижорати очиқ-ойдин бозор иқтисодиётининг энг муҳим, ҳал қилувчи, энг асосий савдосига айланади. Аҳвол шу даражага бориб етадики, прокурор, милиция бошлиғи ва суд раисини ҳам сўқоқдаги мафия бобосининг тавсиясига кўра тайин этадиган бўладилар.

— Йўғ-е! — деди кўзлари ола-кула бўлиб Ҳабибуллаев.

— Бу мерфи қонунидаги гаплар ва илоҳим рост бўлиб чиқмасин. Шундай пайтлар келиши мумкинки, ижрочилар энг тепадаги раҳбарга бирор-бир баҳонани рўкач қилиб, топшириғини бажармасликлари мумкин. Бирок ўзини ҳақиқий куч ва иқтидор эгаси деб билган мафия бошлиғининг сўзи сўз бўлиб қолаверади. Ҳатто улар бутун ҳуқуқ-тартибот

ташкilotларининг ишини назорат қилишлари мумкин.

— Майли, бир оз дардлашдик, — деди Ҳабибуллаев мавзунинг чуқурлашишини истамагандай. — Бироқ бўлиб ўтган суҳбат орамизда қолсин, ука, — дея ўнг қўлини елкамга қўйди ҳадик акси зоҳир нигоҳини қадаб.

Хайрлашар эканмиз ҳам у кишининг хаёллари тарқоқ ва паришондек эди.

Ҳадемай бу воқеага ҳам ўттиз йил бўлади. Пўлат Қирғизбоевич айтганларидек, орамизда қолиши керак бўлган гапни сиз азиз ва асил улусимиз, ўқувчимизга етказмоққа қарор қилдим.

Тарих аслида шахсларнинг қисмату қадаридан иборат дейдилар. Вақт бизни емирганидек, биз ҳам вақтнинг бошига етиб яшаймиз. Тарихий шахслар ва улар билан боғлиқ бўлган характерли воқеалар ўша давр ҳамда замон руҳини очгувчи энг ишончли гувоҳу манбалардир.

Боиси, асил тарихини тўғри далил ва исботлар воситасида билган улусгина адли адолат, очик қўз ва ойдин фикр ила ўнгига боқа билади.

Мустақиллик декларациясини эълон этган парламент аъзоларининг, янглишмасам, юзда саксони бу ёруғ оламдан қўз юмдилар. Улусимизга имкони қадар хизмат қилган олим Пўлат Ҳабибуллаев ҳам ҳақнинг раҳматига қовушдилар. Улус ва ватан саодати биносига бир дона бўлса-да гишт қўйган инсонни авлодлар миннатдорчилик руҳи ила ёд этажакдир. Ўша тарихий парламентнинг энг ёш аъзолари Шавкат Мирзиёев, Карим Баҳриев ва Абусаид Кўчимовлар бугун ҳам улус ва ватанга сидқу садоқат ила хизмат қилмоқдалар.

Биз ватанимизни яхши-ёмони, очу тўқи, тоғу яйлови, дашту чўли, тошу тупроғи, гиёҳу

оғочи ила бутун борлиғи билан севамиз. Унинг камчилиги ҳам кўзимизга табиийлик, экзотика бўлиб кўринади.

Асил ватан қадрини ватансиздан сўрагин деганларидек, бу илоҳий туйғуни бутун қалбу имон ила ҳис этмоқ, миллат фидойиси ва асл савдолиси бўлмоқ ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун имону виждонда ватаний ахлоқ эътиқоди шаклланиб, камол топиши керак.

Бу эътиқодга эса сўзсиз ҳақиқий таълим-тарбия, кишини олий адолатнинг олтин остонасига элтувчи илм ва билим орқали эришилади. Чаласаводнинг ватан севгисию миллат муҳаббати туйғуси ҳам чала ва бетаъсир бўлади.

Кимлар нутқ сўзлади, кимлар жон берди шу ватан учун деганларидек, ватан бор овоз билан бақириб айтилган сийқа қўшиқ ёки юракка етиб бормас саёз ваъз билан севилмайди. Бир гапни кўп такрорлайвериш, ҳатто итни ҳам жиркантиради дейди чинлилар.

Ота-онамизни қандай дилимизда меҳр-муҳаббат ила сассиз-садосиз севиб хизматларини қилган бўлсак, ватан ва халқимизнинг ҳам шундай самимияту садоқат-ла оғирини енгил қилишимиз, кунига ярашимиз керак.

Биз ўзимизга мустақил бўлсак, мамлакатнинг барча бурчакларида ҳақу ҳақиқат, адлу адолат қарор топади. Ўғрилигу порахўрлик, муттаҳаму мафиябозликка чек қўйилади. Оддий чўпондан тортиб дунёвий фикрлайдиган олимуну ёзувчининг фикри ҳам тингланиб, сўзига биров қулоқ солади. Одамларга, айниқса, эркинуну мустақил фикрловчи ватандошларимизга тазйиқ ўтказилиб, таъқибу зулм қилинмайди, демократия тамойилларига амал қилиниб, барча бир-бирини бағрига босади,



ифода ҳуррияти ва озодлик руҳи бутун мамлакат бўйлаб қанот қоқди дея заҳн этган эдик.

Бировлар инсофга эга, бошқа бировлар эса ҳамма нарсага эгалар дегандек, ватан ва миллат туйғусига ҳақиқий маънода эга бўлмоқ, инсофу адолат эътиқодини қалбу имонга жойлай билмоқ имтиҳонидан кечади.

Инсофу адолат ҳис-туйғуси, эътиқоду эътимодидан айри тушган киши, ким бўлмасин, ҳеч қачон ҳақиқий миллат фидойиси, ватан савдолиси бўла олмайди.

Биз Куала Лумпур шаҳридан беш юз километр узоқликда бўлган Жаҳор Баҳри (Денгиз жавҳари) шаҳрига келаётган эдик. Фаройиб томони шундаки, шунча масофадаги йўлнинг ҳар икки тарафи ўрмонпаркка айлантирилган. Сиз манзилга етиб боргунингизга қадар ўзингизни ажойиб тропик боғ-парк оралаб кетаётгандек ҳис этасиз.

Учинчи маротаба Жаҳор Баҳрига боришимизда мезбонларга субтропик ўрмонлар оралаб юриб, табиатни кўриб кетиш истагини билдирдик. Йўлдошларимиз истар-истамай рози бўлдилар.

Янги йўналиш бўйича масофа узайиб юз километрча ўрмон оралаб юришимизга тўғри келарди.

Телеэкранларда кўриб юрганимиз кўп ҳурматли маймунлар ва ажойиб қушу турли жониворларни томоша қилиб, тош тўшалган тор ўрмон йўлидан кетиб борардик.

Мўлжалланган йўлнинг ярмини босганимизда машинамиз таққа тўхтади. Ўрмончилар йўлга қулаб тушган бир неча дарахтнинг шохларини бутаб, йўлни очишарди. Кесувчилар билан гаплашиб келган ҳайдовчи бир ярим-икки соатларда ишлари тугаб, йўл очилишини айтибди.

Биз эса субтропик ўрмоннинг қоқ ўртасида машинадан тушиб, томоша қилиш орзусида оёқ-қўлларимизни ёзардик.

— Сизлар машинадан чиқмангиз. Бизда ҳар бири чумчуқдек келадиган чивинлар бор. Биз уларга ўрганиб кетганмиз. Сизларни чақса худо кўрсатмасин! — деди йўлбошловчимиз кўз косаси каттариб.

Ҳайронликда қўрқа-писа яна машинага чиқдик. Ҳайдовчи кондиционерни ишлатиб қўйди. Ярим соатлардан сўнг совутгич ҳам ишламай қолди. Дим, нафас олиб бўлмайди. Ойнани очиб-ёпиб нафас оламиз. Шу тариқа терлаб-пишиб ҳансираганча икки соат чамаси машинада ўтирдик.

Бу мамлакатда намлик юксак бўлганлигидан йигирма беш-ўттиз даража иссиқда ҳам ҳаммомга тушгандек шалаббо бўлиб терлайсиз. Бир оз нафас ростлаб салқинлаш учун бирор дўкони меҳмонхонага кириб туришингизга тўғри келади.

Шундай пайтда ўз ватанингизнинг тўрт фасли ҳам мукамал об-ҳавоси, шарқираган сойлари, арча ҳидию кийик ўти анқиган тоғлари, соя-салқин боғларию бепоён яйловлари кўзингизга жаннатнинг бир гўшаси каби кўриниб кетар экан.

Йўл очилиб сафарда давом этар эканмиз, беихтиёр ушбу битикларни қоралай бошладим ва ватанга қайтгач, Фарғонага кетарканман, тугалладим. Ушбу шеърни сизга ҳам илиндим.

*Дунёни кездим сарсари,  
Неки кўрдим, ноқис бари.  
Одамизоднинг сарвари,  
Жонга жон бир инсон йўқ.*

Ушал зару зурдир, эй воҳ,  
Қурсоғи бут шердир, эй воҳ.  
Ақли зако ердир, эй воҳ,  
Ярқ этган бир имон йўқ.

Муҳаббат ҳам ғариб бу кун,  
Садоқатнинг усти юпун.  
Адолатким йиғлар беун,  
Жон тикар бир жонон йўқ.

Уғрини уғри деб бўлмас,  
Туғрини туғри деб бўлмас.  
Эркисиз улус юзи кулмас,  
Ҳимо этар хоқон йўқ.

Лой тупроқдан дур ясаган,  
Бош бирикмай қур ясаган.  
Уткинчидан пир ясаган,  
Бундай ғалат даврон йўқ.

Заминга қоришган элим,  
Қисмат-ла яришган элим.  
Тоқат-ла боришган элим,  
Кўкси қалқон бир жон йўқ.

Аламин даладан олган,  
Очиққан боладек толган.  
Йўлидан адашиб қолган,  
Топинар бир макон йўқ.

Юлғич келса ош дамлаган,  
Сабр юкини ғамлаган.  
Шукрдан кўзин намлаган,  
Фарғонадек Ватан йўқ.

Ҳаёт борки, умид яшар,  
Андижонсой тўлиб-тошар.

*Наманган довондан ошар,  
Марғилону Қўқон йўқ.*

*Меҳрким икки кўздадир,  
Журъат-жасорат сўздадир.  
Ўзим деганим ўздадир,  
Сукут сақлар замон йўқ.*

**22. ОТАРЧИ ОҒЗИГА ҚАРАГАН ҚАВМ  
ЁХУД ФИКРЛОВЧИЛАР ЎҚУВ ЗАЛЛАРИ ВА КУ-  
ТУБХОНАЛАРНИ, ФАНАТИКЛАР ЭСА СТАДИОН  
ҲАМДА КОНЦЕРТ ЗАЛЛАРИНИ ТЎЛДИРАДИЛАР**

*Қирқ йилда қозон янги,  
Эллик йилда эл янги  
Тўқсон йилда тил янги.*

**Отасўзи**

*Мен шаҳарларга улардаги  
китоб дўконларининг сонига  
қараб баҳо бераман.*

**РУБИНШТЕЙН**

Аввало, отарчи сўзига изоҳ бермоғим лозим. Кечмишда, билхосса, теурийлар сулоласи ва салтанати замонасида ўтарчи деб, ҳайвон табибларини атаганлар. Улар ашёлари солинган хуржунларини эшакларига ортиб отарма-отар, сурувма-сурув, уюрма-уюр айланиб юриб чорва молларини даволаганлар. Шу касб эгаларни ўтарчи, ўтарчилар дея атаганлар.

Замонлар кечиб кўчаю сўқоқ машшоқ, лапарчи ва ҳофизлари ҳам худди шу тартибда кўйма-кўй, қасабама-қасаба юриб ўз ҳунарларини намойиш қилганлар. Халойиқ уларни ҳам айланиб ўтувчи, ўтарчи дея атаган ва бу сўз вақт ўтиши билан отарчига айланган ҳамда

бу сўз ҳеч бир таҳқиру ҳақорат маъносида айтилмаган.

Болалигимизда тоғ этакларига қўзиларимизни ёйиб чиқар эканмиз, биз билан бирга қўй боқадиган Ямонқул бобо деган киши бўларди. У эсини таниганидан бери сақолини олмагани учун йигирма-йигирма беш ёшидан бошлаб болалар уни бобо деб аташган, шу-шу бобога айланиб қолган эди.

У бу ёруғ дунёдаги энг катта одамни прокурор дея ўйлар, одамларни сўроқ-тергов қилиб, қамаб, отиш ва сургунга юборадими, демак, энг катта амалдор шу дея зеҳн этар, ҳаммадан ақлли ва кучли бўлгани учун шу лавозимга етишган деган фикрда эди.

Аслида Ямонқул бобо оддий халқнинг типик вакили бўлиб, у каби сон-саноқсиз одамлар ҳам шундай фикрлар, район, вилоят ва ундан ҳам тепага раҳбар бўлдими, тамом, ҳаммадан ақлли ва зўр бўлгани учун у шу амалга эришган дея ўйлайди.

Масаланинг туб моҳиятини англаб етмаган, сиёсий ахлоқу маданият ҳақида элементар тушунчага эга бўлмаган ўқитувчи, инженер ва врач ҳам шундай фикрлаши мумкин.

Тарихчи, сиёсатшунос, ҳуқуқшуносу файласуфлар эса сиёсату сиёсатчи ҳақида ўзгача тасаввурга эга бўладилар.

Деярли барча доҳийлару доҳийликка даъвогарлар, президенту бош вазирлар ўз фикру фаолиятлари акс этган китоблар нашр эттирганлар ва хотираларини ёзиб қолдирганлар.

Сиз улар битган китоб ёки уларнинг номидан ёзилган докладлардан иборат тўпламларни ўқиб, муаллифнинг фикрлаш даражаси, ақли идроки, тасаввур тафаккур оламининг уфқини, товону тобонини ҳис этасиз, англайсиз.

Дейлик, “Руҳнома” деган битикни ўқир экансиз, муаллиф дея муқовада қайд этилган киши икки дунёда ҳам бундай фикрлаб, бу каби китобни ёза олмаслигига ишонч ҳосил қиласиз. Битикнинг катта бир тарихчилар гуруҳининг меҳнати эканлигини англайсиз. Маркс, Энгельс ва Ленинларни ўқир экансиз, бу асарлар амалга ошмаяжак хаёлий бир ғоялардан иборат ўта зерикарли илмий изланишлар эканлигини тушунасиз.

Бироқ Махатма Ганди, Жавоҳарлал Неру, Мустафо Камол Отатурк, Жорж Вашингтон, Теодор Рузвельт, Уинстон Черчилль ва Француа Миттеранларнинг китобларини ўқиб маза қиласиз. Бу китобларда ҳаёт, мантиқ ва фалсафа борлиги учун ундан нимадир оласиз. Қолоқ ва ривожланиши керак бўлган мамлакатларга айнан ана шундай йўлбошчилар керакдир.

Ривожланган, тараққиёт йўлига тушиб олган Европа ва АҚШ каби давлатлар эса равон ва текис темирийўлда кетаётган поезд эшелонидир. Бу паровозга эса худди космонавт каби ақли руҳияти жойида бўлган, тартиб-интизомли бир машинист керак, холос. У даҳо йўлбошчи бўлиши шарт эмас.

Бу машинистлар Брежневу Клинтон каби Афғон урушини ўт олдирмасалар, Буш иккинчи каби Ироқ савашини бошламасалар ва Обамадек араб баҳорини араб қаҳратонига айлантирмасалар бас.

Акс ҳолда ўша эски, оталар сўзидаги ҳикмат бошга тушади. Давлат бошга эмас, қузгун лошга қўнаверади.

СССР ва АҚШ деган дунёга ҳукмронлик даввосидаги икки катта давлатнинг талашиб-тортишуви афғон халқининг қону жонига мол бўлди.

Толиблар Афғонистон президенти Нажибуллоҳ ва акаси Абдуллоҳни Қобул майдонида осдилар. Уларнинг таҳқирланган жасадлари дор оғочидан бир ҳафта олинмади...

“Биз буюк халқ ва давлат бўламиз, дея бақириб-чақириб бошқа миллатларнинг гашига тегишни бас қилайлик! Икки маротаба шу авантюрага алданиб, икки жаҳон урушининг бошланишига сабабчи бўлдик ва шармандаларча енгилдик” дея мурожаат этган эди қирқинчи йиллар охирида Олмон бундестаги депутати бўлган сиёсатчи парламентга қилган мурожаатида.

Бироқ ҳақиқий сиёсатни, сиёсат тарихи ва одобини билмаган, тандирдан хомлай узилган, чала пишган сиёсатчилар, сиёсатга алоқаси йўқлар, ҳис ва туйғуларига ҳоким бўла олмай Гитлеру Муссолини, буларга қўшилган Хирохито каби ҳамон буюклик иддаю даъвосини тилга келтириб, минбарларни танг этмоқдалар.

Биз ишлатадиган “буюк” сўзи мўғулча бўлиб, “катта” деган маънони беради. Тил ва сўзнинг маъносини чуқур англамаган нотиқлар уни русча “великий” сўзи билан қориштирадилар.

Ҳар бир халқ ва шахслар тарихида шундай буюгу улуғ ишлар бўладики, бу илму амаллар шу миллатнинг миллатлигини, шу тупроқнинг ватанлигини, бу ишнинг амалга оширган шахснинг ҳақиқий улуғ, даҳо шахсият эканлигини асрлар оша исботлаб, тасдиқлаб туради.

Амир Темурнинг темурийлар салтанатига асос солганлиги ва Самарқандни жаҳон пойтахти эълон этганлиги, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Аграни бошкент қилиб уч юз эллик йиллик темурий-бобурийлар империясининг тамал тошини қўйганлиги, Мирзо

Улуғбекнинг “Зичи Кўрагоний”си, Алишер Навоийнинг бутун турк улусини “бир қалам” этгани, Ал-Хоразмий “Алгебра”сию, ибн Сино “Қонунлари”, Берунийнинг фалсафасию, Ал-Фарғоний ҳамда Фаробий таълимотлари ана шундай улуғ тарихий ишлар ва тадқиқотлар сирасига киради.

Фақат буни кўражак қалб ва имон кўзлари, ўзлигини англаб етган ўзлар ҳамда улусга том муқаммал ва тушунарли оҳангда англата билажак сўзлар, замонлар кечса-да, шувит ўлмаяжак юзлар керак.

Сайловлар жараёнида барча номзодлар ўз мамлакатларини янада буюклаштиришга ваъда бериб, халқнинг бошини қотирадидлар. Бундай буюкбозларга Франция президенти Макрон Пекиндан туриб яхши изоҳу жавоб берди. “Жаҳонни, мамлакатларимизни янада гўзаллаштирайлик”, деди.

Бу сўзнинг орқасида уруш, гегемония, шовинизм, национализм, колониализм ва мустамлакачилик борлиги инсонларнинг хотирасидан чиқмаган. Мен буюкман демоқ, мен сендан устунман, мен не десам, айтганимни қилишинг керак деганидир.

Ҳурматли буюкбозлар бир нарсани унутмасликлари керак. Давлатлар, мамлакатлар ва миллатларнинг кечмиш тарихидан маълум. Буюклар кичиклашадилар. Бойлар камбағаллашадилар. Камбағаллар бойийдилар.

Қани ҳали-ҳануз медицинада ўқув қўлланма тили бўлиб келган лотин тили ва давлати? Қани Европадан Чингача, Чиндан Европагача узанган Александр Македонский ва Чингизхон давлатлари? Чиндан Босфорга қадар етган Темурийлар давлати-чи?

Тарқалиб кетишини Збигнев Бзежинский ва



яна бир неча киши башорат этган СССР деган давлат-чи?

Маълумки, Косоводаги геноциддан сўнг Бирлашган миллатлар ташкилоти раҳнамолигида Гаагада Халқаро суд-маҳкама тузилди. Милошевичу Караджич каби йигирманчи асрнинг сўнгги гитлерваччалари номига бўлса-да судланиб, жазоланди.

Бирлашган миллатлар ташкилоти қошида шунга ўхшаш бир ҳайъат тузилиб, президентлик, бош вазирлик каби юксак лавозимларга номзодини қўймоқчи бўлган кишилар билан суҳбатлашиб, руҳий-психологик ҳолати, сихат-саломатлигини ўрганиб тавсия берилса, дунё сиёсатини алғов-далғов қилаётган қатор итқайсар, телба, шизофреник ва параноик раҳбарларнинг ҳокимият тепасига келиб қолишларининг олди олинармиди?

Бироқ одамлар аждодларидан келган оқилу доно диндорларимиз онгларига қуйишда давом этаётган подшоҳ худонинг ердаги сояси деган ақидага амал қилишга мажбур ва маҳкум этилгандай. Агар бу гапга ишонадиган бўлсак Адольф Гитлер ҳам, Пол Пот ҳам ўша сояга кирадими?

Бироқ улуғ оталаримиз шундай ажойиб ва сермаъно ўғитларни айтиб, мерос қолдириб кетганларки, бироқ уни барчамиз эшитмаганмиз, англай олмаймиз ва хулоса чиқара билмаймиз. Бойга ишонсанг боринг кетар, хонга ишонсанг бошинг кетар...

Раҳбар, ўзини сайлагану сайламаган, хайрихоҳу нохайрихоҳ, ҳатто уни хуш кўрмаган одамларнинг ҳам раҳбаридир. У бу одаму қавм меники, унга ҳар қандай яхшилиқни қилишим керак дея неки ўғирлигу фарлик қилса қўйиб бермаслиги лозим бўлганидек, бошқа бир

жамоани айириб, уларнинг бола-чақасини оч қолдириб, ўзини хору зор этилишига-да йўл қўймаслиги керак. Жабру зулм касри охир-оқибат уни тиклаганларнинг бошига йиқилади. Бундай раҳбарлардан кейин ҳокимиятга келганларга бир оз қийин бўлса-да, шу золимнинг қилганларини қилмаса ва унинг хатоларини тўғриласа ҳам бечора халқ ундан рози бўлади.

Энг муҳими, одамларни ва халқни айирмаслик керак. Кишилар ва элни айирганлар охир-оқибатда ўзлари ҳар нарсадан айрилиб, мосуво бўладилар. Ниманики улусдан ортиқча еб, ҳазм этмоқчи бўлса буюрмайди ва ёриб чиқади.

Авлиё, фаришта, шайтон, дажжол, дев, жин, ажина, арвоҳ, сариқ қизлар каби хаёлий нарсаларнинг бору йўқлигига ишонмоқ — ҳар кимнинг ўз эътиқодий ҳақ-ҳуқуқидир. Бироқ мен одамлар орасида авлиё ва фаришта сифатларига соҳиб бўлган, йўқ дейдиган даражада оз кишилар борлигига ишонгим келади. Аммо шайтону дажжолга сабоқ бергувчиларни ва уларнинг салафларини истаганингиз қадар учратишингиз ва зарбасини ейишингиз мумкин.

Юлдузлар бизга не қадар узоқда кўринсаларда, бир-бирларига жуда яқин кўринсаларда, аслида бир-бирларидан жуда узоқдалар. Юлдузсифат шахсиятлар ҳам ана шундай юз ёки минг йилликларда бир келишлари мумкин ва бир-бирларидан узоқда бўладилар.

Биз, дунёни кўриб турганимиз масофада ўлчагувчи боши юмалоқ, бути айрилар эса бир ўпка, ақл кучи ўрнини тана кучи эгаллаган спортчи ёки овозни ақл дея англаган ашулачидан юлдуз ясаймиз. Бу ясама юлдузлар эса кўз очиб-юмгунга қадар сўнадилар. Биз

эса боғлаб қўйилган қозик атрофида айланаётган фил каби жавлон уриб сохта юлдузлар ясамоқда давом этамиз. Одамлар ҳақу ҳақиқат, адлу адолатдан кўра ёлғон ва ярим ёлғонларга ўч бўладилар ҳамда ишонадилар.

Нима учун ҳақиқатни севиб унга амал қила олмайдилар? Бунинг сабаби эса битта. Бу юксак олижаноб инсоний эътиқодларга тишлари ўтмайди, ақллари етмайди. Киши ниманики англамаса, фарқига етмаса, яғийлик кўзи ила боқади. Ҳатто нафратланади.

Сиёсатда даҳолик ва йўлбошчиликка давогарлар учун битта йўл бор. Бунинг учун фавқулодда буюку даҳо кишилик бўлиш шарт эмас. Жуда катта миллий ва ватаний ишларни уддаламоқ учун ҳам генийлик талаб этилмайди. Ҳабиб Абдуллаев Москвага зир қатнаб Бекобод металлургия заводининг қурилишини исботлаб ҳал этганда ёки Шароф Рашидов Тошкент метроси қурилишини ниҳоясига етказганда, бунинг бир қаҳрамонлик, мен бўлмасам шу ишлар амалга ошмас эди деб ўйламаганлар. Ватан олдидаги бурч, ўз халқи олдидаги қарз деб билганлар. Бундай улуғ ишларни бажармоқ учун, энг аввало, одамларни яхши кўриш, уларни тинглаш ва улар билан бирга бўлиш керак.

Элга эрса тилак шулдир:

*Отарчи оғзига  
Қарама, улус.  
Сотарчи бўғзига  
Ярама, улус.*

*Олим сифатлини  
Талама, улус.  
Золим оёғини  
Ялама, улус.*

Емаган сомсангга  
Тўлама, улус.  
Тирик товон каби  
Сулама, улус.

Эл бўлмай эркингни  
Булама, улус.  
Андуҳни армонга  
Улама, улус.

Инсонлик тахтидан  
Қулама, улус.  
Авлодлар сочини  
Юлама, улус.

Отарчи оғзига  
Қарама, улус.

### 23. ПОДШОҲНИНГ ҚОРА ҚАНЖИФИ ЁХУД ТОШБАҚА ТУЖЖОРЛИГИ

Кўрган эдим ўргангни,  
Таги тешик тўрвангни.  
Халқ сўзи

#### I

Боғлар армон рангини олган дардчил,  
сокин кеч куз кунлари. Сафардалик пайтимда  
синфдошим, уста Мамарасул дунёдан ўтибди.  
Қишлоққа отландим.

Ўша йил куз эрта киргани боис ёз  
охирламай ёғингарчилик бошланди. Саратон  
жазирамасидан сарғайган адирлар, сурув-  
сурув қўйлар туёғидан чанги чиқиб кетган тоғ  
этаклари, анҳор ва яйловларга яна жон кирди.  
Бўзқирларда майсалар ниш уриб илк баҳор  
рангини ола бошлади.

Кейинги пайтларда қишлоққа бормоқчи бўлсам негадир хаёлим қочиб, ўй босади, ғамгин ва паришон тортиб қоламан. Авваллари бунинг акси бўларди. Ойқор тоғини кўриш, болалигим қолиб кетган далаларда яйраб кезмоқ, ҳамқишлоқлар билан дийдорлашмоқдан чексиз завқ туярдим. Фикрим қатидаги хотираларни қайта-қайта жонлантирганча, сабрсизлик билан эртак каби кечмиш қолиб кетган гўшага ошиқардим.

Раҳматли дадамнинг қайтишлари, бирга униб-ўсган дўстим, ўқитувчи ва журналист Шавкатнинг оддий кўричакдан бевақт вафот этиши, кўнглимдаги завқ-шавққа, ўспиринлик ва ёшликда туғилиб, ҳануз яшаб келаётган романтик туйғуларга бирдан нуқта қўйди. Оиланинг каттаси бўлганим учунми бир неча кунда чўкиб, бошқа кишига айланиб қолдим. Кишининг ота-она айрилиғига кўникмоғи қийин кечаркан. Инсон қайтмоғи мерос деган ақидани эшитганинг билан бошингга тушгани орасида осмон билан ерчалик фарқ бўларкан. Ҳаёт кўз ўнгингда ўзгача рангга кириб, тоғдай кўксингдан дарз кетаркан. Умр бўйи йўлдошдай ёнгинангда юрган ота-онангнинг ғанимат эканлигини бағринг ўртаниб туярсан. Ва бирдан улар олдидаги бурчимни ҳам ўтай олмаган эдимку, деган афсус, надомат туйғуси борлигини эгалларкан. Бироқ бошингни қай деворга урма, ҳаёт ҳукми қатъий. Инсон ўлимни бўйнига олиб туғилади.

Узоқ чўпон билан олтинчи синфгача бирга ўқигандик. Олтмишинчи йиллар бошидаги мажбурий кўчирма бизни Нурота тоғларига туташ Жиззах даштига элтиб ташлади. Отасидан эрта етим қолган Узоқ бир этак

ука ва сингиллари билан қишлоқда ёлғиз эди. Саккизинчини битирар-битирмай чўпонлик қила бошлади. Шунинг учун уларнинг оиласига кўчирма пайтида тегишмади. Сўнгра у қўй боқиш учун биз томонларга келди.

Минг тўққиз юз олтмиш саккиздан олтмиш тўққизга ўтар йилдаги қаҳратонда амаким Эргаш чўпонга қарашгани борганимда уни отарда учратдим. Машаққатли кунлар бизни яна яқинлаштирди. Яхши кўриб юрган кўшнисининг қизига Раҳмон рабобкомнинг Тошкентда ўқийдиган ўғли уйланганида кечалари қўтоннинг томига чиқиб йиғлагани ҳали эсимда. Уни юпатамиз деб, Эргаш амаким иккимизнинг она сутимиз оғзимизга келган.

Онаси Турсунтош хола кўзига қилқон, хас-чўп тушганларни тили билан оладиган табиб эди. Икки гапининг бирида эркалаб “ҳаҳ, санга ман ўлайин, дардгинанг урсин, кўзгинангнинг оғриғи урсин, ошгинамнинг қайласи, бетгинамнинг ойнаси” дер эди сўз ила ифодалаб бўлмас меҳрли ва ёқимли оҳангда. Галахирмонжойдан сомон ташиётганимизда кўзимга қилқон кирганда, энам у кишининг олдига эргаштириб боргандилар. Турсунтош хола айланиб-ўргилиб, жонимни ҳалқумимга келтираётган, чап кўзимга кириб қолган бугдойиқ қилқонини тилининг учи билан олиб ташлаганини кечагидек эслайман. У киши мен каби мижозларнинг оғирини енгил қилганида воқеадан хабар топган қўни-қўшнилари “Турсунтош фалончининг кўзига тилини солибди” дейишарди.

Қишлоқда Узоқларнинг, Энача хола ва Хумор момо, Қудрат тоға, Шодибек бобо ва Отабек ўнбошининг боғларидагина ёнғоқ бўлиб, биз – болаларнинг икки кўзимиз шу

оғочларда эди. Хазонлар орасини титкилай-титкилай битта ёнғоқ топиб олсак, дўппимизни осмонга отардик. Дарсдан кейин Узоқларнинг ҳовлисидаги ёнғоқ остида ўйнаб, этакдаги Каттасойда чўмилардик.

Энди ўйлаб қарасам, каттагина қишлоғимизда олти тупгина ёнғоқ борлиги, ёнғоқ эксанг, мевасини ўзинг емайсан, деган гапнинг одамлар онгига ўрнашиб қолганида экан. Обидага айланган бу оғочлар остида хаёл суриб ўтирарканман, беғубор болалик хотиралари энамнинг эртаклари каби кўз олдимда жонланади. Дарвоқе, умр ҳам бора-бора эртакка айланар экан...

Йўлга чиққанимдаёқ беихтиёр ёдимга Узоқ чўпон тушди. У Фаллакон тарафларда Тоғвой чўпоннинг ёнида чўлиқ эди. Хўжайини билан гапи тўғри келмай, қишлоққа қайтиб келибди. Ўзининг ўн беш-йигирма чоғли қўйига қўниқўшниларникини қўшиб, Каттасойда айлантириб юрганмиш.

Темур дарвозасидан сўнг йўл Сангзор дарёси ёқалаб кетади. Тепаликлар оралаб кўприкдан ўтишингиз билан дарё кичик-кичик ирмоқларга бўлиниб, кенгиш майдонни эгаллаб, ёйилиб оқади. Туя ўрkachлари каби пастбаланд тепаликлар, сўнгра парқу булутларга оҳиста ёнбошлаган Ойқор тоғига туташиб кетади. Унинг изғиринларга кўкрак керган азамат қоялари, йил ўн икки ой қор аримас юксак чўққилари, наъматак ва маймунжон терганимиз учи-қўйри йўқ шарқироқ сойлар кўз очиб-юмгунча ўтиб кетган умрни эслатади. Бугунги ҳаёт ҳақиқати ва умиднинг муждаси каби мени ўзига чорлайди.

Тоққа туташ, кечмишдан ёдгор Дунётепа ва Қўрғонтепа қалбимга шу тупроққа меҳр

туйғусини солган илк манбалар эди. Эндиликда мана шу икки тепалик орасидаги қишлоғимиз қабристонида мунғайибгина турган қабрлар менга бобом, энам, отам ҳамда опамнинг сиймоларини эслатади ва мен жуда кўп нарсаларни қайта мушоҳада ва мулоҳаза эта бошлайман.

Масжидинг узоқ бўлса ҳам, мазоринг яқин бўлсин дегандек, қўйинди ҳам шундоққина қишлоқнинг биқинида.

Замонида бу чексиз дара ва адирларга сифмай от сурган мана-ман деган ҳамқишлоқларим энди бир қабристон бўлиб, совуқ мрамр тошлардан маҳзун термулганча сассиз-садосиз ётибдилар.

Бу дўппайган қабрларда бир-бирининг устидан бот-бот юмалоқ хат ёзиб қаматган амалдорлар, ҳайҳотдай ҳовли-боғларга сифмай ер учун бир-бирини пичоқлаган ака-укалар, Ойқор тоғида ўрмалаган жонивор борки, қирон келтирган, какликнинг кўзидан урадиган овчилар қазойи қадари етиб, ер билан битта бўлиб ётибдилар.

Гапига қош қайирган одамни таъқибу қувгин қилиб, керакли жойга тиқтириб қўядиган, бутун бошли қишлоқни ётқизиб-турғазиб, охир-оқибатда Мирзачўлга кўчирмага тўғри-лаб юборган, газабидан барча бирдек зир титрайдиган Отабек директордан тортиб, қўни-қўшнилариинг қўлига қараб, улар берадиган ярим коса ёвғон пиёва ва бир бурда нони билан кунини кунлаган опа-сингил Майрам ва Чинни момоларгача энди бирдек қора тупроққа айланиб ётибдилар.

Тупроқ одам ажратмайди.

Буни ҳаёт дейдилар. Инсон боласи самодаги чақин каби бир чақнаб ўтиб кетаверади.



*Бу дунёда гўзал ҳаёт бор, гўзал ўлим йўқ...  
Охир-оқибат икки газ ер, тўрт газ бўз...*

Эллик йилда эл янги, қирқ йилда қозон дерлар. Вақт, замон кечиши билан кишилар кўп нарсаларни унутиб яшайдилар. Зотан, араб тилида инсон дегани унутувчи демакдир.

Шу хаёллар билан икки четига ўрик, бодом ва жийда экилган Ўснат йўлидан ўрлайман. Мол-ҳол кўпайиб кетганидан яйдоқ яйловларда қўзи тилига илинар майса кўзга ташланмайди. Пўстакни судрасанг чўп илинмайди. Куз ёмғиридан ўзига келган ангордан намиққан хас-хашак ва қуруқ тупроқ ҳиди кўтарилади.

Отамерос уйимизга етиб келишим билан қишлоқбоп кийинаман-да, дадамдан қолган қадрдон ирғай таёғимни олганча адир ёхуд сой бўйлаб тоғ томон ўрлайман. Ўлим-нетим бўлган уйларга кириб, кўнгил сўрайман. Болалигимда келиб юрган эшикларга бош суқаман. Дуч келган ёшуқари, хотин-халаж, бола-бақра билан гурунглашаман. Энг юксак тепаликка чиқиб, болалигимизда бир марта бориб кўришни орзу қилганимиз, уфққа ёнбошлаётган қуёшнинг оловранг тафтида ёниб кўринаётган Самарқанд томон тикиламан. Болалигим шундоққина кўз ўнгимда намоён бўлади.

Вужудида эзгулик туйғуси барқарор кишилар табиат қўйнида болага айланади. Киши ёшликда не қадар тезроқ улғайиб, бирор манзилга етмоқ учун тиришса, ёш бир ерга бориб қолгач, беихтиёр болалиги томон талпинади. Табиат бағрида киши ўз ҳистуйғуларини бошқара олмайди. Кишилар кўз ўнгида не шаклда кўринмаган бўлсин, бундай дақиқаларда беихтиёр бўлгани каби кўринади. Фикр, бу — кўринмас табиат, табиат, бу —

кўринувчи фикрдир деган-ку, буюклардан бири. Фақат фикрлай олмоқ, мушоҳада эта билмоқ истейдодига соҳиб кишиларгина табиатнинг нозик фалсафасини англаб етиши мумкин.

Ёғингарчиликдан ўйдим-чуқур бўлиб қолган кўчаларда қўлда таёқ, қалбим тўкик, руҳим сўкик бир ҳолда ғамгин ва паришон кезишимни доимий суҳбатдошим, адабиёт ўқитувчиси Сафарали муаллимдан бўлак кимса англаб етмайди.

Тоғ этаклари, ён бағирлари, даралар, сойлигу адирлар, изғиринларга кўкрак керган тепаликлар. Одам оёғи етган ер борки, тартибсиз ва қонунсиз равишда эгалланиб, ўраб олинган. Кўримсиз ва режасиз пастқам бинолар қуриб ташланган.

Сойларнинг ўзанини сағноқ, санглоқ, дейишади. Бу тошлоқ демак. Бироқ бу санглоқлар ҳам эгалланиб, иту қушга отар тош тополмайсиз. Ташиб кетишган. Ҳатто тошли қоя ва тепаликларни портлатиб, парчалаб катта-кичик шағал қилиб пуллайдилар. Бу аҳволда тоғ ҳам ҳадемай пасайиб, чўкиб қолса кераг-ов, дея ўйлайсан хаёлинг қочиб. Хайриятки, юксак қоялар ва тик чўққиларга қўллари етмайди.

Инсоният шу тариқа табиат мувозанатини бузиб, ўз оёғига ўзи болта уриб яшайвераркан. Шарқираган сойлар суви аллақачон қувурларга солинган. Яйловлар экин-тикин майдонларига айланган.

Дадамнинг Ирғайчи маҳаллалик болалик дўсти, математика ўқитувчимиз Абдуражаб домланинг узоқ йиллар чет элларда ишлаб келган, олти тилни биладиган, Тошкентда яшаб, университетда дарс берадиган фан доктори Худойқул Жўраев деган амакиси бўларди. Домла ҳар йили ёз таътилида Ўсмагга келар, ўзига

тўқроқ қариндош-уруғи, ёр-дўстлари қўйми, эчкими сўйиб, топган-тутганини олдига қўйиб, навбат билан меҳмон қилишарди. Жўраев домла бизникига ҳам келар, боғимиз тўридаги ўрик остига, бедазорга тўшак солдириб, йи-гилганларни оғзига қаратиб, тонготаргача хангома берар ва ётиб қоларди.

— Кўнглинг тўқ бўлсин, Абдуражаб, — дер эди меҳмон дамсар уриб. — Бу боши юмалоқ бути айрилари қали-бери одам бўлмайди. Булар учун ўзингни ўту чўққа урганинг бефойда. — Кўнглинг тўқ бўлсин, — дея такрорларди сўзи сўнгида ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган армонли оҳангда. — Оламга очиқ кўз билан боқиб, дунёвий фикрлаб, бўйлашмас эканмиз, гузар ва чойхона қавми бўлиб қолаверамиз.

...Ота аждод ақрабомиз Абдурасул ака пай-гамбар ёшида оламдан ўтди. У қишлоғимизга электр олиб келмоқ учун раҳматли Вафоқул тоға билан бирга елиб-югурган ягона инженер бўлиб, юқори ташкилотларга мурожаат этиб битиладиган хатларни менга ёздиришарди. Электр идораси туман газетаси билан қўшни бўлиб, биз кўпинча ишга бирга қатнардик. Унинг ноҳос ўлими укаси Мамарасулга қаттиқ таъсир этди чоғи, у ҳам кўп ўтмай омонатини топширди.

Уларнинг отаси раҳматли мулло Раҳматуллоҳ бобо қишлоқда ўттиз еттинчи йиллар қатағонида омон қолган, эскичани биладиган ягона одам эди. Бобом мулло Қобулни олиб кетиб, Сибир сурғунига жўнатганларида уй тўла китоблари қолган. Кимнингдир маслаҳати билан Шаҳзода энам бу китобларнинг ярмини уйнинг токчасига тахлаб, суваттирганлар. Қолганини эса тун яримдан оққанда Раҳматуллоҳ бобога элтиб берганлар. Тўққиз ёш-

ли дадам энамга ёрдамлашиб, тошдек қоронғи қиш кечасида Хўжатўпи маҳалласига ит азобида қандай бориб келганларини кўзда ёш билан ҳикоя қилиб берардилар.

Қишлоқда шундай. Барча одамларнинг тақдири бир-бирига туташ. Сўнгра қишлоғимизга Панжакентдан, қатағондан қочган мулла Ҳаким бобо келган. Туқсонинчи йиллар бошида одамлар дину иймонга қайтиб, қишлоқларда масжидлар қурила бошланганида уч-тўрт оқсоқол бир ой, чамаси, жоме биноси учун жой ахтаришади. Кимсадан садо чиқмайди. Шунда фақат Абдурасул инженер томорқасининг ярмини масжид учун ажратиб беради... Қишлоқда қад кўтарган масжид эндиликда мулла Раҳматуллоҳ номида.

## II

Эртаси кунни бутун қишлоқ уста Мама-расулнинг худойисига йиғилди. Дарвозанинг икки ёнида қўл қовуштириб турибмиз. Ўнг томонимда хомуш ва паришонхотир Узоқ ўтирибди. Сўл тарафимда биздан ёши каттароқ Бозорвой чўпон.

— Ҳа, жўра, шаштинг паст? — аҳвол сўрайман Узоқдан.

— Шу ёшда ишсиз қолдим, жўра. Умр бўйи сурувнинг ортидан юрган одам уйда ўтириб қолса сиқилиб, жинни бўларкан. Ҳатто икки қўлинг ҳам ортиқчага ўхшаркан, — сўниқ овозда жавоб қилди Узоқ чўпон.

— Тоғвой билан ораларингдан қил ўтмас эдику?..

— А-а-а-й, Тоғвой чўпон уйни қотирган-да, қиззиғар! Қаср дейсан, қаср! — дабдурустдан суҳбатимизни бўлди Бозорвой. — Қандингни ур, азамат! Районда биринчи бўлиб, қўйини

мингга етказган ҳам Тоғвой чўпон! Худо ол қулим деб, беришдан қисмаса ҳеч гап эмас экан! Икки ўғлини юрпакда ўқитди..

Орага ёқимсиз жимлик чўкди. Беихтиёр Бозорвойнинг юзига қарадим. Соқоли бир ҳафта, чамаси, олинмаган, устида яғири чиққан фуфайка, оёғидаги ботинка кийилганидан бери артилмагандек. Унинг назарида энг зўр ва ақлли одам, барча бирдек бўйсунадиган, ҳаммадан амали катта киши эди. Қўйи кўп бўлиб, юртни тўплаб катта кўпқари берган, янги марка машина олиб, данғиллама иморат солган, хонадонига каттаконлар келиб тургани барчадан обрўли одам санайдиган Бозорвой учун нон пайғамбар, ош худо эди. Пойинтар-сойинтар сўзлари билан у аллақачон масҳара, ҳазил-мутойибанинг мавзусига айланган, қовун тушираверганидан ҳамқишлоқлар бир маъракага айтса, бирига айтмас эди. Ўзининг ҳам минг чоғли қўйи бўлиб, ўтирган даврада ҳеч кимга сўз бермасди. Минг қўйли бойлар сирасига кирса-да, уйда тайинли қозон қайнамас, эшигидан биров кирмас, кийим-кечагининг яғири чиқиб, тўкилмагунча янги-сини олмас эди.

— Нархи беш чақалик одам саройдек уй қургани ёки қўйини мингдан оширгани билан унинг баҳоси ўн тийин бўлиб қолмайди, — Бозорвойнинг гапини бўлди қишлоқ мактабининг тарих ўқитувчиси Саид муаллим. — Одамлар оғзим бор экан, деб ҳар гапни бир гап деб саннайвермаса-да!

— Аравакаш тавба қилибди! — гурсиллатиб ўнг қўлини кўкрагига урди Бозорвой. — Гапиришни худо фақат маллимларга чиқарган, қиззиғар! Ўқитган ўнта балангдан тўққизтаси ўқишга киролмайди-ю, яна тилини саккиз

қарич қилиб, одамларга нарх бичади! — бўш келмайди Бозорвой.

— Муаллимларга тил теккизмаган сен саводсиз қолувдинг! Оғзингни кўпиртириб мақтаган ўша Тоғвойнинг отаси Пардавой подачининг қўлида челақ, елкасида нонхалтаси билан оши ҳалол тўплаб, эшикма-эшик юрганини ҳали кўпчилик унутмаган. Бу чўпонман деганнинг тупроғи бир ердан олинган бўлади ўзи. Сенинг ўша иномаркали бойваччанг ўшанда оёғида тоштовон, отасининг орқасидан эшагини етаклаб, навбат билан “оши ҳалол” деб бақариб юарди...

— Сенинг отанг ҳам райком-пайком бўмаган, ука! Ўзинг ҳам зовучни-повучни қилиб юма-лоқ-ястик ўқишни питиргансан! Таниганимдан бери устингда шу эски кастим! Яна бировнинг оғзига урасан!

— Айтганингдек, яхшими ёмон, бир ўқишни битирганман, — бўш келмай сўзида давом этарди муаллим. — Сен каби Тайпоқсой даштида қийшуносликни эмас.

— Сенинг ҳам ота-бобонг чўпон-чўлиқ ўтган, ука-а! Агар сен културний одам бўганингда чўпонларнинг устидан кулмасидинг. Ўша Пардавой подачининг жанозасига начальник милициялар билан тўртта прокурорини олдига солиб, облас прокурори Мустафоқулов келган. Қўй кўрмасагам қий кўрганмиз бизам...

— Сен ҳам ҳар ҳафтада битта ширвоз қўзи ёки қирқилмаган улоқни сўйиб, тандиркабобларни совутмасдан элтиб, бўзчининг мокси-сидек елиб-югуриб хизматини қил. Кўрасан, жанозангга ундан ҳам катталар етиб келади. Энг муҳими, обрў борида ҳамда вақтида ўлиш!

— Ҳе-ҳ-е-е! Содда маллим-ей! Ширвозлар ҳолва бўлиб қолди, оғайни! Энди каттадан

кичиги кўкидан келади. Гўёки Ойқор тоғининг бир сойда дўллар мошинаси бордай! Худо берганига шукур қилиб, ўзимизни сўмгинани оловир! Тешиб чиқмайди-ку, қиззиғар! Расходга тушиб дўлларни қаердан топади сенга? Сўмни шотирларингга бер, физиллаб бориб алмаштириб келади!..

— Менга қара, Бозорвой, кўпам ўтлайверма! Гирди мактаб ёки гирди сарой деган гап бор. Иккисини ҳам кўрмаганни йўнилмаган таёқ дейдилар! — қўлини пахса қилиб бўш келмасди муаллим. — Қўйсанг-чи шу бемаъни гапларни.

— Аравакаш тавба қилибди дедик-ку! Илгари ҳамма ақлли бўлмаган. Ҳамма сендек олим бўлаверса, қўйни ким боқади? — деди аччиғи чиқиб Бозорвой иягини кўтариб, юзини тескари бураркан. Бу билан у Саид муаллимга “сен ҳам одаммисан” демоқчи эди.

— Сенинг қулоғингга қўйилиб қолган “минг қўйли бой гапирсин” деган замон яна келди, чамаси, — ҳамон шаштидан тушмасди Саид муаллим. — Мол топиб, ақл топмасанг, учоворадан чиқиб кетаверасан, оғайни. Тилим бор деб валдирайверма. Сенга насиҳат қилиш бефойда-ку, лекин кези келганда ипингни тортиб туриш керак...

— Ўликни қўйиб тутга югурмайлик. Баҳси мунозаранинг мавриди эмас, домла, — Саид муаллимга юзландим.

Орага яна жимлик чўкди. Узоқ чўпон дамсар урди.

— Тоғвой дўстимизди кетига жир битди, жўра, — деди анчадан сўнг чуқур нафас олиб Узоқ. — Бу дунёда оч одамни тўйдирса бўларкану, бироқ тўқни тўйдириш қийин экан. Жўрамиз босартусарини билмай қолди. Кўрмаганнинг кўргани курсин дегани тўғри экан. Қачон кўрсанг,

кайфи тарақ, ёнида ҳар хил аёллар. Мен аҳмоқ уни ўша, чоригини судраган Тоғвой жўрамиз деб ўйлаб, насиҳат қилмоқчи бўлибман. Келинкуёвли одамсан. Энди буннай ишла сенга ярашмайди. Уннай қима. Аяқ-баяғингга қараб юр, жўра, деппан. Бош ирғаб маъқуллагандай бўлувди. Кейин билсам бошини “ҳа-а, сенми менга ақл ўргатадиган” деган маънода сарак-сарак қилган экан. Менга ўхшаганларнинг қўлидан чўпонликдан бошқа иш кемаса...

— Бекор гапни қўйсанг-чи! Қўлингдан ҳамма иш келади. Сеникидек олмазор кимда бор? Фақат шу касбга ўрганиб қолгансан. Ўттиз-қирқ қўй-эчкини чаканага бериб боқтиришга тоқатинг йўқ. Бошқа бирор иш билан шуғулланиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмагансан, — унинг гапини бўлдим. — Тўғрими?

— Тўғри! Гапингда жон бор, — юзимга тикилиб қолди Узоқ. — Лекин ёғ еганда ёт яхши, қон ичганда қариндош деганидек, бир пайтлар хизматинг сингган одамларга, қорни тўйғач, керагинг бўлмай қолса алам қиларкан, жўра. Менинг ўрнимга иш тополмай юрган болани арзимаган маошга ёллаб, қорнини тўйғазиб, сурув боқтирмоқ маъқул кўринди жўрамизга. Одамлар фақат ўтар кунини ўйлаб қолди, биродар. Одамгарчилик отангнинг қулими дер эдилар. Шундай бўлди чоғи.

— Камдан-кам ҳолатларда бой ва амалдорлар ўзидан қўйидагиларнинг сўзларига қулоқ соладилар. Уларнинг аксарияти мен барчадан ақлли бўлганим учун бойман ёки шу мансабга ўтирганман деб ўйлайдилар. Соддалиқ қилибсан-да, жўра.

— Ўша гап-сўздан сўнг ҳам уч ой ишладим. Сурув санаш чоғида бехосдан маошдан сўз очилиб қолди. Ойига битта тўқли беради. Менга



озлик қилади дедим. Қўшни Тожикистонда ҳам бир тўқлига чўлиқлик қилишмайди. “Ойлик озлик қилаётган бўлса майли, ўзинг биласан” деди шартта жавобимни бериб. “Шошмай тур, жўра, ўйлаб кўрармиз” деса ҳам бўларди. Ҳаччакалла ёқасига тармашган бўлмасам. Уям бизга ўхшаб чорифини судраган бир чўпон эди. Қайтиб оғзимни очмадим. Ўзинг билган ўша итим Оқтўшни эшакнинг эгарига боғлаб, ўн етти қўй ва тўртта эчкимни сурувдан ажратиб, йўлга тушдим. Ярим йўлда орқамдан етиб келди. “Узоқ, Оқтўшни ташлаб кет. Майли, ўша битта тўқлини итинг учун бериб тураман” дейди йўлимни тўсиб. Индамадим. Ёнида ўтириб келган болага Оқтўшнинг занжири-ни тутқаздим. Ит бечора менсиз сурувга қайтишни истамайди. Охир алаимдан таёқ билан урдим. Фингшиб, ингради жонивор. Мен ҳам йиғладим...

Гапи бўғзига тиқилиб қолган Узоқ йиғиси отилиб чиқиб кетмаслиги учун кўзларини юмиб, бошини эгди. Ёш боладек бир неча бор бурнини тортиб қўйди.

— Эслайсан-а, жўра, Оқтўшнинг болалигимиздаги онаси Оқтойни, — хириллоқ овозда сўзида давом этди. — Қишлоғимизда иккита энг зўр ит бор эди. Сизларда Олапар, бизда Оқтой. Итмисан ит эди-да. Жониворнинг мендан инсондек кўнгли қолганини эслаб ўкинаман. Ундан зот олмоқчи эдим ўшанда. Қанжиқнинг ўзига ўхшаганини олмасанг зоти яхши чиқмайди. Қасдлашгандек ўзига ўхшаган арслон беласи ўлиб қолса бўладими. Кучукнинг ўлиги уч кун похолнинг устида қолиб кетибди. Шун кўмишга ақлим етмабди-я! Уччинчи кун Оқтой боласини тишлаб бориб, чалдевор остига кўмди. Кўмган жойга бориб-келиб, уч кун

мотам тутди. Ишонасанми, шу воқеадан сўнг менга муносабати ўзгарди. Гапимни кўзимдан биларди жонивор. Бирорта кўзини жондор тортиб кетса, почасинимас, қулоғиними топиб келарди. Бўлмаса мол эгасига товон тўлардим. Сурувнинг олдига ўтиб ётар, отар етиб борса яна бир сой олдинга ўтиб ётарди. Отарни бўлиб юборадиган бўрон-чопқин бўлганда айлантириб сурувни тўплайверарди. Сурувга яқинлашаётган жондорнинг ҳидини олиб йўлига чиқар, қўшни отар итларини чақириб, қашқирларни етти қир ошириб қувиб қайтарди. Энди бундай бўрибосарларни тушда ҳам кўрмайсан, жўра. Кишига меҳрибонлигини айтмайсанми?..

Ҳасратидан чанг чиқаётган Узоқнинг кўзи жиққа ёшга тўлди. Гапи бўғзида қолди.

— Уч ой бўлди, — деди анчадан сўнг ўзига келиб, бўғриққан овозда. — Ҳафта бурун ўғли уйга битта тирриқ тўқлини ташлаб кетибди. Нега олдинг деб хотинни сўкдим. Хуллас, шундай гаплар, жўра. Бизни қўявер. Очдан ўладиган замон эмас. Ўзингнинг ишларинг қалай? Қишлоққа камқатнов бўлиб кетдинг. Бизни ҳамма унутса ҳам сен унутмайсан деб ўйлайман.

Иккимиз ҳам хўрсиндик. Навбатдаги одамлар тўпи келди. Ўрнимиздан туриб ўтирдик. Киши элликдан ўтгач, танасидан эт қочади чоғи. Узоқнинг иссиқ-совуқдан тиришган юз-қўллари, бўртиб чиққан чакка суяклари, чўзилгандек туюладиган ияги, кичрайган елкасида осилиб турган эски костюми, ҳорғин ва тушкун тортиб қолган нигоҳи бир йигитнинг умри ўтганидан далолат берарди. Бекорга йигитнинг умри икки ўттиз демайдилар.

— Тузукман, жўра, — дедим унинг ранги ўчиб кетган шими ва оёқ кийимига разм солиб.

— Бир нави юрибман. Менга қара, Узоқ жўра. Бир каттанинг, бир кичикнинг айтганини қил деган гап бор. Чорва хусусида сенга ақл бўла олмайман. Гапимни диққат билан эшит. Ёшинг ҳам олтмишни қоралаб қолди. Туғилганингадæқ пешонангга фақат чўпонлик қиласан деган муҳр босилмагандир. Илгари замонларда қўлидан бошқа иш келмайдиган, касби кори йўқ кишилар чўпонлик қилишарди. Ҳозир эса чўпонлар бойиб, боласини юрфакда ўқитиб прокурор ёки милиционер қилишнинг пайига тушган. Чўпонлик қочиб кетмайди. Чўпон зотига ҳар доим ва ҳар замон эҳтиёж бўлган. Кечаю кундуз, қишу ёз демай болачақадан олисда, тошдан ёстиқ, қордан кўрпа қилиб чўлиқлик қилгандан кўра раҳматли отангдан қолган ўша зотдор бўрибосарларни кўпайтирсанг бўлмайдами? Ахир, бу ҳам меҳнат-ку! Ҳар қандай ҳалол меҳнатнинг айби йўқ. Тоғ ошсанг Панжакент, Тожикистон. Чўпонман деганга бир неча қўйчивон ит керак...

— Э-э, жўра! Қўйсанг-чи? Энди келиб-келиб ит боқиб, сотаманми? Одамлар нима дейди? — Гапимни бўлди Узоқ ҳайратдан кўзлари олакула бўлиб.

— Ўғрилиқ, ғарлик қилсанг одамлар бир нима дейди. Борингда кўролмаган, йўғингда беролмаганлар билан нима ишинг бор? Отангдан ўнта бўлсанг, оилангга ёлғизсан дейдилар. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Ит сотасанми, бит сотасанми, кимнинг нима иши бор сен билан?..

— Итни сўраган ҳам, бермаган ҳам ит дейишади-ку, билмасам? — оғзимга қараб анграйди Узоқ яна гапимни бўлиб.

— Сўзимни сўнгига қадар тингла, жўра. Тўғри, шундай нақл бор. Итинг зотсиз, лайча-

сифат бўлса ялиниб-ёлворсанг-да, устига пул қўшиб берсанг-да, биров олмайди. Катта шаҳарларда дайди итларни қўярга жой топилмайди. Лондону Москвада эса юз, минг доллар турадиган итлар, бир миллионлик отлар бор. Хўш, шуларни боқиб кўпайтирганлар сен билан мендан аҳмоқми?..

— Путиннинг қора қанжиғини кўрганмисан? Эгаси билан бирга меҳмонларни кутиб олади, — гапга қўшилди Саид муаллим таклифимдан завқланиб. — Шу итнинг ҳар бир гидиги ўн минг доллар. Янги ўзбеклар падхалимлик қилиб керак бўлса юз минг доллардан беради. Мапиёзлар эса оғзига сиққанича. Биз қишлоқиларнинг калламиз ишламайди ўзи. Буш домланинг кўппағи ҳам доимо ўзи билан бирга ўтиради. Ит ақлли бўлади-да.

— Уша Путунбой билан Бушвой ҳам аслида ўзимиздан экан, — томдан тараша тушгандек яна гап қўшади Бозорвой чўпон. — Путунбой Самарқандга келиб, синглисиникида бир кеча ётиб кетибди.

— Иккови ҳам ўзбек бўлса кераг-а? — гап қистиради Саид муаллим чўпонни лақиллатиш учун.

— Оти ўзбекча бўгандан кейин, канешна ўзбек бўлади-да, — мижжа қоқмай давом этарди Бозорвой. — Жақ Ширақ деган пошшо қозоқ экан. Зайниддин, Бекхон, Сомса деган футболчилар ҳам ўзимиздан экан. Ҳаммасинингота-бобосишуердан кетган-да. Назар домла шундай деди. Гарбачўпнинг ҳам асли фамилияси Тоғбаччаев экан. Панжакентлик чўпонлар айтишибди. Сариққўзи дегани Францияга пошшо бўпти. Турк киноларидан кўрдик. Уларда шунақа, Оққўй, Қорақўй деган қизиқча отларни қўйишаркан. Уларди ота-бобоси ҳам ўзимиздан кетган-да...

– Назар домлага қўйиб берсанг “Абдулелин домла ҳам ўзимиздан”, Хрушчев – Қуруқчўп, Андропов – Абдураупов бўлиб, бизга жамоат бўлади дейверади. Пардавой подачи бир пайтлар Гитлернинг жойини Амир Темур соган деб юарди. Дунёнинг хабарини уйда ўтирган қиз ёки тоғда юрган чўпондан сўра деганларидек, қийшунослик фанлари укадемиги Бозорвой Бўлтаковнинг гапларида жон бор. Инглизларнинг аждодлари ингушлар, скочларнинг (шотланд) боболари скифлар эканлиги маълум. – Одатдагидек тарихдан сўз очилса сайраб кетарди Саид муаллим. – Қалмиқистон парламенти ўз президенти Кирсан Илюмжиновнинг таклифи билан аждодида қалмоқ қони борлигини қайд этиб, пойтахт Элистадаги Ленин ҳайкалини қолдиришга бир овоздан қарор қилди. Демократлар ҳайкал олиб ташлансин деган, коммунистлар қарши турган. Бу фикрдан сўнг икки тараф келишган. Қалмоқ дегани исломга кирмаган мўғул дегани. Мўғулларда шаҳзодани ўғлон дейишган. Улан Ботир дегани қизил ёки хонзода Ботир дегани. Ульянов сўзи ҳам шу – ўғлон атамасидан келиб чиққан. Мўғилминам қалмиққа қариндош бўлса, ўзбекка ҳам уруғ бўлади-да. Ҳақиқий тарихидан беҳабар одамга буни айтсанг, устингдан кулади. Одам зоти борки, Одам Ато билан Момо Ҳавонинг авлоди-да, – ўнг қўлини паҳса қилиб, англатарди тарих ўқитувчиси. – Панжакентлик чўпоннинг гапийам тўғри. Сўғд тилида тоғни “гар” дейишган.

Ўтирганлар анграйганча унинг оғзига қараб қолишган, домла тўғри сўзляптими-йўқми дегандек менинг муносабатимни кутишарди. Мен эса ҳеч қандай баҳс-мунозара бўлмагандек, Узоққа қараб, сўзимни давом эттирдим.

Саид муаллимнинг бир гапига тушунса, бирига тушунмаган Узоқ анграйганича менга қараб турарди.

— Одамлар илон, қурбақа ва тошбақаларни саситиб поездларда бир неча кун юриб, Москва, Санкт-Петербургга элтиб сотиб келишяпти. Ҳеч ким ўшаларнинг устидан кулаётгани йўқ. Тирикчилик-да. Сен қиладиган иш булардан ўн чандон қулай ва ҳалол эмасми? Унут у алмисоқдан қолган гапларни, жўра...

Узоқ ўйга толганча жимиб қолди. Тушдан кейин ҳам келган-кетгани қаршилаб анча ўтирдик. Тенгдошлар эртаси куни эрталаб яна Мамарасулникига келиб, шу ерда хайрлашадиган бўлдик.

Яна дўстимизнинг бош эгасиз қолган уйида йиғилдик. Орамиздан чиққан ягона имом мулла Тоштемир Қуръон тиловат қилди. Негадир Узоқ чўпон билан Бозорвой кўринмас эди.

— Тоғвой чўпоннинг отаридаги итини олиб келгани Ғаллакonga кетибди, — деди Саид муаллим. — Бозорвойни ҳоким Амирқул Соатов бозор-ўчар қилиб келгани Самарқандга юборибди. Районга нозик меҳмонлар келаркан.

### III

Ўсмадан чиқиб, Девқўрғонга етганда тўхтадим. Қаровсиз боғ ўртасидаги тепаликка кўтарилдим. Йўлнинг икки четидаги бодомзорлар оша кузда шудгор қилинмай қолган ўнг ва сўлдаги ангорларга тикиларканман, худди шундай, илк баҳорни эслатгувчи армонли куз кунларининг бирида дадамнинг эски “Москвич”ида иккимиз Ўсмага келганмиз. Тошкенту Самарқандда ишлаб юрганам боис, бундай суҳбат учун қулай дамлар кам бўларди.

Ҳаётимда ҳақиқий маънода меҳр-муҳаббатли икки кишини кўрдим. Бириси Шаҳзода энам бўлсалар, иккинчиси дадам эдилар. У кишининг сўзлари беихтиёр қулоқларим остида жаранглайди.

— Бу жойларнинг ўр-қирини яхши биламан. Бу йил ер ҳайдалмай, нафас ололмай қолибдида, — дедилар ялангоёқ болаликлари кечган, урушдан сўнг опам билан бирга ўроқ ўриб, машоқ терган далаларга армон билан термулиб.

Сўнгра Девқўрғонда тўхтадик. Дадам олдинда, мен орқада тепаликка чиқдик. Дадам Ғаллакон даштлари, Туятортар даралари ва Сойбўйи соҳиллари томон тикилиб тўймас, йиғламасалар-да, кўзларидан ёш ғилтилларди.

— Чала бойнинг чала уйқуси келмайди, тоза бойнинг тоза уйқуси келмайди. Ҳай-ҳай камбағалнинг-а, ётса тургиси келмайди, — дедилар йиғига ўхшаш овозда. — Одам боласининг боши тошга тегиб, астойдил зориқмагунча чин юракдан бир ишга қўл урмайди. Тирикчиликни тирриқчилик билиб юраверади. Оёғимиз остидаги ер шунчаки шудгор эмас, бу ризқ-рўз, ватан дегани. Сени учоворага қўшган эл, етти пуштинг хоки ётган тупроқдан узоқлашиб кетма. Оғочидан айрилган шохнинг қисмати шамолнинг ихтиёрида бўлади...

Сибир сурғунидан қайтар экан, қозоқ даштларида сувсиз қолиб, ичи куйиб кетган, эски кўрпа парчаси ва ранги ўчиб кетган шолчани устига кийим ўрнида ўраб, ип билан чатиб олган, бир аҳволда қишлоққа қайтган бобом мулла Қобул ҳам худди шу Девқўрғонда тўхтаб дам олганлар. Бир амаллаб қишлоққа етиб келгач, Ойқорнинг музидан келтириб, кўкрагига қўйганича, муз солин-

ган сув ичиб, тўққиз кун яшаганлар. Шодмон ўрис бошчилигидаги тўрт киши тонг-саҳарда бобомни олиб кетганларида тирик етим қолган уч бола отаси орқасидан зор қақшаб йиғлаб, Девқўрғонга қадар эргашиб келган...

Дадам оталари ҳақида сўзлай олмас эдилар. Бу ҳақда гап очишлари билан кўзлари жиққа ёшга тўлиб, сўзлари бўғзида туриб қолар, кўз ёшларини артганча, филт-филт ютинардилар. Отам оталарини қалбларига кўмган эдилар...

Кечмишнинг оғир ва қайғули хотирасини елкалаганча Девқўрғонга чиқаман. Боболарим ва отам тикилган сайхонликларга, қир-адирларга соғинч ва армон билан термуламан.

Девқўрғондан тўрт тараф қафтдек кўзга ташланади. Зарафшондан ажралиб Сангзорга қуйиладиган Туятортар ирмоғининг кун бошида кўпчиб ётган Тайпоқсой далалари. Этакда буғдойи белга урадиган Фаллакони адирлари. Ҳаётнинг ўткинчи ва давомийлигини таъкидлагандек Сангзор буралиб оқади.

Кунчиқишда олисдан қора тасма каби Фаллакони Ҳуснат билан боғлайдиган йўл кўзга ташланади. Йўл бошида бир уловли киши Ҳуснат томон келарди. Эгасининг атрофида гир айланиб ўйнаб чопаётган ит тепаликка отилиб чиқар ва сакраганча қайтиб тушар эди.

Бу қадрдон кўринишга тикилганча узоқ ўтирдим. Кўз олдимизда жонланган бу манзара кечмиш болалигимнинг қалбим ва хотирамда чизилган сурати эди.

Итини эргаштириб Ойқор томон кетаётган киши эса кеча ҳасратидан чанг чиққан жўрам Узоқ чўпон эди. Уни куни кеча кўриб дардлашган бўлсам-да, соғиниб кетдим. Ёнига учиб бориб бағримга босиб қучоқлагим, болалигимиз қўқиси қолиб кетган адирларни тўлдириб, ўкириб йиғлагим келарди.



Ҳаво очик. Шафақ рангига кирган боғлар япроқларини тўкиб, истироҳатга ҳозирлик кўрар, қуёш илиқ нурларини ер томон зўрга узатаётгандек. Янги қор тушган Ойқор қоялари ҳам ўраниб уйқуга ҳозирланган айиқдек ҳоргин узанган. Чўққиларни сийпалаб, турли шаклларга кирган булутлар кунчиқиш томон эринибгина сузар, барқут арчазорларни бағрига босган тоғ водийга ғамгин боқарди.

Борлиқни оғушига олган куз қаҳратон қиш келишидан беҳабардек заминни илк баҳор рангига бўяр, жануб томон учмоққа кечиккан турналар арқони қурейлашганча иссиқ ўлкалар сари қанот қоқишарди.

Дастлаб қалдирғочлар, сўнгра лайлақлар, ниҳоят турналар ёзлик манзилларини тарк этадилар. Улар ўрнини қишдан дарак бериб, чуғурчиқ, майна ва қарғалар эгаллайди.

Куз шамоли олиб келган, дилни қитиқловчи сарин бўй, кўклам нафасига ўхшарди...

#### IV

Қиш ичи қишлоққа ўтолмадим. Наврўзда борганимда одатдагидек қишлоқ айланиб, Узоқ жўранинг уйига бош суқдим. Хотини Бибинор биздан икки синф пастда ўқирди. Ташрифимдан суюнгани боис ўтқазिशга жой тополмай қолди. Партибийрон бўлиб чой дамлади. Ўрмакда тўқиган антиқа дастурхонга тегирмон унидан қилинган, энди тандирдан узилган, болаликнинг қадрдон ҳиди анқиб турган тўртта нон қўйди. Қанд-қурс олиб чиқди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, ҳисобот бергандек сўз бошлади.

— Тоғвой чўпон келиб жўрангизни қўярда-қўймай яна олиб кетди. Ишда шундай паст-баланд гаплар бўлди-да, жўра, биздан ўтган

бўлса кечир, деди. Ўзиям сиқилиб кетганди, бечора. Тўртта қўйни ҳайдаса-ҳайдамаса ҳар куни Ўртақирга бир чиқиб келади. Тоққа қараб дамсар уриб, кўзи ёшовлайди. Оқтойнинг болаларига ўғилларинг қараса ҳам бўлар. Менинг ишим эмас экан, дейди. Икки кун бурун эски ҳоким Апсамат Бўтаюп ҳам келувди. Икки отар суруви бор экан. Бир сурувни олсин деб кетди. Жўрангизнинг талабгори кўпайиб қолди...

Бувинор билан болалигимизни эслаб, анча суҳбатлашиб ўтирдик. Эртаси куни уста Ҳамза тиккан тоштовонини судраб, елвагай тўни ҳалпиллаб, ҳаллослаганча Узоқ жўранинг ўзи етиб келди. Нигора келиннинг кулчатоини еб, гурунглашдик.

Чўпонлар алаҳсиб, отарлар қўшилиб кетганда сурувдаги минг чоғли қўю қўзи, тўқлию улоқни ҳам ажратадиган Узоқ дадамдан қолган ўттизта қўйни бир у чакана, бир бу чакана отарга қўшиб, боши қотиб юрган тоғбеги укам Собирга чўпон танлаш борасида астойдил маслаҳат берарди.

— Чўпон деган қийбосқоқ билан қорбосқоқда эҳтиёт бўлмаса ишининг мазаси бўмайди. Қийбосқоқда қўзи онасининг ичида ириб, иссиқда пишиб қолади. Бола ташлайди. Биласан-ку, қўтонди эски чалмаси кўмирдан зўр бўлади. Сурувди қўтону қўрадан ташқарида ётоқлатганда ҳам қий тўпланиб қоладиган чуқурроқ жойга эмас, ёнароқ, шамолгаза жойга ётқизиш керак. Ёнида қий турмайди. Кўзини жинжак қиливарди. Қорбосқоқда қўй кўр бўлади. Совлиғу қўзисидан ажралиб, сўйишдан бошқа иложинг қолмайди. Қалин қорда қўёш чарақласа қўйлар юролмай кўзи қамашиб, ҳайкалдек қотиб тураверади. Кўзини қор

олиб қўяди. Қўй боқишди ўзи бўлмайти, ука. Чўпонди ётоғи тош, кўрпаси қор бўлганда, бири икки бўлади. Чорвангни билганга беру, тепасида ўзинг тур. Бўлмаса, ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Ёмон чўпон бўридан беш баттар бўлади. Жондор кучи етганини, чўпон жонивор эса танлаб ейди. Чўпоннинг қўйи юзга етгунича териси мингга етади. Чорва бир синса, қирқ йилда ўзига келади...

– Ака, сиз айтганингиз ўтган замонда қолиб кетган. Ҳозирги бойлар керак бўлса бир кунда сурувини мингга етказди, — Узоқ чўпоннинг гапини тўғрилаган бўлади Собир тоғбеги. — Сиз нима деб юрибсиз.

– Бу гапингиз ҳам тўғри, Собиржон. Энди сиз ўқигансиз-да, биздан кўп биласиз. Ман сизга яна бир гап айтай. Ёшингди оширу молингни ёшир дегандай, қўйингизни сонини ҳеч кимга айтманг. Баракаси қочади. Энди Собиржон укам, бу ёз бизди сурувга Ойқорди яхши еридан белат олиб берасиз-да. Кўкқўтанни кўзлаб юргандим, элдан бурун Бозорвой эгаллабди...

Суҳбат қизигандан қизиб, ярим кечага қадар давом этди...

## “АМЕРИКА”

*Амирнинг ошидан фақирнинг мушти афзал...*

**Халқ сўзи**

Уни илк бор катта охурлардан ем еб юргувчи, оёғи ердан узилган бир танишимнинг тўйида учратгандим. Тик қоматли, елкадор, истараси иссиқ, оқ сариқдан келган юзида зиёлиларга хос кибор ва назокат белгилари кўзга ташланадиган Толибжон самимий суҳбати билан диққатимни

тортган эди ўшанда. Келбати келишмагандан кенгаш сўрама деганларидек, у илк учрашувдаёқ кишида ўзига нисбатан ҳурмат ва хайрихоҳлик уйғотарди.

Болам-болам бахтиёр, ҳар нарсанинг вақти бор дегандек, Толибжон билан яна учрашиб қолдик.

— Замонанг тулки бўлгач, този бўлиб қув деганларидек, биз ҳам бир юмалаб тужжорга айландик, ака, — деди у касби коридан уялгандай. Ўнғайсизликдан қутулиш учун дарҳол мавзунни буриб юборди.

Кечган йиллар унга ўз таъсирини ўтказган, алп қомати чўкиб, сочларига оқ оралаганди.

Чақнаб турувчи нигоҳлари анча-мунча заҳмат чеккан ёки бошига оғир кунлар тушган кишиники каби хокисор боқарди. У илгаригидай баҳс-мунозара қилмас, ҳар бир сўзини эҳтиёткорлик билан, шунда ҳам зарур бўлиб қолганда баён этарди.

Ўшанда у ўқитувчи эди. Полтавада педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини битириб, она қишлоғи Хонқўриқдаги ўзи ўқиган ўрта мактабда дарс берарди. Каттаю кичик бирдек ҳурмат қиладиган янги ўқитувчи рус тилини “ичиб” юборганди.

Унинг феълида назокатли бир тортинчоқлик бўлса-да, одам танламай эл бўлиб кета олиш хислати туфайли ошна-оғайнисини сероб эди.

У ўз кечинмаларини содда ва равон тилда гапирар, табиатан ёлғон сўзламоқ ҳақида астойдил ўйлаб ўтирмайдиганлар хилидан эди. Бундай кишилар одатда, бошқаларни ҳам ўзи каби кўриб, қоқилиб, панд еб, чув тушиб юрадилар. Одамлар ва ҳаётни борлиғича қабул этадиган суҳбатдошни учратиш мен учун мароқли эди.

– Йилларнинг тез ўтишини қаранг, – дедим ўртага чўккан сукунатни бузиб. – Кўришмаганимизга ҳам анча бўлибди, ўшандаги суҳбатларимизни ҳали-ҳануз эслайман. Андижонга тушганда суриштирдим, қисмат экан, бугун кўришдик.

– Э, ака, нимасини айтасиз, мен ҳам кўп бор сизни топишга ҳаракат қилдим, – Толибжон хаёлида гужғон ўйнаётган фикрларини “айтсаммикан, йўқми” дегандай бир лаҳза каловланди. Ўз-ўзидан хижолат чекиб, томоқ қирганича, терлаган пешонасини артди. Сўнг кечмишимдан хабардормикан дегандай кўзларимга синчковлик билан тикилди. Менинг нигоҳимда ҳеч қандай ўзгариш сезмагач, гапини давом эттирди:

– Сизнинг бир мақолангизни ўқиган эдим. Рассом Рўзи Чориев Стокгольмда очилган кўргазмасида Андрей Сахаровнинг хотини Елена Боннернинг қўлини ўпганлиги учун қора рўйхатга тушган экан.

– Ҳа, шундай бўлган, – бу воқеани унинг ҳаётига нима алоқаси борлигини англаш учун сергакландим. Лекин чалғитмаслик учун сўз қўшмадим.

– Менинг бошимдан ҳам шунга ўхшаш бир воқеа кечган. Саксонинчи йилларнинг боши эди, – дея томоғини қириб қўйиб ҳикоясини бошлади суҳбатдошим.

...Хонқўриқда ёшу қари, барча бирдек яхши танийдиган, ёши ўтиброқ қолганига қарамай, ўзини қизлардай тутадиган серкарашма, бутун нафақачилар ва ёш болалик аёлларнинг халоскори, алоқа бўлимининг мудираси Флора Файзиевна шаҳарлик артистлар каби пўрим кийинадиган, сўзини чертиб-чертиб гапирадиган рус тили ўқитувчи Толибжонни илиқ қарши олди.

— Хуш келибсиз, домла! — дея меҳмонни ўзининг каталакдеккина хизмат хонаси томон бошлади мудира. — У газета ва журналларни саралаш хонасидаги икки ходиманинг ишини кузатиб, йўл-йўриқ кўрсатиб турган эди. — Ўқитувчиларимиз бизнинг идорага камданкам ташриф буюрадилар. Ўттиз беш йилдирки, колхозимизнинг мана шу эски биносида ўтирамыз. Нозикроқ меҳмонлар келиб қолса уяламиз, — гапириб эди Флора Файзиевна.

— Обуна бўйича ёрдамнингиз керак эди, — дея жавоб қилди Толибжон мудира иш столининг қаршисидаги эски курсига омонатгина ўтирар экан.

— Пионервожатийларингиз Турсунали мактаб бўйича обунани тугатган эди. Нима, сиз улгурмадингизми?

— Республика ва Иттифоқ нашрларига ёзилдим. Бироқ мен истаган нашр обунаси бевосита алоқа бўлимлари орқали расмийлаштирилар экан, — деди Толибжон мақсадга кўчиб. — Яқинда малака ошириш учун Ригага борган эдик. Ўша ерда икки дона журнал кўлимга тушиб қолди. Бошидан охиригача ўқиб чиқдим. Ёзилган нарсаларнинг барчаси биз учун янгилик. Кичик бир мақоладан ҳам одам бир нима олади, — таассуротларини мароқ билан ҳикоя қила бошлади Толибжон.

Флора Файзиевна кўлидаги ручкасини ўйнаганча диққат билан ўқитувчининг ҳикоясини тинглар ва сергак тортарди.

— Қандай журнал экан у? — дея сўради ниҳоят сабри чидмай.

— “Америка” журнали, — жавоб қилди Толибжон ўша ҳаяжонли оҳангда. — Унинг ярми ҳажмида “Англия” деган журнал ҳам бор экан. Бири-биридан қизиқарли, яна шунингдек, жуда сифатли қоғозда чоп этилган.

Флора Файзиенанинг ранги оқаринқираб, дами ичига тушгандек жимиб қолди. Қўлидаги ручкасини столга янада тезроқ ура бошлади.

Худди шу дақиқада сараловчи қизлардан бири иккита иссиқ обинон билан бир ликопчада сап-сарик зарғалдоқ шафтоли олиб кирди. Опа ходимасига чой ҳам дамлашни буюрди. Каттакон, иккинчи жаҳон ҳарби замонасидан қолган эски иш столининг четига қўйилган шафтоли деразадан тушаётган қуёш нурида олтинранг товланар, хона энди тандирдан узилган иссиқ нон ва шафтолининг киши хаёлини олис-олисларга олиб кетгувчи ёқимли, қадрдон ҳидига тўлган эди.

— Бундай ажойиб ноз-неъмаглар фақат бизнинг ўлкамизда етишади, қани шафтолидан олинг-чи, домла, — дея меҳмонни емакка даъват этди мудира бир оз хаёли қочинқираган ҳолда. — Шафтолини минг бир дардга даъво дейдилар, — қўшиб қўйди ўртадаги сукунатни бузиб ва мавзуни юз саксон даража бошқа томонга бурди.

— Ёки минг бир дардни қўзғайди, ошқозонида муаммоси бор одам, эҳтиёт бўлмоғи керак, — опанинг мақолини ниҳоясига етказиб қўйди Толибжон шафтолига қўл узатаркан.

— Биз даъво бўлсин деб еймиз-да, — жавоб қилди Флора опа Толибжоннинг нигоҳидан кўзини олиб қочиб.

Бу орада ходима қиз дамланган чойнакни қўйиб кетди. Опанинг бирдан ўзгариб қолганига ҳайрон бўлган Толибжон сўровига жавоб кутгандек унинг юзига термулиб ўтирарди.

— Истагингизни тушундим, домла, — деди ниҳоят опа чуқур нафас оларкан анчадан сўнг. — Менга бир кунга рухсат берасиз. Эртага жавобини айтаман, — дея гапни калта қилди мудира гўёки парвосиздай.

Унинг овозида титроқ ва ҳадик оҳанги бор эди. Ҳар қандай гап-сўз ортиқчалигини англаган Толибжон индамади.

Опа чойни қайтариб, меҳмонга узатди. Орага иссиқ чойнинг акси ўлароқ совуқ, юракни сиқувчи бир сукунат чўкканди.

Нон билан шафтоли еяётган мудиранинг хаёли паришондек эди. Мудиранинг бирдан ўзгариб қолганига ақли етмаган ўқитувчи ҳам хижолатдан ўзини ноқулай сеза бошлади.

Қаердан ҳам хаёлига шу журнал келиб, алоқа бўлимига бош суқа қолди? Балки бу тупканинг тубидаги бир қишлоқ алоқа бўлими учун ҳақиқатан ҳам оғир ишдир. Опа бечоранинг тинчлигини бузиб. У оғзини куйдириб бўлсада бир пиёла чойни аранг ичиб, туришга изн сўради. Опа уни паришонхотир кузатиб қўйди.

Толибжон уйга етгунга қадар бўлиб ўтган воқеа ҳақида ўйлаб кетди. Не қадар ўйласа шунчалик кўнгли хижил бўлар, ўзини ўзи койирди.

Дарвозахона ўнгида отаси, кекса ўқитувчи Қажумжон ака ўғлини кутиб турарди.

— Қаерларда юрибсан? Бир ярим соатдан бери сени қутаман. Мошинангда мени Абдуқодир монтернинг худойисига ташлаб кел, — деди ўғли ёнига келар-келмас. — Бирорта уловга илашиб қайтарман.

Ота-бола эски “Запорожец”да қўшни Назармаҳрам қишлоғи томон йўл олдилар.

Эртаси куни иккинчи соатда тўққизинчи синфга дарсга кирган эди. Хона эшиги тақиллади.

— Муаллим, сизни директор чақиряптилар, — деди эшикни қоққан олтинчи синф ўқувчиси.

Толибжон болаларга шуғулланиб туриш учун



вазифа берди-да, директор кабинети томон йўналди.

Мактаб директори Ҳазратқул Бўтабековнинг хонасида қишлоқ участкавойи Валижон Бобоев ўтирарди. Рус тилида ёзиладиган акт, ариза ва шу каби расмий қоғозларни участкавой Толибжонга ёздирар, салом-аликли эдилар. Иккисининг ташвишли қиёфасидан Толибжон жиддийроқ бир гап борлигини сизди. Толибжонни кўрса узоқдан қучоқ очиб келадиган Валижон бу сафар ўрnidан кўзгалмади. Олдидаги аллақандай қоғозларни титкилаганча, индамай Толибжоннинг қўлини сиқиб қўйди. “Ўтиринг” ишорасини қилди.

— Мен сизларни холи қолдираман. Шу ерда бемалол гаплашаверинглар, — деди Бўтабеков Толибжон ўтириши билан ундан нигоҳини олиб қочиб.

Толибжон участкавойнинг қаршисидаги эски стулга чўкди. Валижон ёнидаги зирҳлари едирилиб рангини йўқотган қизғиш папкасини титкилаб, қандайдир қоғозни олди.

— Яхши юрибсизми, домла? — деди бир оздан сўнг бошини кўтариб ер остидан боқаркан. — Қалайсиз?

— Тузук, юрибман. Ўзингиз яхшимисиз? — жавоб қилди Толибжон бу кутилмаган расмий учрашувдан бир оз эсанкирагандай.

— Биз ҳам бир нави. Наридан бери юрибмиз. Чопа-чоп. Бир ишни тугатмай иккинчи ташвиш бошланади, — нолиган оҳангда гапирди участкавой.

— Бизга хизмат борми? — ўша ҳайрон ва безовта овозда сўради Толибжон.

Валижон орган ходимларига хос бўлган сирли ва шубҳали нигоҳ билан суҳбатдошига тикилиб турди.

— Нима десам экан, укам? — янаям жиддийлашди Валижон. Ҳарҳолда у сўрамоқчи бўлган жумлани тузишда сўз танлашга қийналаётганга ўхшар эди. — Нозик бир масалада гаплашишимиз керак. Суҳбатимиз ҳақида ҳеч ким билмаслиги лозим, — деди ниҳоят.

Толибжон ўйга толганча нигоҳини Валижонга қадади. Унинг қип-қизил ва дўмбоқ юзи, шапкаси остида эзилиб қолганга ўхшади. Эрта оқ оралаган сочи, бўйнига етмай турган ёқаси ўртасидаги кирланиб кетган бўйинбоғ ва елкасидаги лейтенантлик погонини ҳам Толибжон биринчи мартаба кўраётгандай диққат билан кузатарди.

Участка нозирни папкасини очиб, бир қоғозга қаради-да, яна жойига солиб қўйиб, суҳбатдошига юзланди.

— Кеча бир жойда қандайдир журналми, китобми тўғрисида гап бўлган экан. Шу ҳақда менга батафсил гапириб берсангиз? — деди Валижон томоғини қириб қўяркан.

— Э-э, шунинг учун келдингизми? Хайрият-ей! — ҳайронлигини яшира олмади муаллим юзига беихтиёр табассум югуриб. — “Америка” деган журналга обуна бўлиш учун алоқа бўлимига, Флора Файзиевнага учрашган эдим. Опа бугун жавоб бераман дегандилар.

Бу қадар қисқа жавобни кутмаган Валижон иккинчи саволни ўйлаб қўймаган шекилли, яна қоғозга бир оз термилиб турди.

— Нима учун айнан ўша “Америка” деган журналга обуна бўлмоқчи бўлдингиз? — дея навбатдаги саволни берди.

— Сафарда бўлганимда қўлимга тушиб қолди. Қизиқарли экан. Ёзилиш мумкин бўлса олиб ўқимоқчи эдим, — Толибжон елкасидан

тоғ ағдарилгандай енгил нафас олиб, ҳар доим ҳожатини чиқариб юрадиган участкавойга худди қадрдонидай энди очилиб гапирди.

– Қаерда қўлингизга тушди?

– Болтиқбўйида, – Толибжон гапини яна давом эттирмоқчи эди, участкавой унинг сўзини бўлди.

– Нима? Болтабўйи дедингизми? Қаерда у?

– Болтабўйи эмас, Болтиқбўйи. Латвия, Литва ва Эстония деган давлатлар кирадиган географик жой шундай деб аталади.

– Ҳа-я, шундай денг. Қайси шаҳарда?

– Рига шаҳрида.

– Ҳим-м, Рига деган шаҳарда денг. Нега у ерга бордингиз? – ҳамон ҳижжалаб ижикилаб сўрарди лейтенант.

– Вилоят халқ маорифи бўлимидан рус тили ўқитувчилари семинарига юборишганди. Саккиз киши эдик.

– Семинарга бордингизу “Америка” ва “Англия” деган капиталистик журналларни ўқиб келдингиз? Шундайми? – ғалати тиржайди Валижон.

– Йўқ, орада пароходда Тинч океани орқали сузиб, Америкага ҳам бориб келдик! – энди елкаси тиришди Толибжоннинг.

– Мен сиз билан ҳазиллашаётганим йўқ, ука! Хизмат юзасидан суҳбатлашмоқдаман! Аччиқ-чучук гапингизни менга қилманг! Ҳурматингизни қилиб, ҳузурингизга келдим. Акс ҳолда участка милиция бўлимига чақириб гаплашсам ҳам бўларди.

Валижон шундай деб ўрнидан турди ва беихтиёр хона бўйлаб наридан бери юра бошлади.

Муаллимнинг бошидан бир челак сув қу-

йилгандек танаси музлаб, тили айланмай қолди. Дабдурустдан берилган сўз зарбасига у тайёр эмас эди. Участкавой Валижон Бобоев эса ҳамон хонанинг у бурчидан бу бурчига голибона бориб келарди.

— Мендан нима истайсиз? Саволингизни беринг? -- деди паст ва тушкун овозда бошини қўйи эгаркан муаллим.

— Тинчгина юрсангиз бўлмайдими, ука? Нима керак сизга ўша америками-самериками деган журнал? Ўзимизнинг газета-журналларни ўқиб юравермайсизми? Йўқ ердан ўзингизга ҳам, бизга ҳам ташвишу маломатни сотиб олиб!..

— Бунинг нима маломатли ери бор? Ўша журналга ёзилиш мумкин бўлмаса, шуни ўша заҳоти айтса бўлади-ку! Мен хаччакалла обуна қиласан деб ёқасидан бўғиб олаётганим йўқ-ку?! Ички ишларга мурожаат қилганига бало борми? Мени кечиринг, Валижон ака, шунга қоним қайнаяпти! — қўлини пахса қилиб сўзларди муаллим.

— Бизга мурожаат қилганда ҳам майли эди, биродар, ишингиз осонроқ битармиди? У ёғини суриштирманг, — димоқ учида писанда қилди лейтенант.

— Унда кимга мурожаат қилган? — диққати ошди Толибжоннинг.

— Керак бўлса ўзлари айтишади. Буни сўйламоққа ваколат беришмаган, — салмоқли ва илгакли оҳангда жавоб қилди участкавой. — Масалани чуқурлаштиришга ҳожат йўқ. Сиздан олдин мен учиб кетиб ўтирмайин тағин, — сергак тортди милиционер. — Менинг бошимни қотирманг, Толибжон ука. Мен сизни сўроқ қилмоқ учун келганман. Сиз мени

эмас ва суҳбат доирасидан чиқманг. Бўлмаса, устингиздан рапорт ёзиб тепага чиқариб юбораман. Унда кўрасиз кўрадиганингизни, — овози қатъийлашган эди ҳуқуқий ташкилот вакилининг.

Толибжон беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Асабини босмоқ учун хона бўйлаб бир неча қадам юрмоқчи эди.

— Ўтиринг, ука! — буюрди Валижон. — Мен рухсат берсам ўрнингиздан қўзғаласиз, — деди ўқитувчининг тихирлигидан аччиғи чиққан Валижон бўйруқ оҳангида. — Беҳудага асабийлашяпсиз, ҳаяжонланяпсиз! — сўзида давом этди домла қаршисига яна ўтирар экан. — Иккимизнинг баҳслашиб ўтиришимиздан фойда йўқ. Яхшиси, сиз ўша журналгами, китобгами, нима учун ва қандай мақсадда ёзилмоқчи бўлганингиз ҳақида тушунтириш хати ёзинг, — ниҳоят муддаога кўчди у.

— Менимча, бу ерда изоҳ бериб ёзадиган ҳеч нима йўқ! — жавоб қилди Толибжон баттар энсаси қотиб.

— Бўпти. Шуни ёзиб беринг! Нимани лозим топсангиз шуни ёзинг. Мен керакли жойга элтиб топширайин-да, шу машмашадан қутулайин! Тушундингизми? Бекорчиликдан келиб сиз билан ади-бади айтишиб ўтирганим йўқ! — овозини баландлатди Бобоев.

Рус тили ва адабиёти ўқитувчиси ҳақиқатан катта хато ва гуноҳ қилиб қўйгандек дами ичига тушиб кетди. Бўғзига нимадир тикилгандек бўлиб, хўрсинди. Ниҳоят, ўзини қўлига олиб, директор столи устидаги оқ қоғоз тўпига қўлини чўзиб, бир дона олдида тушунтириш хати ёзмоққа киришди.

— Кимнинг ва қайси ташкилотнинг номи-

га ёзайин? — сўради лейтенантнинг кўзига тикилиб.

— “Тушунтириш хати” дея ёзинг-да, давом этаверинг. Манзилни кўрсатиш шарт эмас экан, — қизаринқираб ўргатган бўлди Валижон, кимдандир олган кўрсатмасини диққат билан эҳтиёт бўлиб сўзларкан. — У ёқ-бу ёғини яхшилаб ўйлаб, ёзинг. Сиз вазиятни тушунинг. Ушандай катта душман, империалистик давлатнинг “Америка” деган, бунинг устига рус тилида чиқадиған журналнинг товуқнинг катагидек туманимизга келишини, уни сиздан бошқа одамлар ҳам ўқиши, мактаб ўқувчилари орасида қўлдан-қўлга ўтиб қандай шов-шув бўлишини ўйлаб кўрганмисиз?

Толибжон участкавойни диққат билан тинглаб, бош ирғади-да, индамай ёзишга киришди. “Мен Хонқўриқ қишлоғидаги Бобур номли-22 ўрта мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Толибжон Қаюмов Хонқўриқ алоқа бўлимига “Америка” журнаliga обуна бўлмоқ учун учрашдим. Бу журнални олмоқдан мақсадим ўз билимимни бойитиш ва дунё янгиликларидан хабардор бўлмоқ эди. Бундан бошқа ҳеч қанақа ният ва мақсадим бўлмаган. Имзо”.

Лейтенант Бобоев диққат билан тушунтириш хатини ўқиб чиқди-да, комиссарча сумкасига солиб қўйди.

— Мен бу қоғозни олиб бориб топшираман. Бироқ ёзувда камчилик бўлса яна мени сиз томон бўзчининг моксидек югуртиришади. Бунинг устига начальник бу иш билан келган одамга сой бўйида тушлик тайёрлашни буюрди. Сиз ўқитувчилар эса бирорта болани сотиб ея олмасангиз, — ярми ҳазил, ярми чин ғалати тиржайиб сўзларди Валижон

қўзғалар экан. — Эски галстугингиз билан костюмингизни ейилиб кетгунга қадар кийиб юраверасиз, — ҳамон ўз-ўзича гулдирадди у норози оҳангда.

Толибжон суҳбатдошининг бу гапига нима деб жавоб қайтаришни билмай ҳайкалдек қотиб қолди. Энди лаб-лунжини йиғиштириб нимадир демоқчи бўлганида участкавой яна сўз қотди:

— Ҳа, айтгандек, сизнинг машинангиз бор эди-я? Судга даъват этилган бир одамга чақириқ қоғозини бериб, тилидан тилхат олиб келишим керак, — дея эшик томон юрди Валижон. — Сўнгра мени туман марказига ташлаб қўясиз.

Карахт ўқитувчи оёғини зўрға судраб босиб унга эргашди. Директор Ҳазратқул Бўтабеков эса безовта ва асабий ҳолда коридорнинг у бошидан бу бошига бориб келарди.

— Биз бир ёққа бориб келамиз, — деди милиционер хайрлашмоқ учун директорга қўл узатар экан сирли ва буйруқ оҳангида.

Сиёсатда хато қилмоқ тушига кирса ҳам чўчиб уйғонадиган Бўтабековнинг капалаги учиб кетган эди. Чунки унинг отаси Бўтабек Украинага қулоқ қилинган ва ўша ерларда хору зор ўлиб кетган эди. Қулоқнинг ўғли сифатида у ҳам яқин-яқинларгача маълум рўйхат ва назоратда турар эди. Бир марта оғзидан чиқиб кетган эҳтиётсиз гапи учун эллигинчи йиллар охирида Сибирга жўнатиб юборишларига бир баҳя қолган эди. У кимдандир оддий доктор Ҳабибулла Қодирий ёзувчи Абдулла Қодирийнинг ўғли бўлганлиги учун ўн беш йил ўтириб чиққанлигини ва ўн йил Тошкентда яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги ҳақида эшитди ва эҳтиётсизлик қилиб бир даврада гапириб қўйди. Шундан сўнг уни саккиз ой

хуқуқ-тартибот ташкилотларининг остонасини ялатиб, сарсону саргардон қилдилар.

Кап-катта одам хўрлик ва аламдан бир неча марта елкаси тебраниб хўнграб йиғлади. Ҳарҳолда худо дзержинскийчиларнинг кўнглига раҳм солди. Қўйиб юбордилар. Ушанда у ҳибсхонадан чиққан маҳкумдек хурсанд бўлган, кўз ёши тўкканча туман марказидан Хонқўриққача пиёда қайтган эди.

Коридор бўйлаб асабий равишда юраётган Бўтабеков икки йил бурун шу ўқитувчини ишга олганлиги учун ўзини койир эди. Халқ маорифи бўлимининг мудирига бир оғиз айтса бас эди, нариги Каттатурк ёки Барлос қишлоғидаги мактаблардан бирига ўтказиб юборар эди-я!

— Толибжон қайтиб келадими? — ҳовлиқиб сўради Бўтабеков участкавой ўқитувчи билан бирга кетаётганига изоҳ бермагани учун.

— Келади, қайтиб келади, — жавоб қилди Валижон ўша сирли ва буйруқ оҳангида.

Толибжон отасига уруш ногирони бўлганлиги учун берилган эски “Запорожец”ни ўт олдирди. Дами ичига тушганча терлаб-пишиб Жалойир қишлоғи томон машинани ҳайдаб кетди.

Унинг хаёлида бир фикр айланарди. Толибжон меҳмон келиши муносабати билан туман марказидан оқиб ўтадиган сой бўйида тушлик ҳозирлаб, ош тайёрлаш мажбуриятида қолган биродари Валижон Бобоевга қандай қилиб бўлса-да ёрдам бериш ҳақида ўйларди. Валижон ҳам у бир қарорга келишини кутгандай диққатини бўлмай, индамай борарди.

Улар чақирув қоғозини Жалойирга ташлаб, Шаҳрихон томон бурилишганда терлаётган бўйнини тез-тез артаётган Бобоев тилга кирди:



— Қўшни Қорахитой қишлоғилик Абду-жаббор Халилов деган киши бор-ку, Андижонда анаву ташкилотда ишлайди. Ҳайронман, негадир доимо шу теварак-атрофда юради. Билмайсизми унинг вазифаси нима? — сўради хириллоқ овозда.

— Ҳа, Абдужаббор аками? У киши ўзингиз билган ўша ташкилотнинг шу атрофдаги уч туман бўйича оператив вакили, — жавоб қилди Толибжон.

— Э-э, шундайми? Ҳайтовур кунора шу ерда кўраман-да. Лекин гапнинг хўрозини айтганда ўша ташкилотда ишловчиларнинг кичик бир хизматчисида ҳам райкомнинг калласи борда. Уларни кўришлари билан бизни катталар шайтонлаб қолишади, — гапириб борар эди Валижон.

Узоқ ўйлаган Толибжон, участкавой чақирув қоғозини олиб кириб кетганда, чўнтагидаги эллик сўмдан иккита ўнталикни айириб, кўйлагининг кўкрак чўнтагига солиб қўйди.

Манзилга юз метрлар чамаси қолганда Валижон машинани тўхтатишни сўради. Машина тўхтар-тўхтамас у ажратиб қўйган йигирма сўмни олиб шериги костюмининг чап ён чўнтагига тиқди. Хижолат ва шармандаликдан қизариб-бўзариб тили калимага келмай қолди.

— Қўяверсангиз бўлар эди, — деди Валижон совуққина хайрлашиб машинадан тушаркан гўёки ҳеч нима бўлмагандай кўзини олиб қочиб.

Бу кутилмаган ҳолатдан ҳамон ўзига келолмаётган Толибжон рулни қишлоқ томон буриб, аламини газ педалидан олди.

Йўл-йўлакай бутун дов-дарахтлар, терагу толлар, полизу пахтазорлар уватлар бўйида гуллаб, бурқсиб ҳид тарқаётган ҳулволар — барча-барчаси кап-катта, тарбиячи ўқитувчи-

нинг бировга пора берганлиги устидан кулаётгандек эди.

Ҳафта, ўн кун, бир ойгача юрагини ҳовучлаб яшади. Сўнгра бу воқеани унутгандай бўлди.

Ўша нохуш гапдан сўнг Толибжон беихтиёр эҳтиёткор бўлиб қолди. Машинада юз берган ҳолатни эсласа кўнгли хижил бўлар, ўз-ўзидан нафратланар эди. Валижонни узоқдан кўрса, саккиз қир ошиб нари қочадиган бўлди.

Бир йил ўтар-ўтмас эса ўзи билан Полтава пединститутига бирга ўқиган вилоят ижроия қўмитасида инструктор бўлиб ишлайдиган ўртоғи Шарифжон Азизов телефон қилиб қолди.

— Эртага, эрталаб соат ўнда оближроқўмга, менинг хонамга етиб кел! Гап бор, хурсанд бўласан! Бу ёққа келаётганингни ҳеч ким билмасин! Бирорта баҳонани ўйлаб топ! — амалдорларга хос буйруқ оҳангида гапни қисқа қилди Шарифжон.

Толибжон ногирон отасини вилоят шифохонасига кўрсатиб келишни баҳона қилиб мактаб директоридан бир кунга рухсат сўради. Отасига бўлган воқеани айтиб, қайтиб келгунга қадар кўчага чиқмасликни тайинлади. Дарсларини ўтиб туришни янги келган рус тили ўқитувчиси Муҳайёхондан илтимос қилди.

Курсдоши Шарифжон уни вилоят ижроқўми ташкилий бўлими мудири Маҳмуджон Қорабоев ҳузурига олиб кирди-да, ўзи чиқиб кетди. Мудирнинг қўлида рус тили ўқитувчиси Толибжон Қаюмовнинг анкетаси турар эди.

— Нега армияга бормагансиз? — сўради Қорабоев анкетани ўқишда давом этаркан.

— Отам уруш инвалиди. Оилада ёлғиз ўғилман. Ариза берсам ҳам олишмади, — жавоб қилди Толибжон.

— Ҳим-м, партия аъзоси эмассиз. Яхши. Йўриқномага кўра бу лавозимда ишлайдиган киши партиясиз бўлиши керак, — қоғоздан кўзини узмай димоғида гапирар эди Қорабоев. — Яхши, мана сизга бир папка. Ичида вилоят бўйича маиший хизматнинг аҳволи ҳақидаги барча маълумотлар бор. Яхшилаб ўқиб-ўрганинг-да йигирма бетлик маъруза матнини тайёрланг. Бир ҳафта муҳлат сизга. Маърузани битиргач, тўппа-тўғри менга олиб келинг. Ҳеч кимга кўрсатманг. Тушундингизми? — чертиб-чертиб гапириб кўрсатма берар эди Қорабоев.

— Тушундим!

— Сизга рухсат! Кетишингиз мумкин. Хайр! — деди ўрнидан туриб қўлини узатар экан бўлим мудирини.

Толибжон тисарилганча эшикни ёпиб, Қорабоевнинг хонасидан чиқди. У ҳаётида илк бор бундай катта амалдорнинг кабинетида бўлиши эди.

— Мана сенга эски доклад намунаси, — деди иш столининг тортмасидан бир папкани чиқариб узатар экан Шарифжон. — Отни қамчила. Худо ол қулим деса ҳафтадан сўнг мана шу коридорларни танг қилиб бирга ишлаймиз. Бундай вазифаларга жойлашиш учун дипломатини тўлдириб чопиб юрганлар сон мингта. Сен билан менинг козирной картамиз русчани қийиб қўйишимизу кўзини ўйишимизда. Қайси давлат ёки ҳукумат ташкилотида бўлмасин, бизга эҳтиёж бор, — одатдагидек ўзини ҳамма нарсани биладиган одамдек кўрсатиб гапирарди Шарифжон. — Хўш, тушлик вақти ҳам бўлиб қолибди. Бирга уйғурча лағмон емаганимизга ҳам анча бўлди, — дея столи устидаги қоғозларни йиғиштиришга киришди.

— Мен ҳам тушлик қилайлик демоқчи эдим,  
— дўстининг сўзини қувватлади Толибжон.

Шарифжон бўлимда бирга ишлайдиган Қўшмурод исмли ўн гапирсангиз бир жавоб берадиган ҳамкасбини ҳам тушликка даъват этди. Қулоғига пичирлаб, Толибжонни унга таништирди. Бир неча кундан сўнг ҳар куни бирга тушлик қилажакларидан башорат этди.

Шаҳар боғи четидаги кўримсиз бир ошхонада эллигинчи йилларда Шарқий Туркистондан келиб қолган уйғур қардошлар чин ва уйғур емакларини тайёрлардилар. Бош ошчи Одил бешпанжа (у илк бор шаҳарда қовурғаси суғурилган этга ишлов бериб, беш дона беҳи шохига тизиб, ўрик ўтинида бешпанжа кабоб тайёрлашни йўлга қўйгани учун шу лақабни олганди) ошхонанинг кунда-шундаси Шарифжон бошлиқ оближроқўмчиларни илиқ қарши олди. Катта-кичик раҳбарлар учун аталган чоғроққина хонага бошлади. Хонадан лози ва узум сиркасининг қоришиқ, ёқимли ҳиди анқирди. Бешпанжа “тозасидан олиб келайми” дегандек ишора қилди. Танглайи тақиллаб турса-да, Шарифжон бош ирғаб рад этди. Бош лағмонхўр Толибжонни мезбонга таништирган бўлди. Сутга чайиб олгандек оппоқ рус қизи рисоладагидек дамланган кўк ва қора чой келтирди.

— Бу қиз жониворнинг оқлигини қара-я, халатининг ичидан ичак-чавағи кўриниб турибди-я, — деди Шарифжон официантка чиқар-чиқмас унга термулиб боқаркан. — Янгига ўхшайди.

— Сибирда шундайлари бўлади. Ўша тарафлардан келган бўлса керак, — қўшиб қўйди Шарифжоннинг ичимдан топ шериги Қўшмурод.

Меҳмонлар бир пиёла чой ичар-ичмас, қайласи, хаамири ва суви алоҳида идишларда лағмон келтирилди. Хаамир сувининг ёнидаги ликопчада сузма, тўғралган аччиқ қалампир ва шувит бор эди.

— Бир нарса етмай турибди-да. Кечқурун бўлганда бошқа гап эди, — деди Шарифжон кафтларини бир-бирига ишқаб ҳафсала билан чўзма лағмонни санчқига ўраб сардакка ботирар экан. — Бу каби овқатлар бизга Шарқий Туркистон орқали келган. Хитойчада хаамирни ман дейишади. Лағмон, манпар, манти... Ўша машҳур Чин девори ҳам бизнинг ота-боболаримизга қарши қурилган. Улар ўзларини чайна деб атайдилар. Хитой десангиз хафа бўлишади, — ҳангама берарди Шарифжон.

Толибжон тушлик пулини тўлаб, шерикларига етиб олди. Оближроқўм биноти ёнида улар билан хайрлашиб, йўлга чиқди. Беш кун сўнгра эса русча маърузани ёзиб бўлиб, Қорабоевнинг қабулхонасида турарди.

Бўлим мудури матннинг дастлабки тўрт варағини диққат билан ўқиди. Қолган сарҳифаларга шунчаки кўз югуртирди.

— Яхши-и! Маъқул, ука. Шарифжоннинг хонасида ўтира туринг. Ўзим чақираман, — деди Қорабоев баҳайбат телефонлардан бирининг дастагига қўл узатар экан.

Шу кунийёқ Толибжон уч нафар оближроқўм раис муовини, кечаси соат тўққизларда эса раиснинг суҳбатидан ўтди. Эртаси кун унинг вилоят ижроия қўмитаси ташкилий ишлар бўлими инструктори лавозимига ишга қабул этилганлиги ҳақида буйруқ чиқди.

Қишлоқ мактабининг оддий ўқитувчиси Толибжон Қаюмов кўз очиб-юмгунча вилоят ҳукумати бинотининг бешинчи қаватида ўзига

ажратилган алоҳида хонада ўтирар, хонанинг ўнг бурчагидаги тумба устига қўйилган чиройли графин сувга тўлдирилган, бўлим қизлари уч дона атиргул гунчасини гулдонга солиб, янги ҳамкасбларини табриклаган эдилар. Воқеалар кино тасмасидаги каби тез ва кутилмаганда содир бўлганидан эсанкираган Толибжон ҳамон ўзига келмаган эди. Иш курсисига оғир чўкканча ўйга толиб ўтирарди.

Янги ходим ташкилий бўлимда саккиз ой ишлади. Сўнги ёзган маърузаси раисга маъқул бўлди-ю, ўша куни уни ҳузурига чақирди. Оближроқўм раиси, қораширғайдан келган, истараси иссиқ Жўрақул Ҳусанов тажрибали, кўпни кўрган, катта-кичик бирдек ҳурмат қиладиган обрўли одам эди.

Толибжон раис хонасига кирганида у оближроқўм масъул котиби Жалололиддин Каттабеков билан суҳбатлашиб ўтирганди. Раис Толибжонни ўрнидан туриб, бир неча қадам юриб келиб қарши олди ва қўлини алоҳида меҳр билан қисди.

— Тилингиз яхши экан, укам Толибжон. Келажак сиз каби ёшларники. Биз маслаҳатлашиб сизни ёнимизга олмоқчимиз, — салмоқли оҳангда гапирар эди раис. — Бугундан эътиборан сиз катта референт вазифасига тайинланасиз ва менинг иккинчи ёрдамчим бўлиб ишлайсиз. Ҳуқуқий ташкилотлар, савдо ва маиший хизмат фаолиятини назорат қилиб борасиз. Бизга шу ташкилотлар билан алоқаси бўлмаган, сиз каби бир тоза ходим керак. Нима дейсиз? — дея Толибжонга синчковлик билан тикилди Ҳусанов.

— Сиз нима десангиз шу. Ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан, — дея жавоб қайтарди Толибжон ҳаяжонини босиб.

— Ҳарҳолда Шаҳрихондан ёмон одамлар чиқмайди-а? — дея ижроқўм масъул котибига қараб кулди раис Каттабековнинг ҳам ўша тарафданлигига шаъма қилиб.

Каттабеков ҳам қизаринқираб мийиғида кулди.

— Шуни унутмангки, укам, — дея сўзида давом этди Ҳусанов... — Элимизда бир отасўзи бор. Ёри ва диёри гўзал инсоннинг душмани кўп бўлади. Бунинг устига раҳбарлик лавозимида ишласангиз, устига-устак ақлли, қобилиятли ва хушбичим бўлсангиз, камдан-кам одамлар сизни севиб-ардоқлайдилар. Бундай шароитда бир душманингиз ўн бўлиб, ана шу оломон ҳамда нохайрихоҳларнинг кутилгану кутилмаган зарбаларига дош бериб яшамоғингиз керак бўлади. Акс ҳолда истеъдодсиз ва ўртамиёна одамлар бирлашиб аввал сизни ўзлари даражаларига туширадилар. Сўнгра эса батамом ўйиндан чиқариб ташламоққа киришадилар, — дея чуқур нафас олди Ҳусанов. — Сизга муваффақият тилайман! — деди яна ўрнидан туриб келиб Толибжоннинг қўлини қисар экан.

Янги ёрдамчи раис хонасидан қора терга тушиб чиқди.

Эртасига эса бир қават юқорига, раис қабул-хонасининг чап биқинига кўчиб ўтди. Энди вилоятнинг бутун катта-кичик раҳбарлари унинг исми-фамилиясини ўқиб, раиснинг қабулхонасига кирар эдилар.

Бу пайтга келиб эски “Запорожец” ҳам олтинчи “Жигули”га айланган, Қажумжон аканинг райижроқўмдаги навбати келган эди. Толибжон янги машинада ҳавас билан тумандан вилоят марказига ишга қатнарди.

Одатда у ишга эрта келиб, кеч қайтарди. Бир

кечаси қайтаётганда туман ҳудудидаги ДАНга етар-етмас машинанинг бензини тугаб қолди. Боши қотиб нима қиларини билмай, аланглаб турганда қаршисидан келаётган «УАЗИК» таққа тўхтади. Ундан райижроқўмнинг масъул котиби, оғзини тўлдириб гапирадиган одамшаванда ва серилтифот Саид Файзуллаев тушиб келди.

Улар ҳол-аҳвол сўрашиб улгурмаган ҳам эдилар. ДАНнинг ола-була навбатчи машинаси физиллаганча Файзуллаевнинг хизмат машинаси орқасидан етиб келиб тўхтади. Толибжон не кўз билан кўрсинки, машина кабинасидан ўша эски таниши, участкавой Валижон Бобоев чиқиб келар эди.

Валижон Саид Файзуллаев билан ҳам, Толибжон билан ҳам этана бўлиб кўришди. Хизматлар борми дегандек, райижроқўм котибининг қош-қовоғига қараб турарди.

— Э-э, домла, кўринмай кетдилар? — дея Толибжонга юзланди лейтенант. — Оқтулпор муборак бўлсин!

— Раҳмат! Раҳмат! — тутилиб жавоб қилди Толибжон.

— Сал у ёқ-бу ёққа қараб гапир! — милиционернинг сўзини бўлди Файзуллаев. — Толибжон Қаюмовичнинг қаерда ишлаётганларини биласанми?

— Йўқ, йўқ! Билмадим Саид Файзуллаевич! Биз эскидан таниш, қадрдонмиз, — хижолатдан қизариб-бўзариб гулдиради Валижон.

— Толибжон Қаюмович ҳозир оближроқўмимизнинг раиси Жўрақул Хусановичнинг ёрдамчилари. Сенинг барча катталаринг бу одамга честь беришади! — деди ифтихор оҳангида бир оз муболага қилиб Файзуллаев.

Толибжон ҳам бу кутилмаган учрашувдан



шошиб қолган, юзи қизарганча тилига калима келмай каловланиб турарди.

— Яхшиси, тезгина бориб, райижроқўм ҳисобидан, ҳотамтойлигинг тутса ўз ҳисобингдан ўттиз литр бензин олиб кел! — йўл инспекторини ишга буюрди Файзуллаев.

— Кераги йўқ, Саид ака! Акамизни овора қилиб, ўзим бир амаллар эдим, — деди хижолат бўлиб Толибжон.

— Қўяверинг, яхши йигит. Ўсаман деса сиз каби беғубор одамларга хизмат қилиши керак. Илгари у сизларнинг қишлоғингиз тарафда участкавой эди. Икки ой бурун ДАНга ишга ўтди, — қўшиб қўйди Файзуллаев.

— Ҳа, яхши танийман, — дея жавоб қилган бўлди Толибжон ҳамон ўша қарахт ҳолатда.

Кун кеч бўлиб, қоронғи тушиб қолганлиги учун Саид Файзуллаев Толибжоннинг қизариб-бўзарганлигини сезмади.

Валижон физиллаганча бориб бензин олиб келди. Қаердандир воронка топиб уни бакка қуйди.

— Рухсат беринг, Саид Файзуллаевич, Толибжон акамизни уйларига кузатиб қўйсам, — деди Валижон честь бериб, котиб билан хайрлашаркан.

— Яхши, яхши, — деди кулиб Файзуллаев. — Шундай, қил. Эскорт билан кузатиб қўй!

Валижон машинасининг тепасидаги чироғини ёқиб, Толибжоннинг олдига тушди. Толибжон ғалати бир кайфиятда боши ғовлаганча унга эргашиб борар, юрагининг безовта уриши ўчиб-ёнаётган чироққа ҳамоҳанг эди.

Улар йигирма дақиқаларда манзилга етиб келишди. Толибжон эски танишини чойга таклиф этди.

— Қуллуқ, Толибжон ака! Бошқа пайт табриклаш учун алоҳида келаман! Қутлуғ уйга қуруқ келдик, узр! Сиз каби туманимиздан чиққан кадрлар билан фахрланамиз! Хизматлар бўлса тортинмай буюраверинг, акажон!

Валижон шундай дея қучоқ очиб Толибжон билан хайрлашди-да, бурилиб машинаси томон юрди. Худди шу дақиқада дарвоза очилиб, отаси Қаюмжон ака чиқди.

— Келдингми, болам? Меҳмон бўлса уйга олиб кир. Овқат тайёр, — деди оҳиста юриб келаркан.

Ғира-ширада ҳамроҳини йўлчи этган Толибжон машинани дарвозахонага олиб кирмоқ учун калитни ахтариб, чўнтагига қўл суқди. Чап ён киссасида қўлига пул илинди. Олиб кўрса иккита йигирма бешталик... Унда бунча пул йўқ эди...

Демак, Валижон... Тавба! Қачон ва қандай солди экан?..

У машинани дарвозахонага киритган, отасининг сўзлари ҳам қулоғига кирмас, бўсаға четидаги эгилиб қолган қари беҳига тикилганча қўли рулга ёпишиб қолгандек қарахт бир ҳолда ўтирарди...

*Адабий-бадиий нашр*

**Нурали ҚОБУЛ**

**СУИҚАСДАН СЎНГГИ СУКУТ**

**ёхуд ЧИНГИЗХОНДАН**

**ЧЕРЧИЛЛГАЧА**

*Роман-памфлет*

***Иккинчи китоб***

Муҳаррир: *Н.Ахмедова*  
Дизайнер: *Р.Ташматов*  
Мусахҳиҳ: *А.Ўзиматов*  
Саҳифаловчи: *Г.Курбанбаева*

Нашриёт лицензияси: АІ №239 04.07.2013 йил.

Босишга 11.01.2019 йилда берилди.

Қоғоз бичими 84x108 1/32 “Virtec Times UZ” гарнитурасида офсет усулда босилди. Нашр босма табоғи 10,0  
Адади 4000 Буюртма №2

«ADABIYOT UCHQUNLARI» нашриётида  
нашрга тайёрланди.

Нашриёт манзили: Тошкент шаҳри, Ўқчи кўчаси, 109-уй.

«Dizayn-Print» МЧЖ УИЧК босмахонасида чоп этилди.  
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.